

Азамат ҚОРЖОВОВ



БОЗОР
ОШХОНДИДАГИ
КИЗ

Азамат ҚОРЖОВОВ

**БОЗОР
ОШХОНАСИДАГИ
ҚИЗ**

Kucca

**Тошкент
«IJOD-PRESS»
2018**



УДК: 821.512.133-31
КБК: 84(5У)6
К 59

- Ўзбек арабиё тарзида

Тақризчилар:
Э. ВАЛИ – ёзувчи, доцент
Б. АВЕЗОВ – Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Қоржовов, Азамат
Бозор ошхонасидаги қиз : қисса / А.Қоржовов – Т.: IJOD-PRESS, 2018. – 224 б.

ISBN 978-9943-994-92-8

Үйдаги оғир биқиқ турмуш тарзида улғайған оддий қишлоқ йигитининг олис чўлдаги шаҳарга отланиши ҳаётидаги тубдан бурилиш ясади. У ўз ҳаққи-ҳуқуқи учун талашиб-тортишмаган, қишлоғидан чиқмаган ва ҳеч бир қизни севмаган бўз йигит эди. Файзсиз Ироқли шаҳрида оташин мұхаббат, йигитлик ғурури йўлидаги олишувлар, хаёлининг кўчасига ҳам келмаган дараражадаги катта бойлик кутиб туради. Бир жиҳатдан буларнинг ҳаммаси шаҳар бозоридаги ошхонада ишлайдиган сирли қизга боғлиқдек эди...

УДК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-994-92-8

2018/63	Alisher Navoiy nomidagi O'sbekiston MK
A 5493	

10 44632
291

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018

Ёз бўйи қилган меҳнатимиз бир машина картошка бўлди. Отамнинг қовоғи солиқлигини шунга йўйдим. Бироқ ҳали мени олдинда нималар кутиб турганини билмасдим, кимга қарамай, гўё афт-ангорига ҳосилнинг нуқси уриб қолгандек, дунёда ҳосилсизликдан бошқа ташвиш йўқдек эди. Бошимиз узра айланадиган қарғалар бизни мадҳ этиб қагиллашлари ортиқча денг.

Негадир отам «ЗИЛ»нинг кабинасига, Маҳмуд аканинг ёнига ўтирамди. Укаларимни ҳайдовчининг ёнига қатор тизди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди ва инқиллаб-синқиллаб юқорига, картошка қоплари устига чиқиб олди. Бирор уч машина, бирор беш машина бўлади деган картошка, мана битта. Уям жуда ошиб-тошган эмас. Ҳатто, чайламизнинг устунлари-ю, ашқол-дашқолларигача жой топилди.

Машина сувсиз ариқдан ўтаётуб, мотори ванғиллаганча кучанди, ҳавога тутун кўтарилилди. Канал ёқалаб кетган йўлга чиққанимизда мотор овозини-ю, қарғаларни, оғир юқдан рессорларнинг фижирлашини-ю ер ҳайдаётган тракторларнинг ўкиришини – барчасини унуддим. Ҳаёлларим чарх уриб мени олис-олисларга олиб кетди. Назаримда, аллақаерда мени бир гўзал оила қутаётгандек эди. Одам ўз оиласини яхши кўрган ҳолда яна аллақанақа нотаниш кишиларни ҳам ўйлар экан-да.

Ҳаёлот оламимдаги оиласда доимо фаровонлик ҳукм сурарди. Касаллик нима, билмасдилар. Дунё улар учун яратилганди ва нима хоҳласалар, шунга эришардилар. Мен учун энг қизиги, бу оиласда бир

Азамат ҚОРЖОВОВ

қиз бор эди. У меники, мен эса уникиман. Улар мени неча йиллардан бүён кутмоқдалар, лекин боролмаяпман. Юк машинаси устида ётибман, чайқалмоқдамиз. Машина эмас, дунё чайқаляпти. Отамга йўл четида турган кимдир салом берди-да:

— Нуримбек ака, хирмонга барака! — деб қичқирди.

Отам жавобан бош қимирлатди ва фақат менга эшитиладиган тарзда сўкинди. Зимдан қараб қўйдим. Баҳорда неча қоп уруғлик қарз олганди-я. Кейин бирдан картошка қиммат бўлиб кетди. Отам ютиб чиққанини ҳамма гапирди. Негаки даштда қизил картошка роса ҳосил бериши, отам қарзидан қутулиб, бунинг устига машина ҳам сотиб олиши оддий натижадек кўринарди. Албатта, биз ҳам чиппа-чин ишондик, қачонки қўнғизлар еб битиргунча...

Ота бўлиш ҳам қийин, деб ўйладим. Ҳеч қаерда ишламасдан кунимиз ўтади. Қишлоқда отаси ишлайдиганлардан ишламайдиганлар кўп. Лекин онам касал, мен эса ҳали пул топадиган даражага етганим йўқ. Яқинда дўхтирлар айтган: онамни операция қилишлари керак, акс ҳолда...

Буларнинг барига отам жавобгар эмасми? Нега кўпчилик шундай? Бир кун келиб рўзгори кенгаяди. Ялло қилиб юрган эркак тўсатдан на болаларини боқоладиган, на хотинини даволатадиган бояқишига айланади-қолади.

Синфдош дўстим хаёлимга келди. У уйланган. Отам мўл ҳосил олганида, эҳтимол, мени ҳам уйлантирасиди? Шунақаси бўлиши мумкин-ку.

Турмуш ташвишини ўйлаётib нима учундир ширин энтикиб қўйдим. Юракни эзаётган ғам-андуҳлар ўрнини ўз-ўзидан қувонч эгаллар, ҳамма-ҳаммасидан мамнун эдим.

— Зафар, — деди отам қўшни қишлоққа етганимизда, — сен бола машинадан туш-да, Мирзаматникига

бор. Энағар барибир уйида бўлмайди. Тайинлаб қўй, эртага эрталаб уйида бўп турсин, отамнинг иши бор экан де.

Бош силкиб розилик бердим. Отам ҳуштак чалган эди, Маҳмуд aka машинани тўхтатди.

Мирзамат деганлари бизга картошка қарз бериб турган давангирдай кимса эди. Доим қовоғи солик. Тўрт-беш йил аввал наша билан ушланиб, анча муддатга кесилиб кетганди, аммо нима бўлди-ю кўп ўтмай қайтиб келди. Тонна-тонна картошка сотиб олди. Ўзи экди, қарзга берди, ишқилиб катта деҳқонга айланди. Отам қандай қилиб ундан картошка олди, ҳайрон эдим. Бурун ҳеч борди-келди қилмаган. Бирон жойда бирга ўтирган деёлмайман. Мирзамат ул-фатчиликдан узоқ юрадиган сирли шахс...

Отам айтганидек, у уйида йўқ экан. Хотинига тайинлагандим, қошлари чимирилди.

— Нурим аканинг нима иши бор хўжайинда? — деб сўради.

— Билмасам.
— Процентга пул олмаганми мабодо?
— Бундан хабарим йўқ, лекин картошка олганини биламан.

— Берадиган нарсаси бўлса, менга ташлаб кетсалар бўлади. Мирзамат акангизни унча-мунчага тополмайди. Қачон қараса шаҳардаги бузуқхоналарда. Бир кун келиб ўша ёқда ўйнашлари бўғизлаб ташлайди... бўғизлаб ташласаям розиман. Ҳе ўлсин.

Ховлидаги яп-янги «Нексия», сал нарида хуш-хандон ўйнаб ўтирган болалар, тошдан қурилган ҳамому болохонали уй — биронтаси ҳавас уйғотмади.

Уйга қайтарканман, «ҳаётнинг ўзи шунаقا» дедим ўзимга, пули борнинг ҳам, йўқнинг ҳам ташвиши бир хил — баҳтли яшаш. Лекин бир кам дунё.

Етиб келганимда, картошка туширилган, Маҳмуд aka, дадам ва укаларим овқатланишга ўтирган, онам

Азамат ҚОРЖОВОВ

эса айвонда бир мўлтони билан гаплашаётган эди. Мўлтонини кўрган заҳотим қовоқ-тумшугим осилиб индамай ўтиб кетмоқчи эдим, онам чақирди.

— Ке, ўғлим, сенгаям бир фол очиб қўйсин.

Айвонда серрайиб туравердим.

— Ўтири, бачам, — деди қаримсиқ мўлтони рўпарасидаги пўстакка ишора қилиб. — Бахт қуши бошингда шундоққина айланиб учяпти, кел, қўлингни бер.

— Эна, бу нима гап? — дея онамни тергадим. — Дўхтирлар ташқарига чиқмасин деган. Ёз бўлса экан. Ҳозир ҳамма жой зах. Айвон ҳам.

Онам мўлтонига синиқ жилмайди. Мўлтонининг жаҳли чиқди шекилли, кўзларини олайтириди.

— Она улуғ зот, кўнглига озор берма, — деди у. — Дўхтирлар худо эмас. Уларнинг ҳамма гаплари чинлигига ким кафолат беради? Ташқарига чиқиб ўтиришнинг нимаси айб? Мени ўн марта ўлдига чиқаришган, моргдан ҳам қайтиб келган пайтларим бўлган.

— Фолга ишонмайман, — чўрт кесдим дангалига. Қани, жўнанг!

— Зафаржон, бу нима деганинг? — зорланди онам.

— Сиз, эна, нега ҳалигача тушунмайсиз-а? Мусулмончиликда фолга ишониш гуноҳ ҳисобланади, қасални ҳам оғирлаштиради.

— Э, товба де, — мўлтони қўлини силтади, — сен қаёқдан биласан? Балки ҳаммаси бошқачадир. Фолга ишонмайман дейсан, ўтири, нима сўрасанг айтиб бераман, ёлғон чиқса кейин гапир.

Онамнинг кайфияти бузилганини кўриб, ноилож пўстакка чўкдим. Мўлтони кафтимни очишимни сўради, аммо кутганимдек қўлимни ушламади ҳам, кафт чизиқларига синчиклаб қарамади ҳам. Кўз қирини ташлаб олгач, шундай деди:

— Бошингда айланиб юрган баҳт қуши сафарга чиққанингда қўнади. Мартабаси улуғ, катта бойга айланасан. Кўзимга бир ҳурлиқ қиз ҳам кўриняпти.

Баҳт қуши ўшанинг ўзгинаси. Икковинг севишасан, лекин атрофларингда ёмонлар бўлади. Ёмонлар етаклаган йўлга юрмаслигинг керак. Учта боланинг отасига айланасан. Тўғри йўлдан кетаверсанг, келажакда бир мартаям қоқилмайсан.

— Эгри йўлдан юрадиганлардан эмасман. Феълимни билмай гапиряпсиз. Кейин мен сафарга чиқмайман. Армияга олишмайди, ўқишга боролмайман, Россияга кетишимга энам йўл қўймайди. Катта бойга айланишимга келсак, яхши бўларди-ю лекин қайси пулга? Сиз, мана, фол очиб пул ишлаб юрибсиз. Бизга эса шўрданакнинг пўчоғиям йўқ.

— Эй бачам, ёшлигингга бориб мендай қари момонгга бир дунё гап айтиб ташладинг. Қандай ишонтирасан?

— Бу бор ҳақиқат! Кўриб турибсиз-ку.

— Наҳотки бой бўлиб кетишингга ишонмасанг? Ахир бойлик шундоқ оёғинг остида «Зафаржон, мени ол» деб ётиби-ку. Менга кўринаётган нарса шу, сен эса кўриб турибсиз-ку, дейсан. Агар дунё ана шу кўзларинг билан кўрганингдек бўлганида эди, мен бу ерда ўтирумасдим.

Онамни йўтал тутди. Уйга суяб киргиза бошладим. Мўлтони кетишига чоғланиб, пул-мул илинжида қаради.

— Бир нима бериб юбор, — деди онам йўтали бирлаҳза тўхтаганида.

Шунаقا пайтда кўнглингга садақа сиғармиди. Токчадаги чой қутисини укамга узатиб, мўлтонига беришни буюрдим. Отам жойидан турди-ю қайтиб ўтириди. Маҳмуд aka бошини эгди.

Биз онамизни ўрнига ётқиздик. Дорисини ичириб, ёстиғи ёнига эски тогора ҳам қўйдик. Отам чақирди.

— Ётдими? — деб сўради. — Ким ташқарига чиқ деди унга? Жин олсин ўша мўлтонини. Касалининг давосини фол очиб топиб берармиш.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Отам Маҳмуд акага ўгирилди.

— Товламачилар ҳозир ҳам бор, аввал ҳам бор эди, бундан кейин ҳам бўлади. Биз нима қайгудаю мўлтони нима дардда. Ўликдан ҳам тўрт-беш сўм йифсам дейди. Ма, — шундай дея отам менга пул узатди.

— Худойберди сўпиникидан спирт опке.

«Ўлик» деган сўз асаб торларимни баттар тараанг-лаштириди. Нигоҳимда ғазаб ўтини пайқаган отам бирдан илжайди.

— Айтгандай Мирзамат уйдамикан?

— Йўқ.

— Тайинладингми уйига?

— Ҳа.

— Бўпти. Бор.

Маҳмуд ака «қўйинг, спирт нима керак» деганди, отам шундай уҳ тортиб, бош чайқадики, онамнинг касаллиги ва оиласиз ночорлигидан эзилиб, адои тамом бўлаёзгани яққол сезилиб қолди.

Мўлтони ҳеч қаерда кўринмасди. Беихтиёр ахтарганим фашимни келтирди. Йўл-йўлакай унутишга ҳаракат қилдим. Бироқ кўз олдимдан ҳеч нари кетмас, менга айтмоқчи бўлган яна муҳим гапи қолгандек эди.

— Мехмон келдими? — сўради Худойберди аканинг ўғли.

— Картошкани йиғишириб келгандик, шунга...

— Қанча чиқди?

— Борсангиз кўрасиз, ака.

Худойберди ака намозхон одам, ўғли унинг акси: ичади, чекади. Отасининг қаршилигига-да қарамасдан неча йилдирки спирт, вино, конъяк сотади, шуларнинг орқасидан кун кечиради. Ишлашга бўйни ёр берармиди. Аслида фирт танбал кимса. Уч-тўрт йил муқаддам аллақаерлардан балиқ олиб келиб сотарди. Таниш орттириди чоғи, тўсатдан спиртга ўтиб кетди. Шу танбаллиги билан кўп нарсани кўриб қўйганлиги мени ҳайрон қолдиарди. Кайфиятим йўқлиги-

Бозор ошхонасидағи қиз

ни сезди, энди маслаҳатомуз фалсафасини түқийди.
Бошлади:

— Жон күйдириб ишласанг ютасану, барибир бирон кун нимадандир ютқазасан, ўшанда шунақа асабийлашасанки, тамом бўлишинг ҳеч гапмас. Менга қара, дунё ўткинчи. Нима қиласанлар итдай ишлаб? Кўрмаяпсанларми, одамлар пул қилишнинг қулай, самарали, тезроқ йўлларидан юришяпти! Деҳқонни айбламоқчи эмасман, ишласин... Лекин Нурим акага кўп пул керак, тез керак. Энанг касал. Нима, касаллик кутиб ўтирадими?

Кўзларида совуқ шуъла йилт этди, «худо сақласин», дедим ичимда. Шарт бурилиб кетмоқчи эдим, у йўлимда туриб олиб, бидиллашда давом этди:

— Хоҳласанглар бир иш қиласиз, мени отанг ёмон кўради, шунинг учун ўзингга тушунтириб қўяверай. Биласанми, Мирзамат ака яхши одаммас. Ўйлайсанки, картошкасини қишлоқчиликдан қиёлмай берди деб. Мана! — Худойберди сўпининг ўғли бошмалдоғини бошқа бармоқлари орасидан чиқариб кўрсатди. — У отангга бежиз яхшилик қилмайди...

— Қарзимизни тўлаймиз, — деб кўчага юрдим, спиртфуруш ортимдан хитоб қилди:

— Отанг лапашанг, қўрқоқ одам-да! Ахир, Ироқли томонларда жўралари кўп. Армиядош дўсти ҳокими, милиция бошлиғими бўп ишлайди, дейишади.

— Раҳмат, ака, билмас, эканман, — дедим пичинг қилиб.

— Мен билан борсанглар...

— Бормаймиз, — дея ариқдан сакраб ўтгандимки, кўча бошида опам кўринди, негадир яқин қолганда таниди.

— Зафар, сенми! — деди жилмайишга уриниб. (Хозиргина ёногини артиб қўйганини кўрдим). — Энам, отам яхшимилар? Картошкани йигиштириб бўлдиларингми? Нима бу? Спиртми?

Азамат ҚОРЖОВОВ

Опам енгил уҳ тортгач, эшитиларли қилиб пичирлади:

- Спирт ҳам қурсин...
- Ҳафа кўриняпсиз?
- Йўқ, мазам бўлмаяпти бир оз... Энам яхшимилар?

— Яхши, — дедим ерга қараб. — Шу ерда бир очиқ гаплашиб олайлик. Ҳозир уйга кирасизу нуқул йифлайсиз.

— Нима, отам операция қилдирмоқчимасми? — жавдиради опам. — Кartoшкани сотинглар ахир.

— Шошмасангиз-чи. Мен сиз ҳақингизда гапирмоқчиман. Опа, келин бўлиб тушганингизга ярим йил ҳам тўлмади, лекин беш йил эри билан адидалий айтишганлардек яшаяпсиз. Ҳабарим бор, поччам бир кун ичиб келиб жанжал қилса, бошқа кун қайнонангиз қонингизни сўради. Улар индамаган куни қайнисингиллар. Мен энди ёш бола эмасман, кўп нарсани тушунаман. Агар турмушингиз шундай давом этаверса, чидамайман. Бошида шунга келишганмизми? Йўқ! Меҳтар чечалар совчиликда нималар дегани, қайнонангиз қандай очилиб-сочилиб гапиргани ҳаммаси эсимда. Ҳудди алдаб-сулдаб тузофига тушириб олган ялмоғизга ўхшайди. Бошида яхши гапирдими, охиригача ўзгармасин. Барча ишларини қилсангиз, ёмон гапирмасангиз...

— Қўй, Зафар, ҳаммаям шунаقا. Рўзгор бор жойда уриш-жанжал ҳам бор-да.

— Ҳозир ҳам йиғлаб келяпсиз, ҳойнаҳой, поччам ургандир. «Энангни» деб сўкдими? Энам кўп яшамайди, опа...

— Ўйлаб гапир, Зафар!

— Энамга бир нима бўлса, ўшаларни сўјман. Яхшиликча бас қилсин, сўкинишлариниям, уриш-жанжалниям!

— Мастмисан дейман, Зафар? Ҳозир ҳаммаси менга хушомад қилиб юрибди. Ишонмайсан-а? Мен ҳам

бир бопладим. Тунов куни қайнинглим сандигимни очиб, чинниларни олган экан. «Нега сўрамай нарсамга тегади?» деб қаттиқ-қаттиқ гапирдим. Муштайдайдан тошдайигача ёқамга ёпишмоқчи эди, судга бораман, дедим. Қонунни билган аёллар судга борармиш-ку, шу эсимга тушиб кетди-да. Вой тавба, қўрқар экан! «Қанақа суд?» – деди қайнонам. «Энам берган идиш-товоқлар шахсий нарсаларим», – деб уларни қўрқитишга тушдим, бироннинг тортиб олишига ҳаққи йўқ. Тўй бўлаётган қизга ўз ота-онаси идиш-товоқ бериши керак.

– Тўхтанг, опа. Қайнинглингиз узатиляптими?

– Ҳа, «совхоз»лик йигит билан севишибди, қуёнчиқ, ҳали совчи келганми-йўқми, «тўққиз»имга у етишмаяпти, бу етишмаяпти деб ўзини ҳар томонга уриб ётибди. Учоқнинг бошида эдим, уйга кириб, сандигимни очибди.

– Зигирчаям ҳурматингиз йўқ, опа. Бўлди, гапирманг. Ҳозир портлаб кетаман.

Уйга яқинлашиб қолдик. Опамнинг кўзида ғалаба нашидаси чақнай бошлаганди.

– Суд деганимдан сўнг қўрқиб қолди, Зафар. Қайнонам ҳадеб «судга берсанг ажрашиб кетасан-ку, қўй, суд-пуд дема», деб яхши-яхши гапириб ўлди.

Опам беўхшов кулди. Одатда, мажбуран кулганлар шунаقا ҳолатга тушади. Ичимда яна бир тор чирт узилган эди. «Эҳ, бечора опам-а, шунга хурсанд бўлайпсизми? – дегим келди. – Барибир хафа қилишибди, ҳозиргина кўз ёшларингизни артдингиз, ўша кўз ёшлар энамга ачинганингиздан эмасди. Ё мен адашяпманми?»

Отам дарров кичик укамларни сувга юборди. Баклашкадаги спиртга тенг миқдорда сув қўшгач, яхшилаб аралаштириди. Маҳмуд aka яна эътиroz билдириди, аммо отам қўярда-қўймай пиёласига спирт қуиди.

– Қани, олдик.

Маҳмуд ака ичмади. Отам эса ўткирлиги чангни босишини, чарchoқни чиқаришини айтиб устма-уст кўтарди. Юз-кўзи қизариб қолгач, менга пиёз кавшаганча қаради.

— Зафар, бояги опанг эдими ё кўзимга кўринди-ми? Чақир, сўрашайлик, ўз отасигаям салом бермай ўтиб кетадими?

— Саломлашдингиз, — кулимсиради Маҳмуд ака.

— Йўғ-э, мен саломлашдимми? Эслолмаяпман. Бошқатдан саломлашаман... Қизим, ҳўв-в қизим, бу ёққа қара.

Ичкаридан опамнинг заиф товуши эши билди:

— Ҳозир.

— Кел, қудаларни, куёвни сўраб қўяй бир. — Кейин Маҳмуд акага деди: — Қизим туғилганда роса ичганиз, ўн яшикча, қаранг, энди куёвимиз ўзимизга ўхшаган. Теппа-тeng ичади, думалаб қолмайди. «Қайнотали куёв — бир-бирига сүёв» деб шуни айтсалар керак. Э, Маҳмуджон, картошкам расво бўлди.

Отам тўсатдан картошкани гапириб юбориши сухбатнинг белига тепди. Ноҳушлик шамоли эсиб ўтди.

— Менга жавоб, — фотиҳага қўл очди Маҳмуд ака.

Отам ҳам омин қилди. Иккови чиқиб кетишди. Биз дастурхондаги қолган-қутган егуликларни ея бошладик. Не важдандир шу одат бор: меҳмондан қолган дастурхон кўзимизга ноз-неъматга тўла кўринади.

Отам қайтгач, онам қайта ҳол сўрашди. Хийла вақт ўтиб уйга кирдиму отамнинг гапидан ғалати бўлиб кетдим.

— Шундай де, қизим, — деди отам, — картошкани сотишимизни кутяптими? Аниқроғи, дарагини эшигандан тулкиликни бошлабди-да. Майли, зўримиз бор-зоримиз йўқ. Лекин ўша «стенка» деган бало ҳам беш юз-олти юз минг сўм туради. Нега олти ойдан сўнг «стенка» сўраб қолди у ҳайвонлар?

Опам менга хавотирланиб қараб қўйди-да:

— Билмасам, — деди. — Аввалдан айтиб юрарди. Энди жуда тезлаштириб қолишиди. Ҳамма ота-оналар қызларига «стенка» беришади, нега сизларники йўқ, деб овсинларим ҳам гапиришади.

— Шундай де, майли, сен учун битта «стенка» биздан.

Опам қувониб кетди. Мен оғир бўлишга уриниб, бир четда ўтирадим.

— Аввал энамга ажратамиз, — дедим. Овозим алланечук газабнок эшитилди. — Дўхтирлар жами шунча кетади, деб ҳисоб-китоб қилгач, ортганига «стенка» олиб берамиз. Лекин бошидан айтиб қўяй, агар мебел қайнинглизнинг сепига ўтиб кетса, қудалар мендан яхшилик кутмасин.

Опам дув қизариб, ўзини оқловчи аллақанақа гапларни гапирди, аммо қулоғим эшитмас, хаёлимда нуқул қимматбаҳо мебел гарданига юклаган қудалар чарх уради.

— Бунчалик ифлос одамларни учратмаганман, — дедим-да, ҳовлига чиқиб кетдим.

Кайфи ошиб қолган отам:

— Қизғанма... ўз опангдан қизғанма... — деб галдиради ортимдан.

Аламимдан йиглаб юбораёздим.

* * *

Кунлар совиши билан газ пасайди. Уят-андишани йифишириб қўйган газчи пул тўламаганларникини уздириб ташлади. Навбат бизниги келганда, отам қўл силтаб нари кетди, лекин чидаёлмай шарт ўғирилди-да:

— Мамашариф, энангни... сенинг — деб сўқди. — Пуллим бўлса бермасмидим? Қишлоқчиликни билмайсанлар... Узсанг уз! Лекин ўн кун кутсанг картошка сотардим.

— Сўкинманг, ака, бир халта картошкани, ана

кatta йўлга чиқарсангиз ҳам палон, пулга сотасиз. Бизният тушунинг-да ахир, aka! Мен ўзимга олаётганим йўқ-ку. Ҳамма сизга ўхшаган. Агар вақтида тўлаб турганларингизда газ ҳам, свет ҳам ўчмасди.

— Мен учун уз, болаларим учун уз, лекин касал чечанг учун узсанг кўзинг кўр бўлади сен боланинг!

Отам айтар гапини айтди, уйга кириб кетди.

Энамнинг касал эканлигини бутун қишлоқ биларди. Газчилар асбоб-ускуналари бошида кўймаланиб қолишиди. Тишимни-тишимга босиб кузатиб турардим, қўлларим мушт бўлиб туғилган.

Бир оздан сўнг Мамашариф aka менга қаради.

— Запар, гугурт опке.

Тандирхонага бориб, гугурт келтирдим. Ҳаммали-ри сигарет тутатдилар. Кейин бир-бирига қараб им қоқишиди.

— Кетдик, — деди Мамашариф aka.

— Нима бўлади? — деб бир бегонаси қувурга ишора қилди.

Мамашариф aka оғир бош чайқади.

— Узмадикми, бошқаларникиният узмаслик керақ эди, — тўнғиллади ўша бегона.

Ўзаро тортишиб, эҳтимол, отамни сўка-сўка узоқлашдилар. Шу кеч отам қатъий қарор қилди. Ҳафта ичида қандай қилиб бўлсаям картошкани сотамиз.

Эртасига картошкани қайтадан саралашга тушдик. Харидоргир бўлиш учун қўшқаллалилар, кесилганлар, бужмайганларни йўқотиш зарур эди. Тез орада нобоп картошка уюми пайдо бўлди. Отам «агар қопласак буларни «ўқлаб» юборасанлар» деди. «Ўқлаш» деганлари бозорбоп картошка орасига нобопларини жойлаштириш бўлиб, отамнинг бундай қарорга келиши мени ҳайрон қолдирди. Онам касал ётганда, одамларни норози қилиш яхшимикан? Нега отам ночор кун кечиришимизнинг сабабларини қалбидан, босиб ўтган ҳаёт йўлидан ахтармайди?

— Ота, — дедим бир четга ўтириб, — уларни ара-лаштирмайлик. Майли, ўзим туман бозорида сотиб келаман.

— Нима, сен бозорга борасанми?

— Керак бўлса Тошкентгача бораман. Ана... жўра-ларим борганда мен боролмайманми? Лекин «ўқла-маймиз»... Керакмас...

— Яхши, — деб қўйди шундан сўнг отам.

Ишни тамомила охирлатганимизда оқ дўппили сав-догар келди. Танидим, ўғрилик устида қўлга тушиб икки марта қамалган уч қишлоқ нарида яшовчи дал-лол кимса.

— Нуримжон, — деди у отамга, — картошкани шун-доққина ҳовлига чиқариб ҳаммага намойиш қилиб қўйибсан. Сотмасанг, кечаси ўғирлаб кетишади. Сенга бўладиган нархни айтаман: икки юз сўм.

— Икки юз сўмдан? Вой-бўй, уйимни куйдирасиз-ку, ака...

Отам «ҳожи дўппили» собиқ ўғри билан келишол-мади. Бир соат ўтар-ўтмас мактабнинг адабиёт ўқи-түвчиси қорасини кўрсатди. Картошкани обдон кўз-дан кечиргач:

— Майда бўп қопти, — дея лаб бурди, — шаҳарлик-лар икки юздан зўрға олишади. Майли, Нурим ака, икки юзга сотадиганга ўхшамайсиз. Инсоф билан битта нарх айтаман, маъқул келса ҳаммасини ола-ман. Биласиз, уч кун мактабда дарсим бор, бугун-эр-тан савдо қилиш им керак.

Отамнинг у билан ҳам савдоши пишмади. «Икки юз элликдан зиёд айтишса бериворишим мумкин», — деди хижолат чекаётгандай. Мен индамай ерга қара-дим. Энам эса зўрға қўзини очиб, оғзини қимирлатди:

— Опанг келдими?

— Йўқ, — деб юзимни терс ўгирдим.

— Анави... айтган шкафини оберинглар... Картош-ка сотилдими?

Азамат КОРЖОВОВ

— Йўқ, эна... дорингизни ичдингизми?

Қарасам энам ҳам юз ўгириб ётибди. Кўнглим бузилди. Бу қандай ҳаёт? Худди уй-пуйимиз билан ер қаърига чўкиб кетаётгандаймиз. Кечаси билан мижжа қоқмадим. Ҳатто, ўша мўлтони кампирни ҳам ўйладим. Бойиб кетармишман, сафарга чиқармишман. Мен-а?..

Мўлтонининг гаплари ёлғон, пул ундириш учун кўнгилни кўтарадиган гаплар айтди, холос. Бир одамнинг тўсатдан бой бўлиши аллақаёқларда со-дир бўлади, лекин бизникида эмас. Яхши яшишимизга умид неча йиллардан бери кўнглимнинг бир четида мудрайди. Кимнингдир лотереядан ютганини, тувагигача олтин бўлиб кетганини эшигтанман, кимнингдир яшаётган уйи тагидан олтин кони то-пилган, давлат унга умр бўйи етадиган пул берган. Авваллари ночоргина яшаётган одамларни кўрсам, қандай қилиб бўлсаям яхши ҳаётга эришмаганига ҳайрон қолардим. Жонини жабборга бериб ишласин, югурсин-елсин, токи яхшироқ уй қурмагунча тинмасин, машина олгунча ҳаловат нима, билмасин, дердим. Судралиб яшашларини тушунишни истамасдим. Энди эса онам ўлим тўшагида ётибди. Мен нима қиляпман? Бир сўм топиб келяпманми?

— Ота, мен кетаман, — дедим картошкамизга навбатдаги харидор келиб тупроқ нархини айтгач.

— Ҳм, тинчликми? — пиchinг аралаш сўради отам бошини кўтармасдан.

— Пул топаман... Мана, дехқончилик ишлариям тугади. Баҳоргача бутилка цехда ишлайман.

— Онанг сендан хурсанд. Тунов куни келган мўлтони бойиб кетишингни башорат қилган экан, бу дейман, бутилка-сугилканинг ичидан ютуқли лотерея топиб олмоқчимисан?

— Ота...

— Бас! Ҳеч қаёққа кетмайсан!

Бозор ошхонасидағи қиз

— Энамни ким даволатади? — деб овозимни бир парда күтартгандим, отам ярқ этиб қаради.

— Энамни ким даволатади дейсанми? Мен ўлғаним йўқ ҳали! Бугун бўлмаса эртага олиб борамиз ўша операциясига! Лекин сен боланинг ўлигинги қаерлардандир ахтариб юрмайман.

— Ўлимга кетаётганим йўқ. Қачон қараса, жўнатмаганларингиз-жўнатмаган! Бир умр уйда қамалиб ўтираманми?

— Агар бирон душманим менинг ўғлим эканлигингни билиб қолса, соғ қайтмайсан, — деди отам.

Отамни илк марта кўраётгандай бошдан-оёқ кузатдим.

— Нималар деяпсиз? Сизда душман нима қилади?

Қўпол гапириб юборганим учун тилимни тишладим, аммо юрагим яна гуриллаб ёнди. Нари кетарканман, ўзимга гапираётгандек дедим:

— Министр бўлса экан... Ё ошиб-тошиб ётган бойлигимиз борми?

— Ҳазиллашмаяпман, тушундингми?! — бақирди отам.

Кун бўйи сиркам сув кўтартмай юрди. Тоғамлар келганида ҳам қовоғимдан қор ёғмоқда эди. Макарон шўрва ҳаммамизга баравар сузиб келингач, отам енгини тушириб, ҳазил қилди:

— Зафарга овқат қилишни ўргатгунча келин оберсам бўларкан.

Тоғамлар нари-бери жилмайишган бўлишди. Кичиги менга пул узатди.

— Жиян, спиртга бориб келинг.

Отам қувониб кетган эса-да, рад этган киши бўлди:

— Қўйсанг-чи, Эшмирза, ўзим бераман.

— Майли, олиб келавер, биз тўй ҳақида бафуржа гаплашаверамиз, — деди катта тоғам.

Шкаф орқасидаги ашқол-дашқоллар орасидан бак-

Alisher Navoiy

nomidagi

2918/63

A3493

O'zbekiston MK

Азамат ҚОРЖОВОВ

лашка ахтариб, уйдан чиқиб кетгүнимча қыйидаги сұхбатни эшитдим:

Катта тоғам:

— Түйни қачон бўлсаям қилаверасиз, Нуримбой, келиннинг ўз ўрни, Гулчеҳранинг ўз ўрни бор, операцияни тезлаштириш керак. Ахир, картошканиям йифиштириб келганларингизгаям бир ой бўляпти..

Отам:

— Уч минг доллар айтишга осон.

Кичик тоғам:

— Бошқа илож йўқ, почча. Акам тўғри айтяпти. Агар вақтидан ўтказиб юборсак, сиз ҳам афсус қиласиз, биз ҳам.

Отам:

— Қанча қўшасиз? Бу гапни юзинчи марта гаплашишимиз.

Катта тоғам:

— Бизга қараб ўтируманг, Нуримбой, ҳар ким топганини қўшади...

Худойберди сўпиникига боргунча бошимдан минг хил хаёл ўтди. Ўшанда мўлтони кампирни жеркиб ташлаганимга афсусландим. Бой-бадавлат бўлишимни башорат қилган экан, нимаси ёмон, деб ўйлардим. Кўнглини оғритиш керакмиди? Башорат яхши бир тилакдай гап-да. Агар шу тобда рўпарамдан чиқиб қолса, ижикилаб сўраб олардим. Қачон, қайси томонга сафарга чиқсан бошимга баҳт қуши қўнади ва қисматимга битилган қиз келажагимда айнан қандай рол ўйнайди? Пировард-оқибатда онам соғайиб кетадими?..

Қулоғим тагида бирор пичирлагандай туюлди: «Бойиб кетасан... Сендан баҳтли одам топилмайди бу дунёда... Яқин қолдинг, жуда яқин... Фақат сафарга чиқсанг, бас... Уйингда ўтираверсанг, ҳеч нарса ўзгармайди...»

Равшан aka кўчада турган экан, мени кўриб, та-

раддудланди. Яқинига бормасымдан күришиш учун құйл өзүзіб, деди:

— Зафар, ўзингмисан? Спиртга келдингми? Қара-я, сени ўйлаб турғандим, картошкаларингни сотдингларми?

— Йўқ.

— Уч юздан ҳам бермадингларми?

— Уч юздан клиент борми? — дедим баклашкани узатиб. — Ярмигача тўлдиринг.

Равшан ака баклашкани олиб, бошимга тушириди. Фалати илжайиб:

— Суюнчи берсаларинг янгилик айтаман, — деди.

— Янгилигинги зни нима қиласман, спирт беринг, кетай.

— Нима, менга ишонмайсанми?

— Отангизни Худойберди сўпи, сизни Равшан спиртфуруш дейишади. Ота-бала ўхшамаганидек, гап билан эгасиям ўхшамайди-да.

— Саккиз юздан сотишни хоҳлайсанларми?

— Картошканими?

— Ҳа, салкам спирт нархида, братишка. Фақат мен айтган бозор узоқ, шартта машина ёллаб кетиш керак. Таваккал қиласанг, юраверасан.

— Буни отам билан гаплашинг, мен кетмоқчиман, Тошкентга, ишга.

— Аҳмоқмисан, қулоғингга лағмон осаётганим йўқ. Агар отанг кўнса, ўзим тушунтираман, сениям олиб кетади. Отанг ёлғиз қийналади, ҳожатхонагами, ошхонагами кетган маҳал картошкасининг яримидан айрилиб қолади. У ёқда мошенниклар ҳам кўп.

— Майли, айтинг, — дедиму мўлтони кампирнинг гапини эслаб. «Сафарга чиқаман шекилли» деб ичимда қувондим.

Изғирин забтига олган кеч куз оқшоми эди. Равшан ака ишни пайсалга солмай шу заҳотиёқ бизнекига борадиган бўлди. Ярим йўлда дардини ёрди:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Биламан, ҳамма мени ёмон күради. Отаси намозхон бўлсаям ўғли спирт сотади, деб орқамдан сўкишади. Отаси ким бўлса, боласиям шу бўлиши керакми? Мирзаматнинг боласи наша сотиб қамалиши керак экан-да. Қизиқ, отангнинг изидан кетсанг ҳам балога қоласан, кетмасанг ҳам! Сенга айтсам, Зифар, фақат ўзингга қулоқ сол. Бирорни севиб қолсанг ўзинг учун севиб қоласанми? Овқат есанг ҳам ўзинг учун ейсанми? Масалан, отам ҳам намозни ўзи учун ўқийди, муллаликни ҳам ўзи учун қилади.

— Билмадиму, лекин намоз Худо учун ўқиласди.

— Дўзахга тушмаслик учун ўқиласди. Демак, ўзини ўйлайпти. Икки ўн беш — бир ўттиз.

— Бундан чиқди, сиз ҳам картошка қиммат сотиладиган жойни бекорга айтмайсиз. Манфаатингиз учун нимадир қилиб беришимиз керак.

Равшан ака елкамга енгил мушт туширди.

— Калланг ишлайди, миянг бутун, — деди.

Отам уни кўриб, ажабланди. Мабодо сен бошлаб келмадингми, дегандек менга норизо нигоҳ ташлади. Кайфиятим ўлик эканлигини билиб, Равшан акага шунчаки гап қотди:

— Спиртинг тозами, маҳсум? Қара лекин. Сасиса бошқа олиб келасан, кир ичкарига.

Улар нималарни гаплашишди, билмадиму аммо ярим соатлардан сўнг онамдан хабар олиш учун ичкари хонага ўтаётганимда, отам чақирди. Ҳаммалари ичкилик таъсирида қизариб олишган, хона шифтига қадар сигарет тутунига тўлган эди.

— Равшан аканг бекорга муллаликдан воз кечмаган, унинг ўрни бошқа ерда, — деди отам, — у бизнесни тушунади, қаердан қачон пул ишлашни билади. Ишонмайсан-а? Ҳозир у қандай таклиф билан келганини эшиксанг... Умуман, сенгаям мойдай ёқадиган гап...

— Боя айтдим унга, — гапни бўлди Равшан ака.

— Айтдингми? Ие, нега унда қовоғи очилмайди? Э-э,

бу отам жүнатмайды деб ўйлаяпти... Менга қара, Зифар, мен билан кетасан. Энди сен ҳам катта йигитсан!

— Жиян ҳам йигирмани уриб қўйди, — луқма ташлади катта тоғам, — картошкани ўзига бериб юборсангиз ҳам сотиб келади. Нима қипти, йигирма ёшида одамлар бутун бир мамлакатларни босиб олган, камида иккита хотин олган.

— Саккиз юздан картошка сотсангиз, — иршайди Равшан ака, — хотин ҳам олиб берасиз, чечамниям даволатасиз, машинаям оласиз. Худо бераман деса ҳеч гапмас.

— Зафар, — отам мени ўзига қаратди, — бу ёқдан борган картошкагурушлар бирдан бериб юбормас экан, бозорнинг бир четига тўқтириб, килолаб сотаркан. Бир мошинни нари борса уч-тўрт кунда пуллаб қўяркан. Олти юздан «оптом» бериб нима керак?! Тўрт кун палатка қуриб ётсак, жин ҳам урмайди. Равшанинг спиртидан опкетамиз.

Равшан ака отамни турткилади. «Илтимос, у ёғини гапирманг, — деди шивирлаб. — Спиртни олиб кетмайсиз, аксинча, олиб келасиз... тушунтиридим-ку, ака».

Отам қўл узатди, иккиси қарсллатиб қўл ташлашгач, отам лабига сигарет қистириб, кичик тоғамдан сўради:

— Эшмирза, аввалдан жияннингни бозорга қўйиш режасида юрадим, мен билан борса, биринчи дарс бўлади. — Кейин Равшан акага ўгирилди. — Махсум, тағин бошқаларга гуллаб қўйманг, биз икки-уч бориб пул ишлаб олайлик.

Хонада кулги гулдиради. «Икки-уч бораман дейсиз, саккиз юзни эшитиб режаларга режалар қўшилиб кетди-ёв», «Энди деҳқончиликни ташлаб, савдогар бўласиз, кафолат бераман» қабилидаги гаплар отамга ёғдирилди.

«Мана, мўлтонининг айтгани рост чиқди, лекин сал бошқача усулда бойир эканмиз», — ўйлардим мен.

Бир неча ҳафтадан буён биринчи бор күнглим тоғдай құтариlgанини түйдим. Ҳаётнинг маъниси ҳаракат-да. Қачонгача икки юз эллик сўм таклиф этадиган харидорни кутиб ўтирамиз? Юриш керак, сўраб-суриштириш керак, вақти-соати келиб ҳаммасининг ечими топилади, гўрдан бошқа барча иморатнинг эшиги бор. Равshan aka биз ахтарган эшикни кўрсатди. Эвазига спирт олиб келиб беришимизни сўраяпти. Спиртдан ҳам фойда тушса, эҳ-ҳе, нафақат онамни даволатамиз, бойиб ҳам кетамиз.

Шу тобда меҳмонлар онамни даволатиш масаласига қайтиб, Россия, Германия шифокорлари ҳақида баҳслашмоқда эдилар. Бири «немислар зўр», деса, бошқаси «ўрислар аввал ҳам кучли эди, ҳозир ҳам кучли» дейди.

Мени қизиқтирган яна бир жиҳат шуки, Равshan aka айтган жой салкам минг километр олисдаги Ироқли бозори бўлиб, ўргада тўртта йирик шаҳар, ўндан ортиқ шаҳарча ва бепоён саҳро жойлашган эди. Марказий Осиёning марказида яшаб туриб шу дамгача ҳақиқий саҳрони, барханларни, тирик түяни кўрмаган эдим. Бир замонлар одамлар хавф-хатар остида кесиб ўтган қумлиқдан биз ўқдек визиллаб ўтамиз.

«Ҳозир ҳам хавфли томонлари бормикан?» деб савол бердим ўзимга. Ички овозим жавоб берди: «Бензинни ғамлаб олсанг, захира ғилдирак бўлса, асло қийин эмас».

Ёш йигит эканман-да, бўлмаса табиатнинг саҳроларидан кўра одамнинг ички дунёсидаги саҳролар хавфлироқ эканлигини ўшандада тушуниб етардим.

* * *

Эртасига отам Маҳмуд аканикига жўнади. Унинг «ЗИЛ»ини гаплашишни маъқул топди, чунки туман марказидаги машиналар хийла қиммат эди. Қош қорайгунча йўл қараб ўтирдим. Негадир авзойи бузуқ

Бозор ошхонасидағи киз

Мирзамат ака отамни сүраб келди. Ҳойнаҳой, қарзини қистаса керак-да.

Отам ҳориб-чарчаб, бир оз қызарыб остоңа ҳатлаганида ҳаммамиз оғзига тикилдик.

— Мени кутаётганлар қўлинини кўтарсинг, — деди ботинкасини ечаётиб. — Ў-ў, Зафарчикдан бошқа ҳаммами дейман. Қани, эналарингнинг хонасига юринглар, янгилик айтаман.

Отамнинг кайфияти барчага юқди. Туртениб-суртиниб онажонимнинг бошига тўпландик. Отам совқотган қўлларини ишқалаб кўрпачага чордона қуриб ўтириди-да, кўз қисиб қўйгач, онамга деди:

— Эртага сен шаҳар касалхонасига кетасан, Гулчер. Врачлар билан гаплашиб, сени жойлаштиргач, Зафар икковимиз Ироқлига жўнаймиз.

— Була...

— Тўхта, Гулчер, аввал мен гапимни тугатай. Булатингга, — отам укамларга имо қилди, — ҳамсоянинг келинлари навбати билан овқат қилиб туради. Навбатга қизингниям ёзиб қўямиз. Шу десанг, бугун қудаларни қўриб қолдим. Янги йилдан сўнг қизларини узатмоқчи эмиш, шунинг ташвишида юришган экан. Ўзим «стенка»дан гап очдим. Яқинда картошка сотсан, қизим билан куёвга «стенка»нинг даҳшатидан олиб берраман, дедим. Улар қизингни уйга тез-тез жўнатиб туришга жон-жон деб рози бўлишди. Биз олиб берадиган «стенка»ни аслида улар ўзларининг қизининг сепига қўшиб, кейинчалик қизимизга бошқа олиб беришмоқчи. Юзимга айтмасаям ҳаммасини сезиб ўтирибман. Қудачилик — минг йилчилик деб индамаяпман-да, Гулчер. Бирорнинг моли бирорда қолиб кетармиди!.. Озроқ ичганман, тағин бу гапларни кайф устида гапиряпти демагину, Гулчер, операцияга тайёрловчи врач ҳам, жарроҳлар ҳам таниш чиқиб қолди. Ҳатто, Ироқли бозорининг каттаси ҳам жўрам. Бир вақтлар сенга қорақалпоғистонлик валламат хизматдошимнинг

Азамат ҚОРЖОВОВ

бошидан кечирғанларини айтардим. Ҳудди ўша йигит милициянинг бошлиғи бўлди, завод директорлигидагам ишлади, ҳозир учи-қўйруғи йўқ бозорнинг сultonи. Ҳар қандай жойга гапи ўтади. Фақат ўша ёқларга етиб олишимиз керак. Ҳа, Зафарбой, жа узоқларга бориб ишлаб келмоқчи эдинг, хурсандмисан? Маҳмуд аканг ҳам кўнди, Равшан билан ҳам келишдик...

— Маҳмуд аканинг «ЗИЛ»ида кетамизми?

— Ҳа, у «КамАЗ»дан зўр мошин... Гапнинг пўсткаласини айтганда, мошиндан эгаси зўр...

Фовур-фувур қилиб кечки овқатни едик. Сув иситиб, ювиниб олдим. Кўзим уйқуга илинган эдики, машина сигнали эшитилди. Деразадан қараб, уйимизга кўндаланг турган «Нексия»ни, секин-аста бораётган отамни кўрдим. Алламаҳалда бизникига ҳеч ким келмасди. Машина таниш туюлди, адашмасам, Мирзамат аканни. Наҳотки, шу вақтда қарзини сўраб келган бўлса? Боя келганидаёқ сездим, унга пул керак. Отам шу маҳалда қаердан пул топиб берарди...

Ўйқу босиб, тўшакка чўзилдим. Кўзимни юмган заҳотим тонг отиб қолишини, онамни касалхонага жойлаштириб, кўнглим тинчишини, номаълум мақонларга тезроқ равона бўлишимни истадим. Ҳаётим янги сўқмоққа бурилиш вақти келганини ҳис этдим.

Бир пайт бақир-чақир қулоғимга чалингандай туюлди. Яна деразадан мўраладим. «Нексия» ҳамон ўша жойда эди. Уч кишининг шарпасини илғадим, бири ҳадеб қўлини силтаб гапиради. Отамдан хавотир олиб эшикка чиқдим, шуни кутгандек «Нексия» жойидан жилиб, ҳожатхона олдида бурилиб олди-да, қўшнининг молхонаси ортида кўздан йўқолди.

Сўкиниб келаётган отам менга кўзи тушиб тўхтади.

— Зафар, нимага ётмадинг? Ҳозир чиқдингми?

— Ҳа... Улар ким, ота?

— Бор, ёт. Ишинг бўлмасин...

Ҳаммаси яхшилик билан тугагандай туюлди. Би-

роқ Мирзамат акани янада ёмон күриб кетдим. Пул учун отасини сотишга тайёр, на қишлоқчиликни, на шарт-шароитни тушунадиган қабиҳ кимсадан отам қандай қилиб картошқа уруғлик қарз олганига үнинчи бор ажабландим.

Эрталаб қишлоқ таксисида онамни касалхонага олиб бордик. Кеча отам кимларнидир ўртага солиб шифокорлар билан гаплашиб қўйгани рост экан, ишимизни анча енгиллаштириб беришди.

— Демак, сиз Нуримбой акасиз-а? — деди кўк халатли қорули эркак. — Хотинингиз уч ҳафта операцияга тайёрланишини, бунга алоҳида, операцияга алоҳида сарф-харажат бўлишини айтишдими? Узр, биз ҳам ҳозир қизиқ ҳолатга тушиб қоляпмиз, ўз чўнтағимиздан дори-дармон оламиз...

— Дўстим, ҳаммасини тушуняпман, фақат ҳозир менда пул йўқлиги учун соҳаларингизда ишлайдиган танишларимдан илтимос қилдим, холос. Ҳозир қарашса, кейин пулинин бераман деганман. Сиз у томонидан қўрқманг.

Шифокорнинг юзида истеҳзоли кулги ўйнади.

— Мен-ку қўрқмайман, — деди у, — ҳамманинг ҳам ўзига инсоф берсин.

Зудлик билан уйга қайтдик. Маҳмуд аканинг машинаси кечада «Нексия» қўним топган жойда бизни кутарди. Мирзамат ака ёдимга тушгани учун отамга икки-уч сирли қараб қўйдим.

— Ҳа, нима демоқчисан?

— Кечаги «Нексия» Мирзамат аканини эдими? Энамни ўшанинг танишлари орқали жойлаштирудикми мабодо?

— Тушунмадим, ўзингча нималар деяпсан? Мирзамат келмасидан аввал айтмадимми касалхона ҳақида!?

Отам барибир ниманидир сир тутаётганини кўнглим сезди. Кейинги гапи шубҳамни баттар оширди:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ўша эшак келганини бирөвга айтиб-нетиб юрма, гап-сўзи чиқмасин, уқдингми?

Кечқурун биз онамсиз фариб уйни ташлаб, олис вилоятдаги дәхқон бозорига жўнаб кетдик.

* * *

Катта йўлга чиқиб олган «ЗИЛ» равон юриб бормоқда. Маҳмуд ака билан отам икки соатча у ёқ-бу ёқдан сухбатлашишди. Сўнгра гап қолмагандек бирдан жимиб қолишиди. Мени уйқу енгиб кела бошлиган, дам-бадам эснайман, кўзларим юмилиб-юмилиб кетади. Икки кун йўл юришимизни ўйлаб қувонаман. Ахир, умрим бино бўлиб машинада бунча вақт сайр қилмаганман. Бироқ кечаси йўл юришнинг қизифи йўқлигини секин тан оламан. Нималарни кўряпман? Чироқлар ёруғидаги асфальт йўл, бетон тўсиқлар, зув-зув ўтиб қоладиган машиналар...

— Зафар, — дея турткиласи Маҳмуд ака, — ухлаб қолдингми?

Кўзимни ишқалаб, эски манзарага тикилдим. Қовоқларимга тош осиб қўйилгандай яна юмилди.

— Отанг ухлаганда сенга бир ҳикоя айтиб берайми? — Маҳмуд ака мени тинч қўйишни истамади. — Тўғриси, анча вақтдан бери узоқ йўлга чиқмагандим, уйқу босяптими, зерикдимми...

— Бирон жойда тўхтанг, дам олволамиз. Уч юз километрча юриб қўйдигов, ака.

Маҳмуд ака шу билан мени тинч қўйса керак деб ўйлагандим, аммо аввалгидан-да қаттиқ туртди.

— Зафар дейман, ҳов Зафар, нос чекканга ўхшаб мунча эликасан. Гапга қулоқ сол. Отанг билан бу йўллардан юрмаганимизга ўн йилдан ошибди. Бир куни, ўшандаям кеч куз эди, отанг ёнимга чопиб келди-да, чўлга бориб келиш кераклигини айтди. Тинчликми, десам, айтмайди. Пулингизни оласиз, дейди. Гап пулда эмас, жонингиз соғ бўлсин, дедим, шартта жўна-

вордик. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ярим йўлга етганимизда (бехосият зим-зиё кеча эди) ваҳима билан бўрон кўтарилиди. Унақа бўронлардан худонинг ўзи асрасин. Қум-тўзондан бир қадам нари кўринмайди. Шундаям бир соатча йўл юрдик. Бир пайт кўзимга чироқ кўрингандай туюлди. Йўлда эмас, анча четда, барханлар орасида. Бунақа пайтда қандай кўриняпти узоқдаги чироқ деб, отангга қарасам ранги қофоздай оқариб кетган. «Маҳмуд, ёнар шар! Тамом, ўлдик!» дейди. Ичим шув этиб кетган бўлсаем, билдирамадим. «Бир бошга бир ўлим» дедиму газни босдим. Аксига олиб моторга бир каср урди, ҳадеб силтанади, яхши тортмайди. Бунисиям ҳолва экан. Ҳеч қанча юрмай ағанаб ётган чинорга рўпара келдик. Дараҳтлар ўсадиган маконга яқинлашганимиздан қувонишниям, куюнишниям билмайман. Бўрон эса қутургандан қутуряпти. Орадан қанча вақт ўтди, худога аён. Кимdir эшикни очишга уринаётганини сезиб шундай қарасам, қоп-қора шарпа. «Кимсан?!» деб бақириб юборибман қўлимга пичоқ олиб. «Очинг эшикни!» дағдага қилди ингичка овоз. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, қиз боланинг овози эди. Отанг ҳам уйғониб кетганди (бу вақтда бўрон тиниб, енгил шамол изғиб юрар, атроф ҳалиям қоронфи, қум тўзғир эди). «Очинг», деди отанг ҳам менга. Эшикни очишим билан қиз бошидаги қора ёпинчиини туширди. Сен қатори бир қиз экан, кўзларидан нақ ўт чақнайди. «Тушинглар, – деди у саҳро ичига имо қилиб. – Кутяпти». Мен ҳайрон бўлиб: «Синглим, тинчликми? Бизни ким биландир адаштиряпсан», десам, «Отингиз Маҳмудми, бу кишиники Нуримбой... Қани, бўлинглар» деб лолҳайрон қилиб қўйди. Отанг тушгач, мен ҳам эргашдим. «Бизни ким кутяпти?» – сўрадим қиздан. Бироқ у жавоб бермади. Икковимизни бир неча соат бурун ёнар шар кўринган томонга олиб кетяпти қиз тушмагур. Қарасак, устига контейнерлар ортилган иккита узунданузун «КамАЗ» ярим доира шаклида турибди. Ўртада

Азамат ҚОРЖОВОВ

кигиздан қилинган чодир. Атрофни ўғринча кузатиб темир устунга күзим тушди. Бу ҳеч қанақа фантастика ҳам, илоҳийлик аралашган ҳодиса ҳам эмасди. Нега десанг, темир устун учига оддий шарсимон чироқ ўрнатилган эди. Машинаға уланган симдан унга ток келған, нима сабабдандир ҳозир ўчириб қўйилган. Тўғриси, ҳеч нарсага тушунмадим. Нима учун даҳшатли бўронда бу «КамАЗ»ларни асфальтдан четга, қумликка чиқариб қўйишибди? Чодир қуриб олишгани нимаси? «Ёнар шар» нега керак? Ва, энг ажабланарлиси, бизни қандай танидилар?.. Бирдан отангга қарадим. «Ҳаммасига Нурим сабабчи! У мени қандайдир шубҳали ишга аралаштириди!» деган ўй миямга чақмоқдай урилди. «Буларни танийсанми?» – сўрадим аччиқланиб. Отанг елка қисиб, нимадир деди. Ўтовга бир қадам қолганимизда ичкаридан аёл кишининг шунақанги чинқирифи эшитилдики, ҳалигача қулоқларим остида жаранглайди, тушларимга киради. Икковимизнинг ҳам оёқларимиздан мадор кетиб, юришга ҳолимиз қолмади. «Нималар бўляпти бу ерда? Кимсанлар ўзи?» – деди отанг. Мен енгим ичиди пичоқни маҳкам ушлаб олганман...

Ҳайдовчи уйқусиради шекилли, қандайдир машина устимизга бостириб келдию яқин қолгандагина йўл берди, ҳикоя бир лаҳза узилди. Уйқумни ўчириб юборган эди. «ЗИЛ» фаралари ёритиб бораётган бир хил манзараға – чўл ўртасини кесиб ўтган асфалът йўлга алланечук ҳадик ва хавотир билан тикилиб қолгандим. Олди-қочди воқеаларни ўзидан қўшиб-чатиб гапириш одати йўқ эди Маҳмуд аканинг. Балки ўрнида бошқа бирор бўлганда ишонмасдим, агар отам бўлганда ҳам.

– Кейин, – дея давом этди у, – нима учун қўрқишим керак, дедим ўзимга. Қиз ўтовга кирмоқчи эди, билагидан тутдим. «Саволга жавоб бермадинг», дегандим, «КамАЗ»га имлади. Аввалига ҳеч вақони пайқамадим, аммо отанг: «Анави осилиб ётганлар одамларми?» дедиую кўзларим чақчайиб кетди. Не кўз билан кўрайки,

«КамАЗ»лардан бирининг олд томонига оёғини осмондан қилиб түрт кишини осиб қўйишганди...

Маҳмуд аканинг ҳикояси юрагимга қўрқув солиб улгурган эди. Нигоҳларим тунги асфалт йўл оша чўлнинг қоронғи ва мавҳум бағрида тентираиди. Гёё ҳозир машина мотори ўчиб қоладио инс-жинслар устимизга ёпириладигандек эди. Чўчиганимни сезди шекилли, Маҳмуд ака кулимсиради.

— Бу сенга Америка фильмлари эмас, афсонаям эмас, лекин ҳақиқат деб ҳам айтольмайман. Истамасанг, ҳикоямни узаман-қўяман, қайтиб ҳеч қачон эшилмайсан.

— Айтаверинг.

— Шундай қилиб, түрт киши оёғи осмондан осилиб ётганини кўрдик. Тўртовиям ўлгани бир қарашдан маълум эди. Бояқишиларнинг шалвираган қўллари ердан ярим метрча баландда. Бир сонияда калламдан мингта хаёл ўтди-ёв. Шу пайт аёл кишининг бояги чинқириғи такрорланди, сўнг ғалати бир товуш эшилтилди. Бу худди сўйилаётган ҳўқизнинг овозига ўхшарди. Мени номаълум бир куч ичкарига тортди. Эшик вазифасини бажарувчи кигизни суриб, отилиб кирдим. Биласанми, ичкарида қандай манзарани кўрдим? Ўртага олов ёқилганди, атрофида оқ кийинган олти қиз. Ҳозиргина бўғизланган оқ түяни кўриб ғалати бўлиб кетдим. Назаримда оёғим ердан узилиб, сузардим, битта жойда турганимни билсан-да, тинимсиз сузардим. Ўтовда қизлардан бошқа кимса йўқ, қонли пичоқниям кўрмадим. Ораларида энг чиройлиси қаҳқаҳ отиб кулди. Сўнг пиёлага тuya қонини тўлдириди-да, хоразмча лаҳжада: «Ичасизми, акажон?» — деб сўради. Энди мен чоҳга қулаб бораётгандек ҳис этардим ўзими. «Жин-алвастиларга дуч келдим» деган ўй миямни пармалай бошлади. Вазиятдан қандай чиқиб кетишни ўйлай десам, мия қурғур ишламайди де. Шунда отанг хаёлимга келди. Ёлғиз эмасман, мени ҳимоя қилишга

Азамат ҚОРЖОВОВ

қурби етадиган ҳамроҳим бор-ку, дедим. Ақл-хушимни түплаб, секин атрофга кўз югуртирсам, қизлар еттига бўлиб қолибди. Бизни эргаштириб келган ҳалиги қиз ҳам устидаги қора либосини ечиб, дугоналари даврасига қўшилиб олган. Лекин қайси бири эканлигини ажратолмадим.

«Ичасизми? – қайта сўради ҳалиги қиз. – Биз кутяпмиз».

Ўзим истамаган ҳолда пиёлага қўл чўздим. Оловдан яшил сифат тутун чиқаётгани, туйнинг очиқ қолган кўзлари менга бақрайиб тургани, қизларнинг бадани товланаётгани – ҳеч бири ажаблантирмасди. Ихтиёrimни номаълум кучга топшириб қўйгандим, ука. Тўғриси, бунаقا вақтда ҳеч нарса қилолмас экансан. Бахтим бор экан, ўтовга отанг кириб қолди. Жин-алвастилар азалдан икки кишини ёқтиришмайди, Нуримбойни кўриб ҳаммаларининг юзида қўрқинчли ўзгариш кўринди. Ораларида биттасига қараб, шунаقا бақир-чақир қилишдики, ўтовдан қочиб чиққанимизниям сезмай қолишди. Машинамиз томонга қочдик. «Маҳмуд ака, мошинни орқага булинг, уйга қайтамиз!» – бақирди отанг. Кабинага етай деганимда оёғим чим этди. Саксовул тилиб кетди, деб ўйладим. Машинани буриб олгунимча «так-так-так» этган уч овозни эшитдим. Бу – бортга нимадир урилганини билдиради.

Тонгда бехавотир жойга етиб олдик. Отангдан чўлга нима учун бошлаб келганини сўрадим. Ўртоғим йигирмата қўй совға қилмоқчи эди, деди. Ўлай агар, зифирчаям ишонганим йўқ...

Маҳмуд аканинг ҳикояси давом этар, оғам эса ҳамон ухлаб ётар, уйғоқ эканлигидан, сирларини билиб олаётганимдан қўрқар эдим. Умрида биринчи бор отам билан олис йўлга чиқишим, шуниям кўп қўриб қолиши ҳеч гапмас. Бошқаларнинг оталарига ўхшаб биз – фарзандларига ўзини яқин олмагич эди,

албатта ичган пайтлари мустасно. Мен ота ўз ўғли-
га дүстдай муносабатда бўлишини хоҳлардим. Ахир,
доим узоқ масофа сақлаб туриш (салобат ва қўрқув
учун керак, менимча) бегоналикка олиб келмайди-
ми? Отаси билан умр бўйи очилиб гаплашмаган ўн-
лаб ҳамқишлоқ йигитларни биламан.

— Тағин отанг эшитиб ётган бўлмасин, — кулиб қўй-
ди Маҳмуд ака. — Бошимиздан ўтганларни ҳеч кимга
айтмасликка келишганмиз. Нима учун ҳозир битим-
ни буздим? Бу — сен учун, Зафар! Қарайпман, атрофга
ёш боладай мўлтирайсан, хавотир оласанми-е... Ўша
сирли воқеадан бир хулоса чиқардим. Одам тўғри йўл-
дан тоймаслиги шарт. Тўғри йўлдан тоймадими, у ҳеч
қачон қўрқмаслиги керак. Тушуняпсанми, Зафар, сен
оддий қишлоқ боласисан. Гуноҳ иш қилган жойинг
бўлмаса керак. Шундай экан, нимадан қўрқасан?

— Бўронли кечадаги воқеа алаҳсираш бўлиб чиқ-
дими?

Маҳмуд ака баклашкадаги совуқ чойдан ичиб,
менга ўғринча қараб қўйди.

— Биз оддий ҳалол одамлармиз, — деди алланечук
ҳорғин оҳангда, — катта кучларнинг сариқ чақалик
иши йўқ... Лекин тасодифан йўлларида туриб қолсанг,
соғ қўйишмайди. Ўша воқеа алаҳсирашга айланиши-
ни жуда-жуда хоҳладим. Алаҳсираш бўлиб чиқмади,
Зафарбой! Нега дейсанми? Тонггача йўл босиб, бир
шаҳарчага етиб келганимиздан сўнг оёғимга қарасам,
чимиллаган жойдан қон оқиб ётибди. Шимим тешилиб
қолган эди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, оёғимни ўқ ялаб
ўтганди, снайпер ўқи! Кабинадан туша солиб, бортни
текшира бошладим. Уч марта эшитганим тақиллашлар
ўқларнинг бортни тешиб ўтганда чиқсан товушлари,
деган хулосага келгандим. Отанг билан ҳар бир қарич
жойни синчиклаб кузатиб, ахийри иккита изни топдик.
Биттаси шундоқ ёғоч тўсинни ўйиб ўтган, иккинчиси

Азамат ҚОРЖОВОВ

бοльтлардан бирини синдириб юборганди. Билмадим, учинчи ўқ кузовнинг аллақаерига теккан бўлса керак. Ҳарқалай унисининг изини тополмадик. Отангга мелиса ҳақида гап очгандим, эшишишниям истамади. Тирик қолганимизга шукур қилиб, индамайгина уйга қайтдик. Қизифи, бўронли кеча воқеасининг кичик бир мишишини ҳам эшифтадик. Ахир, контейнерлар ортилган иккита «КамАЗ» йўл четига чиқарилиб, ҳайдовчилари ўлдирилган. Аллақанаقا тентак қизлар тия сўйиб базми жамшид қилишган. Уларда овозсиз ўқ узадиган снайпер милтифи ҳам бор. Хўш, булар шундай қолиб кетаверадими? Гап-сўзи чиқиши керакми-йўқми?

— Исларингизни билишларига қараганда, улар аввалдан сизларни кузатиб юришган, — дедим билимдонлигим тутиб. — Етти қиз шунчаки саҳнада рол ўйнашган, уларнинг орқасида қандайдир сирли кимсалар бор.

Маҳмуд ака менга маъноли нигоҳ ташлади. Отам уйқусираган товушда:

— Қандай саҳна? — деб сўради ва қўлларини чалиштириб, қулайроқ ўрнашиб олди. — Театр ҳақида гаплашяпсизларми?

Маҳмуд ака бармофини лабига босиб, «тсс» деди, сўнг отамга гап қотди:

— Нурим, ўғлингиз жим юргани билан миялига ўхшайди.

— Мияли, мияли... — минфиirlади отам уйқу аралаш. — «Пост-ГАИ»га етмадикми?

— Чўлнинг ўртасидамиз.

— Худо сақласин... — пицирлади отам.

Шундан кейин бошқа мавзуга ўтдик. Бироқ хаёлмидан бўронли кечадаги қизлар кетмай қолди. Уларнинг инс-жинслар эканлигига ишонгим келмасди. Мабодо менга ҳам учраб қолишса нима бўлади? —

деб ўйладим. Мабодо... хуш ёқсам-чи? Қисматимдан фол очган мұлтони ҳақ чиқиб, бойиб кетишімга оқ кийимли сирли қыздар сабабкор бўлар...

Ўз хаёлимдан ўзим сесканиб тушдим. Машина ҳамон зим-зиё чўл қўйнида гуриллаб олға интиларди. Чўл бўронини кўрмаганман. Увиллаган бўрон бўлсаю бизни мурдалар осилиб ётган ўтовга олиб боришса, бу сафар шафқат қилишармикан? Отам билан Маҳмуд ака кўпни кўрган, мен ҳатто қочишига ҳам куч тополмасам керак.

Уйқу элитди, барчаси қоришиб кетди. «Улар омад туфайлигина ажалдан қутулиб қолишиган эди», дегандек бўлди кимдир.

* * *

Кўзимни очганимда совуқ тонг отган эди. Уфқадағи булутлар қуёш тиғларида қизариб кўринар, шамол эсар, аллақаердан қўйнинг маъраши эшитиларди. Уйга кетишни, онамнинг ҳолидан хабар олишни, тинчгина оёқ узатиб ётишни жуда-жуда истадим.

Шу вақт отам қайтиб келди (боя эшикни ёпганида уйқум бузилганди).

— Зафар, уйғондингми? Чой ичиб, шу ерда дам оламиз.

Маҳмуд ака «ЗИЛ»ни йўл четидаги ошхонадан бир оз ўтказиб тўхтатган экан. Учовимиз оёқ чигилларини ёзиб, секин-аста ошхонага яқинлаша бошладик. Бе-файз чўлни, янтоқларни, саксовулларни кўриб руҳим янада тушиб кетди. Овул уч-тўрт иморатдан иборат бўлиб, бири ошхона, иккинчиси уй, кейингилари, ҳойнаҳой қўйхона ва омборхоналар эди. Ит акиллади. Нихоят тяни кўриб қолдим. У ҳаддан ташқари исқиранда касалманд тяни кўриб қолдим. У ҳаддан ташқари исқиранда касалманд тяни кўриб қолдим.

— Тя соп бўпти-ку, — деди Маҳмуд ака.

У отамга қаратагапирган эди, аммо бошқа бир кимса жавоб қилди:

Азамат КОРЖОВОВ

— Бир вақтлар шу түяning аждодлари юк ташиган, энди соп бўлади-да.

Учовимиз ҳам ялт этиб қарадик. Эски кийимларга ўралиб олган эллик ёшлардаги кишини кўрдик. Қулоқли телпагининг яғири чиқиб кетганди, устара кўрмаган соч-соқоли ва, айниқса, айёrona қараб туриши яхши одам эканлигидан далолат бермасди.

— Мошинлар, поезду самолётлар уларни ишсиз қолдирди, — деди у ва дарров йўл бошлаб кетди.

— Лекин бу түя касалга ўхшайди, — Маҳмуд aka қаттиқ оҳангда эътиroz билдириди. — Гап ишсиз қолишда бўлса, кўп ҳайвонлар қирилиб битарди.

Ҳалиги киши мийигида кулиб деди:

— Нафақат қирилиб битарди, умуман эволюция тизимидан тушиб қолиб, бугунги кунга етиб ҳам келмасди.

— Билар экансиз-ку.

— Мошиннинг эгаси эканлигинги учун ҳазиллашдим.

— Шу ерликмисиз? — сўради отам.

У отамга хўмрайди.

— Носдан олинг, — деб қўл чўзди.

— Чекмайман, — йўлида давом этди отам.

— Носингни бер, — кутилмагандан нотаниш кимса менга қўл узатди.

— У ҳеч нарса чекмайди, — зарда қилди отам, — саволимга жавоб бермадингиз, шу ерда яшайсизми?

— Ким? Менми? Шу ерда яшасам, нос сўрармидим... Айтгандай, сиз бухоролик Абдибоймат эмасмисиз?

— Қайнатса қоним қўшилмайди бухороликлар билан.

— Нима, бу бола умр бўйи чекмайдими?

— Йўқ.

— Ўрганмайдими?

— Масхара қиляпсизми ё шунчаки асабни ўйна-япсизми?

— Ўрганмаса ўргатишлари мумкин, — деди дайди-нусха киши биздан узоқлашар экан.

— Қанақа одам ўзи?! — отам бош чайқаб қўйди.

Ошхонага кираётганимда не важдандир орқамга ўгирилдим ва нотаниш кимса мендан кўз узмай турганига шоҳид бўлдим. Раҳмим келиб кетди. Балки бояқиши очдир, совқотгандир? Биздан нимадир умидвор бўлгану феъли туфайли отамга ёмон кўриниб, ҳозир ўзини сўкаётгандир?

— Ироқлига тўғри кетяпмизми? — ошхоначидан сўради Маҳмуд ака.

Пиёз тўғраётган киши овқатланиш учун кирганимизни фаҳмлаб, ўтиришга жой кўрсатиш асносида:

— Тўғри кетяпсиз, ҳеч адашмадингиз, — деди. — Бу ерларда бошқа йўл бўлмаса, қаёқдан ҳам адашасиз, ака. Қум, бутун атроф қум. — Гапи охирида у чиройли кулимсиради.

Иссик чой, юмшоқ нон, қайноқ шўрва жоннинг роҳати эди. Ҳузури қанчалик эканлигини билмадиму, эрталабдан юзта отиб олган отам теварак-атрофга хушнуд нигоҳини югуртириб, ҳадеб «маъқул, маъқул» деяверди.

— Яна бирон нима берайми? — ўтирган жойида сўради ошхоначи.

Отам ароқдан бўшаган пиёлага қараб қўйди, аммо иккинчи қадаҳни буюртма қилишга ийманди.

— Раҳмат, — деди ҳеч нарса керакмас маъносида.

Бир пайт деразадан бояги кимса кўринди. Назаримда, у Маҳмуд аканинг «ЗИЛ»ига зимдан қараб қўяётгандек туюлди. Буни отам ҳам сезган экан, Маҳмуд акани туртди.

— Мошинни орқароққа ҳайдаб қўйиш керак эди, анави нусха ўғирликка тушмасин тағин.

— Бортга чиқолмайди-ёв. — Кейин Маҳмуд ака ошхоначига мурожаат қилди: — Кечирасиз, анави киши сизларданми?

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Йў-ўқ, — қизариб кетди ошпаз, — худо сақласин-э!
- Дайдими?
- Жа унчаликмас. Тез-тез келиб туради, кўп ичади. Ироқли бозоридаям учратганман. Менимча, Оқ-кападан бўлса керак.
- Оқкапа қаерда?

— У ердан кечаси ўтгансизлар. Ироқлига кетаётган шопирлар негадир шу ерга ташлаб кетишади. Йўлда ичиб бемазагарчилик қилса керак-да. Ҳозирам мoshин пойляяпти, Ироқлига отланган шекилли.

Отам эндиғина сигарет тутатган эди, хирапашша кимса ошхонага кириб қолди. Сигаретни кўриб кўзлари ўйнаб кетгани яққол сезилди.

— Жуда совуқ бўляяпти, — шанғиллади у ошхоначига.

- Шундай экан, тезроқ йўлга чиқинг-да, тоға.

— Автобус йўқ. Бошқа мошинларга эса ортиқчаман.

У столимиз сари бир қадам ташлаб отамга ялин-чоқлик ва ҳадик ила термулди.

— Чекмайман дегандингиз, бор экан, битта бероласизми, ука?

— Адашмасам нос сўрагандингиз, — дея отам ёни-ни кавлади.

— Сигаретми, носми, нима фарқи бор. Чеккани бир нима беринг, бас.

— Кўнглингизни оғритсам узр-ку-я, лекин менга ёқмаяпсиз, — деди отам сигарет узатиб. — Боядан бери чекиш ҳақида гапирасиз, чекиш сўрайсиз. Яхшимас, ака.

— Чекиш сўрасам нима қипти? Худо сизга берган экан, сиз бизга беринг. Тағин мени дайди гумон қилманг, хор бўлиб, кўчада қолган одам эмасман. Уйим, оиласам, ҳатто невараларим ҳам бор.

- Яхши, — деди Маҳмуд ака.

Бироқ отам терс гапирди:

- Бунинг бизга аҳамияти йўқ. Ҳамма қатори

үйингизда ўтиришингиз ёки ёнингизга пул солволиб йўлга чиқишингиз керак эди. Кўрган одам ё ўғри, ё бомж деб ўйлади.

— Доим ортиқчаман, — сигарет тутатди нотаниш кимса худди отамнинг гапига парво қилмагандек.

Чап қўлидаги бармоқлар олтита эканлигига эътибор бериб, шуниям назарда тутяпти чоғи, дедим ўзимча. У дарров қўлини енги ичига яширди.

— Сен чекма, умуман чекма, — деди тутунлар орасидан менга. — Отанг тўғри айтади.

— Ўғлим эканлигини қаёқдан билдингиз? — луқма ташлади отам.

— Кўр эмасман-ку, — кулди нотаниш киши сал наридаги стулга ўтиаркан, — қуийб қўйгандек ўхшайди.

Албатта, бундай гап ҳар қандай отага ёқади, фарзандга эса... Йўқ, шу тобда отам каби илжаймадим. Киши падарига шу қадар ўхшаши керакми? Масалан, мен отамга ҳаддан ташқари ўхшашни истамайман, одамлар «нақ отаси-я!» дейишларидан уяламан.

— Лекин бу яхши бола, — деди нотаниш киши эшитилар-эшитилмас.

Ошхона ичига ўрнатилган чорпояда мизғиб олдик. Отамнинг қистови билан Маҳмуд aka машинани эшикка яқин жойга, занглаган цистерна йўлагига олиб келди. Сафарга чиқишидан аввал «ЗИЛ»нинг бортини брезент билан ёпган, олисдан у пичан гарами ортилганга ўхшар, ҳозир эса чўл маназарасини тўсиб тоғдай турарди.

Маҳмуд aka машинанинг у ёқ-бу ёғини қўра бошлаганида тушлик вақти бўлиб қолганди. Отамнинг ошпаз олдида куймаланаётгани бирйўла шу ердан тушлик қилиб кетишимиздан дарак берарди.

Хожатхонадан чиқиб, жўмракда қўл юваётганимда кўзгуда эрталабки нотаниш кимсани кўрдим. У мендан кўз узмай секин яқинлашиб келмоқда эди. Бурилиб қараганимда, лабида табассум пайдо бўлди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Яхши ухладингми, Зафарбой? — мулойим овозда сўради у.

— Исмимни биласизми?

— Қизиқ савол! Билганим учун айтдим-да, — у телпагини ечиб, жўмрак ёнидаги қозиқقا илди, ҳовучини сувга тўлдириб, исроф қилиб ювинди.

Кўз олдимда янги аломатлари зоҳир бўлди: у эллик ёшларда эмас, камида ўн йилга ёш эди, бунга қалин қора соchlари далилликка ўтарди. Кўчада дуч келган юмушларни бажариб юрмаслиги ҳам аён. Негаки, кафти ёрилмаган, тирноқлари бутун. Қолаверса, гапи орасида «эволюция» атамасини қўллаганини эсладим. Ҳа, қаршимдаги ўқимишли инсон. Бироқ бу кўйга тушишга нима мажбур қилди экан?

Шунда у рўмолнасини чиқариб артинди ва:

— Ҳалиям ҳайронмисан? — деб савол ташлади.

— Йўқ, исмимни ошхонада эшитгансиз, — дедим ўзимни қўлга олиб.

— Топдинг. Кел, танишиб қўяйлик. Исмим Эркин. Сен Эркин оға десанг ҳам бўлаверади. Йўқ-йўқ, Самирқанд томонлардансан-а? Унда «т» қўшиб айт. Эркин тоға де, ҳе-ҳе...

Мен кулмадим. Кетишим кераклигини англаб, ошхонанинг орқа эшиги тарафга юрдим.

— Ҳой, тўхта, — эргашди Эркин aka, — мошинларингдан менга жой топиб бероласанми?

— Отамдан сўранг, лекин... кабинада уч киши ўтирибмиз, барибир сифмайсиз.

— Отанг икки дунёдаям кўнмайди, менга борт ҳам бўлаверади.

— У ерда картошка бор. Кейин «ГАИ» текшириб қолса, ҳаммамиз балога қоламиз.

— Ё тавба, Ироқли бозорига кетяпсанларми? Шу кўйи энди қайтиб текширишмайди, мен бу йўлларни яхши биламан...

Нима дейишни билмай елка қисдим-да, ошхона

эшигига шошилдим, аммо Эркин ака имкониятни бой бергиси келмай мени чақирди:

— Зафар, менга қара! Ўғлим... Оббо, ўғлим-ей!..

Қайрилиб қараган эдим, у илтижоли қиёфада рүпарамга келди. Оёқи оқсоқланаётганига энди эътибор бердим.

— Ёши улуғ бир инсон ёрдам сўрайапти, — деди у.

— Бундай ҳолга тушиб қолиш пешонамда бор экан, мени тушун, ахир! Кўзгуга бориб боқ, кўзларингда меҳр, самимилик бор, сен келажаги порлоқ йигитсан. Бахтинг шуки, одамларга ишонасан. Билиб қўй, одамларга ишонмай қўйиш катта баҳтсизлик. Менга ишонмаганингдан кейин эртага ҳамроҳларингга ҳам ишонмайсан. Сал ўтиб отангга, онангга, вақти-соати келиб, хотинингга, болангга!.. Худди ҳамма сени алдаётгандай, ишингни, ҳаётингни билиб-билмай барбод қилиб қўядигандай туюлаверади. Бугун менга ишон, ўғлим! Ҳаммаси яхши бўлади. Қанчалик омадли эканлигингни ўзинг ҳам билмайсан...

Омадли эканлигим ҳақида оғиз очганиданоқ сергак тордим. Бу одам ўша фолбин кампир билан фикрдош эмасмикан, деган гумонга бордим. Ҳарқалай одамни хафа қиласидиган гап айтмаётган эди Эркин ака деганлари.

— Мен эса омадсизман, — ҳамон эланарди у, — бир сафар қўллаб юбор, ука. Ироқлига етиб олай. Ноchor аҳволда эканлигимга ҳалиям ишонмайсан-а?

— Ишоняпман, лекин қандай қилиб сизни қўллайман?

— Ошхоначиға учрашиб, картошка нархини сўрайсан, — шивирлаганнамо сўйлади у. — Машинаға нима юкланганига ўз-ўзидан қизиқиб қолади, ростини айтасан. Бор-йўғи бир кунлик картошкаси қолган, дарров картошка сотиб олмоқчи бўлади. Чўлнинг ўртасида бир минг икки юздан пуллашларинг ҳеч гапмас. Отанг билан шопирни бортга чиқишига қўйма,

Азамат ҚОРЖОВОВ

эпчиллик қил-да, шартта ўзингни ур. Кartoшка халтасини туширгач, брезент ипини бўшроқ боғла. Яхшиси, боғлама, шундоқ тиқиб қўйсанг, боғланганга ўхшайди. Шундаям томдай баланд жойга чиқолмайман. Мошин юраётганда бир нимани баҳона қил. Масалан, мошиннинг орқасидаги бирон жойга соатингни илиб қўй. Уни олиш учун келасан, оёғимдан кўтариб юборсанг, бортга чиқиб оламан. Бўптими?

Кўнглидан нима хаёллар ўтаётганини уқиб олиш учун бор қувватимни кўзларимга тўплаган эдим, хафа бўлиб соқолини сийпалади.

— Шубҳага боряпсан-а? Айт-чи, мен қандай қилиб картошка ўғирлайман? Халтани кўтаролади, дейсанми? Бозорга етганда ўзинг ёрдам бермасанг тушолмайман ҳам... Буям етмагандай катта тезликда кетаётган мошиндан сакраб тушиб қоламанми? Эҳ, ўғлим, тепада худо бор, пастда мозор. Ўртада биз — тириклар гуноҳ қилиб қаергacha қочамиз?!

У кулимсираган эди, менга ҳам юқди. Та什қи томондан қараганда биз шак-шубҳасиз келишиб олгандик. Ростига кўчгандা эса умримда биринчи марта катта ёшли киши ёрдам сўраши, ўзимдан ҳам анча-мунча ғайриқонуний ташаббус талаб қилишлари эди ва лекин бунга бош қўшишни сира истамасдим.

— Дуо қиламан, — деди у ошхонани айланиб ўтиш учун чапга юраркан, — совқотган, ярим оч, пулсиз одамга ҳақиқий эркаклар ёрдам беради... ёрдам бера олади... Мен ҳам қуруқ қўймайман, Ироқлида уруфдошларим кўп, гала-гала... сенга шундай яхшилик қиласманки...

Тезда овқатландик, сўнг фотиҳа қилиб, чорпоядан тушдик. Маҳмуд aka соатига қараб, тонгда Ироқли бозорига этишимизни айтди. Отам бош силкиб қўйди ва ҳисоб-китоб қилиш учун ошхоначини чақирди. Юрагим дук-дук ура бошлади. Эркин аканинг илтимосини

бажармай шу ерга ташлаб кетишга юзим чидамас, аммо-лекин отамни алдашим ҳам осон эмасди.

Ошхоначи пулни санаб бўлгач, деди:

— Кечирасизлар, акалар, мабодо картошка олиб кетмаяпсизларми?

— Ҳа, — отам унга саволомуз тикилди, мен ичимда севиндим.

— Йигирма километр нарида кичикроқ бозоримиз бор, маҳсулотга шанба куни бормоқчийдим, бугун эса картошка тугаб ўтирибди, бир халта сотмайсизларми? Илтимос, акалар...

— Бир халтами? — керилди отам. — Айни муддао. Бу ерларда қанчадан ўзи?

— Бозор нархида, ака. Ўзингизнинг ҳам хабарингиз бўлса керак.

— Айтинг, айтаверинг.

— Минг сўмдан, — илжайди ошхоначи, — халтаси билан.

— Юринг, — деди отам илдам қадам ташлаб.

Бир неча сониядан сўнг бутунлай кеч қолишим мумкин эди. Иккиланишим узоққа чўзилмади, шундай чопдимки, улар етиб келгунча мушукдай чаққонлик билан бортга ёпишиб, брезент илларини еча бошладим. Картошка устига чиққанимда отам менга ажабланиб қараганини кўрдим.

— Ўғлингиз эпчил экан, — деди ошхоначи.

— Ўрганяпти-да буям, — отам хатти-ҳаракатимга у қадар хайриҳоҳ эканлигини изҳор этмади, дағалроқ оҳангда буюрди: — Ичкарига ўтма, шу ердан биттасини узат. Кўтароласанми ўзи?

Инқилаб-синқиллаб биттасини борт тўсинидан оширдим. Учалашиб илиб олишди, сўнг ошхоначи елкасига ташлаб тарозига олиб жўнади.

— Ипни боғлаёласанми? — деди Маҳмуд aka кетар экан.

Азамат КОРЖОВОВ

— Ҳа, албатта.

Нари-бери илаштиридим ва «тап» этиб ерга тушдим. Кафтларимни қоқаётіб мени пойлаб турған Эркин акага күзим тушди. У мамнун қиёфада бош силкиб қўйгач, цистерна панасига яширинди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас биз кабинада ўти-рардик. Маҳмуд ака бисмиллони айтиб газни босди. Машина жойидан оғир қўзғалиб, асфальтга чиққан ҳам эдики:

— Тўхтанг! — деб бақириб юбордим. — Рўмолчам қолиб кетибди-ку! Мошиннинг орқасига, номерга илиб қўйгандим.

Эркин ака ўргатишга ўргатиб, соатим йўқлигига эътибор бермаганди. Рўмолчадан бошқа ниманиям баҳона қиласдим.

Отам йўл бериб, норози пўнғиллади:

— Ёш бошинг билан ҳардамхаёл бўлма! Сенга беш секунд вақт!..

Тиззасидан ошиб ўтиб, ерга сакрадим. Мунғайиб кутаётган Эркин ака дарров бортга осилди.

— Кетиб қоласан, деб ўйлагандим, раҳмат, — деди у, — қани, оёқдан ол-чи.

Бир зумдан сўнг у брезентни суриб, картошкалар устига чиқди. Кабинага чопиб бордим. «ЗИЛ»нинг тезлиги ошиб, бир маромга тушгач, ёнимиздан «Кам-АЗ» гувиллаб ўтиб кетди.

— Юк ортилган, — деди Маҳмуд ака.

— Лъянатилар, — фижинди отам, — ишқилиб картошка олиб кетишаётган бўлмасин-да!

Маҳмуд ака кулиб қўяркан:

— Бозор шуниси билан бозор, — деди. — Нима қанча нархда сотилишини назорат қилишнинг иложи бўлмаганидек қаердан қачон келишини ҳам билмайсиз.

— Худойберган омон бўлсин, — отам ён-верини тит-килаб сигарет ахтара бошлади. — Чўлнинг кичик бозорларида картошка минг сўмга чиқибди, катта бозо-

ри бир оз арzon бўладиу лекин барибир одамни хафа қилмайди. Фақат анави олғирлар «КамАЗ»-«КамАЗ» картошкани уюб, нархни тушириб юбормаса бўлгани.

— Бозорда ҳар ким ўз маҳсулоти қиммат бўлишини хоҳлайди, Нуримбой, — деди Маҳмуд ака. — Агар Худойим таоло ҳамма савдогарнинг арзу додини ижобат қиласверса, қиёматгача нарх тушмайди.

— Тўғри, ҳаммасига ўзимиз айбормиз, — бўйин эгди шундан сўнг отам.

Маҳмуд ака отамдан бир ёш катта. Бироқ фикрлаши, туриш-турмуши отамдан ўн йиллар олдинда эди. Отам ўр бўлиб ўр эмас, қўр бўлиб қўр эмасди.

Гапларига ичимда кулиб қўя қолдим.

* * *

Кечқурун ёқилғи қуйиш шохобчасига бурилдик. Машинадан тушганимиздан орқага ўтдим. Эркин ака брезентни боплаб маҳкамлаб қўйибди, одам шубҳага бормайди.

— Яқин қолдик, — деди отам керишиб қўяркан. — Ҷўлнинг совуғи суюқдан ўтаман дейди, совқотиб қолма, Зафар.

— Совқотганим йўқ, — дея бепарво нари кетдим, аммо бортга хавотир ила қараб қўйганимни отам сезиб қўйди.

— Бирон нима қиптими?

— Йўқ, ҳеч нарса.

Ичимдан қора қурум ўтиб кетди-ёв. Отам барибир ниманидир сезди ва бортга осилди. Тамом, бир лаҳзадан сўнг дайди кимса қўлга тушади, менинг ҳам ҳолимга маймунлар йиғлайди. Бундай масалада отам билан асло ҳазиллашиб бўлмасди. Феълининг чатоқлигидан келиб чиқиб шуни башорат қилишим мумкинки, бир шапалоқ, бир тепки еб, Самарқандга кетаётган автобуслардан биридан жой эгаллайман. Шу билан ҳам қутулмайман, бир-икки йил сўкиш эшитиб юраман.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Бахтимга отамга бир киши салом берib қолди.
Иккови қўл олишиб кўришишди.

— Сўраганинг айби йўқ, оға, — деди нотаниш
киши, — Ироқлига кетяпсизми?

— Ҳа, Ироқлига.

— Мабодо картошка эмасми?

— Картошка. Ким учраса картошка сўраяпти, ни-
ма, шунчалик қаҳат бўлдими?

— Бугун бир минг уч юзга чиқибди, деб эшитдик.

— Йўғ-э! — отамниг кўзлари чарақлаб кетди. —

Буни қаранг-а! Картошканинг йили келибди-да!

— Картошканинг эмас, картошкафуруушларнинг,
оға! Лекин бир «лекин»и ҳам бор, йўл чатоқ дейиша-
япти, Ироқлига унча-мунча мошин киролмаётган-
миш. Касаллик тарқалганмиш, ҳужжатбозлик авжи-
да. Бу дейман, оға, картошкани шу ерда сотиб қўя
қолсангиз бўлмайдими?

— Ҳм, мақсад шу денг.

— Нима, хафа бўляпсизми? Биз ҳам худо деган
одамлармиз. Агар товламачи бўлганимда картошка
нархи ошганлигини айтармидим!

— Қанчадан бермоқчисиз?

— Мингдан. «ЗИЛ»дан тушириб ўтирмаймиз, шун-
доқ тарозига борамизу тортиб кўргач, пулини санаб
берамиз. Шерикларимиз Маллақумда кутяпти.

— Маллақумингиз қаер?

— Совхоз-да, оға. Тарозининг каттасиям ўша ерда.

— Қайси томонда деб сўрамоқчийдим.

— Чапга қайриласиз, ўн чақирим ҳам юрмайсиз.

— Ироқлига кириш бизга чўт эмас, — деди отам
иягини қашиб, — Худойберган менинг қалин ошнам
бўлади.

— Қайси Худойберганни айтяпсиз? Бозор сардори-
ми? Собиқ милиция полковниги.

— Ҳа.

— Қалин ошнам дейсизу таъзияга бормабсиз-да!
Куни кеча жанозаси бўлди.

— Ўлдими? — деди отам.

— Куппа-кундузи бозор четидаги кабинетида отиб кетишид.

— Адашаётган бўлманг.

— Тирик инсонни ўлди дейманми?! Қизиқ одам экансиз, оға! Ишонмасангиз, боринг, кўринг. Аммолекин картошкани сотиб қўя қолсангиз, ажойиб иш қилган бўлардингиз. У ёқда тинчлик йўқ, кафолат бераман.

— Шеригим билан маслаҳатлашай, — дея отам Маҳмуд ака томон кетди.

Нотаниш киши эса йўл четидаги «Нексия»нинг орқа ўриндигига ўтирганини, олд ўриндиқдаги кишилар сигарет тутатишганини кўрдим. Кўнглим ёмон бир фитнани сезди. Яхшиямки, Маҳмуд ака кўнмади. Биз йўлга чиқаётганимизда, «Нексия» чироқларини ўчириб-ёқиб, сигнал бериб етиб келди.

— Йўқ, кейинги сафар ўйлаб кўрамиз, — деди Маҳмуд ака ойнакдан бош чиқариб.

— Конкрет... Бўлмайдими? — деган овоз эшитилди.

— Бўлмайди, узр.

«Нексия» бирдан катта тезлик олиб, ўқдай учиб кетди.

Маҳмуд ака:

— Буларнинг бари ўғри-муттаҳамлар, — деди менга. — Чўл ичкарисига алдаб олиб киришади-да, гум қилишади.

— Гум қилишмасаям бир ишқали бор, — қовоини солди отам. — Уларнинг айтишича, Худойберган ўлганмиш, ҳаммаёқ алғов-далғов эмиш.

— Ишқилиб, тинчгина бориб, тинчгина қайтайлик, — деди Маҳмуд ака.

Юрагим така-пука бўлиб ўтирадим. Агар Эркин аканинг айтганига юрганимда «Нексия»даги ка-

Азамат ҚОРЖОВОВ

лондимоғ кимсалар кайфиятимни бузолмасдилар. Үйқу яхши даво, дейишади. Барчасини ухлаб енгмоқчи бўлдим.

Кўзимни очганимда бошим оғирлашиб қолганди. Отам оғзи-бурнидан буруқситиб тутун чиқариб, деди:

— Ниҳоят, етиб келдик, Маҳмуд ака.

— Ҳали озроқ бор, — тормозни босди ҳайдовчимиз.

Бир томонда қишлоқ ястаниб ётарди. Қишлоқ ортида тепаликларми, барханларми кўзга ташланар, уларнинг ортида уфқ қизарган, совуқ тонг отмоқда эди. Йўл четидаги «Ироқли 5 км» деган ёзувни кўриб, нега бу ерда тўхтаганлигимизни сўрамоқчи эдим, Маҳмуд ака ҳужжатларини олди. Йўл назорати ходими машинани айланиб ўтиб, рақамларни текшириди. «Шулар тўхтатишган экан-да, — деган ўй ўтди кўнглимдан ва ўз-ўзидан Эркин акани эсладим.

— Палакатни қаёқданам бортга чиқардим?! Нега айтганини қилдим-а? Ҳозир сирим фош бўлади...»

Отам ҳам машинадан тушди. Кабинада кутишдан кўра ташқарида туриш енгилроқ эди. Тушгандим ҳамки, орқадаги милиция машинасини, яна икки милиционерни кўрдим. Бири таёғини бортга силтаб:

— Тепада ким бор эди? — деб сўради.

— Ҳеч ким, — деди Маҳмуд ака. Бироқ брезентнинг очилиб қолганини кўриб, ранг-туси ўзгарди. — Қандай қилиб... ахир...

У дарров осилиб, текшириб кўрди ва ерга тушгач, елка қисди.

— Қандай ўғирлаган, ҳайронман. Жа секин ҳам ҳайдаганим йўқ, изма-из мошин-пошин тушганиям йўқ.

Отам бортга мушукдай чаққонлик билан чиқиб, қўланса сўзларини аямай сўкинди. Сўнг янада ичкарироқ кириб, худди қопларни санаб чиқаётгандай пайпастаниб қолди. Машина ҳужжатларини текшираётган ходим:

— Демак, гафлатизм, — деди кесатиқ оҳангода. —

Үғри жуда эпчил экан, лип этиб машинага чиқиб олган, картошка қопларини улоқтирган, кейин эса үзини пастга отган.

— Буни сизларга хабар беришдими? — сүради Маҳмуд ака.

— Хабар бермаса қаёқдан биламиз! Бир қоп картошканғиз «Икарус»ни ағдариб юборишига сал қолибди-ку!

— Ёқилғи қуяётганимизда оқ «Нексия»даги кишилар картошка сотишимизни сүрашганди. Үғри құлға олиндими?

Ходимлардан бири масхараомуз кулиб, минfirлади:

— Ёшулли, бу нима дейди? Индамасанғиз «картошкаларимизни топиб берасан» деб бүйнимизга илади, шекилли.

Отам менга ўқрайиб қаради-да, кабинада ўтиришимни буюрди. Үн-йигирма дақықалар тортишишгач, иккови икки ёқдан қайтиб келишди, әшикларни тарсиллатиб ёпишли.

— Ўн қоп, айтишга осон! — тишелари ғижирлаб кетди отамнинг. — Аблағлар, қандай улгuriшди-я!

— Худо бор-ку, Нуримбой, — деди Маҳмуд ака ҳазин товушда.

— Гап дин ҳақида кетаётгани йўқ! Улар менинг... манави боламнинг... касал ётган хотинимнинг ҳақини ейишди! Қандай қилиб-а!.. Қандай!.. Қандай...

Дамим ичимга тушиб миқ этмай ўтирадим. Раҳмидиллигим шу билан баҳоландими? Йўқ, раҳмидиллик эмас, овсарлик. Онам у ёқда ажал билан олишиб ётганда, мен ўғрини елкамда қўтариб бортга чиқариб қўйибман-а! Ўша картошкаларнинг пулига интиқ бўлиб ётибди-ку онам.

— Эшак! Ит! Ҳаромзода! — Отам анча жойгача сўкинишлардан аламини олиб борди. Кейин менга еб қўйгудай тикилди. — Зафар, эсингдами мўлтони келгани?

— Ҳа.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сафарга чиқсанг омадинг чопади, дегандими ўша туршак?

— Ҳа, шундай...

Отам тентакларча кула бошлади. Бу кулгининг охири яхшилик эканлигига киши у қадар ишонмасди.

— Худойберган ўлди, ўн қоп картошкага ўғирланди, анави итларнинг жигилдонига кириб кетган яна бир қопнинг пули — шуми омад? Ҳали кўрасан, карантин деб миямиздаги қатиқларни охирги томчисигача ичишади.

— Нуримбой, менимча, энди Худойберганни тилга олманг, ҳаммаси яхши бўлади. Акс ҳолда терговчига йўлиқиб қолишингиз ҳам мумкин.

— Тасаввур қилинг, мўлтони кафолат беряпти, омад ҳақида!..

— Қўйинг-е, Нурим! — ахийри Маҳмуд ака қаттиқ жеркиб берди. — Сал босиқроқ бўлинг! Индамасам, фол очтиргани учун Зафарга ёпишмоқчисиз! Зафар атайин фол очтирибдими?! Сизга айтсам, жўра, ҳар қандай фолчи тасодифларга кафолат беради, холос.

Отам жимиб қолди, аммо анча вақтдан сўнг нафрат билан деди:

— Тасодифларга мен ҳам кафолат бераман!

* * *

Ироқли дунёнинг нариги четидаги қолоқ шаҳарча эди. Кўпгина уйлар XX аср бошларига мансуб фотосуратлардаги манзараларни эслатади. Бозори ҳам обод эмас. Бизни дағал овозли, барваста, қора эркак кутиб олди ва таёфи билан жой кўрсатди. Кўрсатилган жойнинг юқ машиналар ғилдираги остида балчиғи чиқиб кетган эди.

Шу заҳотиёқ машинамизни тонгги даллоллар ўраб олишди. Бошланишига етти юз сўмдан нарх қўйишди, аммо отам минг сўмга ҳам кўнмади.

— Ундей бўлса, — деди қора эркак, — мошинни юқорига чиқарип, бу ерни бўшатиб қўйинг, «оптом»га кирмаслик керак эди, қани, давай, ҳайданглар!

«ЗИЛ» зўрга бурилиб олди ва юқорига элтувчи йўлдан расталар қаторига чиқди. Соат саккиз ҳам бўлмаганлиги боис бозорда одам кам эди. Кийим бозоридан ўтиб, бир қанча юк машиналари га дуч келдик. Маҳмуд ака катта-кичик машиналар, юк автобуслари қаторида турган «КамАЗ»ни кўрсатиб кулди:

— Нурим, номерга қаранг, номерга.

— Нима қипти номерига? — деди отам аланглаб.

— Бизни қувиб ўтган «КамАЗ»-ку. Қаранг, карам сотяпти, картошка олиб кетяпти деб кайфингиз учиб кетганди.

— Менга деса тулкининг тезагини сотмайдими, фақат картошка келмай турса бас!.. Аблаҳлар, ўн қопнинг кўзини ўйиб кетишмаганида, шу ердан «Матиз» миниб кетарканман. Ифлос Равшан балонинг барини биларкан, айтди-я, Ироқлида эҳтиёт бўласиз, деб!

Отам машинани қулайроқ жойлаштиргизгач, тарозини туширдик. Ёнига бир неча қоп картошкани тахладик. Ҳозирнинг ўзидаёқ савдони бошлаб юборишини истарди.

Йўл-йўлакай нон кавшаганимизни ҳисобга олмаганда, кечаги ошхонада еган овқатимиз.

— Чой-пойни тезлаштиринг, — деди Маҳмуд ака, — мизғиб олмасам бўлмайди. Сизлар уйқуни уриб олдингизлар.

Отам ёнини кавлади ва менга пул узатди.

— Дунёда бозор ошхоналарининг овқатидай мазали овқатни ҳеч қаердан тополмайсан! — деди. — Учта нўхат шўрва, иккита нон, битта ароқ олиб кел. Унгача Маҳмуд аканг газбаллончасида чой қайнатиб туради.

Бу кўримсиз бозорга юзлаб чақирим доирадаги дехқонлар талпинишини осонгина тушунса бўлар-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ди. Кartoшка, пиёз кабиларни нисбатан қиммат со-тиш мумкин. (Қимматлигига сабаб, албатта, бу ат-рофларда экин унмаслиги эди.)

Расталар оралаб кетарканман, нархлар ўртасидаги тафовут тўрт-беш бараварга ўзгариб, рекорд натижага чиққанини гапиришарди. Тез орада мошин-мошин картошка-пиёз карвони ёпирилиб келади, нарх тушади, дейишарди одамлар. Шунгача омади чоп-ганларнинг ошиғи олчи бўлади.

«Ҳа, бизнинг оиласиз кичик бир ғалаба қозонди, – дедим ичимда. – Уйга жарақ-жарақ пул билан қайтамиз.»

Биринчи учраган ошхона ёпиқ эди. Иккинчи-си эндингина очилган экан, қирқ ёшлардаги найнов кимса қўполлик билан:

– Ҳозиргина қелган бўлсам, қаёқдан овқат бўлади?!
– деди. – Буларга тушунмайман, чошгоҳгача сабр қилса, очдан ўлмайди-ку!

Мусофирикда индамай бўйин эгиб кетаётгандим, ошхона ичкарисидан шанғиллаган овоз эшитилди:

– Ҳўй, ичак! Эшиқдан қелган одамни чақма деб неча марта айтаман сенга! – Кейин мени чақирди: – Ўғлон, бу итнинг гапини гап дема! Бу ёққа кел!

Ортимга ўгирилганимда хўппасемиз баджаҳл аёлни кўрдим. Кир пешбанд тақиб, ошхонанинг қора юмушларини бажараётган эса-да, хўжайинлик қила олиш ваколатига эга эди чофи.

– Вой, жуда барно йигит-ку, – илжайди у, – қанийди оёғим остидаги ер Фарангি бўлиб қолсаю сени хонамга қамаб, бир ҳафта чиқармасам.

Найнов сўкинганча ичкарига кириб кетаркан, менга гап қотди:

– Бунга қирчанғи от ҳам қарамай қўйган, братиш-ка, қани, сур бўттан... Тошкентликмисан?

– Самарқанд...

– А, унда ҳайдада бу ердан.

Хўппасемиз хотиннинг юзи ёришди.

— Шланкага қулоқ солма. Оббо, сен-ей... Овқат ахтариб юрибсанми? Шундоқ вагон ёнидан бурилсанг, қизил деразали ошхона рўпарасидан чиқасан. Мени айт, дарров ош-нон топиб беришади. Муҳими, у ерда ҳамюртинг ишлайди, попукдайгина қиз.

Найнов идиш-товоқ ювиш хонасидан бошини чиқариб:

— Тентакмисан, Ойпарча, — деди лаби гезариб, — қизга гапирса, Бобош бунингни тиккасига сўяди-ку!

— Ҳе, ўчир!..

— Қўшмачи!

Хотин мени эшиккача кузатиб қўйди. Вагон деғанлари бир вақтлар пневматик қуролдан ўқ узила-диган тир бўлган шекилли, «Тир», «Tіг», ҳатто «Дир» деган ёзувлар ҳам кўзга ташланади. Ҳозир эса телефонларга пул ўтказиш компанияси, ксеронусха ва яна алламбало хизмат турлари уясига айланганини билдирувчи ёзувлар тўлиб-тошган эди.

Ромлари қизилга бўялган деразалар нафақат ошхона биносига, чўлдаги ҳароб шаҳарчага, таъбир жоиз бўлса, бутун Осиёга ярашмасди. Эшик панжарасига клёнка қопланган бўлиб, «Очиқ» деган эълон илиб қўйилган, буниси эса кишига ёқимли умид баҳш этарди. Қанийди керакли эшикларнинг барчасига шундай ёзув осиб қўйилса...

Остона ҳатлаганимда кўз ўнгимда чоғроққина ошхона намоён бўлди. Стол-стуллари эски, баъзи стуллар мактаб партасиники. Димоғимга пиёздоғ ҳиди урилди, ниманингдир қопқоғи очилиб-ёпилди. Назаримда, ўша попукдайгина қиз ёлғиз ўзи овқат пиширмоқда эди.

Оёғимни тапиллатиб, томоқ қирдим, аммо ҳеч ким жавоб бермади.

— Ким бор? — дедим ичкари хонага киришга журъят этмай.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ҳозир, — деган майин овоз эшитилди.

Бу, шубҳасиз, гўзал қиз эди. Шу тобда мўлтони кампирнинг башоратини эслаб, энтикиб тушдим. Тақдир сўқмоқларида баҳт қуши ботинида бўлмиш қиз билан учрашаман, дедим ўзимга. Менимча, бу саҳнани (санани ҳам) умрбод эслаб қолишим керак.

Қиз хусн-жамолини намойиш этганида бир лаҳза тилим айланмай қолди. Аксига олиб қиз ҳам бир сўз демай, «нима керак?» маъносида тикилиб қолди. Ўн саккиз ёшдаги ҳурлиқо эди у. Сутга чайиб олингандай оппоқ, тиниқ юзли, яноқлари нақшин олмадек қизил, қошлари қора камон, кўзлари эса... Э-воҳ, умримда илк бор уммондек тубсиз кўзларни учратишм. Кўзларига сингиб кетганим ростдай, ўзимни унудим-қўйдим. Тасаввурларим ҳеч қачон бундайин тизгинсизлик қилмаган эди ва минг бир тиши ҳам мос тушган калит соҳибиға айлангандим гўё.

— Гапиринг, — деди қиз жилмайиб.

— Овқат борми?

— Шўрва, лағмон, тухум ва кечаги сомса.

— Шўрва беринг.

— Шу ерда ичасизми?

— Олиб кетаман...

Қиз кутинг дея, ичкарига кирмоқчи эди, тўхтатдим.

— Нон ҳам.

У бош қимирилатди. Шайтонлигим тутгандай қўшиб қўйдим:

— Ароқ ҳам.

— Ароқ ҳам? Демак, овқат бир кишилик эмас?

Учта бармоғимни кўрсатган эдим, қиз яна бош қимирилатди. У ҳар куни хўрандалар билан муомала қиласвериб пишиб кетганди. Бироқ мени одатий ўткинчилардан бири деб ўйлашини истамасдим. Шу боис ўзимни танитиш ҳақида бош қотиарканман, қаерлик эканлигимга ургу беришга қарор қилдим.

У патнисга уч коса шүрва, иккита нон, ётқизиб қүйилган ароқ қүйиб чиққанда, үзимни анча-мунча тутиб олғандим.

— Биз Ироқлига ҳозиргина етиб келдик, — дедим.
— Икки күн йўл юрдик, Самарқанд-ку майли, Жиззаху Тошкентдан ҳам келишар экан-а?

Қиз қошини учирив қўйғандай туюлганини ҳисобга олмаганда, парво ҳам қилмади. Пешбанд чўнтағидан (дарвоқе, қизнинг пешбанди семиз хотинникидан минг чандон озода эди) калькулятор олиб ҳисобни чиқарди. Дарров тўладим. Қиз патнис ва коса-қошиқларни вақтида келтириб беришимни тайинлагач, чиқиб кетишимни кутиб, қўлини пешбанд чўнтақларига солди.

— Исмингиз нима? — сўрадим сабр-бардошим тутубаб. — Меники Зафар, Самарқанд томонларданман.
— Биринчи келишингизми? — деди қиз.
— Ҳа. Сиз ҳам Самарқанддансиз-а?
— Шундай десаям бўлади, — қиз не важдандир эшикка хавотир или нигоҳ ташлаб қўйди. — Буни қаердан била қолдингиз?

Қаерданлиги унинг сири эканлигини фаҳмлаб, семиз хотинни сотгим келмади. Лаҳжасидан билганимни айтдим. Қиз ишонмаган бўлса-да, мендан аччиқланмаганини, қайтанга қизиқсимиш уйғонганини пайқадим. Миямга келган галдаги фикр кўнглимни хижил қилди: шундай навниҳол қиз уйидан юзлаб чақирим олисдаги овлоқ шаҳарчада ишлаб юриши тўғримикан? Бозорчи эркакларни бу қиз олдидаги қашқирларга менгзаш мумкин-ку, ахир.

— Ҳозироқ қайтаман, — дедим эшикка юриб. — Исмингизни барибир айтмадингиз-а?

— Дилҳаё, — деди у.

То картошка бозорига етгунимча ҳушим үзимда бўлмади. Умримда ҳеч қачон бунчалик ёқимли ҳисни туймаган эдим. «Шу кунгача қаерда эдим?» деб үзимни койидим.

Овқат ейилмасдан косаларини қайтариб боришиң нинг иложи йўқ эди. Базўр сабр қилиб ўтиридим. Таърифи йўқ дейиладиган муҳаббатни қумсоатга ўхшатдим. Мана, қизга қарашли бўлмадан менинг томонимга қум тўкилишни бошлади. Ҳар бир қум зарраси юлдузларга тенг беқиёс олов парчаси эди. Илк лаҳзалардан мажнунона кўйга тушяпман, севги қумлари тўлиқ тўкилиб бўлгач, ҳолим не кечаркин?

Ошхонага қайтарканман, қашқирлар хусусидаги ўйлар хуруж қилиб қолди. Менинг туйғуларим, ўйхаёлим пок эдию қиз бунга нолойиқдай эди, чамамда. Бобош деганлари аллақачонлар тўрига илинтириб олмаганимикан?..

Йўқ, ёмон хаёлларга боришимга нимадир йўл қўймади. Номардлик бўлиб кўринди бу.

Ошхонага икки қадам қолганимда ёзувга кўзим тушиб, беихтиёр тўхтадим. Катта-катта қилиб «ЁПИҚ» деган ёзув осилганди, аниқроғи, картон қофоз тескари айлантирилганди. Эълонга зид равишда на эшик, на панжараси қулфланган. Агар қулф осиб қўйилганида ҳам тортқилаб кўрадим.

Қўлбола ошиқ-мошиққа ўрнатилган панжара енгил очилди. Ошхона ҳамон кимсасиз эди. Стуллардан бири ағанаб ётганини кўриб, кўнглимга шубҳа оралади. Кимdir келиб тўполон қилмадимикан?

Бир кўнглим патнисни стол устига ташлаб кетмоқчиям бўлдим, лекин сирли куч мени ичкари хонага чорлади. Пардани сурдим, қозонлару кастрюл-каларда таомлар билқ-билқ қайнар, сон-саноқсиз идиш-товоқлар териб қўйилганди. Тўрдаги эшикка ҳам парда тортилган бўлиб, электр чироқ ёниқ эди.

Патнисни столга оҳиста қўйдим ва бир қадам олға босдим. Муқаддам ҳеч қачон бирорларни пойламаган эдим, нима жин урди, ҳалигача тушунмайман.

Шу пайт пардада бир соя пайдо бўлди. Бу – пичоқ кўтарган эркакнинг шакл-шамойили эди.

Бозор ошхонасидағи қиз

— Дилҳаё, — деди у, — шу кечанинг ўзида уларни сўйиб кетишим керак.

— Илтимос, мени тинч қўйинг, — зорланди қиз.

Йигитнинг сояси тезлик билан кўздан йўқолди. У ҳужра тўрида ўтирган қизнинг қаршисида тиз чўкди шекилли, нимадир дўқ этди.

— Нега бўлмаса сўзларимга ишонмаяпсан?! — деди йигит.

Дарвоқе, йигитда одам боласи қўрқса қўрқулик нимадир борлиги парда ортидан ҳам сезиларди. Сўйиб кетиш ҳақида ҳам ҳазиллашмаётгани билинарди. Гапларини тасодифан эшишиб қолганим учун мени ҳам соғ қўймаса керак, ҳойнаҳой.

— Ишоняпман... Ишоняпман... — йиғламсиради қиз.

Дўқиллаган овоз йигитнинг тizzаларидан эмас, пичоқнинг зарб билан столга санчилишидан чиққанига имоним комил бўлди. Шу тобда аҳволим қизни-кидан кам эмасди. Оёқ учида индамай чиқиб кетишга-да кўзим етмади. Лекин бир соат бурун туғилган гўдак муҳаббат қочиб қолишимга мойиллик қила олаётганини ҳис этиб, бир оз енгил тортдим.

— Ишонсанг, нега рози бўлмаяпсан?

— Сиз уйлангансиз-ку, — деди қиз.

— Бу бизнинг баҳтимизга тўсқинлик қилолмайди! У билан олти ойдан бери бирга бўлганим йўқ! Эртагаёқ ажрашаман.

— Бас! Унақа гаплар айтманг менга! Одамда уят-пуят бўлиши керак! — Қиз хонадан қочиб чиқмоқчи эди, йигит билагидан маҳкам тутиб қолди. Бироқ хиёл кечиккан эди, негаки парданинг очилиб кетиши оқибатида қиз мени кўриб қолишга улгурди.

— Сени севаман, Дилҳаё! Ишонмасанг, ўшаларни бугуноқ сўйиб кетаман!.. — деди йигит.

— Одам бор... жим...

— Нималар деяпсан?

Қиз мен томонни қўрсатганини, йигитнинг афт-

Азамат ҚОРЖОВОВ

башараси янада ғазабнок тусга кирганини тасаввур қилдим. Бир бошга – бир ўлим, деган мақолни қўп эшиитгандиму лекин ҳалигача бошимга тушмаганди. Йигит пардани ғазаб ила суриб, устимга бостириб келганида (Яратганга шукр, қўлида пичоқ йўқ эди), сезилар-сезилмас даражада сескандим, холос.

– Энангни сенинг... кимсан? – Лаънати қассобнинг оғзидан тупук сачраб кетди.

– Сўкинманг, ака... Косаларни опкелдим.

Унинг қисиқ кўзлари патнисни, учта косани қўрди. Эҳтимол, мияси «учта коса, демак, уч киши... бу мишиқини қайси ошхонага юборишганини қолган икки киши билади, ҳозир ўлдиришим бефойда» мазмунидаги фикрни ишлаб чиқаргандир, бир оз шаштидан тушиб:

– Тилинг бор экан-ку, ярамас! Чақирсанг ўласанми? – деди.

– Чақирмоқчи бўлдим... – дегандим, ичкаридан Дилҳаё чиқди. Дам зўравон йигитнинг от ҳам зўрга кўтарадиган гавдасига, дам менинг озғингина вужудимга ер остидан қараб қўяркан, ялинди:

– Жанжал қилманг, Бобош ака... Бу йигит клиентимиз, ҳозир кетади.

Қиз кетишимни сўраётганди. Ўрнимда бошқа йигит бўлганида балки индамай жуфтакни ростлаб қолармиди. Бир қадам ташлаб, ортимга ўгирилдим. Қўлимга илашадиган қувур шундоқ бурчакка суюб қўйилгани анча далда бўлди.

– Дилҳаё, нима гап ўзи? – дедим эски қадрдонлардай. – Стул ағанаб ётибди, манави сизга бақиряпти...

«Оилали эркак экан-ку бу қўtos, сизга нега тирфалади?» демоқчи эдим, улгуролмадим, Бобош сўкинган кўйи чаккамга очиқ кафт билан зарба берди. Омадим бор экан, қувурнинг ёнига учиб тушдим. Қизга тирфалгани ва онамни сўkkани учунми, ё биргина шу зарб сабабми, билмайман, тўсатдан қутуриб

кетдим. Ўлдириб құяман деб ҳам ўйламасдан қувур билан ташландым. У аввалига чекинса-да, темир кор қилмайдигандек ҳамла қила бошлади. Оғриқдан қизарыб кетиб, важоқатли қиёфага кирганини күриб, хүрандалар ўтирадиган хонага қочиб чиқдим. Қочаётіб ҳам ҳүқиздай рақибимни аямай савалардим, у эса ҳар зарбда бошини түсіб қолар, қувурни ушлаб олишга жон-жаҳди билан тиришарди. Бир гал оёғига урдим, Бобош әнгашыб қолди, аммо қўлига парта стули тушгани чатоқ бўлди.

— Ўлдираман, ит! — томоги йиртилгудай бақириб ҳамла қилди.

Урушда қаҳрамонлар эмас, омадлилар тирик қолади. У бор куч-қудрати билан стулни силтади. Ўтган йили Эшмирза тоғам Ургут бозоридан олиб келган чанғи-чилар шапкасини ялаб ўтган стул деворга қарсиллаб урилди, айни лаҳзада менинг қуролим эса унинг қўзига тегди. «Вўх!» — дедиую ўтириб қолди, бир зумда панжаси орасидан қон сизиб чиқди. Даҳшатли олишув бошланган сонияданоқ бояқиши Дилҳаё қичқириб, бизни ажратиш ниятида гирдикапалак бўлаётган эди, Бобошнинг гурс этиб ўтириб қолиши ўтакасини ёриб юборди. Менимча, шу кунгача у Бобошни енгилмас одам деб тасаввур қилиб келган, кутилмаганда қулаши эса қотиллик юз берган каби муттаассир этган эди.

— Ўлдириб қўйдингиз!!! Ўлдириб қўйдингиз!.. Вой, энди нима қиласман?! Тез чопинг! «Скорий» чақи-ринг... Одам чақиринг... — чирилларди қиз.

Деворга гарангсиб суюндим. Агар стул мўлжалга текканида борми!.. Худо бир сақлади. Энди жуфтакни ростлаб қолсам уят саналмас, ахир, энг машҳур қотиллар ҳам бунақа вақтда қочиб кетишади-ку.

Қувур жаранглаб полга тушди, Дилҳаё оний лаҳза менга алланечук хайриҳоҳ нигоҳ ташлаганини сездим. Буни тушунтириб беришим, айниқса исбот-

Азамат ҚОРЖОВОВ

лашим мушкул, аммо ўша лаҳзаларда қиз мендан мамнун эди. Музaffer эканлигимданми, соғ қолганимданми... ҳархолда, мазкур фикримда событман.

— Кўзни единг, ит боласи, — дея иҳради Бобош.

— Қовоғи ёрилибди, — деди Дилҳаё.

Жанг яна давом этиши мумкинлигидан далолат берарди бу овоз. Ошхонани шошилинч-ла тарк этдим. Шовқин-сурондан ҳеч ким хабар топмагани юрагимни музлатиб юборди. Қаранг-а, агар қувур ёрдам бермаганида бирон зоғ қутқаролмас экан.

Шапкамни чаккамга босиб, бозорда тентираб кетардим. Охириги марта бошланғич синфда ўқиб юрганимда — ўн йил муқаддам муштлашгандим. Йўқ, ҳозиргиси ни муштлашиш деб бўлмайди. Бу жанг эди, бир-бири ни ўлдиришга чоғланган икки рақиб жанги!

— Нега ахир?! Ўзидан бўлди-ку! — дедим йиғламсираб.

Синчков бозорчилар бир кор-ҳол юз берганини тушуниб, зимдан кузатиб қолдилар. Ҳеч қандай «Тез ёрдам»га сим қоқмасдан картошка бозорга кириб бордим. Отам бир тижоратчи туркманга беш қопни улгуржи пуллаётган экан, кўзи калькуляторда, тарозига имо қилди:

— Зафар, янги қопни қўй, чаққон-чаққон ўлча! Адашма!

Кайфиятим йўқлигини Маҳмуд aka уйқудан тургач пайқади.

— Ҳм, — деди у, — бирор билан ёқалашдингми?

— Йўқ.

— Ие, мушт ҳам ебсан-ку!

— Отамга айтинг, картошкани тезроқ сотсин, бугуннинг ўзида бу ердан кетиш керак, — пицирладим мен.

— Бу ёққа юр қани, — Маҳмуд aka машинанинг ён томонига эргаштириб келди. — Нима гап? Очиқ гапири.

Бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб бергандим, юзида жиддий ифода зоҳир бўлмади. Елкамга

уриб қўйди-да, шимининг почасини кўтариб чандиғини кўрсатди (чандиқ бўронли кечадаги снайпер ўқидан қолган деб ўйладим).

— Сендалигимда бунақа воқеалар ҳар куни бошимга тушарди. Ҳозирги ёшлар тўда-тўда бўлиб кўчада юргунча пул топишни маъқул кўришади. Бизнинг давримизда эса бекорчихўжалар кўп эди. Магнитофон, гитара кўтариб юрганларни, автобусда киссавурлик қилганларни, бирорларнинг соатини, пулини тортиб олганларни эшигтганмисан? Шунақалар билан тўқнашувларда албатта қон тўкиларди. Колхоз-колхоз, шаҳар-қишлоқ деган душман гуруҳлар бор эди, ўртада жанжал чиқиши учун кўйлагингнинг тугмаси олтита эканлигиям баҳона бўла оларди. Нега олтита? Тамом! Аямасдан дўппослашарди.

— Маҳмуд ака, лекин у оддий безори ёки бекорчихўжа эмасди.

— Ўлдириб кетаман, деганини эшигтган бўлсанг, эътибор бер, у қиз болага гапиряпти. Ростдан одам ўлдиришни қасд қилган киши қотиллик ҳақида қиз болага бақириб-чақириб гапирмайди. Ё ўзингдан қўрқяпсанми?

— Кўрққаним йўғу, лекин одам тўғри бўлса, ҳеч нарсадан қўрқмаслик керак, деган гапингиз нотўғрилигини тушундим.

— Нега энди?

— Шум бўлганимда бугун ҳеч ким билан жанжаллашмасдим. Маҳмуд ака, улар асли биз тарафлардан. Ошхонанинг атрофига бориб бир суриштириб кўрсангиз. Балки келишиб кетишнинг иложи бордир? Агар шу ерга ахтариб келса, мен ҳам пичоқ кўтараман. Энамни сўкиб, яна менга кучини кўрсатмоқчи бўлди, нима, қараб туришим керакми?!

Маҳмуд ака важоҳатимдан сергак тортди.

— Майли, ўзим гаплашаман. Йишқилиб кўзини ўйиб

қўймаган бўлсанг бас... Э, сени ақлли бола десам, отангга ўхшаб боряпсан. Ҳеч қачон пичоқ кўтарма!

Бу гапни отамдан сир тутдик. Пулнинг тагида қолаётган одам ортиқча ғалвани қанчалар ёқтириласлиги маълум эди. Ҳатто, биз билан сўзлашмасдан нуқул ҳисоб-китоб қиласар, бир минг уч юздан тўрт-беш кило сўраб ялинган аёлларга ҳам нархдан тушмасди. «Нега совқотиб ўтирибман? Уч-тўрт сўм қолсин-да, ахир, — дерди картошка ўлчар экан. — Сиз айтган нарҳда берадиган бўлганимда, ана, пастликдаги «оптом» бозорда мошинаси билан сотиб кетардим.»

Пешинда отамнинг бир оз ҳовури қайтиб, бизга илжайиб қаради.

— Буни савдо деса бўлади, Маҳмуд aka! Эсиз, ҳалол меҳнат!.. Ҳалол меҳнат билан ҳам яшаса бўларкан.

— Нима, бу ҳалол меҳнат эмасми? — кулди Маҳмуд aka.

— Шуни айтяпман-да ҳалол меҳнат деб!

— Бўлмаса, қайси ишингизга афсус қиляпсиз?

— Сўрамант, асло сўрамант!

Овқат ҳақида шундан сўнг ўйлаган отам менга ошхонадан палов олиб келишни буюрди. Маҳмуд aka эътиroz билдириди:

— Кун совиб боряпти, Нурим, овқат йўлда совиб қолади, ўзимиз бора қолайлик. Ошхонада ўтиришнинг гашти бошқача-да.

— Майли, икковингиз бориб келинг, кейин мен.

Маҳмуд aka қизил деразали ўша ошхонага бошлаб боришимни сўради. Юрагим така-пука бўлиб кетган эса-да, ноилож айтганини қилдим. Агар Бобош қасдини олмоқчи бўлса, Маҳмуд аканинг кучи етишига ишонмасдим. Жусса teng, аммо ёшлиқ, ёвузилик, қутуриш катта тафовут соларди. «Мени майиб қилишига йўл қўймайман, — дедим ичимда. — Муштлашса муштлашаман, пичоқлашса пичоқлашаман.»

Ошхона остонасини ҳатлаганим замон йигирма чоғ-

ли эркак-аёлга күзим тушди. Гап-сўзларига қараганда, хоразм ва хиваликлар, қорақалпоқлар, туркманлар эди. Деярли барчаси Ироқли бозорида савдо қилувчилар бўлиб, ҳозир овқатланиш баҳонасида пулларини тақсимлаш учун тўпланишганди. Мастлар ҳам кўзга ташланади. Нотаниш хизматчи аёл бизга жой кўрсатди, нима ейишимизни сўради. Маҳмуд ака ош, нон, чой айтди, мен эса овқат пишириладиган хонадан кўз узмасдим. Парда очилиб-ёпилганда ликобчаларга сомса тахлаётган Дилҳаёнинг дилбар қиёфасини кўришга муваффақ бўлиб, ширин энтикиб кўйдим.

— Ана ўша қиз, — дедим туфёнимни яширолмай.

Аммо Маҳмуд ака ўзини эшитмаганга олди, кейин паст овозда танбек берди:

— Ўзингни ҳеч нарса бўлмагандай тут, гёё бу ерга биринчи марта ёки мингингичи марта келгансан. Қизга қарама.

— Нега?

— Нега бўларди, урушни давом эттирмаслик учун. Унинг атрофида айланишинг оловга мой сепади, тушундингми?

Шу пайт Дилҳаё қўшни столдагиларга сомса олиб келди, менга кўзи тушиб бир нафас анграйиб қолди. Хўрандалар ундан чаққон ишлашни талаб қилишгач, кўзларимизни олиб қочдик.

— Ҳей, эшитдингларми? — дея гап бошлади чопонли савдогарлардан бири. — Бобошни кимдир қонига белаб уриб кетибди.

— А?! Қассоб Бобошними? Йўғ-э!

— У осонликча таёқ ейдиганлардан эмасди-ку! — мингиллашди шериклари.

— Зўрдан зўр чиқади, — сомсани фарч тишлади чопонли. — Ў-ўҳ, ёғликина экан, юз граммнинг устидан нечта сомса бўлса кетади... Бу дейман, каратес йигитга дуч келган-ов.

— Э, Бобош билан ўчакишиб жони нечта? Энағарнинг боласи сўйиб кетишдан тоймайди. Бекорга бу ерларда юрибдими? Самарқандда иккитасини пичоқлаб қўйган дейишади. Мол билан одамнинг фарқига унчалик бормасакан-да ўзиям.

— Ҳа, Худойберган оғани отиб кетишган куни биринчилардан бўлиб Бобошни гумондор сифатида ушлашган.

— Худойберган оға зўр одам эди, — деди чопонли.

— Бобошинг бир бебош-да, нима иш қилиб қўйибдики, тан олсанг.

Ошхонадан чиқиб, сал наридаги раста ёнида тўхтадик. Маҳмуд ака бир оз ўй сургац, енгимдан тортди.

— Кетдик, ука. Ҳеч кимдан суриштирумаймиз ҳам, қўрқмаймиз ҳам. Қисқаси, бугун бўлган воқеани унут.

Отам бизларга илҳақ бўлиб ўтирган экан, дарров менга ўдағайлаб кетди:

— Қанақа боласан-а?! Одам деган тез-тез овқатлади-да, ахир! Маҳмуд аканг чойини ичиб ўтираверсин эди.

— Бирга бориб, бирга келайлик дедик-да, Нурим, — жавоб берди Маҳмуд ака.

— Сиз билан бир отамлашмоқчийдим-да, ака, — деди отам.

Лекин менга овози сохта туюлди. Дарров жўнаб қолгани ҳам шубҳали эди.

Тушдан сўнг савдо ўла бошлади. Аксига олиб, Жиззахнинг Гулбулоқ деган жойидан иккита юқ автобусида бизникидан икки баравар сифатли картошка етиб келди. Қоронғи тушганида уларнинг қаторига Самарқанд юқ машинаси қўшилди. Қора «ЗИЛ»нинг устига тоғдай қилиб картошка қоплари босилган эди.

— Йўлда баллонлари тешилиб қолса бўлмасмикан-а буларнинг? — минғиллади отам.

Фикрига қўшилишни истамадим, лекин картошка нархи бир минг юзга тушгани менга ҳам алам қилди.

* * *

Кечқурунги аёз чимчилаб олди. Қўлимни күх-куҳлаб кабина сари юргандим, отам чақирди. Совуқ жон-жонидан ўтганини кўриб, табиатнинг шафқатсизлигидан хафа бўлдим. Бироқ табиат бор-йўғи ўз вазифасини бажараётганини англатиб қўйган сұхбат гувоҳига айланганимда отамдан гина қила бошладим.

Оғир тарозини бортга ортиб, брезентни ёпган ҳам эдикки, ёнимиздаги машина эгалари келиб қолишиди ва отам билан қуюқ саломлашишгач, сўрадилар:

— Квартира топдингизми, ака?

— Мана квартира, — деди отам ҳар доимгидай чўнг оҳангда «ЗИЛ»га бош силкиб.

— Янгисиз, шекилли, — деди биттаси кулиб. — Ироқлининг аёзи билан ҳазиллашманг. Жой бўлмаса кетдик бизнинг квартирага.

— Йўқ, раҳмат.

Улар бир-бири билан маъноли кўз уриштириб олдилар-да, йўлларига равона бўлишиди. Отам мени кабинага бошлади. Маҳмуд ака дийдираб ўтиради. Қўпгина шофёрларга ўхшаб қалин кийиниб олмагани панд берганди.

— Иситиш учун моторни ёқиши керак, лекин бунинг иложи йўқ, бензин қиммат, — деди у. — Хўш, Нурим, нима қиласиз? Бу ерларга совуқ кунлари келганлар квартирада туришар экан, ҳамма кетяпти.

— Билмадим, — бошини хам қилди отам ва бир дунё саволни уюб ташлади: — Кун кеч бўлди, қаердан квартира ахтараман? Бир кунга жой берармикан? Кartoшка нима бўлади? Мошин-чи?

— Қоровул бор.

— Ишонмайман уларга...

Ҳақиқатан, ҳали олдинда узоқ тонг борлигини ўйлаб юрагим увишди. Шунча йўл юрганимиз етмагандай яна ўтириб ухлаймизми? Қайтанга юраётган

Азамат ҚОРЖОВОВ

машина яхши эди, печкаси ишлаб туради, бешикдай аллалайди. Кабинасимон музлатгичда қандай тонг оттирамиз, ҳайронман.

Ростдан-да эрталабгача дилдираб чиқармидик, шукрки, бозор қоровуллари эшик қоқиб қолиши. – Акалар, бу не аҳвол? – деди пўстинга ўралган, маҳси-калиш кийган йигит. – Иссик уйга бориб ёт-саларингиз бўлмайдими? Бозорнинг ёнгинасида уйлар бор, шароит яхши, нархи қиммат эмас, бир кунга икки минг сўм. Манави Шомурун олиб бориб, жойлаб келади.

– Кartoшкамнинг ярими турибди, нима бўлади?
– деди отам ўжарлик билан.

– Оббо, акам-ей, шу ерда неча тонна картошка, пиёз, карам, шолғом бўлса, мана, биз жавоб берамиш. Квартира-пвартира қиласизми-йўқми, барибир қоровуллик ҳақини киссадан чиқарасиз. Бир дона картошкангиз йўқолса ёки машинанинг бир гайкасини ечиб олишса, тўлаймиз.

Отам эгасиз қолган юк машиналарига бир қур кўз югуртиргач, пастга тушди. Бир оздан сўнг қайтиб, Маҳмуд акага эшикни қулфлашни буюрди. Қоровуллардан бири бизни эргаштириб кетди.

Бозорнинг бошқа бир томонидан чиқдик. Ўткинчилар тез-тез учрар, ҳар бири менга Бобош бўлиб туюларди. Эртагаёқ пул жамғариб, кичикроқ пичоқ сотиб олишни дилимга тугдим.

Муюлишда милициянинг алмисоқдан қолган сарбиқ «Виллис»и турган экан, бири бошини чиқариб:

– Ўй ҳаромзода, сенмисан? – деб сўради.

Бозор қоровули «Ҳа, командир» деган эди, милиция ходими бизларга қўлини бигиз қилди.

– Булар ким?

– Ўзимизникилар.

– Мешникига олиб кетяпсанми?

– Худди шундай, акам.

— Энағарға айт, агар «тёлка-пёлка» олиб келса, иши чатоқ бўлади.

— Хўп, акам, айтаман.

Маҳмуд ака қоровулдан хафа бўлиб, деди:

— Нега ўзимизниklар дейсиз, ука? Эшитдик, у сизни ҳаромзода деяпти? Бу билан «булар ҳам шунаقا» деган тушунча қолдирдингиз-да уларда. Лекин айтиб қўйяй, мен арпасини хом ўрмаганман, ҳақоратига чидаш йўқ.

Қоровул орият қилиб ўтиrmади.

— Арпасини биз хом ўрганмиз, ака, «хўп» денг – қутуласиз. Нима, уларни ҳурмат қиласанми? Бир суткада орқасидан юз марта сўкмасам, кўнглим тинчмайди.

— Меш дегани ким бўлди? – сўради отам.

— Шу бозорда ишлайдиган шкафдай бир аёл бор, ўшани гапирди лайчалар.

— Донғи кетганми?

— Ким билсин, ҳамма танийди.

— Қўшмачилик одати борми?

Қоровул ҳиринглаб куларкан, рад этди:

— Э, у яхши аёл. Бир сафар эр-хотинмиз деб иккитаси квартира сўраган, кимдир мелисага чаққанми, келиб текширишса, қип-қизил ўйнашсимонлар экан. Шундан ошпазнинг номи қўшмачига чиқиб кетди. Биттаю битта мулламиз ҳам уни никоҳламади.

— Тушунмадим, – деди отам.

— Еттинчи эрига турмушга чиқмоқчи эди, омади чопмади. Мулла «Каспийдан опкеласанми, Астракханданми, менга фарқи йўқ, мулла топ-да, никоҳ ўқит, бирга яшайвер» деган. Одамлар мулланинг айтганини қилмайдиган, мулла одамларнинг айтганини қиладиган бўлиб кетди.

— Ироқлида мулла биттами? – Назаримда, буни отам шунчаки сўради.

— Юз чақирим иррадиусда, – қоровулнинг «ра-

диус» сүзига тили келишмади, — атиги битта! Акам, муллалар обод жойда илдиз отишади. Мабодо мулла эмасмисиз? Эх, мулла бўлганингизда доллар ишлаб кетардингиз, қозоқ овуллари ҳам чақиришади. Энг муҳими, «хозайка»нгизният никоҳлаб қўярдингиз, бечоранинг шланкадай йигити бор.

Кўз олдимга эрталабки хўппасемиз аёл ва новча эркак келди. Наҳотки, уларни книга бораётган бўлсак? Очифини айтганда, аёл менга яхшилик қилган эсада, қайтиб учрашишни хоҳламасдим. Новчани кўришга-ку умуман тоқатим йўқ.

Худди ўйлаганимдай бўлди. Бу ўша – хўппасемиз ошхоначи эди. Бир оз кайфи борлигиданми, мени танимади, бозор қоровулига болохонадаги иккинчи ҳужрага киргизишни тайинлаб, эшигини ёпди.

Ичкарида печка гуриллаб ёнарди. Донг қотиб ухлаб қолибман. Эрталабки кўрган ажиг манзарам шу эдики, ҳовлида Дилҳаё юради. Дастрлаб кўзларимга ишонмадим, уйқусирайпман, дедим. Бир пайт новча кимса семиз хотиннинг эшигидан чиқиб унга тикилиб турди-да:

– Ойимқиз қалай кеч қолди? – деди. – Сўфи аzon айтмасдан овқати пишарди-ку!

Дилҳаё паст товушда сўзлагани боис илғамадим. Новча кулди, ҳожатхонага қараб кетаркан:

– Ким Бобошнинг пачофини чиқарди? – деб сўради.
– Кеча атайнин қассобхонага бориб келдим, тополмадим. Одамлар поликлиникада кўрганмиш. Муҳаббат можаросими дейман-а?

– Ҳа, муҳаббат можароси, – кесатди қиз.

«Бу ерда ким билан туар экан-а?» деб ўйлаб қолдим. Суриштирадиган одам йўқ эди. Бироқ қиз чангини тозалаётган кийимларга қараб, айрим хulosаларга келгандай бўлдим. Кийимлар эркак кишиники эди. Ҳали у Бобошнинг унаштирилган ёри бўлиб чиқса-я?!

Уйқудан уйғонмасимдан аввал отам чиқиб кет-

ган эди. Негадир мен Дилхаёдан кейин ҳовлини тарк этишни истадим. Бир кече шу ерда – улкан ижарахода тунаганимни, умуман, менинг маконимдан хабардор бўлишини истамасдим. Маҳмуд aka ювиниб келиб, бозорга бориш вақти бўлганини айтганида ҳамон дераза олдида эдим.

Пастга тушганимизда бояги кийимлар дорга осифлик туради. Қўча эшикка етганимизда кўнглимда бир шубҳа туғилдию ортимга қарадим: кийимлар менга таниш эди. Ҳудди Эркин аканикига, ўша олти бармоқли ўғриникига ўхшади. Телпакни ҳам илиб қўйганида буткул ишонч ҳосил қиласдим, афсус...

«Дайди ўғри билан бу қизнинг қандай алоқаси бўлиши мумкин? – дедим ўзимга. – Ким билан яашини бугуноқ ошхоначи аёлдан сўрайман. Наҳотки, Дилҳаё ўшанақа кимсалар қавмидан?.. Тўхта, қиз самарқандлик, ўғри эса чўл ўртасидаги Оқкападан эди. Йўқ, улар бир-бирига бегона...»

Бозорда бизни ғалати хабар кутмоқда эди. Отам картошкаларни минг сўмдан сотиб, тахлам-тахлам пулларни санаётган эди.

– Кетар эканмиз-да, – қувончини яширмади Маҳмуд aka.

– Ҳозироқ жўнаймиз, – деди отам бош кўтармай,
– шошилишимиз керак.

Ичимда нимадир чирт узилгандек бўлди. «Онам!» деган ҳайқириқ янгради миямда. Ахир, онажоним касалхонада эди... операцияга тайёрлашаётганди...

– Нима?.. Нима учун?.. – тилим зўрға айланди.

– Сен ўша квартирада қоласан, Зафар, – деди отам қатъий оҳангда. – Энди бу ёғини эшит...

– Бу ерда бир кун ҳам қолмайман! – дедим отамнинг гапини чўрт кесиб.

– Аввал гапни эшит, – қўллари беихтиёр муштга айланганини кўрдим. – Эркалик ҳам эви билан!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Агар ўзингни бола деб тасаввур қилсанг, бурнингдан сувингни оқизиб, энангнинг ўлимини кутиб ўтира-вер, худди Латиф, Чориларга ўхшаб!

Газабдан тилингиз айланмай қолган вақтлар бўлганми? Менда ҳозир шундай бўлди. Отам ҳе йўқ, бе йўқ чўлга ташлаб кетаётгани етмагандай касалхонада ажал билан олишиб ётган онамни рўкач қиляпти, кечаю кундуз Худодан онамнинг соғлигини тилаётган укаларимни шафқатсиз ҳақоратлаяпти.

Кўзларимга ёш қуишиб келди.

— Нима гап ўзи? — деди отам Маҳмуд акага ўгирилиб. — Бунинг бирон дарди борми дейман? Сизга айтдими?

Маҳмуд акадан юзимни беркитдим. У отамга шундай деди:

— Биласизми, Нурим, кеча Зафар ошхонада бир йигит билан муштлашибди. Ўша зўравон тутиб олсам ўлдирман, деган. Яхиси, Зафарниям бирга олиб кетайлик.

— Йўқ, савдони кўряпсиз-ку қанақа даҳшат! Картошкаларни мингдан берворганим билан ҳали яна бор. Пастда бир одамникини саккиз юздан савдо-лашдим. Биз келгунча Зафар шу ерда майдалаб сотиб ўтиради. Картошкафурушларга тайинлаганман, ёрдамлашади. Кечқурун бамайлихотир квартирага бориб ётади. Ош-нон тайёр, нимаси қийин? Кечагина уйда шифтга қараб хаёл суриб ётганди, макарон ичиб. Муштлашувга келсак, — отам қўлини бигиз қилди, — бирорни чартмайсан. Агар биринчи бошлишса, кейин пушаймон еб юрмасин. «Тутиб олсам» деганига қараганда, қочиб қолдингми?

— Йўқ...

— Ўзларинг келишиб олинглар, — Маҳмуд ака нари кетди.

Гўё у ҳам мени қўрқоқликда айблаётгандай туюлди. Бобош бир қассоб экан, одамхўр маҳлуқ бўлсаям

Ироқлида қоламан, дедим ичимда, аламзадалигим тутиб.

— Ким экан ўша зўравон? — тергади отам. — Агар бир тола сочинг тўкилса, ичагини бўйнига бўйинтуруқ қилиб ташлайман, эшитдингми?! Озиб-ёзиб бир омадимиз келганда аллакимлар оёғимиз тагида ўралашса қараб турамизми? Зафар, биз қишлоқда энг бечора хонадонмиз. Ҳозирги имкониятларни қўлдан бой бермасак, бирдан ўзгарамиз. Биринчи ўринда энангнинг дори-дармонини тўлаймиз, кейин мол-ҳолни кўпайтирамиз. Савдони давом эттириш учун тўрт-беш миллион жамғариб қўяман, машина оламан, уй-жойни қайта қурамиз, тўй қиламиз. Сен бунақа бўшанг бўлма, бола! Биласанми, ҳозир қанча пулим бор?! Қишлоқдан ўн тонна картошка олиб келишим, касалхонага харажатларни тўлашим, еб-ичишлари учун уйга пул ташлаб келишим мумкин. Муҳими, картошка нархи тушиб кетмасдан отни қамчилаб қолиш керак. Келгунимча сен ҳам камида ярим миллион сўм ишлайсан. Тасаввур қил, икки-уч кунда беш юз минг сўм! Опанг «стенка» дегандай бўлувди. Уч кунлик даромадингни атаб юборсанг, бир умрлик муаммолари ҳал бўлади-қўяди. Эҳ, Зафар, опангни тумбочкадай шкаф билан узатганиман. Сенга бунақа муаммоларни ҳал қилиш учун атиги ярим ҳафта кифоя қиляпти. Энағар мўлтони тўғри гапирганми дейман! Зафар, нима дединг?..

— Хўп деяпман-ку, — дедим боядан бери бош лиқиллататётганимга эътибор қилмаганига диққатим ошиб.

— Йигит деган мана бундай бўпти.

Шундан сўнг пастки улгуржи бозорга тушдик. Отам арzonроқ харид қилган икки тоннага яқин картошкани «ЗИЛ»га ортиб, эски жойимизга қайдик. Отам клёнка олиб келди-да, қопларнинг устини ёпди. Ҳатто, менга чайлача ҳам қилиб берди.

— Самарқандликлар савдони қийиб юборади, — деди у насиҳатомуз, — улардан ўрган, қанчадан сотса, сен

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҳам шунча нарх қўй. Тағин харидорга ичинг ачимасин. Билиб қўй, бозорга пули бор одам келади. Агар сен арzon берсанг, харидорнинг ортган пулини бошқа бир савдогар шилиб олади. Демак, ёнингга келган харидор сенинг насибанг, ундан авраб пул олиш – вазифанг!.. Э, бу ёфи шеър бўп кетди-ку, Зафарбой.

Харқалай отамнинг кайфияти аъло эди. Бир жиҳатдан мен ҳақимда қайғурмаслиги тўғри, деб ўйлайман. Ахир, ёш бола эмасман, қачонгача қўйнига солиб юради? Жанжаллашган бўлсам жанжаллашгандирман-да. Калтак емабман, бундан чиқди, рақибимни кейинги сафар ҳам енгишим мумкин. Йигитчиликда уришмаган эркак ёши қайтганда дўўпослашиб юрса ярашмас.

– Бир минг икки юз, Зафаржон, бир минг икки юз, – деди отам кетиш олдидан самарқандликлар қанчадан сотаётганини билиб келгач. – Савдонгни берсин. Биз кетдик.

Машинанинг картошка бозордан чиқиб кетишини маҳзун кузатдим. Умримда илк бор уйимдан минг чақирим нарида ёлғиз қолишим эди. Юрагимда ваҳима булути қуюқлашди. Картошка сўраб келган ҳар бир одамга ҳадиксираб қаардим. Мабодо биронтаси ўдағайлаб берсами, шунча сўмлик картошкани ташлаб қочишим ҳеч гап эмасди.

Қўшни савдогарлар тушлик қилаётганини кўрганимдагина қорним очиққанини ҳис этдим. Биронтасига тайинлаб кетсам, қараб туармикан, деб кўнглимдан ўтказдим. Йўқ, отам бегоналарга ишонишни қатъиян тақиқлаган. Қолаверса, ҳар бир кило картошкада онамнинг ҳаёти учун тўланадиган пулнинг улуши бор. Йигитман, йигитлигимни қилишим лозим. Керак бўлса кечгача туз тотмайман.

Харидор йўқлигига нон кавшаб олмоқчи бўлиб, сумкани кавлаштираётгандим, тап этиб бошимга картошка тушди. Не кўз билан кўрайки, тепамда иккита барзанги иршайиб туарди. Бирини таниб, юрагим

товорнимга тушиб кетди. Бу Бобош эди. Чап қўзини боғлаб олган.

— Шуми? — деди шериги бир четга туфларкан. — Товорим билан эзиз қўяман-ку бунингни.

— Ҳароми темирга ишонди-да, Ибий. Лекин темир нималигини кўзига кўрсатаман.

Бобош атрофга ўғринча кўз югуртиргач, ҳеч кутмаганимда юзимга тарсиллатиб тепди. Сумканинг устига чалғанча йиқилдим, юзим ловиллаб ёна бошлади. Бир қулогим шанғиллаётгани боис бир қанча гапини тушунмадим. Ўзимга келганимда у шундай деяётган эди:

— ...ишонмайсан-а? Мана, Ибий гувоҳ, ўша ит «эркак» деган номни кўтариб юрганига қарамай бозорни бошдан-охир қип-яланғоч ҳолда айлантириб чиққанман, сен ким бўпсан?! Бозорда уни танийдиганлар бўлган, ҳозиргacha қандай яшаяпти, ҳайронман. Ўзини осиши керак эди! Менга қара, ўв чорва! Сени фақат яланғоч айлантириб чиқсан кам, устингга ахлат ағдараман...

Бобош ўта қўланса гаплар билан буткул булғаб ташлашга киришди. Ўтган-кетганлар не важдандир биз томонга қарамас эдилар. Кимдир картошка олиш учун тўхтаганди, қўшни қатордаги савдогарлар: «Ака, картошка бу ёқда» деб чақириб олишди.

Во ажаб, Бобошнинг номаъқулчиликларини ҳаммаси билиб ўтиришган экан-да. Усталик-ла ўзларини билмаганга олишмоқда, нафақат билмаганга олишмоқда, виждонли одамларни чалғитиб, қассобга кўмаклашмоқда.

Шу пайт қаерданdir қўшиқ таралаётганини пайқадим:

«Кимдир жонимизга чанг солмоқ бўлди.

Таваккал Оллоҳ деб туриб қўйдик биз...»

Хаёлотимда мард бир ўғлон гавдаланди. У ўт-ўланларга бурканган қирга чодир қурган. Серқош кун.

Ташқарига дастурхон ёздириб, таом еб, айни чоғда юрт жамолига суқланиб боқиб ўтирибди. Қизлардай майин шабада эсмоқда. Боласини эмизмоқ учун чодирга кириб кетган ёри бўй кўрсатган ҳам эдики, қарши томондаги қир оша ёв отлиқлари қўзга ташланди. Айқириб-ҳайқириб қилич ўйнатиб келишмоқда, роса ўн чоғли. Отлар дупуридан марднинг пиёласидаги чой тўлқинланади. Шунда ўғлоннинг юзида важоҳат ўйфонади, оёққа қалқийди, қиличини қиндан сугуради...

«Таваккал Оллоҳ деб туриб қўйдик биз...»

— Тушундингми? — деди Бобош оёқ учи билан туртиб.

— Йўқ, — дея секин ўрнимдан турдим, бошим чайлачанинг клёнка томига тегди.

Кўздан пана жойдан чиқишига улгуришим, бозор ўртасида, кенг майдонда олишишим керак эди. Бобош ялинишимни, кўз ёш тўкишимни кутган чофи, қўрс жавобимдан соғ кўзининг қовоғи пирпираб кетди.

— Нима-а? — деди чўзиб, айни дамда кар сингари қулоғини тутди.

Менимча, бу кимса умрида одамига дуч келмаган кўринади. Йўқса қулоғини тутармиди. Ошхонада қувур билан боплаб туширганим умрининг охиригача эҳтиёткорликка чорлаб қолиши керак эди. Ким билади дейсиз, ҳарҳолда, бу шахсий фикрим...

Шиддат билан эгилдим-да, бир қулоч келадиган осма тарозини олиб, бор кучим билан чаккасига зарба бердим. Эҳ, тарози енгиллик қилди, йиқилмади бу ҳўкиз. Лекин пайтдан фойдаланиб қуршовдан чиқишига улгурдим. Шериги ортимдан ҳамла қилганди (у жуда қўпол ҳаракат қиларкан, лапанглаб келиши овсар айиқни эслатди), очиқ қолган бошига эпчилик билан зарба бердим. Буниси ҳалокатли зарба бўлди, чунки тарози тоши нариги учига ўтиб, зарбамга куч қўшган эди. Товони билан эзиб ташлашни ният қилган зўравон бошини чангллаган кўйи тиз чўкиб қолди.

Бутун бозор гувиллаб бизни ўраб олди. Құлимда тарози, қаршимда қутурған Бобош.

— Түкән онангни... — сўқинди у ва шартта пичоғини чиқарди.

Бундай ҳолда ҳамиша Бобошдан одамлар қўрқар эдилар шекилли, давра сув қуйғандай жимиб қолди. Орқа томонда кимдир «Мелиса чақиринглар-ей!» деб бақириди, холос.

Тарозини ташладим. Ибийнинг пичоғи белида кўриниб турарди, дарҳол қинидан суғуриб Бобошга ер тагидан қарадим.

— Ўзингни шер билиб юрибсанми, ифлос?! — дедим овозимни баралла қўйиб. — Иккинчи марта энамни сўқяпсан! Билиб қўй, шу даврадан тирик чиқмайсан!

Бир-биrimizga қараб чопдик. Одам ўлдириш учун илк марта қўлимга тиф олишим эди ўшанда. Қандай санчиш, қаерига санчиш, неча маротаба санчиш... булар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Бўйнига осилиб, қорнига пичноқ тиққунимча унинг пичоғи ҳам қаеримгадир қадалиб бўлади, агар тифини ушлаб қолиб, пичноқ урсам... барибир оғир яраланаман, чап қўлим билан Бобошнинг ўнг қўлидаги тифни ушлаб қолиш мумкинмикан?

Мўъжиза туфайли биринчи тўқнашувда иккимиз ҳам омон қолдик. Яъниким, у қўлидан оёғи узунлигини, мени бир тепиб учираиб юборишга кучи етишини эслаб қолди; пичогим бурни тагидан ялтираб ўтиб кетди.

Мен тепкидан, у эса мувозанат йўқолишидан йиқилди.

Кўл чўзса етгулик масофада бир-биrimizga оч бўрилардай тикилиб, давра айланардик. Қассоб қанчалик кучли бўлмасин, қўлимдаги кескир пичноқни қаттиқроқ сермасам бўйин томирини кесиб ташлашим мумкинлигига ишонардим.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Оломон ичидан «Ажратинглар! Тўхтатинглар!» деган хитоблар янгради. Шунда кимдир:

— Уголовний! — деб бақирди, одамларнинг доира шакли ажи-бужи бўлиб кетди. Бобош ва шериги ҳам кўздан йўқолди.

Мен атрофга аланглаб, тарозини топдим-да, жойимга қайтдим. Ибийнинг пичоғини кўрпача тагига яшириб, милиция келаётган томонга қарадим. Ўн чоғли ходим, фуқаролик кийимидағи блокнот кўтарган кишилар картошка бозорга кириб келишди.

Бир харидорга картошка нархини арzonроқ айтдим, тўрт кило тортишимни буюрди. Ўзимни шу билан овутсам, ҳовурум хийла босилишига кўзим етган эди.

— Яна тортайми, тоға? — сўрадим янги қопни очишга уринар эканман.

— Пулни сана, болам, — минғиллади харидор, — тезроқ кетай, тағин анавилар қарилигимга қарамасдан тергов қилиб қолишмасин. Худойберган ўлгандан бери бозорда мелиса кўп, бирор миқ этолмайди.

Бобош можаросининг иккинчи қисми хотима топганига бир дақиқа ҳам бўлгани йўғу, «бирор миқ этолмайди» дегани нимаси? Яхшиям, ари инига чўп суқилган. Акс ҳолда лаънати қассоб хоҳлаган но маъқулчилигини қиласар экан-да.

Милиция ходимлари савдогарлардан алланималарни суриштира бошлишди. Навбат менга келди. Исм-фамилиям, ёшим, касбим, манзилимни ёзиб олган ходим сўради:

— Бозорда нима бўлганини биласанми?

— Йўқ.

— Одам ўлдирилганини эшитмадингми?

Шубҳа нишонига тушиб қолмаслик учун:

— Эшитдим, — дедим, — бозор бошлиғи ўлибди.

— Ўлган эмас, ғалча, ўлдирилган.

Мўйловли ходим менга ён босди:

— Ҳай-ҳай, — деди ҳамкасбига, — қўполлашма. Бу ниманиям биларди?.. Жўра, айт-чи, Ироқлига қачон келдинг?

— Кечада.

— Тушунарли.

Қутулдим деб ўйлагандим, афсуски, рўпарамда шолғом сотаётган киши оғзидан гуллаб қўйди, уни тергов қилаётган ходим:

— Ҳозир жанжаллашганлардан бири ўша бола экан, — деди менинг ёнимдагиларга. — Яхшилаб суриштиринглар, балки қотилликка алоқаси бордир.

— Ие, жимитдеккина бўла туриб, ким билан жанжаллашдинг? — ўқрайди ходим.

— Ҳеч ким билан.

— Ана, айтяпти. Одамлар тўпланганини ўзимиз ҳам кўрдик. Шерикларинг қани? Манавиларми? — Милиционер картошкаfurушларга ишора қилди.

— Жанжаллашганим йўқ... Булар шериклариммас.

— Ҳойнаҳой, чўл оралаб ёлғиз келмагандирсан?

— Отам билан келганман, ҳозир бу ерда эмас.

— Қани?

— Картошкага кетди.

— Сен қулоққа лағмон илишга уста кўринасан. Лаш-лүшингни йифиштириб, бўлимда гаплашамиз.

Отамни панжара ортида кутар эканман-да, деб аламдан бўғриқиб кетдим.

— Ака... — овозим қалтираб чиқди.

Эҳтимол, бекордан-бекор ялинармидим, онамнинг, укаларимнинг, ҳатто опамнинг тақдири менга боғлиқлигини кўпиртириб сўзлармидим, у ёғи қоронғи. Ҳуқуқ-тартибот ходимларини қўл силкиб кетишга ундейдиган биронта жўяли гапим йўқ эди.

Бироқ омад юз ўғирмади. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, лоп этиб (атиги бир қарич масофада) Дилҳаёнинг оппоқ юзи намоён бўлди. Нигоҳида ха-

Азамат ҚОРЖОВОВ

вотир мужассам эди, хавотирдан кўра меҳр балқиб кетгани ўн чандон ёқиб тушди.

— Соппа-соғ экансиз, хайрият, — деди у. Кейин милиция ходимларига ўгирилди. — Бу менинг амакиваччам, кечагина келган, илтимос, бунаقا ўраб олманглар, кийимларингиздан аллергияси бор.

— Кимсиз? Кимни ҳақорат қиляпсиз?! — деди ходим.

Муаммо Дилҳаёни ҳам тортиб кетиши мумкин эди, хайрият ошхоначи қизни танийдиган милиционерлар аралашуви билан бизни холи қолдиришди.

— Жиноят қидирув бўлимидан бўлса ўзига, — дея қиз ёнимга ўтирди. — Шу билан шахсан мени ўнинчи бор тергов қилиши. Эслаб қолмаганига қаранг. Қотилликни қанақасига фош этади, ҳайронман.

— Агар ўша одамни отиб кетишмаганида мен бундай ўтирмасдим, — дедим марҳум Худойберган aka отамнинг эски қадрдони эканлигига шама қилиб.

Дилҳаё бу шамани тушунмади.

— Сизга овқат келтирдим, — деб чўзилиб тугунни олди.

— Менга? Нима учун?

— Ейишингиз учун.

Қиз қанчалик жозибали бўлмасин, ёнимда эканлиги Бобошни не чоғлик қутуртиришини тасаввуримга сифтирдим. Лаҳзанинг бир бўлагида бўлсаям кўнглимдан «қиз — жанжал уяси» деган ўй ўтди. Ўтдию сўнди. Париваш менга овқат келтирди. У қассобни менга, мени қассобга гижгижлаётган эмас.

— Раҳмат, — дедим ўзимни қўлга олишим шартлигига ақлим етиб.

— Бемалол енг, барибир пулинин тўлайсиз, — жилмайди қиз.

Мен эса касалмандларча жилмайдим. Қулоғимга аллақаердан яна қўшиқ оқиб кирди:

«Кимдир жонимизга чанг солмоқ бўлди.

Таваккал Оллоҳ деб туриб қўйдик биз...»

Ажаб савдо, қўшиқ менга ҳеч ким беролмаган даҳшатли куч-қувват ато этганди. Икки қассобга қарши эмас, минглаб қассобларга қарши курашгандек эдим. Атрофимдагилардан устунлигим, юзим ёруғлиги жасурона қувонч бахш этди. Гўёки қиз ҳам энди меники эди. Отам қолдирган клёнка тагидан кўра афсонавий Турон чодирида ўтирганга кўпроқ ўхшардим.

— Сиздек йигитни биринчи учратишими, — деди қиз. — Нега Бобош ака билан ўчакишасиз? Ундан ҳамма қўрқади.

— Сиз ҳамми? — сўрадим овқат ейишдан тўхтаб.

— Нега қўрқарканман?.. Қўрқмайман.

— У тенгингиз эмас, Дилҳаё.

— Биламан.

— Сиз учун хотинидан воз кечиши ҳақида гапирганини эшийтдим. Бу — сизни севади, дегани эмас!

— Мен ҳақимда мендан кўп нарса биларкансиз, — деди Дилҳаё. — Айтинг-чи, ўзингиз кимсиз? Қаерликсиз? Нечанчи йилда туғилгансиз?

Қайси тумандан эканлигимни, қишлоғимни, туғилган йилимни айтдим.

— Сизни Зафар ака дейман, бир ёш катта экансиз, — деди у. — Аслида олдингизга бир илтимос билан келаётгандим, жанжал бўлганини ярим йўлда эшийтдим. Ялиниб-ёлвораман, Бобош акадан узоқ юринг. У яхши одаммас.

Дилҳаёнинг жодуваш кўзларига маст бўлиб тикилдим. Мен шу даражада юксалиб кетдимми, биродарлар? У мен-чун қайғуриб бозор оралаб ахтариб келибди. Ёнимга чўкиб, овқат еб бўлишимни кутяпти... Бирдан қучиб олиш истагида ёна бошладим. Севги қумсоатининг сўнгги зарраси тўкилиб бўлган эди.

— Кечаси қаерда ётасиз? — сўради у.

— Болохонада.

Дилҳаё «пиқ» этиб кулди. Сезиб турибман, ҳозир

қайси уйнинг болохонасида тунашимни айтсам қо-
воқ-тумшуғи осилади. Ҳа, ўзи мажбур қилиб, ижара
уйимнинг манзилини сўради.

— Сиз яшайдиган ҳовлидаги болохонада, — дедим
унга синовчан боқиб.

Дилҳаё қизариб тушди.

— Айтганингиздай сиз ҳақингизда сиздан кўп нар-
са биламан, — кўз қисиб қўймоқчи эдим, оғзимнинг
бир чети учди, холос. Суҳбатнинг учқур отларини
ўнқир-чўнқир йўллардан четга — сўлим боғ орала-
тиб, бўлиқ ўтлоққа ҳайдашим ва шундан кейинги-
на манзил сари буришим лозим эди. Майин оҳангда
давом этдим: — Бобошдан узоқ юринг, яхши одам-
мас, дейсиз. Уни ҳеч ҳам яхши одам, яқинроқ юрай
деганим йўқ. Армияга бормаганман, ўқишида ўқима-
ганман, хорижга чиқмаганман, лекин шуни яхши
биламанки, унинг тумшуғига боплаб тушириш ке-
рак, одамларга иягини кўтармайдиган бўлсин. Сиз
уни севмайсиз! Бу ерга мени яна бир кўриш истагида
келгансиз. Ҳамюртимни қайтиб кўраманми, йўқми,
шу болада бир нима бор, дегансиз. Қайси қишлоқдан
эканимниям бежиз сўрамадингиз. Гапнинг пўсткал-
ласини айтгандা, Бобош деган маҳлуққа эмас, сизга
яқин юришим шу жанжални келтириб чиқарди.

— Зафар ака, — деди қиз жиддий тортиб, — ҳа-
зиллашдим, сиз ҳаётим ҳақида ҳеч нарса билмайсиз.
Болохонага шунчаки тасодифан бориб қолган бўл-
сангиз керак, улар ўнлаб ижарачи сақлашади.

— Билмас эканманми? Унда билишимга ёрдамла-
шасиз.

— Нега энди?

— Эрталаб дорга кимнинг кийимларини илганин-
гизни билмадиму, аммо улар менга таниш туюлди.

— Дунёда кийимлардек ўхашаш бало йўқ, — Дилҳаё
ўрнидан турди. — Коса-товоқни эртага олиб кетаман,
хайр.

-
- Пулини...
 - Пулиниям.
 - Нега уйингиздан бунчалар олисда ёлғиз ишлаб юрибсиз? Қиз болага ярашмайди!

— Сизга эса қассобнинг пичоғидан ўлиш ярашмайди, — деди Дилҳаё ортига бурилиб. — Бугун сиз учун ундан кечирим сўрайман, ялиниб-ёлвораман. Илтимос, уйингизга соғ-омон қайтишингиз ҳақида ўйланг. Раҳмим келаётганини наҳотки тушумаяпсиз? Жиддий гапирияпман.

Бир ҳатлаб унинг рўпарасида пайдо бўлдим. Атрофимиздагилар Бобошнинг жанжалини қиз давом эттирапти, деган хаёлга бориши чоғи, тарозига тортаётган картошкаларини ҳам унутиб бизга тикилишди.

— Бобошдан сиз ҳам, мен ҳам кечирим сўрамаймиз! Уқдингизми?! Кечирим сўраган тилимни итларга ташлайман, кўрқсан юрагимни ахлатхонага отаман! Худо менга иблисдан кечирим сўраш учун тил берганми?! Ё кўрқиш учун юрагимни юргизиб қўйибдими?!

Қизиққонлик ила яна нималардир демокчи эдим, Дилҳаё кечагидек хайриҳоҳ маъносида нигоҳ ташлаб қўйди ва одамлар орасида кўздан фойиб бўлди.

* * *

Дарров қош қорайди, совуқ забтига олди. Қўл тарози ва коса-товоқларни қоплар орасига беркитиб, қоровулга учрашдим. У клёнка ёпилган картошка қопларига қараб, бош лиқиллатди.

— Бемалол бориб дамингни ол, ука, отанг қирқ марта тайинлаб кетди. Ёмон пишиқ одам экан. Ё бозорга биринчи марта келишими?

— Бу дунёнинг ўзи бозор бўлса, қанақасига биринчиси бўлсин, — дедим.

Қоровул кундузги жангни эшитган эмасми, менга чўчинқираб қараб қўйди. Афтидан ўлгудай жангари бола, деб ўйлади.

Ёқамни күтариб, құлларимни чүнтакларимга тиқдим-да, ердан күз узмай квартирамга жүнадим. Ибийнинг пичоги белимга қувват берди. Узоқларда қолган онамни, укаларимни, опамни, қаердадир мудраёттан отамни ўйладим. Нима учундир Маҳмуд ака сўзлаб берган бўронли кеча воқеаси ёдимга тушди. Етти қотил қиз, қийнаб ўлдирилган «КамАЗ» эгалари, сўйилган оқ тuya, ўққа тутилган машина – барчаси бир ипга тизилди. Қизиги, бу ипнинг бир учи Бобошга, чўлда мени чув тушириб кетган олти бармоқли Эркин акага, ҳатто Дилҳаёга боғланиб кетарди...

– Асло, – дедим ўзимга, – Дилҳаёнинг разил ишларга алоқаси йўқ. Лекин бўронли кечавоқеаси шу ерда, айнан Ироқлида режалаштирилган. Қизлар ҳам Ироқлидан, масалан, боши оғиб келиб қолгандар, дордан қочганлар... Нима бўлгандаям Дилҳаё пок. Мўлтони кампир башорат қилганидек, шу қиз менинг бахт қушим.

Туйқус унинг квартирасига бораётганимдан севиниб кетдим. Биз энди битта ҳовлида яшаймиз. Нақадар соз! Ҳеч қурмаса квартирамда жанжалларни унутай, қизнинг деразасига тикилиб тонг оттирай. Кейин нима бўлса бўлар!

Болохонага чиқиб ҳайрону лол қолдим. Менинг кўрпачамда пичноқ изидан юзи чандиқ бўлиб кетган бадбашара кимса ўтирап, оғзида сигарет, унга ўхшаш яна уч кимса эса қўлларидаги қартага тикилиб, бош қотиришарди.

– Мана, яна битта қиморвоз келди, – ҳирқироқ овозда бақрайиб қаради ҳалиги кимса. – Холангнинг пишаги ўлгур, роса ўйнайдиган кўринади.

– Ўйнатамиз, ҳолдан тойгунча ўйнатаимиз, – хохолаб кулишди ҳамтовоқлари.

Нотаниш меҳмонларга истар-истамай салом бергандим, ҳартугул одамга ўхшаб алик олишди. Чандиқ юзлиси кўрпачага кафтурди.

— Ке, ёнимга ўтири, Картишка.

Шериклари құлларидаги қарталардан бир сония чалғиб, ҳириңглаб кулишди. Олға ташланған қадамимни қайтардим, беихтиёр пичогимни пайпаслаб қўярканман, баландроқдан келиб сўзладим:

— Бу... «картошка» дейсиз, аввал билсак бўладими ўзлари кимлигини?

— Вой... ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа-а... — У турқи-тароватига ярашмаган қувноқлик билан кулиб юборди. — Сени «картошка» деганим йўқ, ошна, «Картишка» деяпман. Чунки сен картишка сотасан. Картошка деб маданиятли, дум-думалоқ, ширин картошкаларни айтишади. Сеники эса пачоқ-ку. Эй, жаҳлинг чиқмасин, менга ўқрайма! Марҳамат, нима сотишимни аниқла-да, бемалол маҳсулот номи билан чақиравер. Хотин эмасман, чидайман.

— Зотнинг еттиси! — хитоб қилди қиморбозлардан бири хонтахтага қартани ташлаб.

— Ўҳ! — сапчиб тушди чандиқли. — Нормат, туз билан сол! Энагарни бир тийинсиз қолдир.

Улар бир дақиқага қартага чалғиши. Мен эса сабримнинг чириган деворига суюниб кутардим. Нима қилсан экан? Индамайгина олдинга юришгаям, орқагаям йўл йўқ. Бобош юборган қасоскорларга унчалик ўхшамаяпти. Семиз хотин болохона бўш ётмасин деб буларни ижарага қўйгандир-да.

— Хўш, мени нимафуруш деб чамалаяпсан?

— Тезак сотсангиз керак.

— Вой, ит-ей! — бу гал чандиқ юзли кулмади, фазабга ҳам минмади. — Буни қаёқдан билдинг? Ростдан ҳам мен тезак деса ярашадиган нарса сотаман. Лекин ўзим тезак эмасман.

— Нос сотасизми? — сўрадим жиддий туриб.

— Наша, — деди чандиқ юзли дангалига.

Шериклари унга ялт этиб қарашибди, кейин бир-бира қўрқа-писа кўз ташлашибди.

— Ака, томингиз кетганми, нималар деяпсиз бу болага? — деди бири.

— Наша сотаман, — такрорлadi чандиқ юзли, — нашани тезак деб атаса бўлади. Яна айтаман, лекин мен тезак эмасман.

— Ака! — шериклари қартани йифиштириб ташлашди. — Ака дейман...

— Бу бола ҳам тезак эмас, — деди чандиқ юзли гавдасини кўтариб, чордона қуриб ўтириб олгач. — Сенлар танимассанлар, аммо бугун унинг жангини томоша қилиб укамдай кўриб қолдим. Маладес! Ке, беш ташла! Ҳовлиқма қассобни бопладинг. Жўраси ёмон бола эмасди-ку-я, барибир тегишини олди.

Шундан сўнг чақирилмаган меҳмон билан кўришдим.

— Ўтири, — деб у мажбуран чўктирди-да, бирдан ваъзини бошлаб кетди: — Дунёда йигитчилик деган нарса бор. Бу туйфу ҳаммасидан устун туради. Ҳар қандай эркак умр бўйи «мен йигитман!» дея кўкрагига уриб яشاши керак! Сенинг кўзингда мен шуни кўряпман. Биласан, наша сотиш жиноят. Мен эса жиноятчи эканлигимни сендан сир тутмадим. Югуриб бориб мени чақмайсан, шундайми? Баракалла! Бу — йигитчилик қонундан устун туради дегани! Мана, четда юрибсан. Сенга катта пул беришди-да, бомба солинган сумканни фалон жойга ташлаб кел, дейишди. Мисол учун, ўгрисан, фарсан, қароқчисан, лекин барибир эркаксан. Қиласанми шу ишни? Хе-хе... ҳаётда қилмайсан! Бегуноҳни ўлдириш номарднинг иши! Барибир гапимнинг таг мазмунини тушунмаяпсан-а? Энг қадим замонларда ҳам, ҳозир ҳам сотқинлар йўқолиб кетмаган. Эсимни таниганимдан бери уларни жинимдан ортиқ ёмон кўраман. Бирор бирорвни сотибди деса, бу дунёга сифмай кетаман. Сотқинликдан бошқа муаммо йўқми бу ёруғ оламда дейсан?

— Сиз билан ишим нима, — деб қовоғимни янада солинтириб олдим.

— Э, сендан гумонсирасам ўзимга яқин олармидим. Ҳуллас, күпчилик хоинлик муаммосини кейинга суриб қўяди. Лекин у яшашинг биринчи шарти бўлиши керак. Она сутини ичдингми, унга ҳеч қачон хоинлик қилма. Сўнгги нафасинггача онанг учун кураш. Булар баландпарвоз гаплар эмас. Никоҳ ўқишида мулла нима дейди? Завжангни боқасан, ёлғиз ташлаб кетмайсан, касал бўлса қаратасан... Ё нотўғрими? Уйланмаган кўринасан, ука. Унда иккита қулоғинг билан ҳам эшиит. Куёвлар ўша лаҳзада олифталиқ қилиб, сўз беришади. Хотини касал бўлиб қолса-чи? Ярамай қолди деб бошқасини топади-кетади. «Эр ўлса ўлсин, хотин ўлмасин!», «Эр, бу — эскидан қолган хоин», дейди баъзи хотинлар. Қишлоқнинг қари бир мулласига берган ваъдаси устидан чиқмаганда, она-Ватанга содиқлик қилармиди! Тағин хотинбоз, бузуқи, ароқхўр ватанпарварларни кўз олдингга келтирма. Улар ичаман, гўзаллар билан базму жамшид қиласман, лекин Ватанин ҳам ҳимоя қиласман деган! Осмон-осмон ваъда бермаган, тушуняпсанми? Фашистларга қарши жангларда дадиллик учун спирт ичиб, қаҳрамонлик кўрсатганлар ҳам бор...

— Ака, бўлди қилинг, — ахийри жеркиб берди биттаси. — Ҳамхонамиз ҳамма гапларингизга пақъос ишоняпти. Тағин ростдан ҳам бизни гиёҳшурушлар деб ўйламасин? — У соатига қаради. — Ие, каллагўшт нега кечикяпти?

Шу он зинапояда қадам саслари эшитилди. Мен илгари кўрмаган бир қиз хонамизга патнис кўтариб кирди. Устида ҳовури чиқиб турган калла-поча бор эди.

— Мана шу қизга уйлансанг, еганинг калла бўлади, — деди чандиқли димоқ-фироқ билан. — Тўғрими, қизим?

Қиз босиқлик ила жилмайди ва хонадагиларнинг нигоҳи таомга чалғиган фурсатни топиб мени им-

Азамат ҚОРЖОВОВ

лади. Қўл ювиш баҳонасида ортидан эргашдим. Зинапоя тагида Дилҳаё кутмоқда эди. Ҳаво айниб, қорҳиди анқир, бехосият кунларни бошимдан кечираётганимни ҳис этсам-да, баҳтли Янги йил арафасини эслатиб юборарди.

- Яна қанча турасиз? — деди у.
 - Отам картошкага кетган, савдо қанча давом этишини билмайман.
 - Янги ҳамхоналарингиздан бири жосус, тағин бўйнингизга бирон нима илиб юбормасин.
 - Бўйнимга иладиган иш қилганим йўқ.
 - Отангиз аввал қаерда ишлаган?
 - Идораларда ҳисобчилик қилган. Идоралар ёпилгач, ишсиз юрди...
 - Майли... дадам келиб қолмасларидан аввал кетай.
 - Дадангиз?.. Дадангиз шу ердами?
 - Дадам хабар олиб турадилар, — деди у сезиларли ҳаяжон билан (бilmасдан сирини очиб қўйди, шекилли). — Яқинда мени Самарқандга қайтариб кетмоқчи.
 - Қайтар дунё деб, сизга ҳам бир савол берсан майлими?
 - Дадам қаерда ишлаган? Шуни сўрамоқчимисиз?
 - Ҳа.
 - Трактирларда, — жавоб берди Дилҳаё.
- Боя чандиқ юзли кимса «картошка»ни «картишқа» деганини эслаб, қиз ҳам «трактор»ни бузиб талаффуз этяпти, деган хаёлга бордим.
- Тракторчилик ёмон касб эмас.
- Дилҳаё кулгидан тийилиш учун лабини қимтиган эди, юзида кулгичлар ўйнаб кетди. У ақл ўғирловчи гўзаллик соҳибаси бўлиши билан бирга Ҳудо билимдан ҳам қисмаган эди.
- Наҳотки, трактир деб эшитмагансиз? — бош чайқади у.
- Болохонага чиққанимда ҳамхоналарим овқат емас-

дан кутиб турган эканлар, чандық юзли құлларимга синчиклаб қаради.

— Чүлнинг сувини тежаш ёмонмас, — овқатга так-лиф қилди у. — Кутиб қолганига чидаш мумкин, аммо совиб қолганига чидаш йўқ. Олларинг!

Гўшт ҳил-ҳил пишган эди. Ҳатто, нўхати ҳам оғизда эриб кетади. Шу орада ҳалиги қиз яна бир патнисда гўшт олиб келди.

— Буниси ҳисобда йўқ эди-ку!

— Қўрқманг, амаки, — қиз кулимсиради, — иккинчи патнис белупл.

Чандық юзли мендан кўз узмай қорин чайнаркан, бош лиқиллатиб қўйди. Сўнг:

— Қара-я тасодифни, — деди. — Бугун бозорда бир ўлимдан қолганингни кўрдим, топган квартирамиз сеники бўлиб чиқди. Энди эса бир муҳаббатдан қолаётганингни кўряпман.

— Муҳаббатдан бошқа ишлар ҳам бор, — деб жавоб бердим.

— Тўгри айтасан, ҳозир севиш учун совуқ фасл. Овқат еб бўлайлик, биз билан қарта ўйнайсан.

— Ўйинни билмайман, — дедим. Ва негадир текин таомга қўл урганимга афсуслана бошладим.

— Қартани билмаслик — йигитликка хоинлик, — лунжини тўлдириб эт чайнаётган кимса менга мас-хараомуз тикилди. — Ишонмасанг, акамдан сўра. Шу гапни лекциясига қўшиш эсидан чиқди. Тўғрими, ака?

— Бас, — чандық юзли тўсатдан қулоини динг қилди, — бу ёққа бирор келяпти. Нормат, қара.

Бироқ қарта ишқибози бўсағага етишга улгурмади, эшик шарақлаб очилиб, Бобошнинг башараси кўринди. Ортидан яна уч киши кириб келди, ал-батта бири бугун тарози таъмини татиб кўрган Ибий лақабли қассоб эди.

— Ўҳ-ҳў, жамоат жам-ку, — қаддини фоз тутди Бобош ва оёғи тагидаги пойабзални тёпиб юборди. —

Ёқимли иштаха, дўстлар ва нодўстлар. Лекин сенга,
— шундай дея қассоб менга фижиниб кўз ташлади,
— икки дунёдаям иштаха тиламайман, чунки сен...

Ўрнимда туриб қисиқ кўзларига тик қарадим.
Наҳотки шу кўзлар ортида унинг одам боласига хос
ички дунёси бўлса, деб ўйладим. Йўқ, ундан одамийлик қидириб овора бўлиш шартмас.

— Нима керак сизга? — дедим ҳурмат тушунчаликни
заррача бўлса-да фойдаланишга уриниб. — Жанжални ўзингиз бошладингиз. Энам ўлим тўшагида
ётганда бетинг-кўзинг демай сўкиниб кетдингиз.

Бобош оғир гавдасини гоҳ ўнгига, гоҳ чапига ташлаб, тўрга юрди. Гўё қартабозлар даврасини айланиб ўтиб, ўйлимни тўсмоқчи, ҳамтовоқлари эса орқадан ҳужум қилишмоқчи эди.

У ўз қулоғини қитиқлаб, иржайди:

— Шу томонда чивин фингилляйтими?

— Ҳа, каттароқ чивин!.. — дедим, сўнг шартта пи-
чиқни суфурдим. — Қамалиш пешонамда бор экан,
майли, нимаям қиласидим. Сўкиш эшигандан кўра...

— Нима, қамоқда сўкмайди дейсанми?! — лаби-
нинг бир чети кулди Бобошнинг.

Анграйиб қолган қартабозлар ўтирган жойлари-
да бир томонга фуж бўлишди. Бобошнинг туклари
тиқрайганини кўрдим, аммо бу қўрқувдан кўрағазаб-
ни кўпроқ эслатарди.

— Менга қаранглар, — деди чандиқ юзли, — иштаҳа-
ни фиппа бўғдинглар-ку. Илтимос, ташқарида оли-
шинглар.

— Сотқин! — ўшқирди унга Бобош. — Ёшинг эл-
ликка қараб кетаётган бўлсаям эсинг кирмади-кир-
мади-да! Ахир, биз манави сўтакни эмас, сенларни
ахтариб келдик! Аблаҳ, ё мени танимаяпсанми?
Юзингни яна безаб қўяйми? А?!

— Бобош, гапга қулоқ сол, Бобошжон...

Менга ваъз ўқиган кимса сўлақмондай гавдаси

билин худди ўтириб тиланаётган гадойга ўхшарди. Ироқлида биронта соғ жондор бормикан, деб иккисінің қолдым. Сал қолибди-я бу суллоҳни ўзимга үстөз санаворишимга!

— Ма! — Бобош пичофини асабий бир силтаб чандық юзлининг лунжини тилиб ташлади. — Қонингга белан, ит!

Дастурхон бир зумда қон томчиларидан нақшланади. «Дераза берк, эшик берк, атрофимда тўрт каллакесар. Ҳарҳолда мени сўйиб кетишга ботинмасалар керак», — кўнглимдан шу ўй ўтди. Гарчи жиноят оламию ҳуқуқ-тартибот дунёсини яхши билмасам-да, шунга ақлим етардики, одам ўлдириб кетиш учун бунчалар эҳтиётсизлик қилинмайди. Кундуз мен билан жанжаллашганида гувоҳлар орттириди, қолаверса, Дилҳаё бор. Қиморбозлар эса қассобни сотмасликка қанчалик чиранмасинлар, бир кун келиб қотилим кимлигининг иси чиқади.

— Сенга нега иштаҳа тиламаганимни эшит, — деди Бобош пичофини мен томон ниқтаб. — Тунов куни гап пойладинг. Тан ол, ит боласи! Ўшанда маъшуқамга нима дейтгандим? Гапириб бер буларга! Гапир! Барига бир сўйиб кетаман, демаганимидим! Дегандим! Мана шу мараzlарни назарда тутгандим, тушундингми?! Тақдирнинг ҳазилини қара, бугун, буларнинг ажали етиб турган айни шу лаҳзада йўлимга яна сен тўғаноқсан! Бунчалик бўлмайди-да, ука! — Бирдан оғзининг таноби қочди. — Тўртовининг ҳам жонини сақлаб қолдинг. Лекин буларни жазолашга қаршилик қилмайсан. Калла-почаларни мен юборганимни тўртовиям фаҳмлагани йўқ. Анави тозаланмаган мол қорни! Одамнинг не кўйга тушишини томоша қил!

Бобош ҳамтвовоқларига қўл силкиган эди, улар қартабозларнинг қўл-оёғини боғлаб, оғзига хасип тиқа бошладилар. Хона одам боласининг хириллашига ва бадбўй ҳидга тўлди.

— Улар мени сотди, — рўпарамга келди Бобош. — Аниқроғи, сотишга ҳаракат қилишди. Гўштхонамни мелиса текшириб, бир нималар излаб қолди де. Ахир, мен... бу — мен! Ироқлига пул ишлаб топиш учун келганман, чувриндиларнинг камерасида ётиш учунмас.

— Кетсам бўладими? — дедим пичоқ тутган муштим билан бурнимни ишқаб.

— Қаерга кетасан? Кутиб турасан.

— Булардан ўч олишингизга мени аралаштирунг. Гаплашсак бошқа вақт, бошқа жойда икковимиз гаплашамиз.

— Болапақир бўлсанг ҳам ҳақиқий эркак экансан, ҳисоб-китобни унутмабсан! Боя «уголовник»ларга сотмаганинг ҳам, тўғриси, менга ёқди. Бу дегани орамиз буткул очиқлигини билдирумайди. Бугун сенда Ибийнинг гапи бор.

— Ман билан солишасан, кейин кетасан! — пишқириб гапирди Ибий қассоб.

Кўзи ола-кула бўлиб ётган кишининг оғзига кучи борича мол этини тиқаётган қассобга бир зум газаб билан тикилдим. Шу ҳам одамми? Худди сўйиб ташламоқчидай бир ҳамла қилгандим, Ибий чаққонлик қилиб ўзини четга олди.

— Ўпкангни бос! — деди у ва шошилмасдан қиндан пичоқ олди, дамини текшириди. — Бугун чархланган. Айтгандай қўлингдагиям меники-я? Ишқилиб чархлатдингми? Яхши. Маҳалла четида мусорхона бор, ўша ерда гаплашамиз.

Бобош энгасиб, чандиқ юзлининг чўнтағидаги сигарет қутисидан бир дона суғурди, лабига қистириб, бир томони қонга бўялган гугуртни чақди. Тутун пуфлаб, чандиқ юзлига деди:

— Бу сафар ҳам жонингни совға қилдим. Агар сенга ўхшаган эркак қиёғасидаги қанжиқ бўлганимда нима ишлар қилганингни ёзиб берардим. Биласанми, бўронда фойиб бўлган машиналарни сенлар

йўқотганларингни билишса, пешоналарингдан отишади. Сирингни билар эканман, нега айнан мени ушлаб бермоқчи бўласан?

Чандиқ юзли алланима демоқчи бўлиб типирчилади, бош чайқади.

— Шунча мол сўйдим, — деди Бобош. — Кўпинча, молга ичинг ачийди, шуларнинг ўрнида баъзи бир кимсалар бўлса яхшироқ эди, дейсан. Қисқаси, охирги марта огоҳлантиришим, агар Ироқлида кўнгил айнитувчи башарангни ва манави итваччаларингни яна кўрсам, ўша заҳотиёқ сўйман. Розимисан?

Чандиқ юзли индамай қолди. Кўзларида чексиз фазаб балқиди.

— Ё сенинг усулингни қўллайми? «Бўронли кеча» операциясида қатнашганингни биронта формалига шипшиб қўяйми? Ундан кўра осонгина сўйилганинг маъқул-ку... Келишдикми?

Мен сеҳрлангандай қотиб турардим. Маҳмуд ака ҳикоя қилган мудҳиш кечаси воқеаси ростдан-да афсона эмас экан, мана иштирокчилардан бири! Ўлдирилган «КамАЗ»чилар, ўқقا тутилган Маҳмуд ака машинаси, отам... Сал бўлмаса улар Маҳмуд ака билан отамнинг ҳам қотилига айланиши мумкин эди.

Бу дунё икки қаватдан — авра ва астардан иборат эканлигини тушундим. Бири — одамларнинг бизга маълум ҳаёти, иккинчиси — уларнинг сирлари. Такдир шамоллари мени тез-тез иккинчи қисмга учирашиб ўтар, ҳар учеб ўтганимда жоним қилдан-да ингичка ўргимчак ипида илиниб турарди.

Босқинчилар йўл бўшатиши. Ҳовлида ҳеч зоф кўринмасди. Кўчага чиққанимда қассоблар қайси томонга юришимни айтишди. Кўп ўтмай чиққиндиҳонанинг оқиш девори кўринди.

— Нариги томонига ўтамиш, — деди Бобош.

У ерда пастак уйга ёпишиб ўсган тол бор эди.

Қолганлар тол тагига бориб ўтиришди. Ибий иккөвимиз бир-биrimizga röpära keldik. Pichoqlarimiz simëgöch temasidagi chiroq nuriada yaltiräätganimi xisobga olmasak, қишлоқ týyida chekkaga chiqib urishaëtgan ikki bolani eslatardik.

Ва лекин қылтириқ йигитча ва ҳўкиздай қассоб...

Pichoq билан қуролланган кишилар бир-бирига ташланганда қай йўсинда зарба бериш кераклигини ўйлаб қўйганман, кундуз Бобош билан олишаëtgandagi kabi tajribasiz emas edim.

— Сўнгги сўзингни айт, — минфирлади биттаси.

Бошқаси шанғиллади:

— Ибийга эмас, сенга айтяпти, чалпак!

Барибир миқ этмадим. Pichoqni bир-икки sermagan эдим, қассоб ўзини хиёл олиб қочди, қарши хужум қилмади. Aftidan u chiroyili tarzda tashlaniшни va bир ҳамлада ўлдиришни chamalardи. Niҳoятда хотиржам эканлиги янада ҳушёrrоқ bўliшимga undadi. Kўl tarozisisi билан тушириб қолишимни kутмагани важидан осон engilganimi kўzlari aytib turiбdi. Қассоб zoti pichoqni kўp iшлатади, ammo ҳамmasi ҳам pichoqboz bўlavermайдi, Ибий эса, shubҳasiz, pichoqboz эди.

Kўlini bир-икки ўйнатди, sўnг chопиb keliб kўkragimga тепди. Bu laҳzada мен ёnidan tif urishni mўлжаллагандим, afsuski, kўz очиб-yumguncha ikki қадam nariga uchib tushdim. Ибий ustimga minib olib, yuz-kўzim aralaш bitta zalvorli musht soldi.

...Sekin-asta ҳушим ўзимга қайtdi. Жуссаси ikki баравар kеладиган kимса ustimga ялпайib ўтириб olganiданmi, musht taъsiridanmi қимир etolmasdим.

— Pichoqimni ўтmas қилиб қўйибсан. Bунча befa-rosat bўlmасанг! Eрга suқib қўйgанинг etmagандай piёz archibsanmi?

Шундан sўnг Ибий sheriqlariga ўгирилиб:

- Қўйдай сўяйми ё хўроздай? — деб сўради.
- Сочидан чанглаб, товуқни сўйгандай сўй, — деди шанғи овоз.

Қассоб шошилмасдан тараддудланди. Негадир жуда-жуда сўкингим келди. Қариялардан эшитганман, киши ўлими олдидан калима келтирса жаннатга тушармиш. Бироқ калима қайтаришни кўп йиллар умргузаронлик қилиб, ўз уйида, ўлан тўшагида вафот этаётган бахтиларга чиқарган шекилли. Ахийри, бўлмади. Ибий менга қараган пайт онасининг қулоги қизийдиган даражада бўралатиб сўкдим. Ҳатто, ҳамтовоқлари кулиб юборишиди.

- Нима? Нима дединг?! — У бўғзимга пичоқ тиради.
- Чала сўяман, шунаقا қийналиб ўласанки!.. Ё бисмилло...

Шу пайт кўчадан кимдир дўқ аралаш чақирди:

- Ҳўв, чала қассоб! Бери кел!

Ибий сапчиб туриб, шерикларига қаради. Сўнг ҳаммалари тўдалашиб ўша одамга яқинлашишди.

- Фақат чала қассобни чақирдим, — деди халоскорим.
- Бобош, нима, сен ҳам чаламисан?

Овоз таниш эди. Ҳинд киноси қаҳрамонларига овоз берадиган машҳур актёрникига ўхшаб кетади. Бироқ хароб шаҳарнинг исқирик кўчасидаги бехосият тунда овоз устаси нимаям қиласди.

Инқиллаб жойимдан турганимда қулоқларим аниқроқ эшита бошлади.

- Чала эмасман, — Бобош қўл қовуштириб, бир оёғини асабий саланглатди.
- Чалалардан худо сақласин. Лекин кўринишингиз яхшимас, Олтибой ака.

- Тилингдаги заҳарни сидириб ташла, деганман.
- Алламаҳалда бу ерда нима қилиб юрибсиз ўзи?
- Шуни сендан сўрашга келдим.

Оёққа қалққанимни кўрган халоскорим бутунлай ҳайрон қолдириб, исмимни атаб чақирди:

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Зафарбой, акангларга бас келолмаган бўлсанг ҳам, кел, бир қучоқлаб қўяй.

— Урди худо! — хитоб қилди Бобош. — Бу ахир... қ-қанақаси?! Уни танийсизми?

— Яқинда танишганман, саҳро ўртасида, — деди Олтибой ака.

Ниҳоят, кимлигини билдим: бир неча қоп картошкамизни ўғирлаб кетган Эркин ака эди. Бармоғи олтиталигини кўргандим, энди ҳақиқий исмини ҳам билиб олдим.

Бурнимнинг қонини артиб, эски танишимга ўқрайдим. Ўқрайиб қарашни, чайқалмасликни, қаддимни фоз тутишни истардим, аммо бундай хислатлар вақтинча тарк этган эди мени.

— Эркин қуш бўлганим сабаб чин исмимни айтмагандим, — Олтибой ака мени қучоқлади: — Лекин бармоқларим ортиқлигини кўрдингу сўрамадинг, ишондинг, лақقا тушдинг. Қисқаси, сендан кечирим сўрайман, Зафар.

— Бу ёғи ақл бовар қилмас даражада қизиқ бўлдик, — деди Бобош.

Қўлларим осилган, ўғрини қучишни истамасдим. «Баракалла, ўғлим» демоқчидай фахр билан бошдан-оёқ кузатиб чиққач, тунд қиёфага кирди.

— Ҳаммасини эшитдим, — деди у Бобошга, — шу юришинг бўлса, уч кунгаям бормайсан. Шундоғам Худойберганинг ўлимидан кейин Ироқлида, айниқса, бозорда исковучлар тиқилиб кетган. Бу томошалар нимага керак, тушунтири-чи? Товонингни яламагани учун ўчакишияпсанми?! Билиб қўй, бу йигит сенга ҳеч қачон бўйин эгмайди. Эгаман десаям энди мен қўймайман! Зафар, кетдик. Ахлатхонада қиладиган ишинг қолмади.

Қассоблардан узоқлашмасданоқ фийбат қилишга тушиб кетди.

— Баракалла, қўтири бўриларга тиз чўқмадинг! Ўзи

улар ким? Чивинчалик жонлари йўқ! Ишонмайсан-а? Сен асли саҳро султони бўлишинг керак!

Келган йўлимиздан семиз хотиннинг ижараҳо-насига қайтдик. Дарвоза олдида милиция машинаси ва «Тез ёрдам»ни кўрдим. Ҳовлига қадам қўйишимиз билан милиция ходимларидан бири йўл тўсди.

— Шу ерда турасизларми?

Олтибой ака шляпасини кўтариб қўйиб, Дилҳаё яшайдиган уйни кўрсатди.

— Ҳа, шу ерда.

— Болохонадаги квартирантларнинг қўл-оёғини боғлаб, роса қийнашибди, бирининг башараси кесилган. Мабодо шубҳали кимсаларни кўрган, бирон шовқин эшитган бўлсаларингиз...

— Тўхта-тўхта, ука, мен жияним билан эндиғина қайтияпман. Икки чақирим нарида эдик. Ўйлаб кўр, шунча масофадан болохонага чиқаётган шубҳали кимсаларни қандай кўрамиз? Шовқинниям эшитмаймиз.

— Жиянингиз-чи?

— Худоя тавба қилдим, ундаям бунақа қобилият йўқ.

Яхшиям ходим юзимдаги жароҳатни пайқамади. Дилҳаёning ижараҳонасига қадам қўйганимизда, у телевизор қаршисидаги стулда ўтиради. Гулдор халатда, турмакланган сочда ажиб бирbekалик тусиға кирган.

Аммо қайирилиб-да боқмади.

— Қизим, меҳмон келди, — деди Олтибой ака.

Дилҳаё индамади.

— Қизим, асалим...

— Дада! — дея Дилҳаё ярим ўгирилди, на Олтибой аканинг, на менинг қўзимга қаради.

— Бас қилинг! Қачонки бу кишининг уч юз миллион сўмини қайтарасиз, сиз билан кейин гаплашаман!

— Эсингни едингми, қанақа уч юз миллион?

— Кartoшка қопларидан бири лиқ тўла мингталик эди-ку! Қани ўша пуллар?

Қиз ролини қойилмақом ижро этаётган актрисага үхшарди. Ахир, дадасига қилаётган таъна-дашноми жуда ҳам катта пул устида эди, нақ уч юз миллион сўм. Ироқлига картошка тўлдирилган қоплар билан келганимиз, уч юз миллион сўмимиз бор экан, қопга тиқиб, олис бозорга келтиармидик.

— Асаблари чарчаган одамни масхара қилиш яхшимас, — дедим илк бора Дилҳаёдан жаҳлим чиқиб.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, — Олтибой ака менга ўгирилди. — Бу қиз нима дейди-я? Вой-бӯ...

— Дилҳаё қизингиз бўлиб чиқишини олдинроқ сезгандим, баъзи далилларим бор эди, лекин барibir мени жуда ҳайрон қолдирдингиз.

— Нимасига ҳайрон қоласан? Кел, бу ёққа ўтирамиз. Ҳозирча юзингни ювишга чиқмаганинг маъқул. Анавилар қонни кўрса, шартта машинасига тиқиб кетишади.

«Қон» сўзини эшитганиданми, Дилҳаё истар-истамай афт-ангоримга боқди. Кўнглидан «қип-қизил жинни экансиз» деган ўй кечганини тахмин қилдим.

— Ишқилиб тугадими урушингиз? — меҳр аралаш киноя билан сўзлади ул гўзал.

— Тугади, қизим, — жавоб берди отаси менинг ўрнимга, — тугади. Энди дастурхон ёз. Қаҳрамон калла-почаниям тузукроқ еёлмади, шекилли.

— Уч юз миллион нима дегани? — Дилҳаё дастурхон тадоригини кўришга чиққанида сўрадим Олтибой акадан. — Ўғирлаган қопларингизнинг ичида камбағалнинг картошкаси бор эди, холос. Дилҳаё соғдил қиз, менимча, сиз уни шубҳали ишларингизга аралаштиргансиз.

Олтибой аканинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Ростингми? — деди қўлини бигиз қилиб.

— «Ростингми» деганингиз нимаси?

— Қизимни мақтаяпсан, ахир! Ҳозир йифлаб юбораман.

— У «уч юз миллион сўм» деганида режасини сиз тузган аллақандай фитна бошланаётгандай туюлди.

— Худо сақласин! Биласанми, қизим салкам чин гапирди. Мен ўша картошканинг ҳамма пулига лотерея сотиб олдим, сешанба куни ўйналади. «Омад қалити» деган ўйинни эшигандамисан? Эшигандам бўлсанг, энди бир йўла иштирок этасан. Шу ҳафтада жекпот уч юз миллионга етди.

— Олтибой ака оғзига бир бўлак нон ташлаб, муғомбirona илжайди.

— Мабодо ютуқ чиқса, пул сеники. Дилҳаёга буни бир оз бошқача, фантазия қўшиб гапириб бергандим. Айтганингдай, қизим жуда соғдил. Ҳамма гапимга ишонади. Унинг атрофида тўнғиздан тарқаган Бобош ўралашиб юришини сезиб, хафа бўлиб кетаман. Нега ошхоначию ресторончи қизларга эркаклар ёмон кўз билан қарайди-я?!

— Шахсан мен ёмон кўз билан қарамайман.

— Кўҳликкина бу қиз Ўзбекистоннинг муқаддас бир шаҳридан келиб дунёning иркит нуқтасидаги бозор ошхонасида нега ишлаб юрибди, деган ўй кўнглингдан ўтмадими?

— Барибир ёмон кўз билан қарамадим, — ўжарлик билан ўз сўзимдан қайтмадим.

Олтибой ака сохта, лекин негадир менга мойдай ёқкан жилмайиш ила кўз қисиб қўйгач, деворга қоқилган тумба эшикчасини очди. Қўлида вино бутилкаси пайдо бўлганида, ўғирланган картошка пулларига фақатгина лотерея сотиб оладиган даражада аҳмоқ эмаслигига имоним комил бўлди. Равшан спиртфурушнинг отаси Худойберди сўпи «ўғирланган пул — ҳаром, уни билиб-билмай еган одам ҳам ҳаром еган бўлади» деганини эсладим.

— Ичмайман. Ҳеч ичмаганмман.

— Омон қолганинг учун оламиз.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Унда алкаш бўп кетамиз-ку. Одамзот умри мобайнида минг марталаб омон қолади.

— Донишмандларга ўхшаб гапирасан-а, Зафар.

— Сиз «эволюция» сўзини ишлатганингизда, дайди эмаслигингизга ишонгандим.

Олтибой ака пиёлаларга тўлдириб қуиб, каттарогини даст кўтарди.

— Оббо, сен-ей! — деди. — Агар бомж «эволюция» сўзини тилга олса, бирдан уйли-жойли бўлиб қоладими? Мен сенга айтсам, бу гапингнинг ўзи эволюция эмас. Ол, ич!

— Мен ичмайман.

— Нега айнан «мен» деб таъкидлаяпсан? Бу билан «ичишни сизга чиқарган» демоқчимисан?.. Майли, ичма.

У ҳеч қандай такаллуфсиз иккинчи пиёлани ҳам шартта кўтарди. Эшик шарақлаб очилиб, Дилҳаё кўринганида, кастрюлкадан тузланган карам олиб чайнамоқда эди.

— Қизим, тез-тез қимиirlасанг-чи. Ким сени ошхонамнинг бекаси дейди!.. Ҳа, айтгандай, Зафарбой, бозордаги ўша ошхона меники. Шахсий мулким! Бир кунда қанча тушум тушишини хаёлинггаям келтирмайсан.

— Машина бортидан эсон-омон сакраб турсангиз кунига ўн қоп картошкани индамай ишлайсиз, — дедим бетинг-кўзинг демай.

Ахир, бозорда хусусий ошхонаси бўла туриб бизни талаган ўғри-қароқчи тобора ғашимни келтираётган эди-да.

— Болохонадаги одам йўлда ўлибди, — деди Дилҳаё.

— Зафар ака, бугун ҳам шу ерда квартирада ётишингизни бирор билармиди?

— Отам айтган бўлмаса...

— Бахтингиз борга ўхшайди, милиция сиз ҳақингизда суриштирмаяпти.

— Буни сен қаёқдан билардинг, тентак қызим! —
эътиroz билдири дай қайфи чоf ўғри. — Улар секин-аста,
тошбақадай имиллаб ҳаммасини аниқлашади, минг
йил аввал бир кече ётиб кетган хитой әлчисини ҳам.

Овқатга ўтирганимизда милиционерлар икки мар-
та безовта қилишди. Биринчисида паспорт текши-
риб, алмисоқдан қолган саволлар беришди, иккин-
чисида мендан шубҳаланиб қайтиб келишди.

— Бунинг биринчи келиши, — деди Олтибой ака.
— Кеча болохонада шунга ўхшаш беқашқа йигит бир
кеча тунаб кетган.

— Беқашқа нима дегани, ofa? — ҳайрон бўлди ми-
лиционер.

— Қашқаси йўқ, дегани-да! Ҳар бир тирик одам
луғатини бепул бойитиши мумкин, бу имкониятдан
фойдаланишларинг кераг-ов... — Олтибой ака ходим-
ларнинг миясини қоқиб қўлига бера бошлади.

Қисқаси, гапдон ва тап тортмас туллак яна жоним-
га оро кирди. Милиция ортиқ тинчимизни бузмади.

— Ҳе, ҳаммасини шайтон олсин, — минғирлади
қайнатма ўйрвадан ҳўплаган Олтибой ака, — ҳаёт
шу-да. Ким яхшилик қилса, қайтарасан... Э, ўзи мен
яхши одамман, ёмон деган исботлаб берсинг-чи? Ис-
ботлаёлмайди! Ҳатто, сен ҳам, Зафар.

Мен Дилҳаёға қараб қўйдим. Кичикроқ стол атро-
фида жамулжам ўтиришимиз оврўпача ҳаётни эслати-
б юборди. Ота ва қиз ўз даврасига бегона йигитни
таклиф этиб, бафуржа суҳбатлашиб ўтириши биз то-
монларда куракда турмайдиган томоша эди. Қизиқ
одам экан бу Олтибой ака. Яна денг, шунча пули
бўла туриб, чўл йўлида хор-зор кезиши, ўғирлик қи-
лиши, ҳечам уялмаслиги...

— Сизни Оққападан дейишганди, — илмоқли оҳанг-
да гап қотдим.

— Шу гапга ишондингми? Ота-бобом Самарқанд
атрофида илдиз отишган. Ўзим ҳам Самарқандда

кatta бўлганман. Оққапада уч кундан зиёд тунаган бўлсам, нон урсин.

— Шунгаям қасам ичасизми, дада?! — жеркиб берди Дилҳаё.

— Зафар, — ўғри менга илтижоли нигоҳ ташлади, — илтимос, қизимга уйлан, уни эгасига топширсан, мендан баҳтли одам йўқ.

— Нима?! — Дилҳаёнинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди. Ўрнидан шиддат билан туриб, ётоғига отилиб кириб кетди. Эшик куч билан ёпилган бўлса-да, фанердан ясалгани боис заиф гупиллаш эшитилди, холос.

Мен қотиб ўтирадим. Аблаҳ ўғри эса ҳеч гап бўлмагандай катта пиёлага вино қуиши билан овора эди. Бутилка бўғзидан эштилаётган қултиллаш тингач, Олтибой акага тикилдим.

— Қизингизнинг кўнглига қарасангиз бўларди.

— Ўлай агар, Бобош билан гапи чиқса, икковиниям ўлдираман, — деди у бўри қиёфасига кириб. — Кўнгилга қарашни сиёsatчилар демократия деб атashади, лекин бу кўнгил анархияни тусаб қолса, қўлимни қонга ботиришдан тап тортмайман.

— Сезишимча, қизингизни Самарқандга олиб кетмоқчисиз.

— Сезишингча эмас, ўзи айтган-да! — Олтибой ака бир оз жим қолди. — У менинг ёлғиз қизим, — дея фамгин товушда давом этди. — Бошқа фарзандим йўқ. Онаси бир бетайнин. Тағин мени аввал ҳам шунаقا ҳаёт кечирган деб сассиқ хаёлларга борма. Мен математик эдим. Тузуккина ўқитувчи! Бир кашфиёт қилиш арафасига етганимда ғанимларим мени йўқ қилишди. Билмадим, ҳозир ўша кашфиётни якунлаб, илм-фанга татбиқ этишдими-йўқми ё қўлларидан келмадими якунлаш?! Қанақа қилиб йўқ қилишди, дейсанми? Оддий ва қабиҳ усул: ичимликка наркотик модда қўшиб, гиёҳвандга айлантиришди. Мен ҳам тез-тез чекаман, дерди биттаси. Укасида истаганча «дори» бор

Эди, арzon-гаров... Кейин ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди. Ҳечам чекмас экан, укаси ҳам йўқ... Мен эса қўлга олиндим. Қамоқхона ҳаёти гиёҳ хуружи олдида ҳеч гап эмас, ука. Одамни ҳамиша бир нарса қутқаради: метин ирода! Ҳаётга қайтиш учун шунчалик тиришдимки, мashaққатларимни эшитсанг, инсон боласининг иши эмас, дейсан. Мана, кўриб турганингдек, қамоқда ҳам эмасман, гиёҳ ҳам чекмайман... Қамоқдан чиқиб, қизим қайсиdir қариндошларнинг уйида тили қисиқ, бўйни эгик бўлиб юрганини кўрдим. Квартирамга олиб кетдим, онаси жанжал қилиб келди. «Сен эрсираб қолиб, буни бирорларга ташлаб кетдинг, энди ҳеч бўлмаса ўз отаси билан яшашига нега қўймас экансан?» десам, «Бир наркоман бўлсанг, бўйи етган қизимни қандай тарбиялайсан?!» деб жавоб қайтарди. «Наркомансан» дейишса, тирноғимнинг учигача титраб кетаман. Нима, мен атайлаб гиёҳванд бўлибманми? Бирорларнинг тузогига ихтиёrsиз тушиб қолдим, лекин ўз ихтиёrim билан минг бир азобда ўша балодан қутулдим-ку! Қани, айт-чи, Зафар, қайси биримизда ирода кучли? Шунча уқубатларни енгган мендай баҳтиқародами ё «эрим қамоқдан чиққунча эркаксиз қандай яшайман? Қамоқдан чиққанидаям одам сонида бўлмайди» деб бошқа эркакнинг тўшагида... ке-чирасану, либосларини эмас, инсонийликни ечган ўша мода иродалими? Бутун олам менга қарши чиқди! Сўққабош гиёҳванд қанақасига оталик қила олади, дейишиди! Ундан кўра қариндошлариникида сифинди бўлиб яшагани афзал эмиш. Шундай қилиб, қизимни Йроқлига олиб қочдим.

- Ошхона ростдан сизникими?
- Ҳа, лекин сотиб олмаганман, совфа қилишган.
- Зўр одамга дуч келган экансиз.
- Қанақасига зўр одам! Собиқ эгасини уруғ-аймоғи билан қамоқда йўқ қилиб юборишим мумкин эди.
- Математиклардан ўч олдингизми?

- Улардан Нобель ўч олсин. Менинг ишим бошқа.
- Олтибай ака, бир нарса айтсам хафа бўлмайсизми?
- Ҷақиб олма. Ҷаққанларни ёмон кўраман.
- Ўлимдан қутқарганингиз учун раҳмат, бироқ мен учун сиз барибир ўғрисиз. Дилҳаё сизни тракторчи, ўзингиз математикман деяпсиз...
- Оғзингга қараб гапир, умримда трактор ҳайдамаганман.
- Дилҳаё...
- Бас! Балки у «трактир» дегандир?
- Бунинг фарқи борми?
- Аксинча, бунинг ўхшаш томони йўқ. Трактир – йўл бўйидаги ошхона дегани. Охирги вақтларда йўлдаги ошхоналарда ишлашимга тўғри келди.

Пулдор ўткинчиларни, ҳайдовчиларни, менга ўхшаган тажрибасиз ёшларни авраб картошка-пиёз ўғирлайдиган пасткаш кимсага Дилҳаё туфайли меҳр билан боқишига мажбур эдим. Бироқ бу меҳр онамни ўйлаганим сайин сўниб борарди. Шуни юзига айтгим келди.

— Олтибай ака, энам анча вақтдан бери касал эди, даволатиш учун отам пулинин аямади. Мол ҳам қолмади, қўй ҳам. Қариндошлар қарз беравериб чарчашди. Ахийри, ҳеч кимдан пул тополмай энамни ўз ҳолига...

Шу пайт ётоқ эшиги очилиб Дилҳаё индамай чиқиб келди ва бир четга ўтириди. Нимадир демоқчи эди, ҳикоямнинг давоми қизиқиши уйғотди шекилли, қулоқ солишини раво кўрди. Аммо шундай алфозда ўтирапники, гапимни тугатганим заҳоти юрагидан тошиб келаётган дардларини тўкиб солажаги муқаррар эди.

- Жудаям бемеҳр экансизлар, – деди Олтибай ака.
- Йўқ-йўқ, сиз давомига қулоқ солинг. Бизнинг қишлоқда тиланчилик деган нарса йўқ. Бироннинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бошқа бир кишининг молини ўғирлаб ўтирмайдилар! Менинг энам битта! Ўрнини ҳеч бир инсон зоти, ҳеч бир бойлик, ҳеч бир

илоҳий тушунча босолмайды. Мен шунақа тарбия күрган йигитман... Лекин шунча меҳр-муҳаббат бўла туриб, мен ҳам бошқалар ҳам худди ўлимини кутаётгандай энамни унутдик. Дўхтиrlар яқин-ўртада операция қилиш керак, бўлмаса узоқ яшамайди, дейишди. Операцияга битта машинанинг пули кетади. Вақт бор-ку, деб умид дунёсида яшадик. Тез орада каргошкамиз етилиб қолди. Ниҳоят, ҳосилни йигибтериб олдик. Лекин ўзимизга ўхшаган ҳамқишлоқларимиз тупроқ нархини белгилашди. Бозор деб шуни айтсалар керак-да.

— Мозорга тил теккиши мумкин, бозорга эса йўқ, — эътиroz билдириди Олтибой ака. — Нега деганда, мозордаги одам ҳаётлик чоғларида кўп қабиҳликлар қилган бўлиши мумкин. Бозор ичидағи одам-чи? Истайсизми-йўқми, нарх-навога бўйсунади, уни айблаб бўлмайди.

— Агар менинг ҳолимга тушганингизда фалсафа тўқиб ўтирасдингиз, ака. Хайрият, Ироқли бозорида картошка нархи ошганлигини эшишиб қолдик. — «Хайрият» деганимга Олтибой ака мийифида кулиб қўйди. — Катта фойда кўриш учун бу ёққа чопган десангиз, хато қиласиз. Биринчи навбатда энамни операция қилишлари учун пул жамғаришни ўйладик. Охирги сўмимизгача кетса ҳам, энамни асраб қолишимиз шарт эди. Сиз эса ўн қопдан зиёдини гум қилдингиз. Унинг пулига қанча дори олсак бўларди!..

Дилҳаё бошини эгиб ўтирап, киприклари намлангани янада қайтуваш сўйлашимга ундарди, аммо у бошқа бир сабаб ила кўз ёш қилаётган бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди. Бир лаҳза сукут сақлаб, сўнгра давом этиш учун оғиз жуфтлагандимки, Олтибой ака чапак чалиб юборди.

— Етар-э, мени онангнинг қотили қилиб кўрсатмоқчимисан?

— Худо сақласин, энам тирик.

— Илойим, кўп яшасин. Айтмоқчиманки, онангга

аталган пулларни ўғирлаганману ҳаётига хавф солғанман. Қотил деганда фақат одам ўлдирган киши эмас, одамни нобуд қилувчи сабабларни туғдирган киши ҳам тушунилади.

— Ундей демоқчимасман!

— Майли, унда қулоқ сол, нега мен ет ютгур трактирларда кезиб юраман?! Сабаби шуки, наша излайман! Қорадори ахтараман! — Дилҳаё сесканиш билан отасига боққан эди, падар қўл силтади. — Ўғирлаш учун ё чекиш учун деган хаёлга борманглар. Мен шунаقا бир махфий хизматга ёлланганман, мажбур бўлганман шунга. Ироқлига тоғли районлардан тез-тез наша келтиришади. Бу ерда эса контрабанда спиртлари арzon. Қайтишда спирт олиб кетишади. Ўша куни менга хабар беришди. Фалон-фalon номерли «ЗИЛ» мошинасида картошка боряпти, тахминизча, қоплардан бирида наша бўлиши мумкин, дейишди. Ўша «ЗИЛ»да сен ҳам бор эдинг, Зафар! Картошқаларнинг пулига қанча дори олсак бўларди, дейсан! Буни билмадиму, лекин қоплар орасидаги нашанинг пули йигирмата касални даволаш учун, плюс, врачларга ҳам ул-бул беришга етарди.

— Ёлғон! Отам ҳеч қачон наша сотмайди!

— Бортга чиққанимдаёқ нашанинг ҳидини олдим. Бурним итларникидан яхши ишлайди, ука. Бироқ тополмадим. Қопларни улоқтиридим, ичкарига йўл очдим, барибир улгуролмадим. Балки энг остида бўлгандир.

— Туҳмат... Наша борлигини сизга хабар берган кишилар нега бирон постда тўхтатишмади?

— Гапингдан сут ҳиди келяпти! Билиб қўй, гиёхвандлик савдосига қарши курашда «дори»ни сезганданоқ ушладими, тўрга бир ёки икки киши тушади. Агар шошмасалар, секин-аста ўн-йигирмatalаб одам илинади. Лаққа балиқ итбалиқдан кейин! Ачинарлиси шуки, мен мошинда наша йўқлигини айтишимга қарамай, улар отангнинг изига тушиб бўлишди. Бал-

ки ҳозир құлға олишгандир ҳам! Кимнинг телефон номерини биласан?

— Ҳеч кимнигини.

— Ҳозир «сотка» күпайған, ундан ҳам йўқми?

— Йўқ.

Олтибой аканинг гапини тинглаганим сайин мени аллақандай совуқ, этни жунжиктирувчи сув ўз тубига тортиб кетаётгандек эди. Гапи чин бўлса, жиноятичи аслида биз — мен, отам ва Маҳмуд ака, у эса гиёхванд маддалар савдосига қарши курашувчиларнинг исковучи эди.

— Отанг спирт ҳақида галирганмиди? — сўради Олтибой ака. — Тўғрисини айтавер, мен отангнинг қўлга тушиши тарафдори эмасман.

— Бир киши тайинлаганди шекилли.

— Тушунарли.

Олтибой ака сигарет чекмоқчи эди, Дилҳаё кўз ёшини артиб, деди:

— Дада, мен кетаман.

— Аччиқ қисматим шуки, — дея Олтибой ака сигаретни фижимлаб ташлади, — ўз қизимга ўзим совчиман. Кетаман дейсан, эрта-индин жавоб ҳам берарман. Лекин кетишдан аввал айт, сени Зафарга фотиҳа қиласам бўладими?

— Бу аччиқ қисмат эмас, дада, — жавоб берди Дилҳаё дадиллик билан. — Кимга турмушга чиқишимдан қатъи назар тўйимда бўлмаслигингиз аччиқ!..

— Нафасингни иссиқ қил, қизалофим. Мен...

— Нима ишлар қилиб юрганингизни яхши биламан. Ўйин охирида сизниям қамоқ кутяпти. Қачон дадамни ушлаб кетишар экан, деб юрак ҳовучлаб яшайман. Бундай дўзах азобига бошқа чидолмайман, эшитяпсизми?! Барибир сизни қамашади!

Олтибой ака мулзам бўлиб қолди. Қизи овозини яна бир парда кўтаргач, эшик-деразага хавотир-ла кўз югуртириб, лабига бармоқ босди.

— Сенинг олдингда айборман, қизим, — деди у Дилҳаёнинг бошини силаб. — Ҳеч қачон кечирма мени! Дунёдаги энг баҳтли оиласининг энг баҳтли қизалоги бўлишинг керак эди. Афсуски, умринг чекка шаҳарчадаги худо қарғаган бозорда ўтятти. Болалингга ҳам ҳеч ким ҳавас қилмайди. Мен ҳам, Зифарнинг отаси ҳам қамалиб кетса-да, икковларинг баҳтли бўлишларинг керак. Эртагаёқ ошхонани сотиб, икковингни Самарқандга юбораман.

— Ўзингизча тақдиримни ҳал қилолмайсиз, дада. Биз ҳам ўзимизча ҳал қилолмаймиз.

— Нега, қизим? Миянгни айнитган Бобошни ҳам эртагаёқ йўқ қиласман. Мен ҳақимда билган-билмаганини қулоғингга қўйган кўринади.

— У ҳақда гапирманг, дада!

— Тўғри, у гапиришга ҳам арзимайди. Ўзини шер санаб юрган тўнғиз у! Қассоб деб юрибсанми лаънатини?! Гўшт орасига наша солиб сотишини мен ҳам яқинда билиб қолдим. Ироқлининг наркоманлари ҳеч бўлмаса ярим кило гўшт олишига ҳайрон эдим. Агар бир оғиз шипшиб қўйсам, ҳеч ким Бобошни қайтиб кўрмайди.

— Дада, менга жавоб беринг, илтимос.

— Ҳозир кетмайсан-ку, ахир!

— Эртага кетиш учун бугун жавоб олишга ҳаққим бордир?

Олтибой ака стулга қайтиб ўтирди. Эзғиланган сигаретига ачиниб қаради. Мен кўп нарсани тушуниб етгандим. Фақат отам наша олиб келгани ёлғон бўлиб чиқса, бас! Мирзамат ака «Нексия»сида бизниги қатнаб қолганини ўйлаб, юрагимда оғриқ турди. Мана, ҳамма бало нимадан бошланган? Отам ҳам келиб-келиб Мирзамат акадан уруғлик қарз оладими?!

— Нега бирдан кетишга тушиб қолдинг? — Олтибой ака қизига норози нигоҳ ташлади. — «Зафарга тегасан» деганим жон-жонингдан ўтиб кетдими?

— Бўлди, дада... — Дилҳаё кўзларини чирт юмди. — Бирдан кетишга тушганим йўқ. Буни яхши биласиз, нега жўрттага сўраяпсиз, ҳайронман.

Олтибой ака дам менга, дам қизига тикилди. Агар ота-онамнинг ташвиши бўлмаганида шу тобда мендан баҳтли инсон топилмаслигини хаёлимдан ўтказдим. Барибир ичимдан қувончга йўғрилган нимадир тошиб келарди. Дилҳаёга қандай эр бўларканман? Нигоҳимни беихтиёр қизга қададим. Балофат ёшига етганимда хаёлимда бунёд бўлган гўзал бир оилани эсладим. Бадавлат, башанг кийинган сипо қайнота, ўрта яшар, ҳусн-мaloҳат тарқ этмаган истараси иссиқ қайнона, бир ўғил, икки қизи. Ва мен — куёви! Ҳаммамиз дастурхон атрофида жамулжаммиз. Негадир теваракда булутлар сузиб юрибди.

Жудаям хаёлпараст эканман, дегим келди...

— Яхшигина гаплашиб олдик, — ўрнидан бир бошқача шашт билан турди Олтибой ака. — Масала пишган кўринади. Албатта, ёшлар шамол, биз теракмиз. Икки томондан ҳам ҳаракат бўлиши кепрак, қизим тўғри айтди, ўзларингча тўй бошлаёлмайсанлар. Дилҳаё, чамадонимни олиб чиқ.

Қиз қовоғини уюб, хонасига кириб кетди, зум ўтмай катта малла чамадон кўтариб чиқди. Олтибой ака қулфларини шарақлатиб очиб юборди. Яримиға кийимлар тахланган, яримида боғлам-боғлам лотереялар кўринди.

— Буларни уч қун тахладим, — деди ўғри, — математикага оид кашфиётим шу эдики, бутун олам, инсоният — барчаси ҳали ҳеч ким ҳисобини билмайдиган даражада рақамланган. Яъни ҳар бир воқеийлик сонларда ўз ифодасини топади. Бу — маълум бир ҳодисаларни математик йўл билан олдиндан башорат қилиш мумкин демакдир. Гиёҳвандлик, қамоқ, дарбадар ҳаёт ўз таъсирини ўтказди, анча кучдан қолдим, шу важдан кашфиётимни якунлай олмайман. Аммо баъзи соҳа-

ларда күч синаб күрсам бўлади. «Омад қалити»да жек пот уч юз миллионга яқинлашганда ҳар ҳафта телебошловчининг қўлига илашадиган шар рақамларини ўрганиб чиқишига қарор қилдим. Икки ҳафта ичида бир оз адашдим, холос. Бу гал ҳисоб-китобим чакки-мас, чипталар ҳам озмунчами! Ма, Зафар, буларнинг бари сеники! Кўлинг енгилми?

Дилҳаё эса ҳалиям бошини қўтаришни, очилиб-яйраб ўтиришни истамасди. «Менимча, битта шу қизнинг сири қолди», — дедим ичимда.

* * *

Тунни шу ерда ўтказдим. Эртагаёқ бошпана то-пишга аҳд қилдим. Ўла қолсам ҳам семиз хотиннинг карвонсаройида — бўлажак қайнотамнинг ижараҳо-насида қолишни истамасдим. Баҳт масофаси билан гўзал эди-да, ахир.

Лотереяларни эски қопга жойлаб, ҳовлига чиққа-нимда, Дилҳаё изимдан келди.

— Зафар ака, — деди ийманибгина, — дадамдан хафа эмасмисиз?

— Агар манавиларга уч юз миллион ютуқ чиқса, ҳеч хафа эмасман, — ҳазиллашдим дарҳол.

— Икки ютуқдан бирини танлашингизга тўғри ке-лади. Жиддий гапиряпман, Зафар ака! Сиз ҳали да-дамнинг феълини яхши билмайсиз.

— Икки ютуқ? Ие, ҳали яна битта ютуқ борми?

— Ана.

Дилҳаё ишора қилаётган деразага боқдиму ҳайратдан қопни ташлаб юбораёздим. Эрталабки қуёш ярқират-ган ойнада Дилҳаёning ажиб сиймоси акс этди. Жил-валанаётган офтобга, ойнага, ойна ортидаги оқ парда-га бир-бир назар солдим. Булар мен яшаётган моддий оламнинг рад этиб бўлмас ашёвий далиллари. Лекин уларнинг жамланмасидаги қизнинг нурли сувратини илоҳиётга йўйгим келди. Мўлтони кампир башорат

қылган, отам күп пичинг ёғдирған, менга бойлик келтирадиган ўша омад ва баҳт қуши шу эди. Ҳақиқатан, ҳурлиқ қиз ҳаё ила ўзини каминага баҳшида этган бу дам умримнинг энг эсда қоларли лаҳзалари бўлиб қолишига шубҳам йўқ эди.

— Нега энди иккисидан бирини танларканман? — дедим ҳамон қоққан қозиқдай туриб. — Лотереялар картошкамнинг пулига келган, бу қиз эса... — Дилҳаёнинг аксига ишора қилаётib қизариб кетганимни пайқадим. — ...буям картошкамнинг пулига келади...

— Шундай тушундингизми? — кулимсиради қиз.

— Бошқача тушуниш керак бўлса айтинг, мен рози,
— шўхчан жавоб қилдим.

— Ҳа, майли... — Қиз кўча сари юрди, энди мен унга эргашдим. Кўчада деди: — Зоримиз бор, зўри-
миз йўқ, Зафар aka, қиз бола бировнинг хасми.

— Момо бўп кетинг-е!.. Дадангиз ҳақ гапни гапирди. Бир мартачув туширган бўлсаям маладес одам экан. Дадангиз айтмагандаям, эътибор берган бўлсангиз, юлдузларимиз тўғри келяпти.

— Шунча воқеадан кейин ҳам мени дейсизми?

— Ҳа.

— Учта ўлимдан қолиб-а? Ахир, ҳаммаси мени деб бўлди-ку.

— Учта эмас, тўртта. Болохонадаям ҳаётим қил устида эди. Биронтаси сизни деб бўлган эмас.

— Хўш, бугун қаерда тунайсиз?

— Шу яқин-атрофдан квартира топишим керак. Сиздан узоқлашишни истамайман.

— Бу ерларда янгисиз, ижара уйни ўзим топсам де-
гандим.

— Дилҳаё, — дедим қопни ташлаб, қизнинг қўлла-
ридан тутарканман. — Балки гапимга ишонмассиз.
Мен... мен Ироқлига келмасимдан аввал сизни учра-
тишимни сезгандим.

Бунга жавобан қиз ширингина жилмайиб қўйди, хушомад деб ўйлади чоғи.

— Албатта катта пул ютаман, — дедим қопни яна кўтариб олиб. — Ҳаммаси башорат қилинган.

— Башорат денг. Чаккимас.

— Бир куни уйга мўлтони кампир келди. Агар сафарга чиқсам, гўзал бир қизни учратишмни, қиз сабаб бойиб кетишимни айтди. Илгарилари бунаقا гапларга ишонмасдим. Ахир, келажакда рўй берадиган воқеаларни қандай билиш мумкин? Фолчилар, башоратгўйлар — ҳаммаси товламачилар дердим. Энди эса ишона бошляяпман, мана, кўрасиз, мен ютаман!

— Хўп, айтганингиз келсин. Аммо... Зафар ака, софлик-саломатликни биринчи ўринга қўйинг. Онангизга пулингиздан кўра ўзингиз зарурсиз. Шуни унутманг.

— Иккисидан бирини танлаш керак, дадамнинг феълини билмайсиз, дедингиз. Уч юз миллионлик жекпотни ютсан, хаёлига нималар келиши аниқ. Бу билан дадангизни айблаб бўлмайди, ҳар қандай инсоннинг кўнглидан аламли афсус ўтади.

— Дадам афсусланадиган одам эмас, — эътиroz билдириди қиз. — Ўйлашимча, сиз математик ўйининг бир бўлагига айландингиз.

— Қанақа математик ўйин? Мактабда чала ўқиганман, мендан иш чиқмайди.

— Иш чиққани учун ҳам лотереяларни сизга берди. Адашмасам, дадам ўзи айтган фалати кашфиётидан кўнгил узгани йўқ.

— Буни сир тутмади шекилли.

— Ҳозир мени чақириб қолмасидан тез-тез гапириб олай. Лўнда қилганда, сиз аргументсиз, тирик аргумент, тушундингизми?

— Тушунмаслик ҳам гапми, умуман, аргумент нималигининг фаҳмига ҳам бормайман.

— Икс, игрек, зет деб эшитгандирсиз?

— Эшитганман. Мактабдаги дардисар дарсларни эслатади.

— Ўша дардисарлар аргумент деб аталади. Дадам жекпотни ютиб олиш учун бор имкониятларини ишга солиб кўрганга ўхшайди. Масаланинг жавоби чиқиши учун аргументлардан бири тирик одам бўлиши ва у ўз қўли билан ўйнаши керак. Тасаввур қиляпсизми, сиз ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган сирли формуланинг бир аргументисиз.

— Ўҳ-хў, мени ўргимчак тўри билан ўраб ташландингиз-ку. Ҳаётнинг астари бунчалик қора эканлигини билганимда туғилмасдим.

— Ҳечам-да. Бу ҳали қора ранг эмас! Ҳақиқий қора ранглар олдинда. Зафар aka, отангиз айнан Бобошга наша олиб келиб берган бўлиши мумкин. Бунинг учун менда далил бор...

— Илтимос, Дилҳаё, шу ҳақда гаплашмайлик. Тун бўйи алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқдим. Ўйласам юрагим сиқиляпти. Отам ростдан наша савдосига аралашган бўлиб чиқсаю қамалса, энам кўтаролмайди.

— Энангиз... укаларингиз... Кўпчиликсизлар-а? Отангиз ҳар бирингизга қадрли. У киши наша билан кўлга тушса, кўп ўзгаришлар бўлади, мен дунёқа-рашларингизни назарда тутяпман.

— Тушундим, Дилҳаё. Ота барибир ота.

— Йўқ, — деди Дилҳаё, — фарзанд барибир фарзанд.

Биз тушлиқда учрашишга келишдик. Бозор кечагидан ҳам совуқ эди. Отамни ўйлаганим сайин қадамим оғирлашар, кўзимга ёш қуйиларди. Бироқ дунёда Дилҳаё деган қиз яшаётганлиги, оиласи аллақачонлар пароканда бўлиб кетгани, буям етмагандай, навбатдаги фожиалар соя солиб турса-да, ўзини дадил тутаётгани менга далда берди. Отанг қамалса, бўйнингни эгишинг керак, деб ўргатилмаганидек, ўзингни мағрур тутишинг лозим, ҳам дейилмаганди. Нимаям қиласдим?

Ягона таянч – барчасига чидаш. Чидашим учун менга нима далда беришининг аҳамиятийи йўқ эди.

Картошка бозорига кириб бордим. Картошка қопларига қирор тушган. Бугун сотиб қўйиб, отамни ижара уйда кутиш ҳақида ўйладим. Ба ногоҳ миямда чақиндек чақнаган ўйдан бўшашиб тушдим. Пуллар! Ахир, отамни ҳибс этишса, ёнидаги ҳамма пуллар ҳавога учади-ку. У ёқда онамнинг аҳволи... Қайси пулга дори оламан? Қайси пулга даволатаман? Ҳойнаҳой Мирзамат ака сувдан қуруқ чиқади, боз устига қарзга берилган картошкасини ҳам сўрайди...

Кўнглимга қил сифмай қолди. Яхшиям, кеча сотилган картошка пулларини чўнтағимга пухта яширган эканман, акс ҳолда болохонада қолиб кетиб, дард устига чипқон бўларди.

– Яхши дам олдингми, йигит? – сўради бозор қоровули. – Отанг қачон келади?

– Отамми?.. Кутаяпман, – дедим алланечук мужмал оҳангда. – Келиши керак... бугун ё эртан. Нима ишингиз бор эди, ака?

– Картошкани сотамиз.

– Меникиними?

– Ҳа, бир туркман савдогар кеча сўради. Бугуннинг ўзида уч тонна картошка керак.

– Бу ҳеч қанча чиқмайди-ку.

– Оббо, содда-ей, – деди қоровул, – сендан ярим тонна, фалончидан ярим, ишқилиб насибасини йиғади. «Оптом»дагилар билан келишолмай қолибди. Берасанми?

Айни муддао эди. Дарҳол савдогарни чақириб, нархини келишдик. Ҳарқалай килосидан икки юз ўттиз сўм қоладиган бўлди.

– «Оптом» сотганимни отамдан сир тутингизлар, – дедим.

– Нима фарқи бор, зўр пулладинг, – ҳайрон бўлишди улар.

Нарсаларимни йиғишира бошладим. Ироқли бозоридаги кечмишларим шу бугун ниҳоясига етиб, уйга қайтиб кетишни истардим. Бунга тұла ҳақли эканимни бирдан англаб етдим. Отам нима ҳам дерди? Ахир, заразига сотганим йүқ-ку. Қолаверса, отаси ҳақида вахимали гап эшитган қайси фарзанд чидаб ўтиради?!

«Энг муҳими, — дедим ичимда, — отамни ўз вактида огоҳлантириб, қамоқдан асраб қолишим ҳам мумкин! Қанча тез жұнаб кетсам, шунча яхши.»

Йұлимни Олтибой аканинг ошхонасига бурдим. Хайр-хўшлашиб кетадиган ягона одамим Дилҳаёэ эди. Албатта, мен билан бирга кетишидан ҳам ноумид эмасдим.

Буни қарангки, биринчи күнги йўлдан юриб, семиз хотиннинг ошхонасидан чиқиб қолдим. У ерда қиласиган ишим йўқ эди, аммо бека менга кўзи тушган заҳоти лапанглаб чопиб келди.

— Кartoшкафурушларнинг боласимисан? Ҳали кетмабсан-да?

Индамай ўтиб кетишнинг иложи йўқ эди. Салом бердим ва муҳим ишим борлигини айтдим.

— Сендан ишингни сўрайяпманми? — деди у қўлларимга ёпишиб. — Ошхонага кир, гап бор.

— Отам кутиб қолади, хола.

— Вой, отанг Самарқандга кетган-ку. Икки кунга ижара ҳақи тўлаганди. Кеча тунда қаерда эдинг? — У кўзини ола-кула қилди. — Болохонада ётмадингми?

— Йўқ, — деб юлқинган эдим, шум хотин сумкага ёпишиди.

— Айланай, ичкарига кир, гап бор, нега бунча қўрқасан? Еб қўярмидим! Биринчи кундан танишдик. Ё мендан тирноқча ёмонлик кўрдингми?

— Сумкани қўйинг, — дедим жаҳл аралаш.

Семиз хотин хохолаб кулиб юборди. Мақсадига эришмаса қўймаслиги тентагона кулгисидан ҳам билинди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Қай гўрданам пайдо бўлди, уч эркак тўхтаб, бизни томоша қилди. Сўнг бири:

— Нима деяпти бу йигитча? — деб сўради семиз хотиндан. — Текислаш керак бўлса айтинг, битта ароқ сиздан.

Аёл розилик билдирмасдан, пачоқ башара кимса ёқамдан тутди.

— Сумканѓда нима бор? Ошхонадан гўшт ўғирлаб кетяпсанми? Қани, оч!

Лаънати Бобош ҳам бунчалик қўрқитиб юбормаганди. Картошкадан тушган жами пул, лотерея чипталари ва агар Олтибой аканинг кашфиёти иш берса, уч юз миллион сўмлик ютуқлар бор эди эски хитой сумкасида. Пул учун одам ўлдириш мумкин бўлса, ҳозир мавриди келганди.

— Қўлингни ол! — дедим бирдан сенсираб.

— Эшифтадим, — пачоқ башара кимса бошини сарак-сарак қилди.

— Кулогингни пичоқ учи билан тозалаб қўяйми ёки автомат шомполини тиқайми?! — дея кучимни тўплаб бир силтагандим, сумкамни халос этдим.

— Қуёнчиқ экан-ку бу! — анг-танг бўлди пачоқ башара.

Семиз хотиннинг пешбандиндан чиқиб турган ошпичноқ дастасига чаққонлик билан қўл солдим, аммо пичноқнинг тифига қараб бўлмас, болта ундан авло эди. Дарвоќе, уч юз миллион учун мени ўлдириш жиноят оламида оддий ҳолат экан, айнан шунча сўмни ўзимда қолдириш учун душманни ҳалок этишга менга ҳам изн бор эди.

Пичноқ кўтарган йигитча кўпни кўрган бу одамларни чўчита олмаслиги мумкин эди. Яхшиямки, юз ифодам семиз хотиннинг пайтавасига қурт туширди. У:

— Ҳай-ҳай, қўйинглар, — деб мени нари итарди.
— Уриш-жанжалдан ким фойда топибди! Боринглар, мен сизларни чақирдимми?!

— Кетдик, — деди ҳалигиларнинг бири. — Мен бу болани танидим, у йигитнинг хўрози.

Гарчи ҳамон иягини кўтариб турган эса-да, пачоқ башарали кимса ҳамтовофининг бир турткиси билан унга эргашди. Ортига қарай-қарай кетаркан, худди ҳаммасини мен бошлагандек юраги аламдан ёнарди.

— Юр. Ичкарида беш минут гаплашамиз, — деди семиз хотин.

Унга эргашишга мажбур бўлдим. Ошхонанинг ичкари хонасига кирганимизда найнов оёқларини чалиштирганча чой ичарди. Менга кўзи тушиб, хотинига ўқрайди.

— Урди худо! — чойни полга сепиб юбориб, жойидан қўзгалди у. — Нега буни опкелдинг? Шу етмай турувди ўзи! Кечадан бери милиция хит қилиб юборди-ку!.. Бобошним сен урганимидинг?

Семиз хотиннинг пичофини қўлимда ўйнатиб, даста томони билан пешбанд чўнтағига солиб қўйдим.

— Ака, ҳар бир одам айтган гапига жавоб берса олишни ўйлаши керак, — дедим унга.

Шундан кейин ҳам мени ёш бола санаб, лабини чўччайтирди.

— Қотилсан, қип-қизил қотилсан! Болохонада иккинчи кеча ҳам ётгансан, тўғрими? Меҳмоннинг афтига пичоқ ургансан...

— Қўймадинг-қўймадинг-да, — дедим ва пичоқда қайтиб қўл узатгандим, семиз хотин ортга тисарилди.

— Бўлди, ука, бу шланка шунаقا аёлмижоз, унга индама. — Кейин новчага пўписа қилди: — Туёғинги шиқиллат. Агар мелиса исини билса, сени нима қилишни ўзим биламан.

— Жоним...

— Ишингни қил деяпман!

— Э, ўзи бу дунё бевафо экан! — хўрсинди новча. — Эрталабдан кечгача фақат шу гапни эшитаман.

У чиқиб кетгач, аёл гүштдор қўли билан бурнини ишқаб қўйгач, деди:

— Менга эр керак, бу бояқишига боқадиган хотин. Кўрдингми эркак зотининг паст кетишини?

— Эркак зотининг паст кетиши эмас бу, — эътиroz билдиридим. — Шунчаки бир бетайиннинг кулгига қолиши. Хола, вақтим зиқ, менда нима гапингиз бор?

— Мелиса ўз йўлига, укажон, бизнинг фикримизча, кеча кечқурун сен болохонага келгансан, шундайми? Фақат яширма! Қамайдиган олифталар бир тийин берармиди, уларни ўйлаб нима зарил менг! Эрталаб кўчамда анави қиз билан гаплашиб турганингни кўрганлар бор. Жанжаллашганингни, масалан, моматалоқ бўлган юзинг айтяпти.

— Болохонага кирган-кирмаганинг сизни нега қизиқтиряпти? Мелисага хизмат қилмас экансиз, мудданонгизни айтинг, хола. Олдиндан шуни билингки, болохонада ҳеч ким билан ёқалашмадим, қотил эмасман.

— Кирганингда улар соппа-соғмиди?

— Аввал айтинг, мақсадингиз нима? Айтмасангиз, ўзингиз биласиз. Ҳаммасини кўрдим, лекин ўлдирсангизам чурқ этмайман.

— Касалхонада жон берган киши бир неча йиллар бурун бир ишга аралашганди. Юзи тириқ одам, қорадан келган, мендан сал озгин.

— Кеча танишганман.

— Агар уни ўша иши учун ўлдиришган бўлса, демак менга навбат келади. Бу рост. Ёлғон бўлса нон урсин-е, укажон.

— У эски танишингиз экан-да?

— Юзи тириқни гапиряпсанми? Ҳа, лекин буни ҳеч ким билмасди. Гап шу ерда қолсин.

Бобош бадбуруш кимсага «бўронли кеча воқеаси» ҳақида гапирганини эсладим. Отам билан Маҳмуд aka қачонлардир дуч келган ўтовдаги етти қиз, оқ туя, «КамАЗ»чиларнинг мурдалари, наҳотки, менинг

ҳам тақдиримга суқилиб кириб олса?! Ижара хонамга тасодифан келган каллахүр кишилардан бири бўронли кечада отамдан, эҳтимол, юз қадам нарида бўлган. Ўқ узган одам ҳам айнан ўшадир?

— Қотилни кўрдингми? — қистади семиз хотин.

— Уйингизга келганимда тўрт киши қарта ўйнаб ўтирганди, — дедим эҳтиёткорлик билан гапимни си-тиб чиқарарканман. — Учтасининг башарасини аниқтиниқ эслолмайман, жуда чарчагандим. Лекин танишингиз бир умр эсимдан чиқмаса керак. Мени ёнига таклиф этди. Калла-поча едик. Кейин нотаниш кишилар бостириб киришди. Босқинчилар уларнинг оғизбурнига калла-поча тикишди.

— Нега сенга индамади, айланай? Сал ишончлироқ қилиб гапир. Мен билишим керак...

— Қўлимда қассоб пичноқ бор эди, индаб жонлари нечта!

Семиз хотин барибир ишонқирамай кўз ўйнатди.

— Ҳо, тўрт-беш барзангি одам ўлдиргани кириб, сендан қўрқдими?

— Одам ўлдиргани кирган эмас. Улар бир нимани бўлишолмаган экан, шунинг «разбор»ини қилишди. Мен ортиқча эдим.

— Айнан нимани бўлишолмади?

— Мияни.

— Мия? Қанақа мия?

— Одам миясини.

— И-и... — семиз хотин энди менга буткул ҳайратланиб қаради, кўрсаткич бармоғини чаккасига қалит қилиб буради. — Мабодо «документ»инг йўқми?

— Сиз қайси маънода тушундингиз? Мияни бўлишолмади деганим, бири оқман, иккинчиси қора эмасман, деди. Бир хил мия, бир хил муаммо! Охири мия иккига бўлинди. Енгил жазо учун ўлиб қолади, деб мен ҳам ўйламагандим, бечора ўлиб қолибди-да.

— Сенда бир гап бор, айтмаяпсан. Текин томошабин бўлишингга икки дунёдаям қўйиб беришмас?

— Шунча муҳим экан, танишингизнинг ҳамтovoқлariдан бориб сўрамайсизми?

— Мелисаҳонага борайми? Қизиқмисан?! — Семиз хотин лаб тишлаб четга қаради. — Ҳуллас, уларнинг бўлишолмаган мияси бор де. Айнан ўша нарса нима? Илтимос, укажон, одам тушунадиган қилиб гапир.

— Сотқинлик билан ватанпарварликми-ей... Ақлим етмади.

Семиз хотин қўлини чалиштириб «сен асли ўзи кимсан?» дегандек синчков қараб қолди. Бу савол менинг хаёлимда-да айланарди. Чандиқ юзли кимса билан муқаддам бир ёмон иш қилган экан, бу, шубҳасиз, «бўронли кеча» воқеаси. Маҳмуд ака сўзлаб берган ярим афсона, ярим ҳақиқат бўлмиш ўша тилсимотдаги гўзал ҳур қизлардан бири шу аёлмикан? Ҳа, вақт инсон боласининг устидан истаганча рассомлик қилиши мумкин.

— Бўпти, кетавер. Мелисаға сотмаганимга раҳмат де, — эшикка им қоқди у.

— Ким кимни сотмади, — дедим чиқиб кетаётиб.

Дастлаб у сўнгги жумламга эътибор бермади. Ошхонадан ҳеч қанча узоқлашмаган эдимки, ҳаллослаб келиб қолди.

— Менга қара, ука, — деди қўлимга ёпишиб бир четга судраркан, — мендан нима истайсан? Қанча хоҳлайсан? Қайси қизни қўйнингга солиб қўяй? Дилҳоёни кўнглинг тусайдими?

— Номингиз бекорга қўшмачига чиқмаган экан-да.

— Ундан қутулмоқчи эдим, канадай ёпишди.

— Сен биласан! Ким нима қўйди, барини биласан! Танишимнинг ҳамтovoқлari ўлиб қолсаям сотмайди! Танимадик, ниқобли кишилар эди, деб туриб олишади. Лекин сен танигансан, биласан...

— Тўғрисини айтсам, нима берасиз? — сўрадим

күнглимга ин қурган шубҳалар галасига кишт бермоқ қасдида.

- Нима керак бўлса айт!
- Дилҳаёни илгари ҳам бироннинг қўйнига солиб қўйгандай гапирдингиз.
- Бу ерга келмасидан аввал бузилиб кетган...
- Исботингиз борми?
- Шундай мишишлар борки, ука, чин ҳақиқат эканлигига ишонмасдан ҳам иложинг йўқ. Бобош билан ўша қизнинг дастидан уришдингми? Билиб қўй, у бокира эмас. Уч ой аввал бир гап эшитгандим, Дилҳаё боласини олдириб ташлаган.
- Қўйсангиз-чи, ахир у...
- Нима «ахир у», нима?! — тобора завқ-шавққа тўлди аёл. — Ироқлининг ҳамма дўхтири мени танийди. Бола олдирганини биттаси шипшиб қўйди. Эшишишимча, у Бобошдан ҳомиладор бўлиб қолган. Буни мен ўзидан ҳам сўраганман. Албатта, Дилҳаёга қиз бола деган ном керак. Ёлғон эканлигини айтиб, қасам ичиб туриб олди. Бобошдан алдаб-сулдаб сўрагандим, «ҳа, мастиликда тегинганман» деди. Сенингча, Бобош унга ёш болага ўхшаб қуруқ талпиниб юрадими?! У ҳайвон-ку, ука... Энди гапир дардингни, Дилҳаё сенга нима учун керак?

Томирларимда қон қизиб, тутуним чиқиб кетди. Семиз хотиннинг гаплари ифвога айланишини жонжонимдан истардим.

- Маишат қилиш учун, — дедим лаб-лунжим титраб.

Семиз хотин буни оддий ҳолдек қабул қилди.

- Шернинг олдига бир парча эт ташлагандай ташлайман, уни ўзингники ҳисоблайвер. Энди айт, ука, болохонамга келган эшаклар мен ҳақимда нима дейишиди?

— Ҳеч нарса демади. Ҳаммасини ўзингиз айтдингиз, ўз оғзингиз билан. Чандиқ юзлини сотқинлик

учун жазолашди, сиз эса «уни ўлдирган бўлса, мен ҳам кетаман», дедингиз. Ўн йил бурун саҳрода бўрон кўтарилиган, иккита «КамАЗ» фойиб бўлган. Босқинчи «айбингни биламан, агар сени сотсам отувга ҳукм қилинасан» деб дўқ урди. Уша ўлган одам сиз билан бирга арзимас чақимчилик қилмаган, тўғрими? У ўлса, сиз ҳам ўладиган иш чўлдаги қароқчилик эди. Топдимми? Мен айнан ўша куни сизлардан омон қолган бир одамни биламан.

Семиз хотин без бўлиб қолди. Муштдеккина қишлоқи йигитча рақиб чиқиб қолиши афтидан тушига ҳам кирмаган эди.

— Сенга қизни... бераман, — фўлдиради у.

— Йўқ, — дедим ундан қутулаётганимга шукр қилиб, — бизни тинч қўйинг, тамом-вассалом. Дилҳаёга ҳам тил теккизманг. Мен сизни, сиз мени кўрмагансиж.

— Тинч қўймай нима қилибман, раҳмат сенга... Яхши бор, — аёл расталарни панараб, шоша-пиша кўздан йўқолди.

Йўлга отланганимни Дилҳаё бир қарашдан пайқади ва ишини ташлаб, ошхонадан чиқди.

— Бир кун ҳам қолмайсизми? — назаримда буни хавотир ила сўради.

— Бир соат ҳам.

— Нима бўлди яна?

— Ҳеч нима. Шунчаки... картошкамни сотдим, отамни кутишга асабим чидамайди, у ёқда онамга пул керак. Кетмоқчи эдингиз, Дилҳаё, мен билан йўлга чиқмайсизми?

Қиз пешонасига тушган сочини йифиштириб, менга термилди. Ним кулиб туриши юракни жизиллатарди, аммо ичимдаги шайтон менга «бу қиз бузилган, сендеқ лапашангга тегиб олмоқчи, холос» деб бонг урди.

— Бирга кетаман, лекин яна бир кун қолайлик, әртага... — деди у.

— Йигитлик сўзини айтиб қўйганим учун олдингиздан ўтишга келдим, — дедим. — Номим қочоққа чиқиши керакмас. Сизсиз кетавераман.

Дилҳаё очиқчасига хафа бўлди, сўнгра сумкамга кўз қирини ташлади.

— Эртан кечқурун лотерея ўйналади.

— Уч юз миллион сўм чиқишига шунчалик ишонасизми? — сумкани қизнинг оёқлари остига ташладим. — Олинг! Мен энди чўпчакларга ишонмайман.

У авзойимга қараб баъзи нарсаларни сезди, оҳиста эгилиб, сумкани олди-да, қўшқўллаб тутди.

— Зафар ака, булар сизники. Нимадан аччиқланаётганингизни билмадиму... майли, мен ҳам ҳозир кетаман. Фақат дадамга бир оғиз телефон қилиб қўяй.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай биз автобус бекатида турардик. Самарқандга етиб олиш учун аввало ё Нукусга, ё Урганчга бориш керак эди.

— Отамнинг бир таниши бор, — деди Дилҳаё. — Микроавтобусида савдогарларни олиб юради. Омадимиз чопса, тўғри Бухорогача ҳам боришимиз мумкин. Ундан у ёфи Самарқандга бир қадам.

— Бу ерлардан кетсам бўлди, — уф тортдим мен.

Дилҳаёга мажбурият юзасидан гапираётгандай эдим. Семиз хотиннинг гаплари бир лаҳза ҳам ўз ҳолимга қўймасди. Қиздан қандай қилиб сўрасам экан, деб бош қотираётгандим, мендан кўз узмаётган бир кишига кўзим тушди. Уни таниб, юрагим орқага тортиб кетди. Бу одам Маҳмуд ака эди. Жавдираб турар, «ЗИЛ»нинг қорасиям кўринмас, дунёсидан айрилган бечора кимсани эслатарди. Бир фалокат бўлган эди. Фалокат бўлгандаям қайғусини ҳеч қачон аритиб бўлмайдиган машъумдан-да машъум...

Йўлни шошиб кесиб ўтдим ва икки қадам нарида тўхтадим. Салом беришга-да тилим айланмади.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Зафар! — қичқириб юбораёзди у. — Ўзингмисан?!
Ўхшатдиму кўзларимга ишонмадим! Қандайсан-ей?

Ўн йил кўришмаган инсондай қучиб олди.

— Отам қани? — деб сўрадим руҳсиз бир ҳолда.

— Нима бўлди? Мазанг йўқми? Юзинг ҳам қашқа?

— Отам?..

Гарчи кайфияти бўлмаса-да, Маҳмуд ака қувноқ кулиб қўймоқчи эди, лекин афт-ангорини тузатиб бўлмас изтироблар эгаллаб олди.

— Отангни бунча сўраб қолдинг, кетди сенинг олдингга... Сен эса бу ёқда юрибсан? Тинчликми, ука?

— Картошкани сотиб бўлдим. Машинангиз қани?

— «ГАИ» ушлади, катта йўлдаги мелисаҳона ҳовли-сига тиқиб қўйди.

— Сизни қўйворишдими?

— Картошканинг эгасини топиб кел, деди. Отангни ахтариб, эндиғина бозорга кетаётгандим. Бу ерга нечанчи маршруткада келдинг?

— Нима, отам мошинда эмасмиди?

Маҳмуд ака отам постга етмасдан тушиб қолганини гапиргач, ичимда нимадир чирт узилгандай бўлди. Машинани тўхтатишни илтимос қилибди, сўнг бортга чиқиб картошка қоплари орасидан каттакон сумка олибди. Сумкани илгари Маҳмуд ака ҳеч кўрмаган экан. «Сиз бемалол бораверинг, мен такси ушлаб, бир жойга кириб ўтаман, балки бозорга сиздан олдин етиб борарман», дебди.

Сумкада нашадан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?

Отамни огоҳлантиришга улгуришим керак эди. Милиция аллақачонлардан буён пойлаб юрганига қарамай, агар отам сумкани гум қилиб, бу ерлардан қочиб кетса жин ҳам урмайдигандай эди.

Дилҳаё бизга яқинлашганда, Маҳмуд ака дарров таниди.

— Бу ҳам сен биланми?

— Ҳа, Самарқандга икковимиз кетаётгандик, — шундай деб қызға тикилдим. — Дилҳаё, мен ҳозир кетолмайман, муҳим ишларим чиқиб қолди.

У индамай бурилиб кетди. Ҳатто бир оғиз хайрлашмасдан такси томон югурдим.

— Бозорга! — дедим олд ўриндиққа отилиб кирапканман.

Маҳмуд ака ҳам мендан ўрнак олди. Орқага ўтиргандан сигарет тутатди.

— Чекмасдингиз-ку? — дедим баттар сиқилиб.

— Э, биттаси ўн йилга кетасан, деб бўкирди. Мошинанг ашаддий жиноятчиларнинг аравасига айланган, дейдими-её! Буям майли, бортдаги ўқ изини кўриб қолди!

— Ўқ изини? Ўшандаям шу мошин эдими?

— Шу мошин, шу чўл. Отангнинг сумкасида тилла бормиди, нима бало?! Ҳаммаси менга ёпишиб кетди! Сумкани сўради. Яхшиям, Нурим бирор сўраса фи-ринг этмаслигимни тайинлаган.

— Энам яхши эканларми?

— Яхши. Отанг врачларга анча пул сарфлаб келди-ёв. Операция ҳам бўп қолади, яқинда.

— Ҳаммаси яхши кетаётганди-я! — жаҳл билан қўлимни мушт қилдим. — Отамга тушунмай қолдим! Эҳ, қаердан чиқди шу палакатлар?!

Эллик ёшлардан ошган қорақалпоқ таксичи кулиб қўйди-да, деди:

— Сен бола отангнинг ҳам хўжайнимисан?

— Йўқ, — дедим у билан гаплашишни истамай. — Маҳмуд ака, энди нима қиласиз? Отамни топганимиз билан иш битармикан? Мелиса жуда довруқ солди деяпсиз-ку.

— Отанг битиради. Ўртада бир гап борга ўхшайди.

— Ўртада пулдан бошқа нима бўлиши мумкин! — гап майдонига от сурди таксичи. — Одам зотининг энг нозик нуқтаси пул, оғайнилар. «Пул бўлса, чангалда шўрва»

дейди эскилар. Бу мақолни минг марта эшитганмизку, деманглар. Эътибор қилсанглар, қўлингда ёки дастурхонингда шўрва, дейилмаяпти, айнан чангальда, ҳа, чангальда. Чунки пул деганда ўз-ўзидан чангаль эсга тушаверади. Кимнинг қўли юлиб оладиган, илиб оладиган чангальдай бўлмаса, унга қийин.

— Бунинг учун нафс ўпқон бўлиши керак, — дедим. — Шундан кейин қўл сиз айтган чангальга айланади... Маҳмуд ака, энди нима қилдик?

Таксичи фикримни тепкилаб ўтди.

— Нафс бутунлай бошқа нарса, уни аралаштирма, ука. Мен эҳтиёж ҳақида гапиряпман. Эҳтиёжингни қондириш учун ҳам қўлинг чангаль бўлиши керак. Эҳтиёждан ортиғи нафс, дейилади.

— Ўзи эҳтиёжнинг чегараси бормикан? — деди Маҳмуд ака. — Мисол учун, менга икки қаватли уй, шаҳардаги кўп қаватли «дом»лардан икки хонали квартира, битта немис мошини керак. Шуларга эга бўлганимдан кейин мени боқадиган нарсага эҳтиёж туғилади. Хусусий цехми, дўконми, ижарага бериш учун юқ мошинларими — ишқилиб ҳар ойда пул келадиган бирон нима.

— Замонавий одам экансан, — мақтади таксичи. — Шуларга ҳалол ишлаб эришмоқчимисан?

— Ҳаром ейдиганлардан эмасман, — деди Маҳмуд ака баландпарвоз оҳангда.

— Ким ўз эҳтиёжини ҳалол йўл билан қондирса, нафс дейилмайди. Юлғичлик билан топилган биттагина ушоқ ҳам нафс.

Бозорга етиб келганимизда таксичи ҳамон фалсафа оламида жавлон уради. Тушаётганимизда Маҳмуд ака сўради:

— Кечирасиз-ку-я, мабодо домла бўлмаганмисиз?

— Пенсиядаги ўқитувчиман, — деди у. — Пенсияга чиқиш ҳам эҳтиёж, оғайнилар. Хайр, омон бўлинглар.

Отамни бозордан тополмаслигимни кўнглим сез-

са-да, дастлабки қиласынан ишим бир соат илгари ишонч билан умрбод тарк этганим ўша картошка бозорига қадам ранжида қилиш бўлди. Картошка сотувчилардан сўраб-суриштирдим. Баъзилари отам тугул, мени эслолмай: «Кимсан? Отанг ким ўзи?» деб бақрайишиди.

Ҳар эҳтимолга қарши ошхоналарни кузатиб чиқдик. Агар отам сумкани эгасига топширган бўлса, хурсандчиликни нишонлаб юз грамм ичишга кирган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Ошхоналарда тентираш ҳам фойда бермагач, Маҳмуд акага дедим:

— Гўштхона қаердалигини биласизми?

— Бу юришда тополмаймиз. Картошка бозорда кутайлик, барибир келади. Мошин арест қилинганини билмайди-ку, ахир.

— Ким айтди билмайди деб, балки билар?! Маҳмуд ака, ростини айтинг, отам йўлда ҳеч нарса демадими?

— Нима ҳақида?

— Биттасидан эшитдим, сизларни нашафуруш деб органга чақибди.

Маҳмуд ака таққа тўхтаб, менга анграйиб қаради. У ҳаммасини тушуниб етган эди.

— Тўхта-тўхта, демак, сумкада наша бўлган.

— Гап шу ерда қолсин, — дедим мен.

Маҳмуд ака билагимдан чангллади. Фазабдан титраб-қақшаб кетганини кўриб юрагим ачишди. Бояқиши умр бўйи ҳалол меҳнат билан кун кечирган, сўнгги нафасигача фалваларга аралашмасликка аҳд қилган ўзига тўғри одам эди.

— Сен буни қачон билдинг?

— Кеча. Агар қўлимдан келганида эди, қишлоққа етиб бориб отамни огоҳлантирадим. Менимча, бу ишнинг бошида Мирзамат ака турибди. Отам билан учрашганини бирон марта кўрдингизми?

— Демак, Мирзамат... Ит эмгурлар мени тириклайн

Азамат ҚОРЖОВОВ

гўрга тиқмоқчи эканлар-да! Майли... кўрамиз... Билардим-а ҳаммаси инсофини еганлигини... Тентакман! Била туриб арzon-гаровга дунёнинг бир чеккасига келиб юрибман!

Маҳмуд ака мени ҳам койиб берсалар керак деб ўйлагандим, Йўқ, бир оз юрганимиздан сўнг бошимдаги чангичилар шапкасини силаб қўиди.

— Ифлос ишга сениям аралаштирганига ўлайми? Энангни даволатишга катта пул керак, биламан. Лекин шунинг учун наша сотиш шартми? Наша албатта тешиб чиқадиган энг ёмон даромад манбаи. Нима қиласиз энди?

— Қассобхона...

— Э, бўлмағур гапингни қўй, Зафар! — жеркиб берди у. — Бобошийдими ўша қассобнинг оти?

Маҳмуд акани бутунлай адойи тамом қиласлик учун Бобош билан отамнинг тили бирлиги ҳақидаги тахминни айтиб юборишдан зўрға тийилдим.

— Квартирага бориб келайлик-чи, — деди оғир уф тортиб.

Шу кунлар ичida анча улғайиб қолган эдим. Бизни деб олис сафарга рози бўлган одамни юпатиш кераклигини яхши англаб етгандим.

— Отам наша олиб келмаган бўлиб чиқишиям мумкин, — дедим вазминлик билан, лекин овозим титроқقا қоришиб кетди. — Ростга айланса, сизни ўзим ҳимоя қиласман, Маҳмуд ака! Айбингиз йўқлигини исботлаш учун гувоҳ керакми? Мана, мен гувоҳ!.. Ҳеч нарсани билмайман, картошка ортилганини кўрдим, холос, дейсиз. — Иттифоқо, хаёлимга Равшан аканинг буюртмаси келдию ҳафсалам пир бўлди. — Лекин сиз қайтишда спирт олиб кетгансиз, тўғрими?

— Буниям биласанми?

— Ўша одам айтди.

— Кимга дуч келдинг ўзи? Жеймс Бондгами, нима бало!

Мен Олтибай ака ҳақида ҳам гапирмай қүя қолдим. Нима бўлгандаям бизнинг оила Маҳмуд акага битмас-туганмас ташвиш келтираётган эди. Қанийди отамни кўриб қолсаму дардимни тўкиб солсам.

Семиз хотиннинг уйи эгасиз ҳовлидек бефайз хувиллаб ётарди. Ироқли бозоридан қўним топган турли-туман кимсалар уясига айланган бу даргоҳда икки кеча тунағаним ва, айниқса, Дилҳаёдай кўзга яқин қиз неча ойдирки яшаётгани қўнгил пардасига қора тортиди. «Битта биз ёмонми? – деди ички овозим. – Фалокат келганда довдираб қолган манави Маҳмуд ака ҳам кўп нарсани билади, сезиб юради. Унгаям пул керак, таксичи айтган эҳтиёждан нафс ўсиб чиққан. Бунинг далили шуки, мўъжиза туфайли бугун Ироқли остонасида пайдо бўлиб қолгани! Йўлнинг ҳисобини қилсак, машина эндиғина қишлоқдан чиққан бўлиши керак эмасмиди?! Кўп ишлаш учун машинасини шундай ҳайдаганки, икки баравар тезликда қайтиб келган...»

– Ҳеч ким йўқ-ку, – деди Маҳмуд ака.

– Ҳамма бозорда, ака. Ҳамма пул келадиган томонда ўйнайди.

– Менга қара, маҳмадоналик қилгунча бирон кимни топиб чиқ!

Эшикларни бирма-бир тақиллатдим, аммо инсон зоти садо бермасди. Дилҳаёнинг ижаҳонасида кирдим.

– Ким бор? Ҳей...

– Нима, кўзинг хиралашиб қолдими? – деган овоз келди.

Ҳақиқатан кунжакни икки киши банд этганини илғамабман. Улар менга шу қадар сирли тикилиб туришардики, ўрнимда бошқа одам бўлганида ҳам кўнглига ҳадик ин қуарди. Бироқ мени қасам ичган икки нигоҳдан кўра уларнинг одам шаклидаги алоҳида-алоҳида кўринишлари кўпроқ қизиқтириди.

Дарвоқе, бири яна эски түнини кийиб олган Олтибай ака, иккинчиси кечагина болохонада одам ўлдирган Бобош эди.

Олтибай ака ювош тортиб қолган Бобошни ёлғиз қолдириб, чаққон пилдираб эшикни ичкаридан құлфлади.

— Айтиб қўяй, — деди у, — шопир ичкарига кирмаслиги керак. Кирса бола-чақасига қийин бўлади.

— Отамни ахтариб юрибман, шу ерга келдими?

Бобош сумкамга сўзсиз тикилиб ўтиргани ёқмади. Ҳарқалай сумкани ҳеч кимдан ўғирлаб олмаганман. Иблис балчиқ чаплаган вужудининг баъзи соғ жойларида одамгарчилик балқиган рўпарамдаги олти бармоқли кимса берган лотереялар эди кўпчилиги.

— Отангни мен билмайман, — деди Олтибай ака «мен» сўзига урғу бериб.

— Сиз-чи? — сўрадим ўз-ўзидан Бобошга тикилиб.

— Аввал сумкани кўрсат, — у сумкага имлади. — Столга қўй-да, оч.

— Билиб қўйинг, бу ерга сумка кўрсатишга кирганим йўқ. Отамни кўрдингизми, йўқми? Айтиш қийинми, ака?

— Кийин! Нега қийин бўлмасин?! Жудаям қийин!

Галиришга оғиз жуфтладиму Олтибай акага қарадим. Чамамда, нима демоқчи эканлигимни у англади. Ахир, отам Бобошга наша олиб келгани ҳақидаги тахминни унинг қизи айтди. Диљаё, эҳтимол, Бобошдан эшитгандир, аммо Олтибай аканинг бундан бехабар юриши сира мумкин эмасди. Ва ҳозир иккиланганим — «отам сизга наша олиб келган» десам, Олтибай акани сотган бўлиб чиқишим мумкин эди.

— Сиз... барибир биласиз, — дедим ўжарлик қилиб, илло алланечук пажмурда ҳолда.

Олтибай ака секин бош силкиб қўйди. Шундан кейин Бобош:

— Ҳе-е, гап бу ёқда, денглар, — дея алам билан

чүнтак кавлаб, сигарет қутисини топди. — Акамни оғзи маҳкам эркак десам, бутун Ироқлиға жар солиб чиққан эканлар-да!

— Мен нима депман?! — норози бўлди Олтибой ака.

— Отамнинг айнан сизга «дори» олиб келишини бошқа бирордан эшилдим, — деб шошма-шошарлик қилдим. Бобош баттар тувақиб кетди:

— Бошқа бироринг ким бўларди, бу кишимнинг яккаю ёлғиз қизлари-да! Ё ёлғонми? Ироқлиға келиб фақат бизнинг оёғимиз тагида ўралашиб қолдинг сен бола! Бошқа ким ҳам сир айтарди! — Қассоб жаҳл билан гугурт чақиб, бирпасда паға-паға тутун пулаб ташлади. — Ҳаммамиз бир вилоятданмиз, керак бўлса қамофимиз ҳам битта бўлади.

— Бобош, сен ҳамиша ҳаддингдан ошиб келгансан, — деди Олтибой ака.

— Тўғри айтасиз, ҳар доим шунақа бўп келганман. Чунки мен ювош бўлиб яшолмайман. Ёввойилар даврида туғилганимда фор ҳукмдори, ўрта асрларда саҳро қароқчиси, ўттизинчи йилларда босмачи, қирқинчи йилларда партизан...

— Ҳозир эса сассиқ сув тортиб чиқадиган артези-ансан! — столни муштлади Олтибой ака. — Калланг етмаган гапларни гапириб кулги бўлма! Сен фирт аҳмоқсан! Билдингми?! Қароқчи, босмачи, партизан эмиш! Ҳеч бўлмаса, бир парча илоннусха тилингни кўп алжиратма! Ўттизинчи йилларда сенга ўҳшаганлардан босмачилар эмас, миллатини сотган хоинлар чиққан! Қирқинчи йиллардаги фашистлар ҳам худди сенга ўҳшаган одамлар эди!

Улар бир лаҳза бир-бирига қаҳр ила тикилдилар. Кейин Олтибой ака буюрди:

— Қани энди айт! Зафарнинг отаси қаерда?

Бобош сигаретини столга кучи борича эзғилади, бир парча кул қолди.

— Кўрганим йўқ, — деди сурбетларча.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Сизга неча марта наша олиб келган? — сўрадим тишимни-тишимга босиб.

— Нима, тергов қиляпсанми?

— Ҳайдовчимизнинг бу ерга киришини истамаёт-ганларингизнинг сабаби, — дедим икковига бир-бир кўз ташлаб, — у бизнинг қайиқда эмас. Мен эса сизларданман. Одамнинг қумурсқача жонини бемалол йўқ қилиб юборадиган сирларни биламан. Гапимга тушуняпсиз-а, Бобош ака? Энди айтарсиз?

— Йўқ, бизнинг кемада эмассан, — Бобош ўрнидан турди. — Бу ерга отангни ахтариб келдингми, Дилҳаёними ё шунчаки разведкага келганмисан, бизга қоронғи. Нима бўлгандаям иззатинг битди. Вақтида жўнаб қол.

— Бас! — деди Олтибой ака. — Демак, унинг отасини бугун кўрмагансан.

— Боқиб юрибманми?!

— Ундай бўлса нима жанжал?! — қулочини ёзди Олтибой ака, сўнг менга деди: — Зафар, отангни бошқа жойдан қидир. Маслаҳатим, шовқинсиз, изингни қолдирмай қидир! Тушундингми?.. Айтгандай, Дилҳаёни кўрмадингми?.. Ҳа, майли, шунчаки сўрадим.

Ўша пайтда уйдан тезроқ чиқишини ўйладимми, ми-ямга жўяли фикр келмасдан остона ҳатладим. Ижара уйдан узоқлашганим сайин каллам ишлай бошлади. Нега Олтибой акага ялиниб-ёлвормадим? У кимларнингдир жосуси бўлишга мажбур экан, Маҳмуд аканинг «ЗИЛ»и кимнинг буйруғига кўра тўхтатилган, отам ҳозир қайси томонда тентираяпти — тахминан бўлса-да билиши керак эди. Балки ҳамма маълумотни шахсан ўзи етказгандир? Энг ажабланарлиси, нега у «Дилҳаёни кўрмадингми?» деб сўради. Йўлга отланганимизда, қизи мен билан кетаётганида телефонда рухсат сўради-ку. «Қизим сен билан кетмаганмиди?» деб ажабланиши тўғрироқ эмасмиди?

Бу юришимиз самара бермаслигига күзи етган Маҳмуд ака катта йўл бўйидаги мелисаҳонага қайтишга қарор қилди.

— Сен ҳам юр, тентирашдан фойда йўқ, нима бўлса пешанамиздан кўрамиз, — деди у.

— Йўқ, Маҳмуд ака, — қатъий бош чайқадим, — сумкамни текшириб кўришса, мени ҳам отамга шерик қилишади. Картошканинг пули десам ишонади, дейсизми? Яххиси, мен бир ишончли квартира топай. Сумкамни яшириб, отамни ахтараман. Ундан у ёғига билмадим, вазият нимани тақозо этса, шуни қиласман.

— Унда бир нимани баҳона қилиб мендан ҳам ҳабар олиб тур. Картошка эгаси ушлангунча қамаймиз дейишса, эгаси йўқ итга ўхшаб қолмай.

— Албатта хабар оламан, Маҳмуд ака. Бугун кечқурун учрашамиз.

Оҳаги нураб тушган ола-чалпоқ дўйон ёнида хайрлашдик. Қор учқунлади. Ёз бўйи чарчаган одамлар ошхоналарга қамалиб олиб, тинимсиз ароқ кўтаришар, сомсаҳўрлик қилишарди. Тўғриси, ошхонага киришга юрагим безиб қолганди.

Аввало ўзимга қалинроқ кийим сотиб олиш учун Ироқли бозорига қайтдим. Кийимлар ниҳоятда арzon эди. Ҳитой, Қозоғистон, Қирғизистондан салкам сув текинга контрабанда орқали келган моллардан Ироқли тижоратчилари мўмайгина даромад қилишарди.

Қора куртка сотиб олдим. Сотувчи очиқкўнгил, анчайин содда киши экан, дарров сирини очиб қўйди:

— Нима деяпсан, ука, бу мол асл тоза, лекин арzon. Ҳитойдан бир ярим долларга олиб келганман.

У мен санаб берган қирқ минг сўмни қўлида ўйнатиб ортимдан қараб қолди. Камига қоракўзойнак ҳам олмоқчи эдим, ўпкамни босдим: бугун-эртан мени, оиласизни нима кутяпти, билмайман. Пулни тежаш шу вақтгача менга зарап келтирмаган эди.

Ижара уйни ҳам бозордагилар орқали топиш осон.

Эски танишларга дуч келиб қолмаслик ташвишида писта, нос сотиладиган растана ўтдим. Хотин-халажлар тилимга яхши тушунишмади.

— Туркманча биласанми? — деб сўрашди ўз тилларида.

— Йўқ, лекин тушунаман.

— Қозоқча, қорақалпоқча...

— Тушунаман.

— Сенъёру мистерлар келса, бизам тушунамиз, — дейишиди носфурушлар. — Фақат уларнинг нос олмагани чатоқ-да.

— Менга квартира керак, бир ҳафтага. Шерикларим кечаси келишади.

— Нима дейди? — пешанасини тириштириди биттаси.

— Квартира керак эмиш.

Барibir бозор кўрганман-да. Ҳаял ўтмай бир нафақахўр, сўққабош кампирницидан икки кишилий жой топдим. Кўнглимдагидек квартира эди: семиз хотиннинг кўчасидан катта йўлга чиқувчиларни дезарадан кузатиш имкони бор. Яна бир қулайлиги — телефон ўрнатилган.

Күёш нур сочмай бирдан ботди. Сумкамни каравот тагига бекитиб, кўчага чиқдим. Такси ушлаб, тўғри мелисаҳонага ҳайдатдим. Маҳмуд ака дарвоза олдида дийдирағ турган экан, мени кўриб қувониб кетди.

— Отам келдими? — деб сўрадим. Сўрадиму беихтиёр ўпкам тўлиб кетди. Маҳмуд ака атрофга аланг-жаланг боқиб, бир четга бошлади.

— Отангдан дарак йўқ, Зафар. Булар менга сен ҳам қамаласан, деб дағдага қилишяпти-ю, лекин ташқарида кутишимга қарши эмас. Бу нима дегани? Менимча, жиддий масалага ўхшамаяпти. Кейин... биттаси учини чиқарди... Айтдики, картошкани ташлаб кетаверишим мумкин экан... Борт милтиқ ўқидан тешилмаганлигини исботлагунимча энамнинг сути оғзимдан келди... Айт, энди нима қилай? Кетаверсаммикан?

- Кетаверасиз? Қанақасига?
- Биттаси шундай деди, деяпман-ку. Картошкани тушириб, мошинни олиб кетишим керак.

Маҳмуд ака қаҳрамонлик кўрсатишни истамаётган аскар мисоли иккиланарди. Вақт борида «ЗИЛ» кабинасиға ўтириб жўнаб қолса, эртага отамнинг кўзига қараши бор. Қолса, бу ишқалдан қайтиб ўнгланмайдиган ҳолда жабрланиши мумкин.

- Картошка нима бўлади? — дедим заиф товушда.
- Билмадим, бир четда турса керак.
- Отам қаердан сотиб олганди?
- Район бозоридан. Агар Нурим эпчиллик қилмаса, анча пулга куяди. Тўғри тушун, Зафар, ҳозир қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Ҳамма гап отангда! Қаерларда юрган экан-а? Ҳеч бундай асабийлашмагандим.
- Уйимиз куйганга ўхшайди, — дедиму кўзларим филт-филт ёшга тўлди.

Бироқ Маҳмуд ака кўз ёшларимни кўришга улгурмади. Соқчи туйнуги очилиб, уни чақиришди.

Очлик ва совуқдан силлам қуриб, бир соат кутдим. Ниҳоят, «ЗИЛ» овози эшитилди, кулранг дарвоза сурилиб, машина чиқиб келди. Юксиз эканлиги бир қарашда маълум эди. Агар картошка шу кўйи йўқ бўлиб кетса, камида беш миллион сўмдан айрилардик. Кечагина бир миллион сўм билан жамики муаммосини ҳал қилмоқчи бўлган оила учун бу бутун бошли мамлакатнинг яксон этилиши билан баробар эди.

Маҳмуд ака аллақанаقا ишора қилиб ўтиб кетди. Анча олислагач, қизил чироқлари ёнди. Ёнимга ҳаллослаб етиб келаркан, кимнидир сўқди.

- Инсоф ҳам керак-да! Ахир, бу қароқчилик-ку!
- деди у. Кейин мени юпатиш учун қўшиб қўйди: — Отанг келса, балки ҳаммасини ҳал қиласар!
- Уйга кетяпсизми?
- Ҳа. Отанг ҳам қизиқ. Шу вақтгача хабар олмади.

Нафақаҳүр кампирнинг уй телефони ёзилган қоғозни узатдим.

— Етиб борганингиздан кейин телефон қилинг.

Шарт ортимга бурилдиму чақирса ҳам қарамай кетавердим. Ижара уйимга келганимда, бефайз, ўлик, рутубатли хона кутиб турарди. Каравотга ташлаб, донг қотиб ухлаб қолдим.

Сешанба қүёши булутлар орасидан жилмайган кунни умрбод ёдимдан чиқармайман. Апил-тапил ювиниб, кўчага отландим. Кечаги сандироқлаган жойларимга бир-бир бориб, квартирамга қайтдим. Кечки бешда «Омад қалити»нинг 128-тиражи ўйналиши керак эди.

— Телевизорингиз борми? — кампирнинг хонасига мўраладим.

— Нима кўрмоқчисан? — йўл бўшатди у.

— Бугун лотерея ўйналади.

— Оббо, эринмаган ўғлон-е! Шуларнинг ҳийлала-рига учеб, насибангни бир бўлак қоғозга сарфладингми? Иккита олганга ўҳшайсан-а?

— Икки мингта, чиқса керак, — дедим бамайлихотир. — Бир сумка бор, бир сумка!

— Вой-бой! — танглайнини тақиллатди кампир. — Илойим, ют!.. Агар ютсанг, сенга бир манзилни айтаман, бир миллионинг ўн миллион бўлади.

Кампирнинг гапидан «ҳеч вақо ютолмайсан, болапақир» деган мазмуннинг ҳиди келарди. Бу туйғуни аввал ҳам ҳис этгандай эдим. Эҳтимол, қишлоғимдан нарини кўрмай рўзгорга қоришиб юрганимда «ота, ундин қилайлик... бундай қилайлик» деб беғубор кўнглимга юқтириб қўйгандирман. Ҳаётимни ишончсизлик расво қилиб келган, ҳа, ишончсизлик. Шу кунларгача ишончсизлик ботқоғидан чиқолмай келдим, то отам бозорга олиб келгунча, то мени чўл ўртасидаги шаҳарчага ёлғиз ташлаб кетгунча.

Қизиқ, одамлар ишончсизлик қилган сайин битта нарсага — мўъжиза туфайли аҳвол ўзгариб қолишига

ишона бошлайдилар. Биз ҳам шундай әдик. Онам касал ётганда қаердандир катта миқдорда пул тушиб, муаммолар ечим топиб кетишига ишонардик. Бирон марта «энди тамом, энамдан айирилдик» демаганмиз. Ишонч бор экан, шундан бошқачароқ йўлда фойдалансак, ҳаётимизни силлиқ йўлга тушириб олсак бўлмасмиди? Ким билади, ҳозир лотереяга ишониб ўтирганим ҳам ҳамон ўзгармаган ўша-ўша каснинг хомхёллари-дир. Уч юз миллион сўмли жекпот, бу – айтишга осон. Мўлтони кампир башорат қилди, Олтибой aka ҳисобкитобини чиқарди. Дилҳаё ҳам умид берди...

Телевизор қархисига чўккан заҳотим кампир яна бидиллади:

– Илгарилари заём дегичлари бўларди, болам. Шўролар роса ўйнатган. Спортлотто бор, ўчириб ўйналадиганлар чиқди. Сенга айтсан, буларнинг бари қимор. Калланг билан, юрагинг билан ютмайсан, омадингга ишонасан. Омадга таянган тадбирнинг ҳаммаси қимор-да, айланай!.. Э, чолим ўлгудай қиморвуз бўлган. Нуқул ошиқ ташларди. Қўйнинг суягидан тортиб паҳтанинг питигигача қиморга ишлатилиши одамни кўп эсанкиратади.

– Ҳозиргина пулимни ўн баравар ошириш ҳақида гапирдингиз, қиморхонага боришимни чўтлаган экансиз-да? – дедим телевизордан кўз узмай.

– Бир миллион ютсанг менсиз ҳам ўн миллион қилиб оласан, айтдим-қўйдим-да, – деди кампир. – Ёши бир жойга бориб қолган кампир қароқчиликдан бошқа ниманиям маслаҳат берарди, хих-хи-хи...

– Кулгили, – дедим-да, экранга кириб кетгудай тикилиб олдим.

Миллионерга айланишимга бир неча дақиқа қолган, аммо на ҳаяжон, на тажанглик безовта қиларди. «Ютишингга ишоняпсанми ўзи? – деб сўрадим ўзимдан. – Албатта ишонаман. Ахир оз эмас, кўп эмас, нақ бир сумка чипта билан иштирок этяпман,

башорату кашфиётлар кор қилмаса, имкониятлар күплигидан ютиб чиқарман. Худо нимани хоҳлаётганини одам кўп сезади... Мен аниқ ютаман-ов...»

Қизиқишимни кўриб кампир ҳам муккасига ўтириб олди. Тамшаниб қўяр, алланима деб минфиirlар, негадир у хириллаб нафас олаётганга ўхшарди. Уйин бошланишига бир неча дақиқа қолганида, телефон устма-уст жиринглай бошлади.

— Ҳаҳ, шу пайти ким экан-а? — ёзғирди кампир.

Гўшакни ўзим олдим.

— Салом, — деди бир қиз. Овоз жуда паст ва фариблиги боис таниёлмадим.

— Уй эгаси керакми? — сўрадим худди ҳамдардлик билдираётгандай.

— Йўқ, Зафар ака, бу — мен...

— Кимсиз? Дилҳаё, сизми?

— Ҳм... Мени кечиринг, илтимос...

— Ё тавба, телефонимни... квартирамни қандай аниқладингиз?

— Кейин тушунтириб бераман. Илтимос, ҳозир у ердан чиқиб кетинг.

— Нега чиқиб кетарканман? Бу ерни ўзим топдим, ҳеч ким чиқаролмайди.

— Ҳеч ким тополмайди, демоқчимисиз? Манзилингизни дадамга айтдим. Биз шунга келишгандик, Зафар ака. Дадамнинг нияти бузилган.

— Сизни тушундим, Дилҳаё. Қочиб қолишим керак, акс ҳолда лотереялардан ажralаман, шундайми?

— Ёлғон билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини кеч англадим. Сиз... сиз қалби тоза йигитсиз. Кеча сизни алдаб-сулдаб бирон шаҳарчада ушлаб туришим керак эди. Дадамнинг ўртоғи ҳақидаги ёлғонимни эсланг. Бундай яшашни менга дадам ўргатдилар... Энди кетинг, Зафар ака.

— Кетиш-кетмасликни ўйлаб кўраман. Лекин ҳо-

зир бир саволимга рост жавоб беринг. Рост жавоб бероласизми?

- Майли, сўранг, — ҳиқиллади қиз.
- Сиз билан Бобошнинг ўртасида нима бор?
- Ҳеч нарса.
- У қўлингизни ҳам ушламаганми?
- Йўқ.
- Лекин икковингизни битта хонада кўрганман.
- Қайси қизнинг қўлидан ҳеч ким ушламаган?!

Мажбуран ушлаб олса ҳам «қўлидан йигитлар ушлган экан» деб юз ўгириб кетиш керакми? Сиз қайси маънода сўраганингизни билдим, жавобим ҳам ўша маънога тегишли бўлди. Мени севинг, менга уйланинг, демайман, Зафар ака. Хоҳласангиз ҳозир гўшакни жойига қўйиб мени бир умрга унутинг. У билан ўртамиизда на севги, на бир илиқлик бор эди. Охирги кунлари атрофимда кўп ўралашадиган, ҳоли-жонимга қўймайдиган бўлиб қолганди. Ироқлида менга ўҳшаган келгинди бўлса-да, бозорнинг ҳам, шаҳарнинг ҳам зўрига айланганди. Шуни билинг, ҳеч бир сабаб, ҳеч бир инсон унинг хотини бўлишимга мажбур қилолмайди. Агар сиз келмаганингиздаям қачондир барибир ундан қутулардим.

— Демак, сизни халос этибман-да?

— Қандай ўйласангиз-ўйланг, мен энди баҳтли қизман. Дунёда мард, қўрқмас, энг муҳими, ифлосликлардан нари юрадиган йигит борлигини кўрдим. Уни танийман, у ҳам мени... у ҳам танийди. Елкамдан тоғдай босган дард — дадамга хизмат қилганимни сизга айтиб қўйиш эди, бундан ҳам қутулдим. Эртага эрталаб йўлга тушаман, Самарқандга қайтаман. Тақдиримни қариндош-уруғлар қўлига топшираман.

— Бундан чиқди, мишмишлар ёлғон денг? — ҳамон оёқтиардим мен.

— Чинлигига ишонсангиз ҳам ўзингизнинг ихтиёриңгиз, — хўрсинди қиз.

Мўлтони кампирнинг башоратида сафарда учраган қиз баҳт келтириши, у билан умргузаронлик қилишим баён этилганди-ку, деб бошим қотди. Гапи чиққан, айниқса, ота-онасининг тайини йўқ, ўзиям олисларда сандироқлаб юрадиган қизга уйланишни кўнглимнинг чекка кўчасидан ҳам ўтказмагандим.

— Хайр, — деди қиз ва ижара уйни тарк этишимни яна бир эслатиб қўйди.

— Тўхтанг! — бақириб юбораёздим. — Гўшакни кўйманг.

Қисматимда ялт этиб порлаган юлдуздан кўз юмиб кетолмаслигимни, бўлажак ёрга миямда қанча шарт қўйилган бўлса, Дилҳаё биронтасига тўғри келмаган ҳолда ҳам, ундан воз кечолмаслигимни англаб етдим. Адашмасам, бу — муҳаббат эди.

— Қаерда учрашами? — сўрадим қатъият жўш урган ўқтам овозда. — Биз бугуноқ учрашишимиз керак, ҳозироқ!

— Мен, биласизми... — чайналди у.

— Илтимос эмас, бу — буйруқ! — дедим ҳазил ва ҳаяжон қанотларини бирдан қоқарканман. — Бир марта буйруғимни бажаринг.

— Менда нима ишингиз бор?

— Битта бўса олишим керак, Дилҳаё.

— Нима олиш керак дейсиз?

Лабим қувраб кетгани боис охирги жумлани эшитилар-эшитилмас айтдим. Дилҳаё нима деганимни тушунди, аммо қулоқларига ишонмади. Тўғриси, ўзимни тентак ҳис қила бошлагандим. Аллақандай қип-қизил жинни, овсар, бориб турган довдир...

— Йигирма дақиқадан сўнг бекатда, — дедим кўкрагимни ёриб юборар даражадаги қувончни зўрбазўр жиловларканман. — Келасизми?

— Хўп... Бояги гапингизни тушунмадим.

— Лабларингизни соғиндим, Дилҳаё.

Шу заҳотиёқ гүшакдан қисқа дудулаш эшиналди. Кампир күзларини катта-катта очиб менга ажабланиб қараб ўтиради. Бўса ҳақидаги гапимдан уялиб кетдим.

— Кимни топа қолдинг дарров? — У умрининг охирида ҳайратланиб қолишни мақсад қилгандек бор кучини ишга солиб оғзини чўччайтирди. — Бурганинг кўзини ўйиш ҳам қўлидан келадиган шайтон болага ўҳшайсан! Ё тавбангдан, тавбангдан!

Бу пайтда «Омад қалити»нинг 128-тиражи ғолибини аниқлаш учун шарларни танлаш фурсати етиб келган эди. Қофоз-қаламга ёпишиб экранга тикилдим. Эскирган телевизорга тикилгандан кўра қулоқларга зўр бермоқ афзал эди. Саноқли сониялардан сўнг:

— Ўн етти! — деган хитоб эшиналди.

Вўҳ, лотереяларга кўз югутирганимда, ўн етти рақамига кўп бор дуч келгандим. Қаердадир ўқ нишонга тегди, аммо бу нишонга навбатма-навбат еттига ўқ бехато урилиши керак.

— Иигирма етти! — деди студиядаги киши ўта баландпарвоз ва гулдирак овозда.

Бу рақамниям ёзиб қўйдим, биронта чиптага мос келган, деб хаёлимдан ўтказдим. «Омад қалити»нинг қоидаси бўйича дастлабки еттига рақам мос келса жекпот ютиб олинган ҳисобланади. Кейинги қайси чиптадаги еттига рақам биринчи тўлса, иккинчи ютуқ — машинани қўлга киритади. Кейингилари эса майда-чўйда ютуқлар. «Бирйўла машинани ҳам ютсам керак», дедим ичимда.

— Ўн тўққиз! — деган овоз эшиналди.

Негадир кампир кулди, чапак чалиб юборишига сал қолди.

— Ўн тўққиз бунча қувонтирмаса? — дедим бурилиб.

— Чолим ўн тўққизинчи йил туғилган, қабртошигаям ёзиб қўйганмиз, — изоҳ берди у.

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Ўттиз уч! — жаранглади телевизор карнайи.
- Биз бу сафар миқ этмадик.
- Йигирма!
- Менинг ёшим, — дедим тұлқынланиб. — Мен йигирма ёшдаман, момо!
- Йигирма ёшда одам тез югуради, — кампир құлларини завқ билан мушт қилди-да, ҳавода силтади. — Қызыңған сенға қочиб қолиши кераклигини айтди-я! Шошилма, неварагинам, шошилма! Ютуқ чиқдими-йүқми, аниқтайлик, кейин бемалол қочаверасан. Бирор келса, алдаш мендан. Ёшлигимда ёлғонни қийвортанман.

Йигирмадан кейин «етти» ёзилған шар құлига илашган телебошловчи «Бу ўйинимизда етти билан боғлиқ шарлар күп түшди» деб ҳайрон қолған бўлди.

Кампир:

- Бир балонг бор сенларнинг, — деб құлини яна мушт ҳолда силтади, лекин бу силташда завқдан асар ҳам йўқ эди.

Бир гап эшитганман: одамларни ҳалолликка ишонтириш сиёсатнинг ҳам, динларнинг ҳам, манавинаقا ўйинларнинг ҳам биринчи шарти экан.

- Ўттиз тўрт! — деди телевизордаги одам. — Жекпот учун олинган шарларнинг охиргиси.

— Охиргиси эканини ҳаммамиз билиб ўтирибмиз, ҳе ўл, гарилламай, — қарғади кампир. У бор-йўғи бир неча дақиқа ичиди телебошловчини бутунлай ёқтирамай қолған эди.

— Бўлди! Мени машина қизиқтирумайди! — Хонамга ўқдай учдим. Ҳозиргина қопдан чиққан рақамларни минглаб лотереялардаги рақамларга таққослаб чиқишим керак эди.

Шошган эканман. Ахир, еттита рақам эълон қилингандан сўнг ўйиннинг биринчи босқичи ниҳоясига етади ва жекпот ютилганми, йўқми, айтилади. Шугина хабарни ортимдан келган кампир етказди:

— Ростдан ҳам лотереяларинг күпми, неваражоним, уч юз миллион сўм ютиб олинганини айтди, ярамаслар. Лекин икки кишининг чиптасига чиққанмиш, бир юз элликдан бўлинар экан. Ўша чипталардан биттаси сенда бўлса, шунинг ўзи етади.

— Етади, етади, — тақорладим мен сумкамни афдар-тўнтар қилиб, ўн етти рақами борларни алоҳида ажратарканман. Ўн етти рақами йўқ чиптани бошимга ураманми!

Бир неча дақиқада топилиши керакдай туюлган ютуқли чипта ҳаливери тутқич бермаслигини пайқадим. Бекорга вақт кетказмаслигим керак эди. Дилҳаё менга қандай хавф таҳдид solaётганини айтди. Тўғри, Олтибой ака билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Чипталар орасида бир юз эллик миллионли ютуқ чиққан ҳар иккала чипта ҳам борлигига камоли ишонч билан лаш-лушимни йифишириб, картошканинг пулидан бир сиқим ташладим.

— Момо, олинг. Сизга катта раҳмат! Мен кетдим.

Гапим тугар-тугамас эшик астагина чертилди. Олтибой ака ва камида уч нафар барзангини кўз олдимга келтирдим. Ютуқни тортиб олишга шошилган ўғри-кazzоблар бунча авайлаб тақиллатишмаса-я! Гурсиллатсак ўзини бир нима қилиб қўяди, деса керак-да. Пешонада бори, дедим. Ва албатта кампирнинг ваъдасини эсладим.

— Момо, ўзингиз бир амалланг. Атиги беш минут ушлаб турсангиз етади.

— Менга ўргатма, — пулларни буқлаб тахмон орасига тиқди. — Бор, боравер, хонамнинг деразаси орқага қараган. Лекин бир кунлари келиб хабар олиб кетасан.

Кампир эшик сари букчайиб, лекин пилдираб жўнаб қолди. Ҳамон жойимдан жилмаганим асабига тегди шекилли, ярим йўлда тўхтаб, кўзларини олакула қилганча, қоқсуяқ қўлининг учқур бармофини ўз хонасига бигиз қилди.

— Фишт! — тупук сачратди у.

Бош бармогимни тепага қилиб күрсатдим, күз қишишниям унутмадим. Кампир тутқичга урчуқ тиқиб қўйган экан, олишим билан шишиб турган дераза нақ отилиб кетаёзди. Бу — истиқболга йўл очиқ деган ишорадай туюлди.

Кўчага етиб боришим учун қаровсиз ҳовлининг девори устида бир таноб ерни кесиб ўтишим, сўнг кимнингдир пастак нашахонасининг шифер томидан оёқ учida юриб, йўлакка сакрашим керак эди. Шу ерда омад дарров мени унутди. Бир ўрис киши сигарет чекиб, билмадим, ниманинг ташвишида, турган экан, мени кўриб бақириб қолди:

— Эй, идиот! Ты что там делаешь?!

— Ака, қўрқманг, мен яхши бола... — дедим.

Бироқ гапим етиб бормади, у дағал овозда бўралашиб сўқинди. Албатта, томоғига зўр бериши Олтибой аканинг диққатини жалб этмасдан қолмади. Йўлкага сакраб тушганимда:

— Зафар! Зафаржон! — деган овоз қулогимга чалинди.

Қайрилиб қараганимда қораси кўринди. Кўпинча сенга кўринган кимса сениям кўради. Унинг қадами тезлашган сайин ортидаги шарпалар сони ҳам ошаверди. Ўҳ-ҳў, Ироқлида ростдан жангари деб ном чиқазибман-да, бунча кўп бўлиб қувлашмаса.

Олтибой ака шу вазиятда ҳам алдамоқчи бўлди:

— Ҳой, сумкангда ҳеч нарса йўқ! Бошқа гапим бор, бошқа!..

Шунчалик тез югурдимки, баъзи муюлишларда ўзимни бошқаролмай, деворга, эшикларга урилиб кетдим. Одам топмас кўчаларни айланиб, яна эски жойимга қайтдим. Ҳув ана ижараби кампирнинг уйи, сарғиш шуъла таратётган турган менинг дегазам. Қўчада ит ҳам йўқ. Дилҳаё билан учрашиш учун келишилган бекат эса қорайиб турибди. Семиз

хотиннинг ижарахонаси жойлашган күчага мўрала-дим. Ҳар лаҳза Дилҳаёнинг гўзал сиймосига дуч ке-лишимдан умидимни узмаган эдим.

Тор кўчалардан бирига такси кирди. Пана жой-га тиқилиб олдим-да, қайтиб чиқишини кута бошладим. Машинадан бошқа жонимга оро кирадиган нарсани кўрмәётган эдим.

Совуқ борган сайин жон-жонимдан ўтаверди. Шу кетганимча Самарқандгача қочиб боришни ўйладим, лекин барibir ютуқларни олиш учун Ироқлидан тўрт юз чақирим наридаги Шумрот шаҳрига қайтиб келишим керак эди. Мени тутиб олишолмадими, демак, Шумротдаги лотерея ўйини идорасида пойлашади. Жа ичкарида бўлмаса ҳам эшик тагида кутишади ва қандай қилиб бўлмасин чипталарни тортиб олишади.

— Ҳозироқ йўлга тушсан, Шумротга улардан олдин етиб бораман, — дедим ўзимга-ўзим. — Милициядан ёрдам сўрайманми, идора қоровуллариданми, ҳарҳолда, қароқчиликнинг олдини оламан, уйга миллионер бўлиб қайтаман... Ютуқ чиққани аниқ. Йўқса, Олтибой aka сарсон бўлиб ахтариб юрмасди. Бошқа гапим бор, дейди-я! Наҳотки, шунга ишонсан!

Уч қадам наридан бир киши дийдираф ўтиб кетди. Оёғи тагида муз қисирлаб синди. Яна бир оз юргач, тайғаниб йиқилаёзди, сўқинди, тупуринди ва ҳеч кутилмагандага шўх қўшиқни хиргойи қилиб қолди:

— Жилама, муҳаббат, жилама,

Сен жиласанг бўлама...

Биз томонлардаги қишлоқ тўйлари шу қўшиқсиз бўлмайди. Опамнинг тўйида қандай сакраб ўйнаганимиз ёдимга тушиб беихтиёр жилмайдим. Эсономон етиб борсан, тўйларнинг тўри менини бўлади. Отамни ҳам ҳеч кимдан кам қилмайман.

Аммо-лекин ҳозир отам қаерда экан? Соғ-омон-

микан? Нашани олганлар ўлдириб юборишган бўлса, бу ютуқларнинг нима қизифи қолади?

Кўзимни чирт юмиб, фалокатларни эсламасликка уриндим. Бир пайт яқингинамда музнинг қисирлаб синишидан ҳушёр тортдим. Бирор мендан кўз узмай ҳайкалдек қотганди. Қоронғида шарпамни илғаган, илло одамми, тошми деб иккиланиб қолган жойи эди.

У хиёл бурилди. Чироқ ёруғида оғзидан буғ гуркиради. Шубҳасиз, навниҳол қиз эди. Ўрнимдан турган эдим, лип этиб рўпарамга келди.

— Зафар ака, — деди у, — қутулиб кетдингизми улардан? Худога шукр, гуноҳларим оз бўлсаям енгиллашди.

Кейин у атрофга чаққон кўз югуртириб, енгимдан тортди.

— Кетдик, мен бир квартира биламан.

— Йўқ, сиз ҳеч нарсани билмайсиз, Дилҳаё.

Бир қадам ташлашга улгурган қиз тарсаки егандай қалқиб кетди. Агар йиғлаб кетиб қолишидан хавфсирамаганимда кўнглимга келган гапларни айтибайтиб ташлардим.

— Хафа бўлманг, жаҳлим қўзиганда, оғзимга келганини аямайман. Ҳозир анави кўчадан такси чиқади, ўтирамизу Шумротга кетамиз.

— Буларни топширасизми? — сўради қиз сумкамга имо қилиб.

— Ҳа.

— Мен Шумротга бормайман, — деди тўйатдан терс бурилиб.

— Ҳўш, сизнингча, қаерга боришим керак? Ҳар бир дақиқа ғанимат бўлганда Ироқлида биқиниб ўтирайми? Ярим кечаси этиб борсам ҳам Шумрот тинч, Шумрот — нажот мақони.

— Қаер бўлишдан қатъи назар кўздан пана бўлса,

үша жой тинч. Дадам сизни Шумрот остонасида кутуб олса, мендан күрмайсиз.

— Яна нималардан бохабар этгансиз ўзи?
— Зафар ака, кечирганингиз учун шу ерга келгансиз, деб ўйлагандим. Менда аламингиз бўлса... бўғиб ўлдириб қўйсангиз ҳам кам...

— Етар!.. Ана, машина чиқяпти. Мен билан кетмасангиз бўлмайди, Дилҳаё! Чин гапимни айтайми? Сизни яхши кўриб қолдим!.. Кетмасангиз, севгининг уволига қоласиз! Тинч жой деяпсиз-а? — Таксига қўл кўттардим. — Қўрқув бўлмаган жой — энг тинч! Менинг ёнимда бўлсангиз нимадан қўрқасиз?! Мен ҳам кўрқмайман, сиз ҳам! Пулларни оламизу Самарқандга қайтамиз. Тўппа-тўғри касалхонага борамиз, энам оқ фотиҳа беради.

— Шу гапларга ўзингиз ишоняпсизми?
— Айтганимни қилишни ўргандим, — дедим унга тешиб юборгудай тикилиб.

Такси бизни шаҳардан эсон-омон чиқариб, йўл че-тида тўхтади.

— Уйқудан қолганман, — деди таксичи ҳамон ўзгармаган оҳангда, — гап пулда эмас, Шумротгача етиб боролмайман.

— Бирон машина келгунча кутишингизга қанча оласиз?

— Э, ука, алламаҳалда бу ердан Шумротга машина топгандан кўра лотереядан ютиш осонроқ.

Дилҳаёга ўғринча қараб қўйдим. У норозилик балқиган чеҳрасини ойнага тираб, совуқ чўлга нигоҳини қадаб олганди. Бундай қоронгиликда ниманиям кўриш мумкин. Фақат хаёлчанларгина қора манзарага тикилиб ўтираверадилар.

— Бўпти, орқага қайтамиз, — деган эдим, қиз кўзларини оҳиста юмди.

Минглаб чироқларини милтиллатиб чўлга ҳаёт

Азамат ҚОРЖОВОВ

берган Ироқлига кираётганимизда «такси» белгиси-
ни олдириб ташладим.

— Яна бир илтимос, — дедим унга, — Түғри уйин-
гизга ҳайдайсиз, бизга бир кеча жой берасиз. Тонг-
даёқ йўлга тушиб, Шумротга етказасиз.

— Малахдан гапиринг, ука, малахдан.

— Бир ойлик иш ҳақингиз.

— Кўп, бунча пул тешиб чиқиши мумкин. Фақат
тўғрисини айтинг, сиз ўзи кимсиз? Бойвачагаям,
қиз ўғирлаётгандагаям, каллакесаргаям ўҳшамайсиз.
Жуда бошни қотириб қўйдингиз-ку.

— Э, қизиқ экансиз, — дедим кулиб, — ваҳиман-
гиздан от ҳуркади-я! Отасини ахтариб юрган оддий
боламан, ёнимдаги келинингиз. — Таксичи ишонқи-
рамай қараганди, қўшиб қўйдим: — Бўлажак!

— Отангиз банк ўмармаганми ишқилиб? Бир сум-
ка пулни аямай совуряпсиз?

— Пулни аяш дегани нима ўзи? Отамни бугун-эр-
тан топмасам бўлмайди. Шошилиш керак, шоши-
лиш! Бунақа вақтда пул тежаш, билмадим... менимча,
ахмоқчилик бўлса керак.

— Тўғри, — ахийри маъқуллади у.

Таксичи кенг ҳовлида яшар экан. Икки хонали
алоҳида уйига киргизди-да, қулоғимга деди:

— Ука, яхши ниятлар билан буни ўғлим учун
қурганман, келиним билан яшайди, битта шартим,
ножӯя ишлар қилмайсиз. Келишдикми?

Аблаҳ! Шама қилганини қаранг. Наҳотки, мендан
шуни кутса?! Ё ўзи бир вақтлар бошқаларнинг уйи-
ни, ерини, оёғи остини ҳаромлаганмикан?

Эшикни қулфлаб, пардаларни туширдик-да, лоте-
реяларни ёйиб қўйганча ютуқлиларни ахтара бош-
ладик. Чиптада рақамлар тартиб билан келтирилган
эди. Телевизордан ёзиб олганим ўша рақамлардан
қайси бирини чиптада учратсан кўзни қувонтиради,
яшнатади, юрагингни гумбурлатиб юборади.

Орадан ярим соатлар ўтгач, ниҳоят, ютуқли чиптани уратдим. Бир юз эллик миллион сүмни ваъда қилган бир парча қофоз, ҳатто босмахонада сифатли қилиб ҳам босишимаган ўта қиммат қофоз. Қўлим қандай титраётганини кўриб турардим. Аста бир четга қўйиб, титраганча силадим. Мен энди бой эдим, миллионер – бой!

Иккинчи чиптани хотиржамлик билан ахтара бошладим. Яна бир юз эллик миллион ютиш оддий ҳодисадек пинағимни бузмасдим. Агар ўшанда иккинчи чипта топилмаганда ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. Гўё сариқ чақа, топилди нима-ю, топилмади нима!

– Дилҳаё, икковиям топилди, – дедим мен. Ва шу дамгача маҳлиқо қизнинг дунё бойликларидан-да аъло жозибасидан бенасиб яшаётганимдан уялиб кетдим. Тўрт тарафга аланг-жаланг боқдим. Биз ёлғизмиз, бадавлатмиз, бизда энг катта бойлик – ёлғизлик бор.

Қизнинг нигоҳида ютуқли чипталарга қизиқиш зоҳир бўлмади.

– Зафар ака, – деди у, – нега отангиз ҳақида ўйламаяпсиз?

– Ўйлаяпман... Нега ўйламайин...

– Энди ҳақиқатни айтсан бўлади, – Дилҳаё чипталарга қараб ютиниб қўйди.

Совуқ хабарни сезиб юрагим орқага тортиб кетди. Миллион-миллион сүмни ваъда берган ютуқли чипталар бандидан узилган япроқдек гиламга сирғалиб тушди. Шу вақтгача сир сақлаб келинаётган нарса нима эканки, мен жекпотни ютиб олганимдан кейин айтилса?!

– Дилҳаё... – дедим яхши хабар илинжида.

– Зафар ака, отангизга нимадир бўлганини сездим, ким бўлишидан қатъи назар, раҳмим кела бошлади. Аниқ биламанки, у киши аслида наша савдосига аралашадиган инсон эмаслар. Нимадир мажбур қилган, кимнингдир ёлғон ваъдаларига учган. Ишонмаслигингиз мумкин, лекин онангизнинг

Азамат ҚОРЖОВОВ

оғир ётганини, сизлар эса ҳаётини сақлаб қолиш учун Ироқлига таваккал қилиб келгандарингизни ўйлаб, күз олдимдан кетказолмаяпман. Онангизга, укаларингизга қанчалик қийин бўлишини тасаввур этиш осонмас... Дадам сизга лотереяларни беришга берди-ю бу чипталардан заррача бўлсаям кўнгил узмади. Ўша математик формуласига ўзи қай даражада ишонади, менга қоронғи. Равшани шуки, сизнинг қўлингизда омад бор эди, Зафар ака! Лотереялар картошкангизнинг пулига сотиб олинган, бу рост. Ютадиган бўлсангиз, улардан айрилишингиз керак эди. Дадам ҳамма чиптанинг рақамларини эринмасдан ёзиб олган. Уч юз миллион ютганингиз ҳозир дадамга беш қўлдай маълум.

— Буларни биламан, Дилҳаё...

— Дадам кечқурун мени роса койиди. Биласизми, нима учун? Сизни йўқотиб қўйганимни тўқидим. Изингиздан пойлаб, қаерда тўхтаганингизни билиб олганимни айтишга ичимда нимадир йўл қўймасди. «Сени қизим дея не орзуларда бу ёқларга олиб келсам, битта йигитни кузатиб боролмадингми?! Хонумонимни куйдирдинг-ку!» деб оғзига келганини аямай гапирди. Ҳатто қачондир шу кун келиши учун қамалиб кетганмиш! Зафар ака, бунақа гаплар жонимга теккан. Ҳар ким ўзини оқладайди, ҳар ким ўз қисматига мос келадиган фоя тўқиб чиқаради. Дадам билан баҳслашиб ўтирмадим. Кўзларига ёш келгач, «майли, йигитнинг қаердалигини айтаман», дедим. Лекин шундай шарт қўйдим: «Унинг отаси қаерга қочганлигини аниқлаб берасиз». Шундай қилиб, отангиз ҳақида маълумот олдим.

— Буни нега аввалроқ айтмадингиз?

— Биринчидан, буни боягина билиб олдим. Иккинчидан, пул билан боғлиқ эди! Лотереядан ютмасдан айтсам, нима қилардингиз, биласизми?..

— Нима қилишни ўзим биламан! Отам қаерда?

— Гаровда ётибди, кимнингдир ертұласида.
— Нега гаровда ётади?
— Отанғиз куръер қатори одам. Унга наша бериб юборган киши бангнинг орасига кўкнори аралаштирган, тушуняпсизми? Ироқлидаги кимса олдиндан катта пул бериб қўйган. Менимча, отанғиз картошқани апил-тапил сотиб жўнаб қолганида пулниям олиб кетган бўлса керак. Энди нашафурушлар қараса, қўлларидағи банг эмас. Пулга куйғанлари алам қилиб отанғизни урган кўринади. Нурим aka наша-нинг фарқига борармиди?

— Мен қаёқдан билай?! Манзилни айтинг, лаънатиларга қанча пул керак экан ўзи? Ҳаммаси Мирзамат қасамхўрнинг иши! Ўлай агар, ўша ифлосни соғ қўймайман!

— Зафар aka, бундай вазиятда ўзингизни босишингиз керак, ахир қўлингизда уч юз миллион сўмнинг паттаси турибди. Отанғизнинг қутқариш учун эса, кетса ўн миллион кетади.

— Қанақасига? Милиция-чи? Отамни уйга олиб кетмоқчиман! Гаровда ёки қамоқда қолдириб кетмоқчимасман. Бу ерларни елкамнинг чуқури кўрсин!

Негадир қиз маҳзун жилмайиб қўйди.

— Милиция ўлдирмайди, — деди у. — Қайтанга милиция ушлагани маъқул эди. Вазиятдан бутунлай чиқиб кетишининг иложи йўқ энди.

— Улар ўлдирмоқчими? Манзилни айтсангиз-чи!

— Билмайман, Зафар aka. Билсам айттардим-да ахир!

— Дадангиздан сўранг, қийин эмас-ку!

— Узиям аниқ манзилни билмайди. Борганим бе-фойда! Қўлга тушганим қолади, холос.

— Ҳеч бўлмаса телефон орқали сўрайлик! Ҳаммаси пул билан ҳал бўлади-ку, Дилҳаё!

— Лекин ҳозир ҳал бўлмайди, тушунинг, — деди қиз. — Чунки дадам бу миллионларни ўзиники деб ҳисоблади. Сиз унга ўз пулидан бир қисм бериб

ишлатмоқчисиз. Милицияга ҳам бермоқчи бўляпсиз, буям хомхаёл. Қорадори савдосига қарши жуда қаттиқ кураш кетяпти, наҳотки кўрмаяпсиз, эшитмаяпсиз! Боласига бир кафт кўкнори пўчоғини қайнатиб бермоқчи бўлганлар ҳам қамоқда ётиби. Шундайм нашавандларни йўқотиб бўлмаяпти. Айтинг, қаерда нашаванд йўқ? Худойберган аканиям нашафурушлар отиб кетишган. У кишиям бу савдога аралашиб юрган, ўзим гувоҳ бўлмасам ҳам эшитганман. Бир ойча бурун Шумротда имом-хатиб қорадори билан қўлга тушганда «шу ерда беш юз минг доллар бераман, мени тинч қўйинглар» деганигаям кўнишмаган, қамалиб кетди. У жуда бой, обрўли одам бўлган. Зафар ака, нашафурушлар отангизни қўйворишаю биринчи дуч келган патрул ушлаб олса, шуям баҳт.

— Нима? Қанақа баҳт? Мен қашшоқликдан қутулдим ҳисоб, бу вазиятдан ҳам қутулиб кетаман.

— Тўғри тушунинг, Зафар ака...

Қизнинг хавотир ингандарни шу тобда жозибали боқмоқда эди. У билганини куйиб-пишиб тушунтириди, ишни пачава қилиб қўймаслигим учун сир ҳам сақлади. Дилҳаёдек қизни умримда учратганмикинман, деб ўйлаб қолдим. Эслолмадим. Ҳатто киноларда ҳам кўрмаганман.

Отамни қутқариш, Ироқидан эсон-омон қочиб чиқиши, миллионларга эга бўлиш кабилар парда каби қизни мендан тўсиб қўйганди. Шу муаммолар бўлмагандага, ҳозир Дилҳаё билан гап талашиб ўтирамидим!..

Тўсатдан у келинлик либосида чимилдиқда пайдо бўлиб қолса, мен күёв... Устимдан бирор совуқ сув қўйгандай кўзим ярқ этиб очилди.

— Лотереядан мен ютганман, — дедим-да, терс бурилиб ўтириб олдим. — Ютуқлар меники. Усиз мен... билмадим... Дадангизники деб ҳисоблаёлмайман...

Шунча йил пулга зориқиб яшаганимга қарамай «пул, пул» деб favfo кўтариш осон эмасди. Пулсиз

ҳеч кимга айланиб қолардим. Пулсизлик нафақат менин абгор қиласы, отамни, онамни, укаларимни, оиласи бошқа бўлмиш опамни ҳам аяб ўтирасди. Ҳа, беш юз минг сўмга «стенка» олмасак, опамнинг ҳолига маймунлар йиглайди, ҳатто Дилҳаёдан жудо бўлишимдан-да қимматга тушади.

— Дадам икки дунёдаям лотереяларни сизники ҳисобламайди, — деди Дилҳаё. — Лотерея ўйнаб бойиб кетиш тушингизгаям кирмаганини эслатиб қўяди. Ташаббус меники, дейди. Чиндан ташаббус дадамники! — Қиз бир лаҳза ўйга толди. — Қисқаси, Бобошга ўн миллионми, йигирма миллионми, ваъда беринг. Шунча пулни қаердан олишингизни сўраса, жекпотни ютганингизни айтасиз. Ишонмаса дадамдан сўрасин. Отангизни қутқаришнинг йўли шу!

— Ҳали отам Бобошнинг қўлидами?

— Ҳа. Дадамга учрашганимдан фойда йўқ, деб бе-жиз гапирмаяпман. Дадам Нурим ака уларнинг қўлида эканлигини, уч кун ичида айтилган нарсани етказиб келишмаса... иш фожиа билан якунланиши-ни билади, холос.

— Фожиа билан якунлансин-чи, кўрамиз фожиа қанақа бўлишини!

— Зафар ака, муштлашадиган, ўчакишадиган фур-сат эмас, деяпман-ку. Бу билан энди ҳеч нарсага эри-шолмайсиз.

— Нега Щумротга боришдан бош тортдингиз? Ютуқли чипталар аниқлангачгина, отам ҳақида маълумот бериб, менин Бобошга рўпара қилмоқчи бўлдингизми? Бундан мақсад нима? Тушунмаяпман... Бекат ёнидаёқ ҳамма-сини рўй-рост айтиб ташласангиз бўларди.

— Пул ютди деб этагингиздан тутиб кетавермайман-ку, Зафар ака. Отамдан қочиб қутулишимдан мақса-димни айтдим: Самарқандга, қариндошларимни кетаман, инон-ихтиёримни уларнинг қўлига топши-раман. Ота-онаси анақа экан-манақа экан, қизиям эр

топиб кепти, деган гапга қолгандан ўлганим афзал!..
Ўзимга яраша шаъним, ҳурматим бор.

Дилҳаёнинг тоғаларини, бобо-момосини, ичмайдиган-чекмайдиган күёв чиқармикан, деб ўзлари-да ишонқирамай турган амма-ю холаларини кўз олдимга келтирдим.

— Кечиринг, — дедим ич-ичимдан қувонч тошиб келаркан. — Жаҳлим тез чиқади, тез гумонсирайман... Лекин энди мен бойман! Сизга уйланаман, Дилҳаё. Совчи юбориб, эл қатори тўй қиласман. Истасангиз севгининг «с» ҳарфиниям сездирмаймиз.

Қиз ерга қаради.

— Жиннисиз-а, Зафар ака? Гап бойлиқда эмас-ку.

— Самарқандга кетаётган автобусга чиқариб қўяман, борганда учрашамиз, Дилҳаё, — дедим астагина. — Шумротниям, Ироқлиниям ўзим ҳал қиласман. Ҳаммаси учун раҳмат. Айтгандингизки, иккисидан бирини танлайсиз деб. Танлаш учун менда битта имконият қолиши керак: ё сизга, ё лотереяга эга бўлиш. Кўраяпманки, икки имконият ҳам қўлимда.

— Бир оз янгишган кўринаман. Ё отангизни, ё лотереяни танлайсиз, шекилли. Иш шу даражага бормаса дейман... Зафар ака, отангиз билан, милицияхонада бўлсаям, соғ-саломат учрашинг, ютуқли чипталарга номаълум кимсалар хавф solaётганини милицияга айтинг, эсон-омон пулингизни олинг. Менимча, энг тўғри йўл шу.

Узил-кесил бир қарорга келгандек бўлдик. Тонг отишини кута бошладик. Бироқ ўтаётган ҳар бир дақиқа фафлатда қолаётганимни эслатаётгандай туюларди. Дам-бадам ютуқли чипталарни пайпаслаб қўяман. Ҳатто, лотереядан ютиб ҳам бадавлат бўлиш осон эмаслигига ишонаман.

Тонгга яқин Дилҳаё уйғонди, мен ҳам кўзимни очдим.

— Вақт бунча чүзилди-я? — деди у деразадан мүралаб қүяркан. — Роса қор ёғибди-ку.

Худди бир хижолатпазлик қылгандек бир-бири-мизга қараёлмасдик. Күзларимни ташқарига яширедим. Совуқ ва очлик шарпаси оралаб қолди.

— Бирон ошхонага кириб овқатланволамиз, — дедим мен.

— Нега сиз шунақасиз? — кулди қиз.

— Қанақаман?

— Эрталабдан ошхона ахтарасиз.

Илк учрашган кунимизни эслаб кулишдик. Бир ҳафта ҳам бўлмаган эса-да, бир йилдан бери гаплашиб юргандек эдик.

Кутилмагандага Дилҳаё бир уюм лотерия чиптала-рини тахлай бошлади.

— Маклатурани нима қиласиз? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Мошинни ахтараман. Эҳтимол, учинчи ютуқ ҳам шу ердадир.

У мени ҳайрон қолдирганча ёнидан 128-тиражнинг ютуқли рақамлари ёзилган қофозни олди. Ҳақиқатан, у ҳам ўйинни кўрган, охиригача ўтириб ёзиб олган эди. Ишқилиб бу ҳеч кимнинг топшириғи эмас-микан, деган ўй лип этиб ўтди кўнглимдан. Йўқ, Дилҳаёдай мард қиздан шубҳаланаверишни истамасдим. Нимагадир чек қўядиган бўлсан фақат шубҳагумонларга чек қўйишим керак эди.

— Мошин чиқса сизники, — дедим устимга кўрпа тортиб, ёнбошлаб ётарканман.

Оҳ, Дилҳаё, шундаям қувонмади-я! Лотереялардан бошини кўтармай:

— Ака, мошин эркак кишига ярашади, — деди. — Кейин гап кимга ярашишида ҳам эмас. Булар сизнинг ҳақингиз, мен нима қиламан?! Бозордаги ошхонада ишлаганимда ҳам бойликка қизиқмаганман.

Қизлар учун, аёллар учун яқин кишиси топиб келгән бойликтан ўзга бойлик йўқ.

— Шунаقا денг. Тиллосиз, Дилҳаё!

— Мени металлга ўхшатяпсизми? Хафа бўладиям демайсиз-ей.

Биз яна кулишдик. Кимdir дераза ёнидан ўтиб қолса, овозимиздан не хаёлларга боришини ўладим. Ёш йигит ва қиз битта хонада тунаб, ака-сингилдай кулишиб ўтириши мумкин экан-да. Ҳа, ўзимга дераза ортидан қарасам кўзларимга ишонмайман. Наҳотки, шу йигит кечагина қишлоғидан нарини кўрмаган Зафар бўлса? Уни мактаб даврида бирон қиз севиб қолмаган. Қизиги, байрам зиёфатларига қўшилиш учун ҳамиша ҳам пул тополмасди (жўралар ўтиришига бир кило мол гўштининг пулини беришим лозим эди). Энди эса юз тонна гўштнинг пули бир қадам нарида ётибди. Бу — юз мингта зиёфат дегани. Юз йил яшаган одам ҳам юз мингта зиёфатда иштирок этолмайди. Ўша чоғларда нечта байрамга боролмаган эканман? Ўнтадан сал ошар... Баъзан шунга ўкиниб ҳам қўярдим. «Мана сенга армон, — дедим ичимда. — Бу дунёда аҳмоқларгина армон қиласди!»

Миқ этмаганим Дилҳаёning хаёлини олди. Нега индамайсиз, дегандай дўстона қош учириб қўйди. Ҳазилни ўлдиргим келмади.

— Қизлар металлдан бошқа нимагаям ўхшайди, — дедим.

— Сизнинг қарангү... — Қиз эркаланиш ила мушт кўрсатган бўлди.

Тикилиб қолдим. Лотереяларни бир-бир қараб чиқиши негадир қишлоғимиздаги қизларни эслатди. Улар пиёз жўякларида ўтироволишиб, ўт юлишади, ҳаммаси меҳнаткаш. Меҳнатни ёқтиргмагани далага яқин йўлармиди. Баъзан уларга ғалати нигоҳ билан қарайман, яъни шу юришлари сариқ чақа илинжида ҳамма қора ишларни бажарадиган бечораларни ёдга солади.

Сүнгра қарашларим ўз-ўзидан ўзгаради: бу қизлар таътил вақтлари бекор ўтирмасликлари учун бирон ҳамқишлоғининг даласида бегона ўт юлиб, пул ишламоқда. Кийим-кечак, тақинчоқ харид қиласи, ишқилиб майда-чуйда эҳтиёжларига ишлатади. Шу юришларида одамга ёқадиган нимадир борлигини ҳис этардим. Албатта, биринчи сабаб әмас. Ким билади, иккинчиси ҳам әмасдир...

Кузатиб ётганимни сезган Дилҳаё кийимини оқиста тортқилаб тузатади, жиддийлашади. Кўзлари йилтйилт этади. У гўё қўлимни чўзсам етадиган гулга қўнган капалак, ҳақиқий капалакдан-да нафис бир хилқат.

Бирдан қучиб олгим келди. Телефонда нима дедим? «Лабларингизни соғиндим, Дилҳаё». Ўх, ҳақиқатан жинниман, тентакман.

Кўрпани бошимга тортдим. Тиржайиб ётганимни қиз кўрмади. Эҳтимол, қизариб ҳам кетгандирман. Бир неча ҳафтадан сўнг шу қиз менинг хотиним бўлишига ишонгим келмасди.

Бир вақт ўз-ўзидан «барибир жуда одоблиман» деб ўйлаб қолдим. Дилҳаёга кечаси билан қўлимни ҳам теккизмаганимга одобнинг энг зўр намунаси деб баҳо бердим. Агар шу юришимни ўртоқларим эшитса ичаклари қотиб кулишади. «Бир мартаям қуchoқламадингми? Бузоқ экансан-ку, жўра! Қизларнинг ўзи шу нарсани хоҳлашади, ахир», деб бўлмағур foялари билан миямни қоқиб қўлимга берадилар.

Балки ростдан бўшангдирман, деди иккинчи ярмим. Қизни қуchoқламаслик одоб ҳисобланса, инсоният пайдо бўлганидан буён олинган миллиардлаб ишқий бўсалар, илк оғушлар, ҳеч бўлмаса қўлни ўпишлар... Буларнинг бари одобсизликми?

Йўқ, мен foялар борасида жудаям хом эканимни тан олишим керак. Болохонада юзи тириқ одам сал бўлмаса ўзига оғдириб олиши мумкин эди. Ашаддий

Азамат ҚОРЖОВОВ

жиноятчини күрсанг ҳам, йигитчилик юзасидан, уни сотмаслигинг керак, деганди у. Кимни қачон қаерда сотмаслик даркорлигини мен тушунмадим. Кимни ҳақиқий сотқин деб аташ мүмкін, тұлық тушунтириб беролмасдим ҳам. Алланечук нисбий тушунча бўлиб туюларди. Фашистларга ҳарбий сирни очган киши қизиллар учун сотқин, фашистларга ўз жосуси. Фашистлар учун ҳам, қизиллар учун ҳам ягона сотқин борми?

Агар тик турганимда елка қисардим, ҳозир чўзилиб ётибман, нима қилишниям билмайман. Одам чўзилиб ётгани сайин кўп нарсасидан ажралиб боришини тушунгандай бўлдим.

— Чиқмаяпти, — деди Дилҳаё лотереяларни шитирлатиб.

— Мошинаси керакмас, — тўнғилладим мен.

Гапимда битмас-туганмас одамгарчилик оҳанглари камалакдай товланиб кетди. Шунда маълумот етказган кишилардан кимлар сотқин, кимлар бурчини бажарган — буни одамгарчилик тарозиси аниқлайди деган тўхтамга келдим. Наша сотиб, одамларни заҳарлаётган кишини кўрсангу уни милицияга ошкор қилмасанг, бу катта хато. Йигитман деб уни яшириш йигитчиликка тўғри келармикан?

«Отам ҳам жазосини олиши керак, — деди ички бир овоз, — у билиб-билмай ашаддий жиноятчига айланиб бўлди».

«Падаркуш бўлмайманми?» — сўради бошқаси.

«Ҳамма нашафурушларни фарзандлари халос этиб кетаверса, оқибати не бўлишини биласанми ўзи?» — бонг урди биринчи овоз.

«Йўқ, — деди иккинчи овоз, — билганим шуки, отам бир сотди, қайтиб сотмайди ўша зормандани!..»

Кимнингдир турткилашидан уйғониб кетдим.

Дилҳаё юрпанинг бир четини күтариб юзимга термудиб ўтиради. Тимқора соchlаридан бир тутами түсатдан күзига осилиб тушди.

— Нима? — дедим юрагим гуп-гуп ураётганини тингларканман.

— Кўрдингизми, фақат сизнинг қўлингиз омадли, жилмайди қиз. — Лотереяларга қараб чиқдим, ҳеч вақо йўқ. Агар сиз текшириб чиққанингизда мошиниям ютардингиз.

— Қўлингизни беринг... Лотереяларни сиз текширишни бошлаганингиз заҳоти ютуқли чипта бир четга сирғалиб чиққан-да, калит тирқишидан сакраб қочиб кетганми? Ишонмайман... Ишонмайман, асалим...

— Кўйворинг... И-и, нима қиласяпсиз?.. Қочинг...

— Шу қўлингиз омадсизми? Ҳеч қачон... Фақат бир оз музлаб қолибди, иситиш керак... — Дилҳаёни куч билан тортиб, кафтларини силадим, кух-кухлаб иситган бўлдим, кейин ақиқдек лабларига лаб босдим.

Қиз қопқонга тушган оҳудек бир тўлғондию уриниш бефойда эканлигини англаb индамай қолди. Мендан қутулиб кетолмас эди. Бироқ ҳаддимдан ошаётганим лаззатли онларга якун ясади: пок вужуднинг қўриқлаш тизими ишга тушиб, соҳибасини огоҳлантириб қолди чоғи, у қучофимдан отилиб чиқди. Мен эса унга оч бўридек тик қарадим. Қизиқ, зифирчаям уялмадим.

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ, — деди у овози титраб. — Сизга ишонсам... сиз...

Қишлоқлик шоввозвларникидан андоза олинган гаплар ўз-ўзидан қуйилиб кела бошлади:

— Дилҳаё, барибир сизни оламан, барибир хотиним бўласиз. Нега ўпмаслигим керак, қучоқламаслигим керак?! Йигитнинг раъини қайтариш қиз болага тўғри келмайди. Нима қилсан яхши кўрганимдан қиласман!

— Устига бостириб боргандим, бурчакка чекинди. — Ё гапларимга ишонмаяпсизми? Мана, қанча пулим бор! Зўр тўй қиласиз. Бахти бўласиз, кўрасиз. Дилҳаё!

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Қўйворинг... Уйнинг эгаларини чақираман!
- Сиздан аввал мен чақирай...
- Нега чақирапсансиз?
- Бу қиз бўлажак хотиним, лекин битта ўпич бермаяпти дейман.
- Жинни...
- Бунча асалсиз...
- Асалари...

Биз кулишиб, ошиқона тортишиб тургандик, ташқарида кимдир гарч-фурч қор босиб эшикка яқинлашди.

- Жим, бирор келди, — деди Дилҳаё.

Келган киши овоз берди:

- Ука, ҳой ука!

Эшикни очдим, қор кўзни қамаштириб юборди. Таксичи нимадандир норози эди. Сал наридаги эшикдан хотини ҳам ёқтирмай кузатиб турганлигини кўриб, ҳаммасини тушундим. Кечаги гап: уйни булғамасин бу беникоҳлар деган...

— Қор ёғиб қолди, Шумротга боролмайман, — деди у, сўнгра хотинига ишора қилди: — Янгангиз ҳам рухсат бермаяпти.

- Хўп, бошқа мошин топамиз. Қанча бўлади?

- Нима қанча бўлади?

- Таксида олиб келиб, бир кеча жой бердингиз.

— Такси ҳақини бериб қўя қолинг, ука. Уйимга пул олмайман.

— Тушундим, — дедим-да, бирпасда анча-мунча пул чиқариб бердим. Ҳарҳолда пулнинг чўфи баландлиги чехрасини бир оз ёриштирди.

— Меҳмонхонам бўлганида қанча қолсаларинг ҳам майли эди, — дея беихтиёр қўлинни кўксига қўйди. — Пул ҳам олмасдим. Лекин ҳозир сира иложим йўқ, кетмасаларинг бўлмайди.

- Қололмаймиз ҳам, ака, ишимиз кўп, — дедим.

Бирпасдан сўнг Ироқлиниң овлоқ күчасида ке-тиб борардик. Биринчи дуч келган ахлат қутисига ютуқсиз чипталарни ташлаб юбордим. Улар шу ерда ётгани тинчроқ эди.

— Сизсиз Самарқандга кетолмайман, — Дилҳаё жуда яқин, нафаси сезиладиган даражада эди.

Елкасига қўл ташладим.

— Ироқлиниям, Шумротниям ўзим ҳал қиласман дедим-ку, Дилҳаё. Сиз бемалол қариндошларингиз-никига қайтаверинг. Фақат менга яна бир бор омад тиласангиз бас.

— Ҳамма гапингизга ишонсам ҳам, уруш бошла-маслигингизга ишонмайман. Яхшиям, бирон мамла-катга президент эмассиз.

— Тўғри, агар отамни уриб майиб қилишган бўлса уларни сўйиб кетаман.

Қиз биқинимга туртди. «Шунақасиз-да», деб хафа бўлди. Бир дўконча кўрингач, деди:

— Сиз ҳақсиз, Зафар ака, дадамга телефон қили-шим керак.

Дўконда ҳам ёнидан кетмадим. Роса куттириб ким-дир гўшакни кўтарди. Семиз хотиннинг новча эркаги эди, чамамда, мижғовланиб, тилини бураб алланима-лар деди. Сўқворишдан ўзимни зўрга тийдим.

— Раҳмат, ака, — деди Дилҳаё унга, — дадам келса телефон қилганимни айтиб қўярсиз... Нима? Каллангиз ишлайдими, у ростдан ҳам дадам... Э-э...

Дилҳаё гўшакни қўйиб, жигибийрон бўлди.

— Дадам кечаси билан сизни ахтарган, уйга кел-мабди. Тавба, анавининг эри миясини еганми, дадам десам ишонмайди! Бу одамларга тушунмадим, шу вақтгача нима хаёлларда юрган экан-а!

Кўчадан онда-сонда машиналар ўта бошлади.

— Бобош қаерда бўлиши мумкин? — сўрадим Дилҳаё-дан.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Фақат уни сўраманг, илтимос.

— Ҳеч бўлмаса келишиб олишим керак-ку, — дея қизга қаттиқ тикилдим. — Мен отамни ўйлаяпман, Дилҳаё, оқибатни эмас! Майли, мелиса ушласин, қамасин, лекин нашафурушларнинг қўлида гаровда ётишига ортиқ чидолмайман.

— Юринг. Бир амаллаб топамиз.

Қандайдир гараж ёнидан ўтаётганимизда бўшаб қолаёзган сумкамга темир сўйил солиб қўйдим. Гараж панасида Дилҳаё бирдан тўхтаб, менга ўгирилди ва атрофга ўғринча кўз югуртириб олгач, эҳтиёткорлик илиа деди:

— Зафар ака, лотереяларни менга беринг, ичимга яшириб қўяман.

— Йўқ, мен қўрқмайман...

— Мен эса қўрқаман. Ҳаёт-мамотимиз шу қофозларга боғлиқ бўлиб қолди. Устингизга тўрттаси ташланиб, олиб қўйса... тасаввур ҳам қилолмайман... Лотереяларни беринг.

Бир юз эллик миллион сўмлик ютуқларга ягона хужжат бўлмиш иккала чиптани ҳам қизнинг кафтига қўйдим. Бу сафар кафтларимиз муҳаббат тафтидан ёнмади. Ишқ олови қанчалик баланд гуриллаётганини билмадим, аммо пулнинг ташвиши осмонимни қоплади. Адашмасам, бу ташвиш энг иноқ оиласарда, мамлакатларда, қитъаларда ҳам худди меникидек эди. Ва ҳозир уялмасам ҳам бўларди.

— Эҳтиёт қилинг, — дедим кўзимни олиб қочиб, — салкам уч юз минг доллар бор бунда.

Дилҳаё ютуқли чипталарни қайтадан буклади, ўгирилди. Кийимлари ичига яшириб қўйишга шундаям уялди шекилли, қарамай туришимни сўради.

Яна ёнма-ён кетаяпмиз. Лотереяларим ҳозир кўксига чиппа ёпишиб олган. Юрак уришини тинглаб, сармаст ётибди. Дилҳаё — дунёдаги энг жасур қиз, дедим ўзимга. Оғзи шалоқ семиз хотин ифво-бўйтон

қылганида бекор ишонганман. Биз томонларда жи-лови қўйиб юборилган қизлар ёввойи эчкидай ҳар томонга сакраб негадир кўпинча бирон йигитнинг қучоғига тушиб қолади ва шу билан баҳт ҳам ўз эши-гини ёпди. Дилҳаё эса минглаб ваъдаларга ўзини тийиш билан жавоб бергани аниқ. Оҳ, буларни ўй-лаш осонми? Менгача қанча-қанча йигит, оиласи эркаклар оғиз солган, қармоқ ташлаган, ҳатто куч ишлатмоқчи бўлишган. Дилҳаёни улар билан шун-чаки гаплашган ҳолда ҳам кўз олдимга келтиришни истамасдим. Рашқдан кўкариб чиқмасам гўрга эди.

— Менга ишонмасангиз қайтариб олишингиз мум-кин, — Дилҳаё бир оздан сўнг фалати боқди.

— Ишонаман, ишонганим учун ҳам... — чайналдим мен.

— Сўйилни нега олдингиз?

— Аслида «Калашников» олишим керак эди. Дарс-га китоб билан, исёнга хитоб билан боришади.

— Барibir билганингиздан қолмаяпсиз-а, Зафар aka?

Исмим бошқача эшитилгандай туюлди: «Заффор aka!» Нозланаётган, тилини бураб-бураб гапираётган танноз хонимчаларга ўхшаб кетди, кулгим қистади, аммо билдирмадим.

— Дилҳаё, сиз ҳам бирон марта чин дилдан эрка-ланганмисиз? — сўрадим ундан.

— Ким билади, гўдаклигимда дадам билан аямга эр-калик қилгандирман. Эсимни таниганимдан сўнг тинч кунлар йўқолди... Яхшиси, бу мавзуда гаплашмайлик.

— Отам ҳам, энам ҳам бор. Бир оила бўлиб яшай-миз. Лекин мен ҳам эркалик қилмаганман. Битта ар-моним шу бўлса керак.

— Пули кўпайган одамнинг ўтмишидан армонлар топилаверади, — кулимсиради қиз.

— Менда унақа эмас, — дедим ишончсизлик билан.

— Сиз ҳозир ҳам армон топволасиз!

Азамат КОРЖОВОВ

- Тавба денг-е, армон деганда нимани тушунишингиздан шубҳаланиб қолдим.
- Бобош акани майиб қилмасангиз, буям армон-ку.
- Энамни қўшиб сўкканди-да ўшанда. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, умримда биринчи марта жанжаллашишим эди!
- Дунёда нима биринчи марта, буни фақат Худо билади, — деди қиз.
- Ҳозир Бобош яхши гапга тушунади, дейсизми? Йўқ, тушунмайди. Уни майиб қилишга келсак, ҳеччам армон эмас. Армон ҳам буюк тушунча, Дилҳаё. Дайди итни бир тепмасам, шуниям армон ҳисоблаб кетавераманми??!

Дилҳаёning оёғи тойғаниб кетдию қўлимдан тутди. Биз жуфт бўлиб кета бошладик. Ундан ёқимли атири ҳиди анқиётганини энди пайқадим. Қачон ўзига оро берди, мен қаёқда эдим, эслаёлмадим. Дилҳаё бир уйда тунаган эса-да, ўзлигини бутунлай на мойиш этмаганини фаҳмлаб, қадри яна бир поғона ошганини ҳис этдим.

— Бобош ака ёмон гапгаям тушунмайди, — жавоб берди у ҳазин алфозда.

Елка учирив қўйдим. Бетайин бир кимса устида мавзуни давом эттиргандан кўра тутиб олиб тумшуғига қишлоқчасига бир мушт солиш керак эди.

Бир маҳал қарасам, Дилҳаё қассобхона сари юра бошлади. Эрталабдан очиқ бўлишини тасаввуримга сифдиролмадим.

— Тонг-азондан ким гўшт сотиб олади, ҳайронман, — дедим норози бўлиб. — Наркоманлар ҳам шу пайтда кўчага чиқмаса керак.

Дилҳаё индамай кетаверди.

- Ё у қассобхонада тунийдими?
- Зафар ака, бир қараб ўтиш зарар қилмайди.
- Бошқа «точка»сини биласизми ишқилиб?

— Квартирасиними? Сүраб-билиб олганман.

Қассобхона тақа-тақ берк эди. Ташқарига туртиб чиққан пештахта қиррасига аллақаердан қор учыб кирган, ташлаб кетилганига минг йил бўлган маконга ўхшайди, қараб юрагим увишди.

— Юринг, — деди Дилҳаё, — такси ушлайлик. Квартирасини Қўнғиротдан суриштирамиз.

— Аниқ манзили борми?

— Қўнғиротлик гулчиникида дейишиди. Гулчи битта бўлса керак менимча.

Энсам қотди: қанақа Қўнғирот, қанақа гулчи? Лаънати қассобнинг қўним топган жойини кимлардан суриштираман?

Дилҳаё ичимдагини уқиб олаётгандай деди:

— Бизда бошқа йўл йўқ, ака, отангиз қаердалигини тезроқ аниқлашимиз керак. Қўнғирот маҳалласи Ироқлининг чеккаси, нариёғи денгизгача бепоён чўл.

— Оролгачами?

— Йўқ, Орол қаёқда! Каспийгача.

— Ҳаммасидан ҳам гулчи борлигига ҳайрон қолајпман. Қачон гул ўсган бу ерларда? Бир кун келиб шаҳар қум тагида қолади. Қарғиш уради уни.

— Ҳа, бунақаси тарихда кўп бўлган, — фикримга қўшилди жозибали қиз. — Лекин сизга қарғаш ярашмас экан.

— Нега? Мен ҳам одамман-ку.

— Билмасам, кучига ишонган йигитлар қарғаб ўтирамайди шекилли.

— Қарғаганим йўқ, шунчаки башорат қилдим.

— Ў-ў, унда менинг тақдиримдан ҳам фол очинг-чи.

— Ҳазиллашдим, башорат эмас, хulosса. Нима, хulosса қилиб ҳам бўлмайдими ҳузурингизда.

— Фарқи йўқ, келажагимни ҳозирги кунларимдан хulosса қилиб айтинг.

— Нима эксангиз шуни ўрасиз, Дилҳаё. Бундан бошқа ҳеч нарса деёлмайман.

- Сизнингча, мен нима экяпман?
- Одамлар фақат гуноҳ ва савоб экиши мумкин. Бошқа нарса эккан инсонни кўрмаганман. Ўшанга яраша ҳосил ўриб оласиз.

Қиз яна бир карра таслим бўлганини сезиб, ичимда қувониб қўйдим. Ўзим ҳам сезяпман: кун сайин очилиб боряпман, жанжал борасида ҳам, гапдонликда ҳам. Қишлоғимиз одамлари «йигит армияда ўзгариб келади» деганларини кўп эшигданман. Ироқли бозори армия берган баъзи хислатларни берибди-да. Демак, йигит бир вақт келиб ўз уйидан олисларда ҳам яшаб кўриши керак. Ҳеч ким ўз уйида йигитликдан тўлиқ имтиҳон топширолмаслигини англағандай бўлдим.

«Мен қандай имтиҳон топширяпман? — ўзимга савол бердим. — Топшироляпманми ўзи? Балки отами ҳозир дўппослашаётгандир?..»

Беихтиёр сумкамни пайпаслаб, сўйилни ушлаб қўйдим. Гаровга олиш қанақа бўлишини кўрсатаман, дедим ичимда яниб.

Шу он бир машина ҳайдовчиси бизга олайиб қараб ўтди, Дилҳаё қўл кўтарган эди, тутун буруқситиб дарров тўхтай қолди.

- Такси эмас-ку, — дедим ҳайрон бўлиб.
- Тўғри, лекин бу ер ҳам Самарқанд эмас-да, — ҳозиржавоблик қилди қиз.

Машина юргач, кампирнинг уй манзилини ҳам қистириб ўтдим. Дилҳаё саволомуз қараган эди, Маҳмуд акадан қўнфироқ кутаётганимни айтдим. Мабодо сим қоқсан бўлса, кампир менга айтади. Қайтишимни душманларим хаёлларигаям келтирмагандай туюлса-да, барибир эҳтиёт бўлмоқ керак эди.

— Кўчага кирмаймиз, — деди Дилҳаё, — ўзингиз паналаб бориб келасиз, машинада кутаман.

Мени маҳлиё этган, кўринмас иплар билан боғлаб олган, айни дамда ёнидан жилишимга қўймаётган

паривашнинг ажиг сеҳрига асир бўлиб ўтирадим. Бу сеҳрга, албатта, уч юз миллион сўм ҳам қўшилган эди. Қизни шунча ютуқ билан нотаниш кимсанинг машинасида ёлғиз ташлаб кетишга албатта журъатим етишмасди.

— Фикрингиз ёмон эмас, — дея негадир кўз қисиб қўйдим. — Лекин у ёққа боришимнинг ҳожати йўқ, шу ергача бошлаб келганим учун узр, бошқа фикр туғилди.

Дилҳаёнинг нигоҳида ажабланиш зоҳир бўлди.

— Кампирнинг телефон рақами борлигини эслаб қолдим, — деб чўнтағимдан қофоз чиқариб кўрсатдим.

Дарвоқе, бирор мени сўраганми, йўқми, телефон орқали ҳам билиб олиш мумкин эди. Маҳмуд акага рақамлар ёзилган қофознинг бир нусхасини бергандим, яхшиямки, иккинчи нусха чўнтағимда эканлигини охирги дақиқаларда эсладим. Бироқ шу лаҳзадан бошлаб ўртамизга аввалгидан каттароқ шубҳа-гумон жарлиги тушганлиги яққол сезилиб қолди. Ахир, кампирнинг телефон рақами Дилҳаёда ҳам бор эди. У кампирнига боришимизни хавфли санар экан, нима учун телефон қилиб сўраб қўя қолайлик демади? Ижара уйга равона бўлганимда машина-пашина билан йўқолармиди? Ё буларнинг бари йирик ютуқдан восвос бўла бошлаганимнинг аломатларими?

Дилҳаё ёнимда индамай кетяпти. Назаримда, мендан сал сурилиб ўтиргандай. «Садоқатини синааб кўрсаммикан?» — дедим. Ва муҳаббатнинг яна бир қоидаси ўз-ўзидан кашф этилди: ҳақиқий ошиқлар ҳеч қачон ўз маъшуқасини синааб кўрмайдилар. Атайн синаш — совуқонлик, қўрқоқлик, ишқсизлик жараёни. Пок ва беғубор илк севгида сунъий синов бўлмайди, ҳаётнинг ўзи синааб кўраверади. Шу синовларга дош беришнинг ўзи етарли. Мана, ҳозир мен дош беролмаяпман-ку. Қиз ҳайё-ҳув деб жўнаб қолса, ҳеч вақосиз қолишдан қўрқяпман. Бу кетишда

муҳаббат бир думалаб нафратга айланиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Эндиғина очилган бир идора олдида түхтадик. Ҳайдовчининг таниши бор экан, телефон топиб берди. Ё тавба, овозимни эшигтан заҳоти кампир ёш қизлардай қийқириб юборди.

— Танимайсиз, деб ўйлагандим, — талмовсирадим жўрттага.

— Вой жоним-ей, уйимда неча юз одам ижарада яшаб кетган бўлса, ҳеч бири уч юз миллион ютиб олмаган-да ахир, кўзим юмилгунча юз-кўзингни унумайман. Айтгандай, пулингни эсон-омон олволдингми?

— Йўқ, момо, худо хоҳласа, бугун-эртан.

— Анавиларни қандай болаганимни биласанми? «Ким керак?» — дедим. Нима дейди де? «Бир кунга йигирма минг берадиган бизнесмен ижарада турмоқчи, қўясизми?» Жаҳлим чиқиб кетди. «Бир кунга эллик минг берадиган бойвачча банд қилган, — дедим. — Уйимни бошдан-охир ижарага олган, ҳатто мениям!» Аҳмоқлар нималардир деб сўкинишади. Бекор рост гапирган эканман, ушлаб олишига сал қолди-я.

— Йигирма ёшда одам тез югуради, — ўзининг гапини эслатиб қўйдим, момо яна кулди. Кайфияти чоғлигидан мен ҳам хурсанд эдим.

— Қачон келасан, болам? — деди бурнини тортиб.

— Яқинда бориб қоламан, момо... Телефонда мени ҳеч ким суриштирмадими?

— Э, уч марта телефон қилди. Қишлоғингдан экан. Кимсан десам, гоҳ акасиман, дейди, гоҳ отангнинг жўраси. Ишингни яхши деб мақтадим. Миллионер бўлиб кетганингга ишонмади. Лотереядан ютганингни атайин айтмадим-да, болам. Бир душманчилиги борга ўхшади.

— Исми Маҳмуд эканми?

— Ҳа, Маҳмудман деди. Номеримни қачон бера қолувдинг?

— Сиздан сўроқсиз берганим учун узр, момо. У киши менга бирон нима деб қўймадими?

— Келса айтинг, қишлоқ тинч, энасини яқинда операция қилишлари мумкин, деди. Энанг балин-садамиди?

Тинчлик экан! Хушхабардан кўнглим тоғдай қўтарилди.

— Анча вақтдан бери мазаси йўқ эдилар, — дедим,
— ишқилиб, худо шифосини берсин.

— Нимасини айтасан, — уҳ тортди кампир, — дунёда онадан бўлак меҳрибон борлигига ишонма, болам. Ҳамқишлоғинг отангни ҳам эзмаланиб хў-ўп сўради. Отангга бирон нима қилганми? Жуда хавотирда, сездим.

— Айтарли ҳеч гапмас. Бирон телефон номер қолдирдими менга?

— Қолдириб тинч қўйса майлийди, бугун ҳам телефон қилиб қулоқ-миямни еса керак.

Олисларда қолган қишлоғимдаги кимнингдир уй телефонини ёзиб олдим. Бирон кун кириб ўтишни момога ваъда бердим-да, хайрлашдим. Агар Ироқлида гиёҳфурӯшлар, зўравонлар, ўғри-кazzоблар бўлмаса, бир ажидиб чамангага айланиб кетади, бемалол меҳмондорчиликка келиб-кетиш мумкин. Кампир нимамни яхши кўриб қолгани маълум эмас, лекин унинг уйида мисли кўрилмаган ютуқقا эришганим кўпроқ хузурига чорларди. Шу нарсани кампир ҳам ҳис қиласарди чофи. Дилҳаёда ҳам мазкур руҳиятнинг мавжлари ўн чандон ортиғи билан бўлиши керакдай эди.

Бироқ бир лаҳза барчасига қўл силтадим, пул ютганимни энам эшитса эди, деб орзуладим...

Идорадан қушдай енгил чиққанимни сезган Дилҳаёнинг юзи ёришди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Нима гаплар? Тинчлик эканми?

— Маҳмуд ака бола-чақасининг даврасида чой ичиб ўтирибди. Биласизми, момога нима деб қўнфироқ қилибди? Қишлоқ тинч эмиш. Демак, у ёқдаги нашафурушлар қўлга тушмаган, ҳамма гап бу ёқда бўляпти.

— Бунаقا вақтдаги тинчликка ишонмаган маъқул,
— деди қиз. — Пайт пойлаб бирдан қўлга олишади.
— Кейин у менга синчков нигоҳ ташлади. — Аянгиз яхшимиканлар?

— Яхши.

Астойдил хафа бўлиб:

— Сўрамасам аллақандай жиноятчилардай бошқа ҳеч кимни гапирай демайсиз-а? — деган эди, мен ҳам синчковлик билан қараб қўйдим. Унда сохталиктан асар ҳам сезилмасди. Эҳ, Дилҳаё! Оилам ҳақида билишни истаяпти. Майли, айта қолай, дедим ва Латиф, Чори исмли икки укам борлигини, яккаю ёлғиз опам турмушга чиққанини сўзлаб бердим.

— Менинг эса ўгай сингилларим бор, — деди Дилҳаё, худди ҳамма яқинлари ўлгандай оғир хўрсишиб қўйди бояқиш қиз. — Аямнинг қизлари.

— Танишганимдан хурсандман.

— Мен биланми? — синиқ жилмайди қиз.

— Ҳа, сиз билан... Бир-биrimизнинг оиласиз ҳақида сўрамагандик.

Идорадаги телефон шаҳарлараро тармоққа уланмагани боис қишлоғимизга сим қоқолмасдим. Қўнфирот маҳалласига кираверишда бир одам қўл телефонида гаплашиб кетаётганини кўриб, Дилҳаёдан сўрадим:

— Анавинаقا телефонлар кўпайиб қолибди, симли телефонга тушадими?

— Албатта, — деди у. — Кўрасиз, ҳали бундай телефонлар шундай кўпаядики, симлини четга суриб чиқаради.

— Лекин жуда қиммат экан, — гапга аралашди

ҳайдовчи, – ўғлим битта олганди, бир арава саксо-
вулнинг пулини гаплашиб қўйибди. Менимча, бу тел-
фонлар узоққа бормайди, одамнинг миясини нур-
лантирашиш.

– Гаплашсам узоққа бораманми, йўқми, билма-
дим, лекин гаплашмасам узоққа бормаслигим аниқ,
– дедим ва машинани ортга ҳайдашни буюрдим.

Ҳалиги ўткинчи бизга юқоридан гердайиб назар
солди. Машинадан тушиб салом бердим.

– Телефонни сотинг, ака, – дедим дабдурустдан.

– Нима деяпсан? Жийда-пийданинг тагидан ўт-
маганмисан мабодо?

– Қанчага олгансиз? Пул қўшаман.

– Симкартани паспортимга олганман, тентак, эр-
тага сени деб қамоққа тушайми? Умрингда «сотка»
кўрганмисан ўзи!?

Ўгирилиб Дилҳаёга қарадим, у секин бош чайқади.

– Хўп. Гаплашиб олишимга қанча сўрайсиз?

– Компанияга бир минут учун икки юз сўм тўлай-
ман, сен эса менга беш юз сўмдан берасан. Розими-
сан, бойвачча?

– Соатга қараб туринг.

– Соат ўзида бўлади. – Сўнгра четга қараб ғўлди-
ради: – Мақтанчоқ... ит боласи...

– Тушундим... Қайсисини босиш керак?

Телефон эгаси рақам териб берди. Бу – бир ти-
жоратчи ҳамқишлоғимизнинг телефони эди, адаш-
масам, Маҳмуд акага божачилиги бор. Умримда илк
бор қўл телефонини кўтариб турардим. Ўзимни қандай
виқорли ҳис этган эдим-а ўшанда, гўё жамики
одамзот пастда қолиб кетган. Лотерея ютуқларини
олганимданоқ телефон харид қилишни кўнглимга
түгдим. Биринчи марта қўл телефонда гаплашиш,
биринчи муҳаббат, биринчи йирик бойлик... Ҳа, би-
ринчи сафарим менга жуда катта туҳфалар бераётган
баҳтиёр дамлар чорраҳасида хушбахт эдим мен.

Азamat ҚОРЖОВОВ

— Ало, эшитаман, — деди бир овоз.

— Мен Зафарман, Ироқлидан гапиряпман... — Кейин соппа-соғ эканлигим, яқында бир ишимни якунлаб, қишлоққа қайтмоқчилигим ҳақида сўйладим. Телефонлашганимни Маҳмуд акага айтиб қўйишни илтимос қилдим. Ва барибир чидаёлмадим: онамни сўрадим.

— Энангга нима қилган? — ҳайрон бўлди ҳам-қишлоқ. — Кеча чупронда кўрувдим-ку. Боядан бери Ироқли дейсан, Бухорода Темирийўл бўйича командировкада эмасмидинг?

— Темирийўл бригадири Зафар aka билан адаштираманг, мен Нурим аканинг ўғли Зафарман.

— Қизиқ... Нуримнинг боласи Ироқлида юрибдими?! Ўв, ҳазиллашмаяпсанми? Сен нима қиласан у ёқда? Отанг билан бордингми? Телефонни бер-чи отангга.

— Ҳозир ёнимда эмас, ўзим юрибман... Бўпти, бирорвнинг телефони эди... Шу гапларни айтиб қўйинг, илтимос.

Телефон эгаси тугмачани босиб ўчирди. Мени ўз қишлоғимдаги одамлар яхши танимас экан, ажаб.

— Пулинин чўз-чи, — деди телефон эгаси.

— Ҳа, айтгандай, пул беришим кераг-а?

— Нима, томинг кетганми сенинг?! Мингни чўз, мингни.

Дарров минг сўмни санаб бердим. У пулни чўнтағига индамай солиб қўяётган эди, ногоҳ шамолда қолгандай гавдамни ортга тисладим ва бор кучим билан башарасига калла қўйдим. Телефон эгаси ўлак четига учиб тушди. Афти қандай буришиб кетганини, бурнидан қон келганини кўрдим, қаердадир қарға қафиллади.

Машина мотори бир маромда фир-фирлаб мени интизор кутарди, ўтиришим билан гуриллаб кетди. Дилҳаё бармоғини тишлаб, четга қараб ўтиради. Хафа экан-

Бозор ошхонасидағи қиз

лигини пайқаш қийин эмасди. Ҳайдовчи ўгирилиб, зўрма-зўраки, аммо каминага ёқадиган тарзда қулди.

— Бопладингиз-ей! Кучингиз етади деб ўйламагандим.

— Сўкинишини эшийтдингизми? Одамлар нега бунча калондимоғ бўлиб боришаپти, тушунмадим. Битта телефон учун ҳаволанади. Қолади эртага буям модадан!.. Умуман олганда, гап модада ҳам эмас!

Гулчининг уйини топиш қийин бўлмади. Машинага жавоб бериб юбордим. Қарасам, Дилҳаё гулчиникига тап тортмай бостириб бормоқда.

— Тўхтанг, мен кираман, — дедим қўлидан ушлаб.

— Зафар ака, кўнглим сезяпти, сиз кирсангиз ёмон иш бўлади.

Сумкамни елкамга маҳкамроқ қўндиридим-да, қизнинг уммондай тубсиз кўзларига ботиб кетдим.

— Улар билан ўзим гаплашаман, Дилҳаё, — деб шивирладим.

— Хато қиляпсиз...

— Хато қилиб бўлинган!

— Ҳозир кимдир ўлади, шуни истайсизми?

Соат сайин бақувватлашиб бораётган юрагимдан чирс этиб ҳадик учқуни сачраб бўшлиққа сингиб кетди, қизнинг қўлини қўйиб юбордим. Қиз кутишимни, Бобош билан ўзи учрашажагини истар, бу истаксиз у ўлиб қолиши мумкндай илтижоли қаарди.

— Майли, — деган сўз учди оғзимдан, — лекин бир нима бўлса ҳеч кимни аямайман!

Оёқ тагида қор фирчиллади, музлар қисир-қисир синиб, муқаддима мусиқасини чалди. Бу — катта деразали, чордоқли қўҳна оқ уй эди. Мўрисидан рангпар, заифона тутун кўтарилимоқда. Ҳовлида қовжираб қолган олма дарахти. Ўтинбоп чирик шохларидан қор ҳам қўним тополмаган. Кимдир ўпкаси йиртилгудек йўталди. Дилҳаё янада жиддий, олға қадам босди. Нозик қўлчаси бўёғи кўчган эшикка устма-уст урилди.

Азамат КОРЖОВОВ

Кўча эшигини очган кимсанинг қулоғи оғир шекилли (ён томонда турганим учун кўрмадим), Дилҳаё қассобнинг исмини нақ уч марга тилга олди, шундан кейин киришига изн берди. Сумкамни очдим. Темир бўлагининг оғирлигини яна бир чамаладим. «Олдимдан чиққанини уриб ағдариб кетавераман, — дедим ичимда. — Бир бошга бир ўлим! Уларнинг қўлига тушиб ўн бор ўлганимдан кўра қамалганим афзал!»

Ховлидан шовқин эшитилди. Бир йигит кўчага чопиб чиқди. Тут тагига ташлаб кетилган бадбўй ёғоч қути панасида эдим, мени кўрмади, дарров қайтиб кирди. Юрагим қудратли босимни сиғдиролмай гуп-гуп урар, қоним гупуриб бир маромда тебранардим. Шошилмаслик керак, деган ўйгина мени ушлаб қолди.

Шу пайт Дилҳаёнинг қичқирган овози шовқинни босиб кетди:

— Қўй деяпман!..

Мисоли ўқ бўлиб отилдим. Эшикка бунчалик тез етиб бораман деб ўйламагандим. Тепмоқчи эдим, аммо тиззамни кўтарган кўйи гурсиллаб урилдим... Ва ҳовлида турардим. Дилҳаёни кучоқлаб олган кимса ҳақиқатан Бобош эди. Афт-башарасига қараб бўлмайди, қонталаш, моматалоқ. Бирор уни ўласи қилиб дўппослаган эди.

Икки йигит бостириб кела бошлади. Бирини танидим — Ибий. Деразаларнинг биридан хотин кишининг:

— Эшикни синдириди, босмачи! Ҳозир милиция чақираман! — деган хитоби эшитилди.

Милиция чақирса ёмон бўлмасди. «Тез ёрдам» ҳам ортиқчалик қилмайди. Иложи бўлса ўт ўчирувчиларни ҳам унутмасин. Шунаقا жанг бўладики...

Кутганимдай Бобошга савол беришимга-да фурсаг қолдирмай ташланиб қолишиди. Куруқ қўл нима менга, мушт бўлиб тугилган қўлига темир таёқда битта,

Бозор ошхонасидағи қиз

оёқларига иккита зарба бердим. Йигит ғужанак бўлиб ётиб қолди.

— Қурол ишлатиш бўлса, ишлатамиз-да! — деди ғазабдан қизарган Ибий ва чопиб бориб ўтинлар орасидан болтани олди.

— Бобош, — дедим ер остидан боқиб, — кеч эмас, келишиб олишимиз мумкин!

У мени бўралатиб сўқди.

— Отам қаерда?! — деб бақирдим ҳовлини зир титратиб. — Нима иш қилиб юрганларинг бутун дунёга маълум, ҳайвонлар!.. Қанча сўрайсан, айт!

— Сенинг жонингни сўрайман, ифлос!

Үй эгаси — гаранг чол деразадан ов милтиқ қувурини чиқарди. Қўрқитмоқчи, деган үй ўтди кўнглимдан, аммо ярамас пақиллатиб ўқ узиб юборди. Шу сонияларда Ибий болта кўтариб устимга чопиб келарди. На у, на мен милтиқдан ўқ узаётган чолга қарадик, қарашнинг-да имкони йўқ эди. Болта елкамни ялаб ўтди, афсуски, Бобошга берган зарбамни тақрорлай олмадим.

Телба чол яна ўт очди. Йигирма қадам наридаги одамларни тап тортмай ўққа тутаётгани ҳеч нимани ўзгартирмади, ҳатто футболдаги оддий ҳуштакчалик ҳам.

Одам ўлдириб қўйиш Ибийга ҳам осон эмасди, икки-уч қадам тисарилиб, бошдан-оёқ даҳшат билан тикилди. Етти мучам соғ экани ақл-ҳушини инсонийлик сарҳадига судраб келди, бироқ бу сарҳад ҳали сўкинишларга тўлиб-тошиб ётарди.

— Эшак, бир ўлимдан қолдинг лекин! Ташла темирингни! Ҳозир ёмон бўлади!

Унинг бўкиришларига қулоқ солмадим. Фикру хаёлим Дилҳаёда эди. (Рост, ўша лаҳзаларда ютуқли лотереялар қизда кетаётганлигини ўйлаб ҳам ўтирамадим, ишқилиб ўзига бирон кор-ҳол бўлмасин, деб қайфурардим.)

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Бобош! — дедим.

У эса Дилҳаёни йиртқич каби инига — бехосият ертўлага тортиб борарди. Гаранг чол милтиқقا ўқ жойлашга киришиб кетган, аммо қарилликка қатъий риоя қилган ҳолда имиллаётгани кўринарди.

— Бобош ака, келишайлик... ака, — дедим сўйилни тушириб. — Сизга пул керакми, йигирма миллион бераман! Йигитча сўзим!

— Вў-ў... эшшакнинг... — яна сўкинди қутурган қассоб.

— Лотереядан уч юз миллион ютдим, Олтибой акадан эшитган бўлсангиз керак... — Шу орадан Ибийнинг кейинги ҳамласини қайтаришга тўғри келди, сўйил ва болтанинг тўқнашувидан қўлим елқамгача зириллаб кетди. — Ибий, сен орага суқилма! Ўзингга ёмон бўлади! — дедим унга ўқрайиб.

Ижара уйнинг эгалари эса чолни танқид қилиш билан андармон эдилар:

— Қамоқда ўлгингиз келдими, бобо, опкенг милтиқни, опкенг деяпман! Сизга булар чумчуқми, бемалол отяпсиз?! Бир-бирининг гўштини еса еяверсин, мелиса келса эшикнинг пулини ўн баравар ундириб оламиз, айтяпти-ку лотереядан ютдим деб!

— Мелисадан пул ундириб бўпсан, эчкивой! — деди чол ҳеч вақоға тушунмай. — Эшикни анави қуёнчиқ синдирди-ку, мелиса дейсан!

Бобошнинг яраси қонаб, жаҳл билан қонни сидириб ташлади. Қисиқ кўзлари ғазабдан чақнаб, Дилҳаёни силтади.

— Ҳароми эрчангнинг гапи тўғрими? — ғазаб билан сўради ундан.

— Нима ишинг бор?! Қўйвор!.. — жон аччиғида юлқинди қиз.

— Даданг нима деганини биласанми?! — Бобош уни куч билан ўзига қаратди. — Қизимни кўрган жойингда ушласанг бир миллион бераман деганди,

бир миллион сүм! Ўйнашчанғ бирдан йигирма миллион деяпти. Демак, ютуқнинг калити сенсан! Да-данг... палид мени текинга туширмоқчи бўлибди-да! Ўўв, Ибий, шу болага кучинг етмаяптими?! Ушла! Лотереясини тортиб ол! Айтдим-а «шестойка» қаерданам бир миллион беради деб!

Чол милтифини ўқлаб:

— Ё пирим! — деб мени мўлжалга ола бошлади.
— Шуларми ертўлага тушиб нариги эшикдан қочиб қолмоқчи бўлганлар! Ҳозир... ҳозир...

— Ўв, темир-терсак! — фижинди Бобош. — Йифиштир милтифингни-е! Борсам қарилигингниям ҳисобга олмайман, туршак!

— Нима дединг? Нима?.. — Чол ўзича тараддуудланди, лекин милтиқни Бобош томонга буролмади. Хонадон аҳли апил-тапил келиб ундан қуролни тортиб олди, душман биттага камайди, лекин бунинг енгиллиги менга ҳаливери сезилмаслиги аён эди.

Ибий бўкирганча устимга ташланиб қолди. Худди у укасини қўрқитаётган маст акага ўхшарди. Аттанг, боплаб уролмадим. Мени йўлак четидаги ариққа йиқитиб, кетма-кет мушт ёғдирди. Юзимга муштлар қандай келиб тушаётганини кўриб турардим. Унга қаршилик қиляпманми, жимгина қараб ётибманми, англаёлмасдим.

Бир вақт ёқамдан даст кўтариб ариқдан тортиб олди, оёғим ердан узилди. Бобош Дилҳаёни ертўлагача судраб борган, бояқиши қиз қувурни чанглаб чинқиради. Чолнинг гапига қараганда, нариги томонга чиқадиган эшик бор. Булар мендан лотереяларни тортиб олиб, қиз билан бирга ғойиб бўлишмоқчи... Уларнинг бир неча сонияда туғилган режаси шу эди, чамамда.

Оғзи-бурнимга қон тўлиб, ўқиб юбордим. Шунгачаям атроф қизилга бўялганини кўриб, расвом чиққанини тушуниб етдим. Ҳойнаҳой, бурним синиб, тишлиларим ҳам тўкилгандир. Ҳозирча жафим айтганимни

Азамат ҚОРЖОВОВ

қылмаётгани боис неча дона тишимдан айрилганим маълум эмасди, ахир талафотлар ҳамиша тинчлик қарор топгач ўзини кўз-кўз қиласди-да.

Үй эгалари қонли муштлашувни ҳам ачиниш, ҳам қизиқсиниш билан жимгина томоша қилишарди. Афтидан бу ижараҳонада жанжаллар истаганларича содир бўлиши мумкин, худди қишлоғимдаги тўйлардагидек. Мелиса чақиринглар деганиям шунчаки гап. Мелиса келадиган жойда чол одамга қаратса ўқ узадими?!

Шу лаҳза очиқ дераза ёнидаги тувакда гуркираган қизил гулга кўзим тушди. Чўлни неча қундирки аёз ялаб ётибди, бунинг устига қор қоплади. Шундай кунда, шундай жойда бир қучоқ гул фалати кўринаркан...

— Сенга гапирияпман! — деди Ибий ёнверимни тит-килаб. — Қани лотереялар? Алдаган бўлсанг сен ҳам, отанг ҳам, қиз ҳам ўлади... Топ!.. Чўлнинг ўртасига обориб музлатиб ўлдиришимизни хоҳлаяпсанми?.. Осон ўлмайсан, мардларчаям ўлмайсан... Севгилингни зўрлаймиз...

Албатта, минг чирангани билан ютуқли чипталарни тополмаслиги тайин. Бироқ у мендан ўз ажалини топиши мумкин, ҳа, ажалини!..

Уриб, сулайтириб ташладим, деган хаёлда чўнтакларимни бемалол ағдар-тўнтар қилаётган қассобнинг қизарган қулоқларига чанг солдим. Ироқлига келганимдан буён тирноғимни олмаган эдим, чангалимдан чиқиб бўпти.

Вўҳ... у яна ура бошлади: биқиним ачишди, қорнимга тушган зарблардан кўнглим ағдарилди, аммо қулоқларини қўйиб юбормадим. Қулоқ оғриғи жондан ўтиб, у қўлларимга ёпишди. Биз гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга думалаб, бўриваччалардек олишар эдик. Айни пайтда қулоқлари узилиб тушмаётганига ҳайрону лол эдим.

Қассоб томоғимга чанг солди, бу ҳолда кўп яша-

маслигим турган гап эди. Бир қўлимни қўйиб, ён-атрофни пайпасладим, нимадир елкамга ботганини биламан. Мана у... Ўзимнинг сўйилим шекилли. Сўнгги кучимни тўплаб, қассобнинг бошига урдим. У иҳраган кўйи ўзини нари олди. Жойимдан зўрга турдим. Бобош Дилҳаёни ҳалиям тортқилаб ётарди.

Ибий қаддини ростламоқчи эди, устма-уст олти марта урдим, елкасининг абжафи чиқиб кетди-ёв. Мендан бунақа ваҳшийликни кутмаган Бобош бир зум қотиб қолди. Иккинчи шериги ҳам ўзига келган, эндинга бошини кўтарган лаҳза эди, иягининг тагига қарсиллатиб тепдим, қарсиллаш билан бирга бир нима ҳўлқ этди, гуп этиб йиқилди бояқиш.

Бобошнинг устига бостириб борарканман, «иккала қассоб ҳам ўлиб қолган бўлса-чи?» деган совуқ хаёл қора кўнглимда чақиндек чақди. Бунақа вақтда баттар эсинг кетаркан. Югуриб бориб Бобошнинг куртлаган миясининг қатифини чиқариб ташлашга шайландим. У Дилҳаёни пана қилиб менга еб қўйгудай тикилди. Яна ҳезландим, яна ўзини олиб қочди.

— Қўйвор... — дедим қизга ишора қилиб (биронта ҳам тишим синмаганди, лекин жағимни зўрға қимирлатдим).

— Темирни ташла, мард бўлсанг шундай уриш, — жавоб берди у.

— Сен мардмисан? Қизни қалқон қиляпсан-ку, қўй деяпман уни! Бу жанжалга аралаштирма!

— Аралаштиряпманми? Уни дадасига ушлаб бериш менинг вазифам. Сенга эшшакнинг терисиям йўқ, ипирисқи күёвтўра!

— Йигирма миллион оласан дедим, кўнмадинг. Энди шартим шу: Дилҳаёни қўйиб юбориб, отам қаердалигини айтасан. Биламан, уни наша учун гаровда ушлаб турибсанлар... Агар чертган бўлсанлар...

— Юзимга қара, отангнинг «чертганини» кўр. Кейин

мен ҳам икки баравар қилиб «чертдим», бошқа ҳеч гап бўлгани йўқ, — ҳансиради у.

— Шунинг учун ҳам ўласан, билдингми?!

Бобош пичоини қинидан сууриб, Дилҳаёнинг бўйнига тиради. Очик деразадан овозлар келди:

— Сўймоқчими?

— Сўймоқ қаёқда, кинолардагидек қўрқитяпти!

— Зўр «драка» бўляпти-я?

— Ўл-э, бунинг нимаси «драка», ҳозир биттаси ўлади.

Ички сезгилаrim оний лаҳзада қуролимни ташлаши амр этди. Шундай қилсам, Бобош Дилҳаёни қўйиб юбориб, менга сапчийди. Қолганига худо пошшо.

Сўйилни отиб юбориб, қўлларимни мушт қилдим.

— Эркак бўлсанг қуролсиз яккама-якка чиқ! Қани бўл, ит!

Кутганимдай қассоб қизни итариб юборди-да, менга ҳамла қилди. Қўлидан пичоини қўймаётгани янада эҳтиёткор бўлишимга ундарди. Дилҳаё уй эгалари қавмидан эмасди, албатта. Ёрдам кутиш бефойдалигини тушуниб етган, мени халос этиш учун мўъжиза кутиб ўтиrolmas, қичқириқ эса чўл узра бўрон бўлиб кўтарилигандан ҳам зигирича фойда бермаслигини билар эди. Бир қарасам, у Бобошнинг елкасига осилволиби. Таъбир жоиз бўлса, муҳаббатимиз айни шу лаҳзаларда синовдан ўтаётган эди. Ахир, тиф тутган қутурган кимсага осилиш ўлимга тик бориш билан баравар. Ишқдан бошқа ўлимга етакловчи эзгулик важи йўқ, бўлмайди ҳам. Ким сиз учун ўлишга-да тайёр бўлса, уни севмасдан-да илож қанча?!

Бобош ойпарини силтаб юборди. Дилҳаё думалаб кетди, лекин жон талвасасида яна ёпишди. Ўлим таҳдид солаётган бўлсаям бу қизиқ жанг эди. Гёё қассоб ака-сингилни дўпосламоқдаю, бечоралар бир-бинининг тарафини олиб девкељбатга чираниб ҳужум қиляпти.

Шу орада Бобош пичоини сермаб, етмаганига оёғи

билин ҳам зарба беришга уринганча мени яксон этишга шошилди. Ҳовли бурчагига чекиниб борардим. Пи-чоқ курткамни ялаб ўтар, тепкилари эса биқинимга, оёғимга тап-тап тегарди. У аввалги жангда (Эҳтимол, айнан отам билан муштлашгандир) ҳолдан тойганига бўлса керак, ўлгудай нўноқ олишмоқда эди.

Ҳайрият, қаёқданdir қўлимга таёқ илашди. Бироқ бу таёқ билан тиррақи бузоқни савалаш кўпроқ ярашарди. Қочаётib икки-уч урдим, бўлмади. Аччиқ зарба енгади деб юз-кўзига уришга қанча ҳаракат қилмай, Бобош қўли билан беркитишга улгуарди.

Бир сакраб таппа босмоқчи бўлди, зўрға чап беришга улгурдим. Оёғи кир ўрага тиқилиб юзтубан йиқилди, мен ҳам чўзилиб ётардим. У тимсоҳ каби ётган жойида тўртоёқлаб яна бир ташланди, бу гал ҳам мендан омад юз ўғирмади, охирги қучим билан бир думалаб ундан узоқлашдим. Ўпкам бўғзимга тиқилиб қолган эди. Оёққа туриб, Дилҳаёга қарадим. Агар икковимиз бирварақайига Бобошнинг устига ташланганимизда ҳам пичоқдан омон қолмасдик.

Бу жудаям чўзилиб кетган жангга ўҳшаса-да, орадан уч-тўрт дақиқа ўтганди, холос. Сўйил ёки болтани эгаллаб олишимга эса сониялар керак эди. Улгу-пармиканман?

Шу вақтгача таваккал қилиб келганман. Болтани бир қарашда учратмадим, сўйилга отилдим. Бобош эса милтиққа қараб чопди. Чол ёки унинг пушти камаридан бўлганлар қуролни яширишга улгурган тақдирда ҳам Бобош нима қилишини яхши билардим. Битта йўл – душманга етиб олиш. Акс ҳолда тоғамлар Ироқлидан музлатилган ўлигимни олиб кетишади.

Ў, ваҳшийлик бўлиб кўринган қураш! Мени не кўйларга соляпсан? Ҳатто, Дилҳаё ҳам афт-ангримни кўриб даҳшатдан қимир этмай қолди. Сўйилни олдиму томогим йиртилгудай бақириб Бобошнинг ортидан югурдим. Бир неча лаҳзадан сўнг у

Азамат ҚОРЖОВОВ

уйга етади, гаранг чол боя милтиқни ўқлаган эди. Қўрқоқ ножинслар Бобошнинг товони остоңага дўқ этиб тушган заҳотиёқ милтиқни яшин тезлигига чиқариб беришларига кўзим етди.

Уйга қараб юргурганим текин томошабинларнинг ўтакасини ёриб юборди, бирдан ўзларини ичкарига тортдилар. Бобош очиқ деразага отилган ҳам эдики, елкасига сўйил келиб тушди. Кийими қалин бўлсада, умуртқаси тарсиллагани эшитилгандай туюлди. Ортига ўгирилганида юзи чидаб бўлмас оғриқдан янада кўкариб кетган эди. Пичноқ кўтарди, қўлига солдим. Осилиб олмоқчи бўлди, икки қадам чекиниб, бир уриб қулатдим. Дераза яна томошабинларга тўлди. Ҳаммалари энгашиб қассобга қарашарди.

— Отам қани? — сўрадим одамсимон маҳлуқ бир оз ўзига келгач. — Ўлдирмайман... Пул бераман... Лекин отам қаердалигини айтмасанг ўласан!.. Аниқ ўласан!..

— Сени... сени... — фўлдиради Бобош. — Барибир сўяман... Мени урдинг-а?! Мени-я?..

— Ҳайвон! — биқинига келиштириб тепдим. — Қора қонингга беланиб бўлдинг, ўн минутдан кейин операцияга ётмасанг жаҳаннамга кетасан, тушундингми? Ҳеч бўлмаса, ўлиминг олдидан бир савоб иш қил!

Дилҳаё келиб енгимдан тортди. Ҳар нима бўлгандаям, у қотилга айланишимни истамасди. Қолаверса, ювош тортиб яшаган кунларимдаги ақл-хушимни унинг сиймосидаги сейфга бекитиб қўйгандим. Дўст шундай дамда керак, ёр шундай дамда керак. Фақат ишқ-муҳаббат китобида ишқ ва ёр бўлади, деганлар хато айтибдилар. Ёр уруш майдонида керак!..

— Қўл-оёқларингни синдириб кетаман! — деб сўйилни баланд кўтардим. — Ишонмайсанми?..

— Тўхта! — кўзини юмди у. — Айтаман... айтаман... Билиб қўй, отанг йигирма йилга кетади.

— Нашани сенга олиб келган, сен ҳам кетасан!

— Мен сувдан қуруқ чиққанман, бундан кейин ҳам...

— Күрамиз!.. Отам қаердалигини айт!
Бобош Дилҳаёга алам билан қараб қўйди, мен қон тупурдим.

- Бўл тез! — дедим сўйилни силтаб.
- Оқбобо кўчаси, фишти уй.
- Шунақа кўча борми? — қизга қарадим.
- Бор, уй рақамини ҳам айтсин, — деди Дилҳаё.
- Оқбобо кўчасини билмайдиганлар ҳам бор экан...
- гап отди томошибинлардан бири.
 - Булар қаёқдан билади, келгинди-ку ҳаммаси! — кулди иккинчиси.

Бобош чалқанча ётиб олди. Кўкраги тез-тез кўтарилиб тушарди.

- Ўн уч, — инқиллади у.
- Алдама лекин!
- Ростдан ўн уч, ишонмасанг бориб кўр.
- Тоғойнинг уйини айтяпти-ку! — деди чол. — Ўзи у «союз»дан бери ўзбек, тожикдан наша опкеларди, билардим, кўкнорини роса еганмиз.

Конга тўйинган қизил қорли ҳовлини ортда қолдириб, кўчада кетяпмиз. Елкамда сумка, картошка пуллари ва милицияга ашёвий далил бўладиган қон сачраган сўйил. Қўнфиrot маҳалласининг чиройини баҳорнинг энг авж дамлари ҳам очолмаслигини тасаввур этаман. Пастак уйлар, баланд хароб иморатлар, чолдеворлар оралаб кетган кўча, гоҳ паstлайди, гоҳ юқорилайди, ҳатто қиялайди ҳам. Қор тушмаган пана-пастқам жойларда қум кўринади.

— Шу маҳалладан кейин чўл бошланади дедингизми? — сўрадим Дилҳаёдан. — Менимча, бу ерларни секин-аста қум босиб келяпти.

— Шаҳарнинг ўртасида юрсангиз оёқ тагида муз синади, демак, сув бор, бу маҳаллада эса... қум ва худодан қайтган одамлар...

- Гулчи деганлари тентак чол шекилли...
- Қизил гулинни кўрдингизми, Зафар aka?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Күрдим...

— Ироқлида қанчадан бери яшаётган бўлсам, фақат қарама-қаршиликларни кўраман, — деди Дилҳаё. — Чўл ва гуркираб ўсган гул, ифлос одамлар ва қўнгли тоза йигит, қўрқоқлик ва жасурлик.

— Ироқлига қачон олиб келган сизни?

— Ҳеч ким олиб келмаган.

— Нима? Ўзим келганман демоқчимисиз? Шу ерларга-я?

— Дадам сизни алдаган эди. У мени олиб қочмаган... Тўғри, маҳалла дўконида учрашгандик, ўшанда узоқларга олиб кетишини айтган... Зафар ака, инсон ўз отасини, соғинган дадажонисини кўп йиллардан кейин кўрса, яна кўп йиллар айрилиқда яшашини билса чидолмайди. Бу жуда азобли туйфу... Мен дадамни Ироқлига ахтариб келдим. Агар тайинли бир йигит чиққанида шу ерда тўйим бўларди. Қариндошларимнинг ёнига қайтиб кетишмни дадам истамайди. Шунчалик истамайдики, кетсанг умрбод кўришмаймиз, деган. Шунинг учунми, қўймайдилар...

— Бобошдай мараз кимсага сизни тутиб келишни буюрибди, нияти чаккимас, — дедим мен.

— Дадамни ёмон деёлмайман, — ерга қаради қиз.

Маҳалла чойхонаси олдига автобус келиб тўхтади. Дарров жўнаш шашти бор эди, орқа эшигидан чиқиб олдик. Одамлар менга қарайвергач, юз-қўлимни ювиб олмаганимга афсусландим. Шу тобда такси ҳам учрамади-да.

Хайрият, кўп юрмадик, Дилҳаё мени турткилади. Биз Оқбобо кўчаси бошига етгандик. Бир томонда электр билан боғлиқ аллақандай корхона жойлашган чофи, девор ортида баланд трансформаторлар, сонсиз симлар кўринади. Иккинчи томонда кета-кетгунча идоралар, омборхоналар, ҳиссиз деразалар минора ҳам кўзга ташланади.

Йўлкадан кетавердик. Отам қамаб қўйилган уй

Бозор ошхонасидағи қиз

олдинда эканлигини бинолардаги пастлаб бораётган рақамлар айтиб турарди. Йигирманчи уйга етганимизда күча кичикроқ майдон четига олиб чиқди. Бу аслида майдон ҳам эмас, күча қурилишининг бинолар билан мутаносиб тушмагани оқибатидаги бўш қолган жой эди.

— Кўзингиз ўтадими, хув анави неchanчи уй? — дедим Дилҳаёга.

— Менимча, чап бурчакдагиси, ахир фиштин уй деганди-ку, — қиз менга ачиниб қаради. — Бир минут ҳам вақтингиз кетмайди, ювиниб олинг, Зафар ака. Иложи бўлса аптекага ҳам кириш керак.

Сув топиш илинжида корхона дарвозаси сари учтўрт қадам ташлагандик ҳамки, муюлишдан машиналар ванғиллаб чиқиб келди. Орасида милиция машинаси борлиги ўтакамни ёриб юборди. Бироқ улар ёнимиздан шитоб-ла ўтиб, Дилҳаё кўрсатган фиштин уй рўпарасида қор сачратиб тўхтади. Бирданига ўн чоғли одам отилиб чиқди. Биз миқ этмай томоша қилиб ўтирдик. Эшикни бузиб киришди. Қандай йўл тутишни билмай бошим гаранг эди. «Ота!» деб чопишимга, ҳолидан хабардор бўлишимга нимадир тўсқинлик қиласарди. Отамни дам яхши кўриб, раҳмим келиб кетар, дам ёмон кўриб, шу кунларга тушганидан fazабланардим.

Кимдир айтганди: «Қамоқдан асраб қолгандан кўра қамоқда шарт-шароит қилиб берган осонроқ». Бунинг учун Шумротга эсон-омон етиб олишим, пулларимни қўлга киритишим керак эди. Отамни қутқариш йўлида тубидан кесилган қонун дарахтлари, жиноят ботқоқликлари, қамоқ панжараларини ваъда қилаётган қалин туманлару тутунларга қоришиқ хосиятсиз водий ястаниб ётарди.

Курткамнинг ёқасини кўтариб, ўткинчиларга қўшилиб уйга яқинроқ бордим. Милиция ходимлари икки кишини кишанлаб олиб чиқишли. Кейин отам

күринди. Букчайиб қадам ташлар, оқсоқланар, алланималар деб ғұлдиради. Машинаға чиқаришаётгандың күзини күрдиму сесканиб тушдым. Ўрнимда бошқа одам бўлганида балки танимасми. Қорайиб кетган, йиртилган жойларидан қон оқаётган юз, тарвуздай шишиб кетган қовоқ. Кўзи оқиб чиқмаганига ҳайрон қоласан киши. Мана буни ваҳшийлик деса бўлади, мана буни итлик деса, ҳайвонлик деса, нима деса ярашади. Бобошнинг кучи етмагач, бир неча киши биргаликда дўппослашган, қўл-оёғини боғлаб хушидан кетгунча уришган, устига сув сепиб, сўнгра яна дўппослашган, яна... яна... Йўқса, отам тик оёқда бу қадар кўп жароҳат ололмас эди. Шими йиртилиб кетган, қўли ҳам сингандир, шалвираб қолган.

Томошаталаблар орасидан сирғалиб чиқиб, Оқбонон кўчаси бошига қайтиб кета бошладим. Овозимни чиқармасликка уриниб, ҳўнг-ҳўнг йиғлардим. Отам шундай бўлсин деб эдими? Нашани ҳам ўз ихтиёри билан олиб келмаганига аминман, аминман! Ахир, картошкадан анча-мунча даромад қилди, ҳалол тижорат билан бойиб кетиш мумкинлигини кўрди. Билмадим, Мирзаматнинг қутқусига нега учиб қўя қолди экан?! Қарздор одам қарзини узиш учун нашафурушнинг нашасини сотиб бериши керакми? Бу қайси мазҳабда бор ўзи? Мантиққа ҳам тўғри келмайди-ку. Эртага шоирдан қарз олса, шеър ёзишига кўмаклашиши керак экан-да!

Дилҳаё аҳволи-руҳиямни тушуниб, ёнимда жимгина одимлади. Кейин:

— Зафар ака, худога шукур қилинг, — деди, — ҳарҳолда тирик эканлар-ку. Бундан баттар бўлиши мумкин эди, ўзингиз ҳам яхши тушунасиз.

— Ўлмади, раҳмат дейишим керакми? Йўқ, ҳозир гулчиникига бориб тўнғиздан бўлган қассобни маҷақлаб ўлдираман! Нега боя индамадим-а? Бензин қуйиб ёқиб юбормайманми? Учаласиниям қонига

беласам очиқ жаңгда беладим, булар-чи?! – йиғлаб юбордим мен. – Күрдингиз-ку! Күрдингиз...

- Улардан фарқингиз ҳам шунда, Зафар ака.
- Бўрига айланиш керак бўлган жойда бўрига айланаман.
- Бўлмаса, эртага бошқа нарсагаям айланаркан-сиз-да? Кетамиз, Зафар ака... Сиз билан Шумротга боришга розиман. Уч юз миллионни олволайлик...

Машиналар бошқа йўлдан кетиши. Ортимга қардим: фиштин уй – баҳтсизлик маконининг юраги – менга термулгандек туюлди. Яшаш – баҳтли бўлиш учун қурашишдан иборат жараён эканлигини англадим. Ким жанг жадалларга кучини кўрсатиш, шунчаки душманни енгиш, ерпарчин қилиш, мутлақ ғолиб бўлиш учун кирса, шубҳасиз, ютқазади. Ютқазганлардан баҳтли инсонлар чиқиши эса амри маҳол, барибир у қаердадир ютиши шарт.

* * *

Яхшиям, қиличини қайраб қиши келган экан, бурканиб олсанг ҳеч ким ажабланиб қарамайди. Ибийнинг зарбаларидан сўнг лўқиллаётган юзим руҳиятимни сустлик ва мужмаллик уммонига чўқтириб бормоқда эди.

– Шаҳардан қандай чиқиб кетамиз? – сўради Дилҳаёв оқатланиб бўлганимиздан сўнг.

Елка қисдим. Ироқлидан қандай кетиш мумкин? Шоҳбекатга борилади, Шумротга кетаётган уловлардан бирига ўтирилади, тамом.

- Паспортингиз ўзингиздами?
- Паспортсиз қандай қилиб пулга бораман, Дилҳаё?
- Яшириб қўйганингиз яхшироқ.
- Паспортними?
- Ҳа. Сезишимча, улар селни сиз томонгаям буриб юборишган.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Қанақа сел? Тушунтириброқ гапиринг, илтимос. Күряпсиз-ку бошим оғрияпти.

— Ҳозир эсу дардингиз отангизда, — деди қиз. — Шумротга ўта әхтиёткорлик билан етиб боришимиң керак. Чипталарни тортиб олишни мақсад қылганлар сизни ушлолмади. Лекин сиз қассобларнинг дабдаласини чиқардингиз. Ҳалигача Ироқлида эканлигингиңга бундан ортиқ далил йўқ. Ўзлари бутун шаҳарни титкилаб топишолмадими, энди милицияга мурожаат этади. Наша билан қўлга олинган шахснинг ўғли шаҳарда безорилик қилиб юрибди, ундайм бир гап бор, дейди. Эҳтимол, лотереялар ўғрисига чиқарсиз.

— Жонимдан тўйдим... Сиз буларни нимага қараб тахмин қилаяпсиз?

— Уларнинг бошида дадам турибди, — айборона сўзлади қиз.

— Дадангизнинг қўлидан келади, тўғри, — юзимни четга бурдим.

— Лекин... нима бўлгандаям... — чайналди у. — ...пуллар, ким билади, дадамга ҳам тегишлидир? Ахир, ғоя у кишиники... Жекпотни қандай ютиш хаёлингизгаям келмаганди...

— Бу билан нима демоқчисиз? Адашмасам, кечаям шу мавзуда гапиргандингиз?

Дилҳаё қўлини чўзди.

— Паспортингизни беринг.

Сумкамга қўл солиб, сўйилни улоқтириб юбордим. Кейин паспортни пайпаслаб топдим.

— Нима қилмоқчисиз ўзи?

— Нима қилардим, яшириб қўяман. Адашмасам, Ироқли мелисаларида суратингиз йўқ, сизни ташқи кўринишингизга қараб ёки паспортингиздан ушлаш режасини тузган бўлишлари мумкин.

— Сизниям, — дедим мен.

Буни уйлаган, лекин бирорнинг оғзидан эшитган-

Бозор ошхонасидағи қиз

да таҳдиднинг қора шарпаси янада катталашиб кўринарди. Шу важданми кўзлари пирпираб кетди. Деди:

— Буларнинг тилига, шевасига тилим оз-моз келишиб қолган. Паспорт сўраса, қариндошимникига паспорт олиб келмайман, дейман. Шумротлик эканимни айтсам, индашмайди.

— Мен-чи?

— Сизгаям эски баҳона.

— Абжаги чиққан башарам ҳар қандай эски баҳонани йўққа чиқаради, — ҳафсалам пир бўлди.

Бироқ барибир бекатга кетавердик, гўё тепалик учига чиқиб атрофдан йўл қидирмоқчи бўлган сайёҳлардек ўрмалаб бораяпмиз, аниқ бир қарор йўқ.

— Йўлимиз бир, тақдиримиз ҳам, — дея уни ахиди енгил қучиб қўйдим.

Вақт пешиндан ўтган эди. Кечқурун бешгача Шумротга машина қатнашини эшитганман. Қор қалинлашганда катта йўлда йўловчи машинадан умидвор бўлиш бефойда эди. Сувни кўрмай этик ечма, дейишади. Балки бекатда тинчликдир, деган илинжда такси чақирдим.

— Булар шаҳардан чиқиб кетишимизга осонликча қўйиб бермайди, — шивирладим йўлда Дилҳаёга, — ҳақиқатан усталик қилишимиз керак. Бекатга етмасдан тушиб қоламиз, якка-якка борамиз. Сиз мени танимайсиз, мен сизни. Олдинроқда юрасиз.

Дилҳаё бош қимирлатиб қўйди. Агар бизни милиция ходимлари тутиб олишса, у ҳеч нима ютқазмаслигини ўйладим. Дарвоқе, қизни қайси гуноҳи учун ҳибс этишади? Отаси жонажон шаҳрига кетишга қўймай мажбуран эрга бермоқчи, Бобош куч ишлатди, эҳтимол, қонун китобларида менинг муҳаббатим ҳам аллақандай бир жиноят, масалан, «қиз ўғирлаш», «алдаб-авраб олиб қочиш» мазмунидаги бемаъни бир бандга мос келиб қолар. Қизни отасидан, Бобошдан, мендан ҳимоя қилишади, сергалва Шумротга эмас, Самарқанд-

Азамат ҚОРЖОВОВ

га кузатиб қўйишади. Худо кўрсатмасин, мени қўлга олишса, тўккан қонларим учун камида беш йилдан сўнг йўлга чиқишим ҳам эҳтимолдан холи эмас.

— Омад қуши яна мени эсласа... — дедиму, гапими ни тугатишга ийманиб қолдим.

— Одам қуши дейсизми? — қулоғини тутди Дилҳаё.

Машина қор уюми ёнида тўхтади. Дилҳаё лип этиб тушди ва шоҳбекат сари зинғиллаб жўнади. Пул тўлашни атайин чўздим. Кейин кўча томондаги эшикдан имиллаб тушдим-да, нариги йўлакка ўтиб, атрофни синчиклаб кузатганча кета бошладим. Шубҳали кимсалар мен ўйлагандан икки баравар кўп эди. Зимдан кузатган, шерикларига мени кўрсатган кишиларни тез пайқадим. Аммо тишлайди деб кўринган ҳар итдан қочиши тентакликдан бошқа нарса эмасди. Айтганимдай, шубҳали тўдалардан бири таксичилар бўлиб чиқди.

— Қайга кетмоқчисан, ўғлон? — сўради шопмўйлов кимса. — Мана, такси...

Тилимни тийсам — бошимга фойда. «Йўқ» дея бош чайқадим. Олға юрганим сайин қочиш йўллари торайиб, қопқоннинг ўртасига етиб келаётгандай эдим.

Дилҳаё автобусларнинг олд ёзувларига қараб қайсиdir «Икарус» ёнида тўхтади, менга қаради. Тушундим. Шу пайт бир эмас, иккита жойда патрул машинаси кўзга ташланди. Худди кутганимиздек улар йўловчиларнинг, айнан ёш йигитларнинг паспортини текширмоқда эдилар.

— Ёмон эмас, — дедим ўзимга-ўзим, — ишлари суст. Бунақада қутулиб кетишимиз мумкин. Жўнаб олсак бўлди, Шумротга етмасдан тушиб, таксида идорага етиб оламиз. У ёқда ўзларини Ироқлидагидек эркин тутолмайди. Лотереяларим ўғирланганини исботлаб беришсин-чи? Бирорни ноҳақ урганимничи? Ҳеч бирини исботлаёлмайди, чунки мен жиноятчи эмасман, йигит кишиман! Эркакман, эркакнинг

БОЗОР ОШХОНАСИДАГИ ҚИЗ

ишини қилдим! Шунчалик күп айблар билан қамоққа олишлари учун түнғиздан баттар бўлишлари керак...

Мўрисидан қуюқ тутун чиқаётган ошхона олдида бир эркак аланг-жаланг боқиб турганди, бошқаси келиб туртиб ўтди, шу заҳотиёқ унга эргашди. Панадан кузатдим: улар автобуслар оралаб, ҳаммага зимдан қарай бошлишди. Шулармикан бизни ахтариб келганлар? Эски «Волга» машинасида эса қундуз телпак кийган басавлат киши мен томондан кўз узмаяпти, балки уям Олтибой аканинг одамларидан биридир? Уч юз миллион сўмни қўлга киритиш учун йигирма-ўттизта одамни изимииздан итдай изфитиши хеч гапмас.

Бир қарасам, Дилҳаё автобусга чиқмоқчи. «Чиқманг», — дедим бошимни оҳиста чайқаб. Сўнгра дўйконлардан бирига имо қилдим. Ит эгасини танимайдиган биронта тиқилинч дўйонга кириб, пайт пойлаш осон ва хавфсиз эди.

Таксичининг олдига қайтдим.

- Машина керак сенга, мени айтди дейсан, — ҳаволанди у.
- Автобусга етиб олиш керак, — дедим паст овозда.
- Нима?
- Анави «Икарус»дан аввал Шумротга кетган автобусга.
- Жиннимисан, уч юз километр тезлик билан бошибим керак. Машинам самолёт эмас, йўлга қара, расво!
- Бўлмаса, ярим йўлгача олиб бороласизми?

У ҳайрон бўлиб уст-бошимга қаради, кейин кўтариб қўйилган ёқам безалган афт-ангоримни яширганлигини пайқади.

- Вой-бў, кимдан бунча қалтак единг, ўғлон?
 - Йўлда айтиб бераман, — дедим дангалига.
- Юрагимдаги ўт уни бир оз ўйлаб гапиришга мажбур қилди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Гап йўқ. Биз оддий шофёр. Ўзи нима гап? Тинчликми?

— Ўша автобусда кетаётган йигитдан ҳақимни олишим керак. Сиз ҳам эркаксиз, мен ҳам. Гап тегмайдиган қиласман.

— Йў-ўғ, бизга барибир гап тегади. Биласанми, бу қароқчилик билан баравар.

Таксичи оғзидан илинди. Ҳозиргина автобусни қувиб етиб бўлмаслигини гапираётганди. Энди эса гўё етиб олганмизу ўша болани роса калтакладим, эртага таксининг давлат рақами милицияга ёзиб берилади ва ҳоказо.

— Мардларча солишасанми ё пичоқقا ишонасанми?

— Сиз нимага ишонган бўлардингиз? — сўрадим ундан.

— Билагимдаги кучимга, — жавоб берди у.

— Баъзан миямдаги ақлга ҳам оз-моз ишонаман, оға. Ҳўш, қанча сўрайсиз?

— Қизиқ бола экансан-ку.

— Автобусни қувиб етиш мумкинлигини айтдингиз, энди икки хил гапирманг. Кетдикми?

— Қачон айтдим? — тан олмади у.

— Ўзингизни шарманда қилманг. Ўттиз минг.

— Ўттиз минг? Яхши пул. Лекин бунақа йўлда...

— Бунақа йўлда сиздақалар юролмайди, тўғри айтдингиз. Бу — ўлимга тик қараган эркаклар иши.

Бир пайт у изимдан ҳаллослаб етиб келди.

— Ўттиз минг беришинг ростми?

— Ҳа, фақат шу гапим рост.

— Ўзбек сўмидами?

— Бошқа сўм ҳақида эшитмаганман.

Кап-катта одам фирт овсар экан. Шундан кейин ҳам гапимнинг мазмунига тушунмай, «ишқилиб ўша йигитни майиб қилиб қўймасанг бўлди», деди. Ахир,

БОЗОР ОШХОНАСИДАГИ ҚИЗ

ҳозиргина шу гапимдан бошқаси ёлғон эканлигини үқтиридим-ку.

Дилҳаё ёнимга ўтирган заҳоти энгашиб олдим.

— Нима қилиқ бу? — ажабланди таксичи.

— Туфлимни артаяпман, — тұнғилладим мен.

Ироқлидай серғалва шаҳар уфқда ғойиб бұлаёттагы нига музafferона қараб қўйдим. «Уддаладим, — дедим ичимда, — барибир уддаладим. Пулни ҳам олволсам...»

Ютуқ ҳақида мингинчи бор ўйлашим. Буни Дилҳаё пайқаб ўтирганини сезсам, ўз-ўзидан қоним қайнаб кетади. Нима қиласай, тоғдай пул уюми насиб этар чоғда, уни сўраб боролмасам, ютган бола менман, деёлмасам.

Оз қолди, азизим, оз қолди, дейман ўзимга телбаларча. Чўлни кесиб ўтган йўлда машинада шитобла кетаётиб ғалаба қозонганингни ҳис этиш олам-олам қувонч бахш этарди. Билмадим, балки бу туйғуни ҳожатхонада ҳам ҳис этиш мумкинdir, лекин мени ола-чалпоқ чўл манзараси таърифга тил ожиз даражада мутаассир этди.

Аммо кўп ўтмай ёлғизгина нажот йўлида алланималарнинг қораси кўринди. Яқинлашганимиз сайин катта юқ машиналари эканлигини билдик. Ёнверида енгил машиналар, автобуслар ҳам бор эди.

— Нима гап? — ҳайдовчига хавотир аралаш тикилдим.

У елка учирди.

— Ҳужжат текширишяпти, — деди янада яқинлашганимизда. — Бозоркомни ўлдириб кетишганидан кейин ҳам бир-иккита жиноятлар бўлди. Ҳаммасига наша сабабчи. Давлат нашадан бунчалик қўрқишига авваллари тушунмасдим. Энди-энди ақлим етаяпти. Наша — энг ёвуз ҳукмдор. Унинг ери, халқи, армияси йўқ, лекин одамлар наша чека бошлашса, наша савдоси авж олса, қайси давлат фуқароси бўлсаям ёвуз

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҳукмдорнинг қулига айланади. Бир вақтлар мен ҳам қул эдим, худога шукр, вақтида даволандим. Нашага умуман яқинлашма! — Таксичи мәнга «уқдингми?» маъносида кўз ташлаб қўйди. — Ўша ҳукмдорнинг халқи майиб-мажруҳлар, ери бутун дунё ҳудуди, армияси эса ҳар йили миллионлаб жиноят содир қиласиди: одам отиш, сўйиш, ўғирлик, зўрлаш... Санабсаноғига етмайсан.

— Дилҳаё, — чақирдим қизни.

Биз ортга қайтишимиз керак эди!

Назаримда қиз бирдан ўзгариб қолгандай бўлди. Ранги оқариб кетгани бир нав, кўзларига даҳшатли бир қайғу соя солган эди. Уни ҳеч қачон бундай ҳолда кўрмагандим, юрагим орқага тортиб кетди.

— Дилҳаё, тузукмисиз?.. Оға, тўхтатинг машинани!

Қизнинг боши шилқ этиб тушди. Кўзларининг оқи кўриниб, бир зумда ҳушидан айрилди. Нима қилишни билмай силкидим, юзига урдим, сўнг машинадан отилиб чиқиб, қор олиб келдим-да, ишқалай бошладим. Танаси ақл бовар қилмас тезликда совиб қолган эди.

— Эй, ундей қилма, бунинг юраги кетганга ўхшайди, — деди таксичи.

— Юраги?..

— Киминг бўлади ўзи?

— Х хотиним... бўлажак...

— Касаллигидан хабаринг бормиди?

Дилҳаёни биринчи бор кўраётгандай анграйдим. Йўқ, у касал эмас, шу ёшда... юрак касал?!

— Ҳозир ўлади, — деди таксичи.

Бефаросат таксичига ғазаб-ла ўгирилдим, аммо у менга керак эди.

— Ўша айтган уч юз километр тезликда Ироқлиги қайтасиз, — тишларим фижирлаб кетди. — Агар йўлда ўлса, шу кеча моргда тунайсиз, эрталаб шахсингиз аниқлангач, қариндош-уругларингиз олиб кетишади.

Бозор ошхонасидағи қиз

У нимадир демоқчи эди, машина эшиги «чүнтагида» дастаси күринган пичоққа отилдим. Мени қайтариб қолса бўларди. Оғзи очилиб, лаллайиб тураверди.

— Пичоққа ишонмайман, дегандинг... — пўнфиллади дарров.

— Кечириб қўясиз, оға, пичоқ қорнингизни ёриб, ичак, ошқозон, жигарларингизнинг таъмини кўроламанми-йўқми деб менга ишонаяпти, мен унга эмас! Қани, бўлинг!

— Отиб юбор, қонсираган! Бекорга қўлинг югурмади!

У рулга ўтирди. Машина оғир бурилиб олди. Пичоқни деразадан улоқтирдим, қўлларим Дилҳаёни кучоқлади. Юраги уришдан тўхтагандек ваҳима босиб келди мени. Айни дамда ҳайдовчидан кечирим сўрашни жон дилимдан истардим.

— Кечиринг... қизишиб кетдим... — дедим паст овозда.

— Ҳечқиси йўқ, ука, бу чўлларда бўриларгина яшайди.

— Бўри бўлишни истамайман... Сизни алдагандим, аслида Шумротга яхши бир ниятда кетаётгандик.

— Ҳеч бир иш ёмон ниятда қилинмайди, агар ўртада муҳаббат бўлса! Сенга раҳмат айтишим керак, пичоқдан халос этдинг.

— Ўзингиз отиб юборолмасмидингиз?

— Билмасам, ука. Шу ерда неча йиллардан бери ётарди, ҳеч кўнглим бўлмаган. Хаёлимда ҳар доим кимдир ҳужум қиласиди ўзимни ҳимоя қилиш учун шартта пичоқни олиб, томогига тирайдигандек эдим. Менимча, бу ўзимнинг касаллигим эмас, шаҳарники. Лекин шаҳар деганде уйларни, об-ҳавони, жорий қилинган тартибларни айтиётганим йўқ. Мен учун шаҳар одамлар зич яшайдиган, жиноятлар учун бегоналик

Азамат ҚОРЖОВОВ

пардаси тортилган пана-пастқам макон. Ҳе ўша...

Таксици бир зумда ақлли инсонга айланиб қолганди. Жиноят олами унинг асабларига соя солиб турар экан, мендан чўчигандир. Қўрқиш – айрим одамларга ўзлари кутмаган даражада катта қанот бериб юборади.

Касалхона ҳовлисидағи қуриган дараҳт шохидა ўтирган қарғалар ҳавога кўтарилди. Дилҳаёни ичкарига замбилда киргизишига тўғри келди. «Бегоналар кириши ман этилади» деган ёзув остидаги эшик юзимга ёпилганда, тўсатдан лотерея чипталари ёдимга тушди. Ахир, улар қизнинг кийими ичига беркитилган эди, паспортим ҳам унда. Бир парча қофозларсиз ҳолим не кечишини тасаввуримда жонлантиришга-да ожиз эдим.

Эшик ичкаридан мустаҳкам беркитилган, энди гина бор қучимни тўплаб дўмбира қилиб урмоқчи эдим, йўлакнинг нариги томонида кимларнингdir шовқини эшитилди. Юрагим алланимани сезди, гупиллаб уриб кетди. Ҳақиқатан, қайирилиб қараганимда бир неча милиция ходими тўғри мен томон келарди. Бир маҳбусни олиб кетишишмоқда. Қараб кўзларимга ишонмадим: у отам эди. Яра-чақаларини бинт билан ўхшатиб боғлашибди, чап қўли гипс қилиниб, бўйнига осиб қўйилган. Бу аламу изтироблардан ваъда берган, дарду дунёмни остин-устун қилган қисмат карвони эди. Шундоқ ёнимдан ўтиб, ўнгдаги йўлакка бурилиб кетишиди. Отам бошини кўтартмади. Балки мени, онамни ўйлаб бораётгандир, балки ўзини, қамоқда кечадиган азобли ўн-ўн беш йилини кўз олдига келтириб, эзилаётгандир.

Оёқларим ўз-ўзидан уларга эргашди. Кейин қайсиdir эшик олдида қолиб кетдим.

«Ота, сизни халос этаман! – дедим хаёлан. – Эҳ, миллионер бўлиб қайтишимни билсангиз эди!...»

Маҳмуд ака билан боғланишим керак, деб ўйлаб қолдим. Ҳадемай қишлоққа отам ҳақида совуқ хабар етиб боради. Тағин мен ҳам бадкирдорга чиқиб кетмай. Чўнтакларимни пайпаслаб, телефон рақамини ахтардим. Буни қаранг, ахир лотерея чипталарида идора рақамлари бор эди, Шумротга сим қоқиб, иккала чиптанинг ҳам голиби мен эканлигимни айтиб қўйсам, ишим енгиллашар, бир фойдаси тегар, ахир.

Реанимация бўлими эшигига чопиб келганимда, ҳамшира мени ахтараётган экан.

— Қаерда у? — сўрадим шошиб ва жавоб ҳам кутмай ичкарига отилдим.

— Э, мумкин эмас!.. Сиздан сўрамоқчийдимки... шахсий нарсаларини сиз оласизми ё...

Тақقا тўхтадим. Уч юз миллион сўмнинг ёнидан чопиб ўтиб кетибман-а! Ҳамшира мени бўлмага бошлаб кирди.

— Аҳволи яхшими ишқилиб? Кўрсам бўлар?

— Ҳозирмас... Мана, паспортлар, мана пуллари, тақинчоқлари...

— Бўлдими?! — қичқириб юбораёздим мен. — Лотереялар ҳам бор эди! Қани?

— Билмасам, менга беришгани шулар, — сузилди у шаҳло кўзларини божрайтиб.

Бундай кўзлар билан чўлда яшаш осон эмас. Мијмни кўринмас қўл қисиб келиб, кўз олдим қоронғи-лашди: мен эса энди бир парча қофозсиз яшолмайман, аниқ сезаяпман, яшолмайман. Буни «пулнинг куйигига чидомлай ўлиш» деб атасалар керак.

— Ҳой, тўхтанг! — Ҳамшира ортимдан бақириб қолаверди.

Эшикни икки ёнга қапиштириб, отилиб кирганимда Дилҳаё оқ мато тагида ҳамон ҳушсиз ётарди. Бошида давангирдай уч эркак. Учови ҳам чўчиб тушиб, анг-танг бўлиб қолишли. Дилҳаёning кўксини

Азамат ҚОРЖОВОВ

бекиттган матони күтардиму... яланғоч баданига күзим тушди.

- Лотереялар бор эди! — дедим мен.
- Қани, йўқол! — хириллади шифокор.
- Менга керак!..
- Сенга қоғоз керакми?! Ма! Лекин бу ердан қорангни ўчир!

Бурчакдаги қутини тепиб юборди. Унда ҳозиргина ташлаб юборилган лотерея чипталари бужмайиб ётарди.

- Жуда пухта яширган экан, — кинояомуз деди бири.
- Шахсий нарсаларини олаётганимизда кўрмабмиз. Ютганмисан, йигит?
- Ютқизганга ўхшайманми? — дедим қутига энганишиб.
- Эшак ютиб олган бу! — пичинг қилди учинчиси.

Ҳамшира мени хонадан суриб чиқарди. Тиббий ускуналарнинг ҳаёт-мамот чизифидаги бонг уриши қулоғим тагидан, йўқ-йўқ, миямнинг қоқ марказидан нари кетмасди.

Бир бурчакка ўтириб бошимни чангалладим. Ютуқли чипталардан беихтиёр жирканиб кетдим. Улар ахлатхонадан топилган ифлос қоғозлардек туюлди. Бахтни ҳис этишимга шу қоғозлардан бошқа ҳеч ким, ҳатто Ер юзидағи миллиард-миллиард одамлардан биронтаси-да халақит бермаётган эди.

— Шундан кейин... — пичирладим беихтиёр. — Пулни олганимдан кейин... олганимдан кейин... бахтли бўламан... бўламан...

Бахтга тўсқинлик қилган нарсанинг ўзи бахтнинг сабабчиси бўлиб чиқиши мумкинми кан? Бошқа вақт бунга ишонмасдим, илло Олтибой ака барибир куёв қилишдан умидворлигини ўйласам, қайта-қайта ишонгим келаверади. Ота — ўз қизининг бахтига зомин бўлаётган шахс, бироқ Дилҳаёни менга узатар экан, албатта биз бахтли бўламиз. Фақат у ўлмаса, бас!

-
- Қачон ўзига келади? — сўрадим ҳамширанинг йўлини тўсиб.
 - Врачдан сўранг, акей, қилғиликни қилиб бўлдингиз-ку.
 - Илтимос, бир оғиз... — йўл бермадим унга.
 - Қўйворинг-э! Тўппа-тўғри Шумротдаги жиннихонага бориб даволанинг! Билдингизми?!
 - Айтмайсизми?! — йўлакни бошимга кўтардим. — Айтмайсиз-а?
 - Вой, нега бақирасиз? Қизни фақат мўъжиза кутқариб қолади, юраги тамом бўлган. Ҳийй, мўъжиза қўлларидан келмайдими?

Мўъжизани кутиб, эшик тагида ўтиришдан бўлак чора тополмадим. Дилҳаёнинг ҳаёти сақлаб қолинишига ишонардим, аммо яна узоқ йиллар бу ёруғ дунёда туришига кўзим етмасди. Одамнинг жони оддийгина майиздек, ҳечам қимматбаҳо эмас, ҳаммада бор. Бироқ у қовжираган сайин сарғаяди, охирги дамларда олтинга айланади, олтиндан-да қиммат ноёб нарсаға...

Бирдан яна тентаклигим тутиб кетди. Ўлишини кутиб шундай нотовон ҳолда ўтиравераманми? Уни қаерга, кимнинг қўлига олиб борсам яшаб кетади?

— Дўхтир! — эшикни тақиллата бошладим. — Айтинг, нима қилсан уни сақлаб қоласизлар? Чет элга касалхонага олиб бориш керакми, тўлайман, ҳамма харажатларини тўлайман! Камбағал кўринганим билан жуда бойман! Ишонинглар...

— Яхшиликча, чиқиб кет, — деди врач. — Ҳовлида кут, бир нима бўлса ўзимиз чақирамиз.

- Ундей деманг... Сиз врачсиз!
- Врачман, лекин худо эмасман.
- Менинг пулим кўп, aka, худони қўшманг!
- Кўриниб турибди.

Шу пайт оқ ҳалатли йигит йўлакда пайдо бўлди.

— Шумротга олиб кетиладиган бемор ўлди, машина катта йўлдан қайтиб келди, — деди у.

Азамат КОРЖОВОВ

— Бу машинани худо менга юборди! — деб бақирдим. — Опчиқинглар қизни! Опчиқинглар! Агар ўлса, нечта тола сочи бўлса шунча одамни хафа қиласман! Ўлмаса бошларингдан доллар сочаман! Доллар деб эшигтганмисизлар, қишлоқилар!

* * *

Шумротда бинойидай касалхона борлигини ҳеч ким менга айтмаган эди. Дилҳаёни у ёққа олиб бориши фикри оғзимдан чиқиб кетдию бирйўла Ироқлидан ҳам қутулдим-қўйдим. Чароғон кўчаларида уйқуга кетган дараҳтлар оралаб юрак касалликлари шифохонасига етиб келдик. Худонинг қарфиши сувсизлик эди. Ироқлидан фарқли ўлароқ бу шаҳар жаннатга яқинроқ. Лабини дарё ялаб ўтадиган Шумрот кўкламда келинчакдай ясаниб олса керак. Аммо ҳозир совқотган ой осмон тоқида илиниб, маҳзун боқаётган музлоқ шаҳарда ажал шарпасини пайқардим. Одамлар иссиқ ва файзли кунларда дунёга келиб, ҳозиргидай бехосият кунда ўладигандай туюлди. Тавба, бир сеҳргар келсаю бирдан тўйимни бошлаб юборса, ҳамма яқинларимиз лаҳзалар ичидаги тўйхонани тўлдиришса, ўшандаям кўнглимга чироқ ёқса ёришмасди, эҳтимол.

Картошканинг пулларини шифокорларга аямасдан сарфладим. Дилҳаёни реанимация хонасига олиб кириб кетишгач, яна ёлғиз қолдим. Онам Самарқандда. Кимга аён аҳволи не кечаетгани! Бошида бир меҳрибони дори-дармон кўтариб турмаса... Ишонган ўғли яқиндагина танишган бир қизни деб олис Шумротдаги касалхонада ўтирибди, ёз бўйи қилинган меҳнатдан келган сўнгти чақаларни харж этмоқда. Ҳали ютуқни ололадими, ҳеч кимга маълум эмас. Касал шаҳарларнинг касал кўчаларида соғлар онда-сонда учрайди, шуям агар лотереянинг соҳиби қудрати бўлиб чиқса!

«Мұхаббаттаға ҳис-туйгусиз қарасанғ, жудаям хунуклашиб қоларкан», – дедім ичимда ва телефон ахтариб навбатчи шифокор кабинетига йўл олдим. Бироқ қасалхона телефонлари халқаро тармоққа уланмаган эди.

– Эрталабгача шу ерда қолмоқчимисиз? – сўради бир ҳамшира. – Марҳамат қилиб, оёғингизга салаған кийиб олинг, хотинингизни умумий палатага ўтказамиш.

– У яшайдими? – кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди.

– Биз қўлимиздан келганини қилдик.

– «Омад қалити» лотереяси оғиси қаерда, опа? – сўрадим унинг ортидан термулиб.

– «Омад қалити»ми? – Ҳамшира менга ўгирилди.

– Буни ким билмайди! Мана, қасалхона рўпарасидағи бино. Эрталаб тўққизда очилади.

Ҳа, эрталаб менга уч юз миллион сўм насиб этиши керак эди. Шумротда тонг қачон отганини билмайман. Алламаҳалда кўзим илинган эди, негадир сапчиб уйғониб кетдим. Йўлак охиридаги бўш хонага кириб, эшикка каравотни тираганча бурчакдаги стуллар устида уйқуга кетганимни, мендан бир неча хона нарида Дилҳаё ўлим билан олишиб ётганини, шу бугун миллионерга айланишимни бир-бир кўз олдимдан ўтказдим. Моматалоқ бўлган юзимни кўрган шифокорлар милиция чақирмаганига ва шу дамгача Олтибой aka бошлиқ қашқирлар тўдаси ахтариб келмаганига шукр қилдим. Бирдан юрагим сиқилиб, дунё торайиб қолди. Шундай тор дунёда нега онамни кўрмаяпман? Пулни олиш фурсати келди, кетишим керак, бугун кетмасам тарс ёрилиб ўламан.

Бегона жойда уйғонганингда негадир деразадан қарагинг келади. Сен барибир табиат билан яшайсан. Она табиатнинг қаерида эканман дейсан. Бетонлару темирлар, асфальтлару пишиқ фишлар қо-

Азамат ҚОРЖОВОВ

ришиб кетган, тутунлардан ўпка касалга йўлиққан заҳил шаҳар ҳам аслида табиатнинг қайсиdir жойи. Ҳеч қурмаса кўча ёқалаб кетган яккам-дуккам дарахтлар панасидан, мовий осмондан, лип этиб учиб ўтган қуш соясидан сенга мўралаётгандай туюлади.

Шумрот осмони тип-тиниқ эди. Қорлар титилиб кетган, ҳадемай улардан асар қолмайдигандек. Мен дунёга, дунё менга боқди. Чуқур тин олдим. Хийла вақтдирки бундай тин олмаган эдим. Кейин каравотни шошиб четга сурдим-да, йўлакка чиқдим. Янги ҳамшира анграйиб қаради. Дилҳаёни икки кишилик палатага ўтказишган, у мен билан хаёлан жилмайиб сўзлашаётгандек бўшлиққа қараб пичирларди. Қаршиисида узоқ туриб қолгандек бўлдим.

- Зафар ака, — деди ниҳоят.
- Тузукмисиз? Одамни қўрқитиб юбордингиз. Мазангиз бўлмаётганини айтишингиз керак эди.
- Биз Шумротга қандай келиб қолдик? — қошлари бир-бирига эгилди.
- Шумрот бизга келди, — дея лотерея чипталарини кўрсатдим. — Ютуқни расмийлаштирадиган офис шу касалхонанинг рўпарасида экан. Яхши-я?
- Албатта... Пулингизни эсон-омон олволинг.
- Худо хоҳласа, ўн миллионини нақд оламан, қолгани ҳисоб рақамимда турди, қолганини ўзимиздаги банкдан секин-аста олаверамиз. Барibir бирдан беролмаса керак.
- Тўғри, уларнинг сизга пули етмайди, бойвачча.
- Дўхтирлар нима деди? Қани ўзи улар?
- Боя кириб чиқиши. Менга ростини айтармиди? Юрагим чатоқ, Зафар ака, кўп яшамасам керак. Олдинроқ айтмаганимнинг ҳам сабаби шу... Буни у ёқда... уйга бориб олганда айтмоқчийдим...
- Оббо, ҳозир йиғлаб ҳам берарсиз. — Каравот қирғоғига ўтириб, парининг қўлидан тутдим. — Совуқ

Бозор ошхонасидағи қиз

сүзлар фақат лугатларда яшаши керак, биз мұхаббатдан, фақат ва фақат илиқ гаплардан гаплашамиз. Чунки... энди фожиа бўлмайди.

- Муштлашиш ҳам... — деди қиз юзимни силаб.
- Лекин тўй бўлади.
- Юраксиз қандай тўй қиласиз? — кўксига нуқиб хўрсинди у.
- Юраксиз ҳар йили юзлаб тўйлар бўлади, Дилҳаё. Бизники юрак билан, ичи мұхаббатга тўла юрак билан бўлади... Бу сизга кинолардаги гап эмас!

Дўхтирлар иккимизни эр-хотин деб ўйлаётганди. Ҳақиқатан эр-хотинларга ўхшатдим ўзимизни. Икки жинс вакилини ё никоҳ, ё мұхаббат шунчалар яқин қилиши мумкин эди бу ерларда. Мен энди никоҳ ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлаётгандим. Мұхаббатни ўйламаса ҳам яшайверади. Унинг тери, суюк, гўшт ва қондан иборат вужуд билан иши йўқ.

- Лотереяларни қандай олдингиз мендан? — сўради қиз.

Кўзларимни олиб қочдим. Бизга ҳавас билан қараб ётган иккинчи беморга кўзим тушди. У билан сўрашган бўлдим. Кеча Ироқли касалхонасида уч эркакнинг (гарчи улар шифокор бўлса ҳам) кўзи олдиди чойшабни кўтариб севгилимнинг кўксини очиб юборгандим. Бу — кўнглимни хижил қилиш билан бирга нафрат итларини уйғотиб юборганди.

Бемор аёл билан сўрашган бўлдим. У ҳам менга нимадир деди. Туркманчами, хоразм шевасими, англайлмадим. Кулимсираб бош силкидим. Бироннинг гапини тушунмасдан маъқуллаш биз томонларда кўп учрайдиган ҳодиса эди.

- Нега куляпсиз? — чимчилади Дилҳаё.
- Нега... кулмай?..
- Тез орада гўрга кираман, деяпти ахир.
- Нима?

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Ҳеч нима. — Дилҳаё яна енгил чимчилади.

Роппа-роса тўққизда касалхона биносидан чиқдим. Олтибой ака шифохонада эканлигимни хаёлининг жинкўчасигаям келтирмаганига ишонардим. Агар рост бўлса, бу — етарлича имконият эди менга. Кўчага аланглаб, шубҳали бирон кимсани кўрмадим. «Омад қалити» лотереяси оғиси томон илдам қадамлар билан боравердим. Оғзи куйган қатиқниям пуфлаб ичади, деб шунга айтишса керак-да. Лом олволмаганимни қаранг.

Охирги ва энг қақшатқич жанг шу ерда бўлишини туш кўрибманми. Эндиғина оғис зинасига қадам қўйгандим қай гўрдандир ванфиллаб оқ, аммо балчиқдан қорайиб кетган эски «Жигули» келиб қолди. Бир ёмонликни сезиб, ўгирилиб қарадим. Худо паноҳ берсин, ичкарида тўртта башара кўринди, тўртовининг ҳам нигоҳи менда эди. Ўтиб кетади деган илинж ҳам бор эди, афсуски, тормознинг фийқилашини эшитдим. Эшикларнинг баравар очилиши, ниқобли кимсаларнинг чопиб тушиши...

Биринчи етиб келгани анча елкадор қотма кимса эди. Урмоқчи эмасди, қўлларини чўзганига қараганда ёқамдан даст кўтариб машинага босмоқчи эди. Мен ҳам қўл чўзиб, билагидан ушлаб олдим. Қорнига бир тепиб машинага қапиштириб қўядиган кучим йўқ, фурсатни бой бермай тиззасидан пастга, нақ суюгининг қиррасига (ахир бунақаларнинг оёғи гўштдор бўлмайди) келиштириб тепдим. Спорт залларида тайёрланиб юрган каратэсидан кўра кўчада муштлашиб юрган йигит яхши олишади, деб эшитгандим. Бу гапни ким айтган бўлсаям ҳозир рост чиқди: босқинчи худди оёғидан ўқ егандек додлаганча йиқилди. Иккинчиси бир юлқишда эгнимдаги курт-кани бурдалаб ташлаши ёки мен курткамнинг ичидан учиб чиқиб кетишим керак эди. Бироқ рақи-

бимдан омад очиқчасига юз ўғирди: чангали панд беріб орқага силтаниб тушди ва менга бақрайиб қаради. Бу вақтда учинчиси бүйнімдан маҳкам құчоқлашга улгурған эди. Боксда бундай вазиятта ё ёнлама, ё белдан юқорисига ички зарба берилади. Ҳозир мен рингда эмасман, қолаверса, умримда бокс қоидаларидан таълим-паълим олмаганман. Шу боис бор кучим билан белдан пастга түртта зарба қўйдим. У анча гавдали, салобатли нусха эди, лекин нозик жойига тушган муштларга бардош беролмади. Қаршимда түртинчи киши, агар башарасидаги ниқоби панд бермаса, нақ Олтибой аканинг ўзи эди. Тўкила бошлаган патак соchlарини яхши эслаб қолганман. Ниқобини юлқиб отиб юбордим (у пайтда лаънати бир мушт туширди) Яна денг ёш йигитдек мушт ёғдириб бостириб келишини! Чекина-чекина мен ҳам юзига сола бошладим. Ёшми, қарими, муштлашиб юрмаган бўлса бурнидан шовиллаб қон келганда дарров жангни бас қилади. Гўё «тўхтаб тур, бурним қонади» демоқчидай. Бундан шиддатли жангда, боз устига ҳаёт-мамот курашида, қайси аҳмоқ бировнинг сассиқ бурнининг фамини ейди? Бурнини ушлаб энгашиб қолган жойида етиб олдим-да, патак сочига чангол солиб, тиззамнинг кўзи билан башарасига зарба бердим. Ҳар зарбада Дилҳаёнинг омадсиз падари гириңг этмас, лекин чайқалиб-чайқалиб кетарди.

Учтадан кўп тепмаслик керак экан, вақт йўқотдим. Курткамдан ушлаб ололмаган барзанги етиб келди. Биқинимдан ўхшатиб тепди ит ўғли. Лоф бўлмасин, кўчанинг ўртасига учиб тушдим. Бошим ерга гурсиллаб урилди. Шукр, ҳұшимдан кетмадим. Икковимиз у ёқдан-бу ёққа думалаб ёқалаша бошладик. Уни каттакон итга, мени олд-орқа оёғи билан бифиллаб қаршилик кўрсатаётган мушукка ўхшатиш мумкин эди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Уни тепиб, ўзимдан нари қилдим. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, мана, ёлғиз ўзим тўрт кишига қарши чиқяпман. Ниҳоят, уриша-уриша яна «Жигули»нинг ёнига келиб қолдик. Биқиним ачишар, юзим ловиллар, қўлларимнинг қизилга бўялганига қараганда менинг ҳам қоним тўкила бошлаганди.

Биз энди оғизга ҳам кўп эрк берардик. Шунаقا сўкинардикки, буларни бошқа вақт тўқиб чиқариб бўлмасди.

Суришиб-суришиб ахийри машина эшигига тақашди. Бирваракайига тепкилашиб, ичкарига киргизишиди. Орқа ўриндиқча узаласига ётиб қолдим. Шунда ҳам таслим бўлмасдан мардона олишдим.

Машина аллақаёққа шиддат билан жўнаб қолди.

— Лотереяларни олсанг-чи тезроқ! — бўкирди Олтибой ака.

— Тополмаяпман!.. Вўҳ, ҳароми! Кўзни единг!.. — фингшиди барзанги. — Пичоқ қани? Мошиннинг ичидаги сўяман! Чўлга боргунча сабрим чидамайди...

Бири кучи борича чираниб бошимни пастга, машина полига босар, аъзои баданимга тинимсиз мушт ёғиларди. Томофим йиртилгудай бақирадим, чиранардим, энг шалоқ сўзлар билан сўкинардим. Охири биттаси устимга чиқиб олди. Белим синиб кетаёзгани етмагандай қўлимни қайириб, суякларимни ошиғидан синдириб ташлашга ҳаракат қилдилар. Булар даҳшатли азоблар эди. Умуртқанг, қўлинг синиб боряпти, оғриқдан доддляйпсан, лекин улар эшишишмаяпти.

Кўз олдим қоронfilaшди, ўлдим деб ўйладим. Типирчилашга, тўлғонишга ортиқча жой қолмаган эди. Дилҳаёнинг касалхонада эканлигини айтиш, вазиятни бир оз юмшатиш, ҳеч бўлмаса, уларнинг оёғи остига думалаб, жон сақлаш — биронтаси имконсиз эди. Бир оздан сўнг нима деяётганларини ҳам англа-

май қолдим. Құлимни қайириш, елкамга тизза бо-сиш давом этарди. Рангим қора-қизил туңда бүғриқиб чиққанини, бүйин томирим ёрилгудай бүртганини, күзларим қисилиб, киртайганини, олайганини та-саввур қилдим. Ишонасизми, шу пайт қулоғимга онам шивирлагандай түюлди: «Бир оз чида, ўғлим!.. Ол анави бутилкани!.. Шундан ароқ ичишган!.. Энди қонини и chir!..»

Чап қўлимни тагимдан халос этдим. Сўнгги кучими-ни ишга солиб, бутилкани ўриндиқ ёнидаги темирга уриб синдиридим ва барзангининг оёғига урдим, урган-даям юқорилатиб урдим, тойдириб-тойдириб урдим. У эса жон ҳолатда қўлимни елкам оша бошим томон кўтарди. Қарсиллаб синиб кетмаганига ҳайронман. Оёғим сал бўшади ва уларни тепкилаб-тепкилаб бур-чакка ўтиб олдим. Улар атиги яrim қадам нарида ҳез-ланиб ўтиришарди. Бирданига мушт ва тепки ёғдириб, ўлдириб қўя қолиши ҳеч гап эмасди. Ҳеч нарсага қара-май синиқ бутилкани силтай бошлаганим иш берди. Ҳар ҳолда бир оз танаффус қилиб олдим.

Машина ванғиллаб, лўқиллаб ҳамон шошарди. Яна ҳужум қилдилар. Қўлимни қайириб синиқ бу-тилкани тортиб олмасларидан эшикни тепдим. Ланг очилиб кетиши симёқоч ёнидан ўтаётганимизга тўғ-ри келди ва тарақлаган овоз эшишилди, ойна синифи менинг ҳам юзимга ёғилди. Ҳайдовчи довдираб қол-ди шекилли, ўнқир-чўнқир жойда бир-икки ҳавога сапчиб, ахийри тўхтади. Эшикка суюниб олиб, бири билан қўл қайиришардик, бошқаси эса бошимга мушт соларди.

Эшик очилиб кетди. Ёмон бир тепки едим, маши-надан учиб чиқиб, умбалоқ ошиб тушдим. Дарров оёққа турдим. Қулоғим тагига аччиқ-аччиқ аёвсиз зарбалар урилди. У ҳам қуруқ қолмади: қўлини ке-сиб олди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

Олд ўриндиқда ўтирганлар ҳали етарлича талафот кўрмаган эдилар. Пичоқ ҳам топила қолди уларга. Қоча бошладим. Чордеворга тақаб қўйилган ташландиқ темир растага дуч келдим, шарт ортига ўтиб олдим. Бу кичиккина истеҳком эди.

Ҳаммалари тўхташди. Мени орқа ўриндиққа босгандарнинг шимлари қондан ивиб қолган эди.

— Бугун ўлишинг аниқ! — деди Олтибой ака.

— Ҳақиқий башарангизни олдинроқ кўрсатсангиз бўлмайдими?! — ҳансирадим мен.

— Қизим қани?

— Сизга лотереялар керакми, қизингизми?.. Итдан баттар экансиз!

— Лотереяларни бер, кетавер.

— Йўқ... бермайман... Дилҳаёни гаплашиб қўйибман...

— Псих!.. Ҳароми... Нима деяпсан?

— Врачларга гаплашиб қўйдим, у реанимацияда эди... юрак... юрак кетган... Сиз икки дунёда ҳам уни даволатмайсиз.

— Нималарни валдираяпсан? Соғмисан ё...

Оёғи кесилгани алам қилиб чидолмаётган барзанги устимга ўзини отди. Аҳмоқнинг юзига уришга мажбур бўлдим. Қон шовиллаб эмас, лаҳтак-лаҳтак бўлиб оққанини кўрдим.

Биттасидан қутулдим, қўлимда эса қора қонга ботган синиқ бутилка. Улар бирдан ташланишди, зўрға чап бериб, сал наридаги кўча эшикка чопиб бордим-да, тақалиб қолдим. Итардим — очилмади. Бахтимга қўшни уйнинг эшигидан бир эркак чиқиб келди, бизни кўриб ранги без бўлганча ҳайкалдай қотди-қолди. Унга қараб югурдим, чалмоқчи бўлганларнинг оёқ учи товонимни ялаб ўтар, пичоқ курткамни тилар, ажал бир қарич ортда ваҳшат солиб қуварди.

Етдим деганларида ўзимни эшикка отдим. Ҳовлида жонимга оро кирадиган одамлар учрашидан умид қилгандым, аттанг, түрт-беш ёшлардаги қизалоқ бор экан, холос. Бечора мени күриб чинқириб юборди. Уйдан паноҳ тополмаслигимни сездим. Эски «Запорожец» машинаси томига сакраб чиқиб олдим-да, ундан қўшнининг деворига ёпишдим. Эҳ, хароб шаҳар! Девордан чириган катак устига сакраб, бир уюм вайрона ичидა қолдим. Қувиб келувчилар бир неча сониядан сўнг абжағимни чиқариб юбормасликлари учун ўлганимнинг кунидан оёққа турдим. Уч-тўрт қадам чопмасимдан қароқчилар ҳам гурс-гурс сакраб тушишди. Йўлак четидаги арматурани тортдим, аммо уни ердан суфуриб бўлмас эди. Қайтанга мувозанатни йўқотиб, устини қор босган жўяклар оралаб гандираклаганча улоқиб кета бошладим. Тақдир мени ҳаммом эшигига рўпара қилиб қўйганди. Ҳаммомга бир амаллаб киришга, эшикни ёпишга улгурдим. Олтибой ака кимгадир баланд овозда тушунтириди:

— Бу бола ифлос бир ўғривачча! Мелисага телефон қилманг, ўзимиз гаплашиб қўямиз! Ўлдирмаймиз! Ҳеч кимга гап тегмайди!

Ҳаммомдаги тоғорадан буғ кўтарилади. Ёнига газета тўшалган, унда суви сиқиб ташланган кирлар буралиб-буралиб ётибди. Ҳаммом анча йилдан бери ишламаётгани, бека учун кирхона вазифасини ўтаётгани шундоққина маълум эди. Кўнглим сонсаноқсиз қурол-яроғни сезди, буғхона эшигини очдим ва... ва иккита бел, учта курак, лом, занжир, уч хил болта, паншаха, ўроқ... Хоҳлаганимча олишим мумкин эди.

Чап қўлимга ўроқ олдим, ўнгида ихчам болта. Ҳаммом олдида эса улар кутарди.

— Ўҳ-ҳӯ, одам ўлдирмоқчимисан? — Олтибой ака

Азамат ҚОРЖОВОВ

бир қадам чекинди. — Бунақада ютуқ нима бўлади? Бу ерларнинг қамоқхоналарида аҳвол жуда ёмон, оғайни.

- Сиздан сўрамайман! Қани, жўнанглар!
- Эшагингни сур, демоқчимисан? Лотереяларимни бер, орамиз очиқ бўлади, тирик кетасан.
- Тупурган тупугингизни бунча яладингиз! Одамда қумурсқанинг думбасичалик эркаклик фурури бўлмаса қийин экан.
- Ҳа, баракалла! Уч юз миллион учун хотинга айланиб қолишгаям тайёрман. Кўнглинг жойига тушдими? Бўл! — Қўлини чўзди у.
- Лотереялар менинг пулимга келган.
- Сенинг? Кулгимни қистатма, бола! Наҳотки, ўзингни ўгри деб ҳисобласанг?! Ахир, лотереялар ўғирилик пулларга сотиб олинган.
- Айтганингиздай бир оз қамоқда ўтирас эканман, — дея болтани қулайроқ ушладим. — Афсус, Дилҳаёга қийин бўлди! Хайф сиздай ота!

Бири хода топиб келди, бироқ хода билан жанг қилиш нокулай эканлигини унинг ўзиям тушунди. Бир-биrimизга ташландик. Чап бердим ва қўлига болта солдим. Иккинчиси пишиқ фишт улоқтира бошлади. Кичикроқ бўлакларидан бири елкамга тегди. Ўроқ билан уришга шундай имконият келгандики, нақ қайирилмасигача ботириб юборардим, шайтонга ҳай бердим. Чаққон энгасиб оёғига болта урдим.

Олтибой ака миқ этмай туради. У ҳамма нарсасидан жудо бўлганини тушуниб етган, асаблари юз терисини тортиб-тортиб даҳшатли мағлубиятдан бонг уради. Пичофини жаҳл билан деворга улоқтириб, оёғи тагига туфлади.

— Сен ютдинг, — деди у. — Фақат лотереяда эмас, жангда ҳам. Кел, энди гаплашиб олайлик.

Болтани отиб юбордим, ҳар эҳтимолга қарши

ўроқни құлдан қүймай күчага шошилдим. Олтибой ака ортимдан әргашди.

— Бир дақиқа гапимга қулоқ сол, — деди жаҳл билан, — нега қочасан? Тұхта!

— Бир дақиқа тугул бир секунд ҳам вақтим йүқ сиз учун.

— Мелисага хабар берсам қамаласан. Оғир тан жароҳати етказдинг...

— Хабар беринг, ким сизни ушлаб турибди!

— Ёш бўлсанг ҳам ит экансан! — деди нима қиларини билмай депсиниб. — Ҳеч бўлмаса, қизим қаердалигини айтиб кет.

— Ҳозирча касалхонада. Мен уни Самарқандга олиб кетаман.

Олтибой ака қадамини тезлатди. Йўл бўйидаги ошхонада илк учратганимда оқсоқланишини сезгандим, ортимга қараб-қараб салкам чопиб борар эканман, оқсаши кучайиб, бир оёғини судраб боса бошлиди. Маҳалла ичидан чиқиб олдим. Касалхона ваофис кўринди.

— Тұхта, эй ноинсоф! — ахийри зорланди у. — Муҳим бир гап айтмоқчиман. Қулоқ солсанг-чи, тентак.

— Айтинг. Лекин гапларингиз менга муҳим эмас.

— Виждонан тан ол, менсиз лотереядан пул ютишинг мумкинмиди?

Ўроқни ташладим. Адашмасам менга энди қуроласлаҳа керак эмасди.

— Агар мени умуман учратмаганингда... — деди у.

— Лотерея ўйнаш хаёлимда йўқ эди, яrim қоп сотиб олишга келсак, билмадим, ютуқни олганимдан кейин ҳам бундай қилмасам керак. Лотереядан ютишга ҳеч қаҷон ишонмайман. Бирорвга ўйна деб маслаҳат ҳам бермайман...

Азамат ҚОРЖОВОВ

- Демак, пулларнинг ярми меники, — ютиниб қўйди у. — Берасан-а?
- Хўп, Дилҳаё учун қуруқ қўймайман. Тўрт-беш сўм дегандай.
- Ёшсан, бунчалик ичиқора бўлма. Менга пулнинг ярмини берасан, анавиларни йигиштириб кетаман, сени ортиқ ҳеч ким безовта қилмайди.
- Сиз энди шарт қўёлмайсиз, — дедим ва йўлимда давом этдим.
- Зафар! — чақирди у.
- Нима дейсиз?! Айтдим-ку қуруқ қўймайман деб!
- Дилҳаёга уйлан!
- Уйланаман.
- Уйлансанг, бахтли яшаб кетсанглар бир тийининг керакмас... — Назаримда у йифламоқчи бўларди.
- Буни пул ютмасингдан аввал айтганман, биласан-а?! Бойлик учун қизини тиқиширияпти дема!
- Қизини тиқиширганда бағрини очадиганлардан эмасман, Олтибой ака.
- Хўп-хўп, мард экансан, тан бердим... Аммо бу ерда отанг ҳам бор.
- Отам энди сизнинг қўлингиз етмайдиган жойда. У ортда қолиб кетди. Индамаётганига қараганда менга эмас, тақдирига тан берган эди.
- Зафар! — бақирди у. — Сенга раҳмат!.. Баракалла, ўғлим! Баракалла... Сендайлар бор экан, ҳаммаси яхши бўлади, яхши-и-и...
- Мен ҳам инсоф қилишим керак эди. Шартта ортимга қайтдим. Олтибой ака ҳақиқатан мажолсиз, афтодаҳол, ҳаттоқи қўзларида ёш билан мўлтиради. Устига шиддат билан бостириб бориб, қуличимни ёздим. У уради деб ўйламади, лекин урмаслигимга ҳам ишонмади. Нигоҳида ҳадик отли бечоралик ўйнарди.
- Виждонан айтадиган бўлсам, сизгаям раҳмат, — дедим ва қаттиқ қучиб олдим. — Пулларнинг ҳаммаси бир ўзимга кўплік қилади. Сизгаям бераман,

Бозор ошхонасидағи қиз

математикага, фанга қайтасиз, оила құрасиз, нева-
раларингизга муносиб бова бұласиз. Буни маслаҳат
ҳам, шарт ҳам ўриңда күрманд. Бу – тақдирнинг ме-
нинг оғзимдан гапирған гапи.

– Сен билан келишмай бўладими?! – кўз ёшини
артди у. – Соатингга қара, неча бўлди? Офисга ки-
риб, ютуқни тезроқ расмийлаштири. Мен... мен жи-
ноят кўчасидан чиқишидан аввал кўчани яхшилаб
супуриб кўяман... Сенга зарари тегмайдиган бўлсин.

Кучофимдан бўшатдим. Биз бир юртнинг ойдай
одамларига айланана бошлагандик. Бир қадам тисари-
либ, илжайдим.

– Олтибой ака, эсингиздами, чўлда ҳам соат ҳақи-
да гапиргандингиз.

– Соат сўрабмидим?

– Шопирга соатни баҳона қил дегандингиз. Мен-
да эса соат йўқ, мана. – Билагимни очдим. – Сиз
тажрибасиз ўғрисиз, худди олимлардек ҳардам-
хәёллик борлигини пайқаш қийин эмас.

– Соатинг билакда бўлмасаям, – жилмайиб қўй-
ди Олтибой ака, – каллангда бўлсин. Калланг тақ-
дир ипларичувалган бир калава. Қисматинг шундан
тўқилади.

Дилҳаёнинг аҳволини, қайси палатада эканлиги-
ни, уни даволатиш учун чет элга олиб бориш хусу-
сидаги режамни гапирганимда Олтибой ака узроҳ
жилмайди. Кейин бармоғини бигиз қилиб силтади.

– Уни сенга топширдим, болам... Ҳурматини
жойига қўйиб, келин қилиб ол. Барибир меникидан
узатиб кетолмайсан, у ёқдан... у ёқдан узат... Мен
тўйга бораман.

* * *

Бино пештоқига «Омад қалити» деб ёзиб қўйилган
эди. Чипталарга ёпишган қонни кеткизолмадим. Пас-
портим орасига жойлаштиридим-да, мармар оstonага

Азамат ҚОРЖОВОВ

«бисмилло» деб қадам қўйдим. Ташқи кўринишим ҳар қандай одамни чўчитиб юборарди. Бироқ ичкарида мутлақо кутилмаган манзара намоён бўлди. Чўғдай гиламлардан поёндоз тўшалган, бу поёндоз тўрдаги ҳашаматли столга элтувчи тарихий йўлак эди. Умрбод эсимдан чиқмайди: ёши элликлардан ошган оқ сочли, тилла тишли, қизил юз киши жойидан туриб:

— Студентин! — деб хитоб қилди ва қарсак чалди.
— Браво! Браво, ўзбек!

— Ўзбекман, лекин студент эмасман, — дедим.

Яна бир киши, икки аёл шарафимга чапак чалиб бердилар.

— Кел, — имлади тўрдаги киши. — Ютуқли чипталар самарқандлик бир деҳқон боласида экан, агар оғисгача етиб келолса, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатган бўлади, деб кеча гаплашган эдик. Саргузаштларингнинг бир қисми бизга маълум. Ортингдан қувиб юрганлардан биттасини яхши таниймиз.

— Демак, билар экансизлар-да?

— Биламиз, боягина эшигимиз тагидан ўғирлаб кетганлариниям кўрдик.

— Милицияга хабар бериш йўқми сизларда?

Тилла тишли киши хохолаб кулди.

— Биз буларнинг бари рост эканлигини қонингга қараб билдик. Бўёқ эмас-а?

— Одамнинг томирида бўёқ оқишини ҳали кўрмаганман, — дегандим, ҳаммаси яна бараварига олқишлиашди.

Эшик очилиб, ҳовлиққанча бир одам кириб келди. Уни танидим. Ойнаи жаҳонда кўрганимни ҳисобга олмасак, умримда илк бор юзма-юз турарди. Бу одам «Омад қалити» ўйинининг телебошловчиси эди.

— Голиб бир киши дегандиларингиз, келдими? Ие... вўҳ!.. — У менга қараб кўзларини чақчайтирди.

— Нима қилди бунга? Дўхтир чақириш керакми дейман?

Тұрдаги киши бир құлниң күтариб уни тинчлантириди.

— Миллионер бўлиш қаҳрамонимизга арzonга тушмади. Ўзи ҳеч бир иш осон кечмайди-да.

— Наҳотки?! Голиб шу болами? Мен... мен бунга чидаёлмайман, ўртоқлар! — Кейин у сурбетларча қўшиб қўйди: — Албатта, хурсандлигимдан чидаёлмайман, хурсандлигимдан!

Алмойи-алжойи гап-сўзлардан, қучоқлаб табриклишлардан сўнг (бу худди маст одамнинг чинга ўхшаш сохта меҳри эди) ютуқли чипталар текширувга берилди. Мени кўрсатувнинг навбатдаги намойишига таклиф этишолмаслигини айтишди.

— Бундай кўринишда чиқолмайсиз, ука, — деди бошловчи, — худо ҳаққи, лотерея ишқибозларини ҳуркитиб юборасиз.

— Калтак еган киму қўрқанлар кимлар! — дедим жаҳлим чиқиб. — Тавба, бунинг устига телевизор орқали-я!

— Ҳа энди, телевидениянинг ҳам талаблари бор, — деди тұрдаги киши.

— Ана шунинг учун ҳам кўчаларингиздан тентаклар аrimайди, — деб ҳаммага бир-бир қараб чиқдим.

Улар мендек қаҳрамонга нимаям дейишарди. Ўрнимда бўлғанларида, эҳтимол, аллақачон ўлиб кетишармиди. Ё бор-будларидан мосуво бўлиб «лаънатилар пичноқ күтаришмаганида ҳеч вақо қилишолмасди» деб мақтанишармиди, ким билсин.

Навбатдаги келган киши машинани ютиб олган ғолиб эди. Миллионер мен эканлигимни билгач:

— Уч юз миллион ютиб олганимда мениям шундай калтаклашса розийдим, — деди.

Телебошловчи ҳазил қилди:

— Уч юз миллион учун уч юзта мушт ебди, оға!

Азамат ҚОРЖОВОВ

Сиз эса йигирма миллионлик нарса ютиб ўтирибсиз, келинг, йигирмата урайлик. Чидайсизми?

Машина ютган кимсанинг ранги оқарип кетгандек туюлди. Афтидан у ҳазил эканлигини билса-да, бундай мавзудаги гапларни күтаролмаслиги ошкор бўлди-қолди. Ҳа, юрагини олдириб қўйган бўлса керак.

Ҳолдан тойиб бораётганимни сезиб, стул қидирдим. Шу пайт бошқа бир киши пайдо бўлиб бир четга етаклади.

— Гап бундай, — деди у. — Сиз бу ерлик эмассиз, биласиз-а?..

— Билсам керак.

— Шунинг учун баъзи тўловлар бор, — мийифида кулиб қўйди у, — хайриялардан ташқари албатта.

— Хайрияларга қанча кетади? Тўловларга-чи?

— Денгиздан томчи, ука, денгиздан томчи.

Асабим миямни эговлаб-эговлаб ўйнарди. Кўнглим торайиб борар, ториқишдан ўлиб қолмасам эди, деб ташвишга тушишгача бораётгандим.

— Ака, — дедим фижиниб, — денгиздан томчи эмас, мендан бир тупук, ҳаммага сачрайдиган бир тупук, шунда қутуламанми?

— Ундай деманг, ука, мен ўз вақтида ҳокимиятда ишлаганман.

— Ҳожатхонасидами?

Бу дунёда эркаклар кўп, лекин юраклилар камайиб кетди, дейилганди бир шеърда. У ранги бўзаридан энди нари кетмоқчи эди, сўрадим:

— Кўлимга қанча оламан ўзи? Ярими тегадими ишқилиб?

— Мен... ҳаммасини олиб беришим мумкин, — ширвирлади у. — Фақат келишишимиз керак.

— Келишолмайдиган одамман, — дея юзимга ишора қилдим.

Шундай қилиб, чипталарнинг ҳақиқий эканлиги

исботлангач (лекин бу одамлар ҳалитдан менга муте бўлиб қолишиди), камида йигирмата жойга хайрия қилиб, турли тўловларим билан сахий деб ном чиқариб, кейин уйга жўнаб кетишими мумкин экан. Милицияни аралаштирумай, иложи борича ими-жимида қўлимга пул берадиган чапани одамларни эслатарди-ю аммо ҳечам ўхшамасдилар. Ҳаммаларини бир мисқол бўлсаям қандайдир қонун бирлаштириб турарди. Агар шу қонун бирдан кучдан қолсами, эҳ-ҳе, пул сўраб ялингани қайси, бир неча ўн миллионими кўзини лўқ қилиб еб юборгани қайси! Аврашга тушиб кетишлари-чи? Санаб саноғига етолмайсан.

Уларнинг бир таниш шифокори мени ғалвасиз даволайдиган бўлди. Албатта, мўмайгина даромад эвазига. Меҳмонхона билан ҳам таъминландим. Манзилимни сир тутишга ваъда беришларининг ўзи барибир инсоф сақланиб қолганидан далолат эди.

Биринчи бор ҳузур қилиб ухладим. Дунёда эса «Омад қалити» деган лото ўйини давом этар, бўшаб қолган халтасини яна тўлдиришга киришиб кетганди. Кимгадир саховат бўлиб кўринар, илло бу ҳеч қанақа саховат эмасди. Мен ҳам, лотереяни ташкил қилган раҳбарлар ҳам мисли кўрилмаган даражадаги сахийликдан йироқ кишилар эдик. Гўё қиморда кутилмаганда катта дов кўтарғанману атрофимдагилар ялтоқланишяпти. Имзо чекворишим мумкин: етимхонага беш миллион, шаҳар ободончилигига ўн миллион, саксовулларни сақлаб қолишга йигирма беш миллион...

Дарвоқе, Ироқлиниң ҳам, Шумротниң ҳам атрофи чўл. Шунинг учун саксовул ҳаводай зарур. Бироқ менинг атрофимдаги яқин кишиларим-чи? Улар битта саксовулга арзимайдими? Онамниң оёққа туришига неча миллион сўм керак бўларкан? Отамниң қамоқдан чиқишига-чи? Уйланишим (ўн беш миллион...

лион), алоҳида уй-жой (қирқ миллион), машина (йигирма миллион), бизнесимнинг бошланишига (ўтиз миллион)... Мана сизга бахтнинг ҳисоб-китоби, меъёри, нархи, қўполроқ айтганда, башараси. Бахтнинг сувратини чизишдан аввал шу сувратга етадиган бўёқ сотиб олиниши керак-ку ахир. Бахтнинг пулга тақаладиган масаласи ҳам шу эди ва айнан шу масаладаги муаммолар гирдобига тушиб қолгандим.

Кулгим қистайди. Беш юз минг сўмлик «стенка» учун опамнинг оиласи бузилиш арафасида. Агар саксовулларни қутқариб қолиш жаннатмакон самарқандлик боланинг, яъни каминанинг чекига тушмай қолса, элликта «стенка» олишим мумкин. Агар опамдай яна қирқ тўққизта келинни топсам, шунча оилани сақлаб қоламан. Саксовулларга келсак, мошин-мошин ўтин пуллайдиган олғирлар инсофга келиши лозим. Қайсиdir бозор ошхонасида еган сомсангиз учун тўлаган пулингиз (агар сомса саксовул ўтинига пишган бўлса), қаердадир бир оиланинг бузилиб кетишига хизмат қилганини билсангиз қандай аҳволга тушаркинсиз, дегим келди. Бироқ демаганим маъқул, чунки бугун тўйиб ухлашим керак, сафсата сотишни бекорчиларга чиқарган.

* * *

Эрталаб жароҳатларим лўқиллаб оғрий бошлади. Биринчи галда Дилҳаёдан хабар олмасдан кўнглимга таскин беролмайман. Юрак касалликлари шифохонасига кириб борганимда, мени дарров танишди. Даволовчи врачнинг ўзи хушмуомалалик ила кабинетига таклиф этди. Пул сўрашини кутгандим, йўқ, лотереядан ютганимни эшитмаган чоғи, ақча масаласида миқ этмади.

— Яшаб кетиши ҳеч кимга боғлиқ эмас, — деди гапи охирида.

Бозор ошхонасидағи қиз

— Нега?.. Уни Москвага олиб бормоқчиман-ку.
— Москва... Менимча, бу фикр ўзингизники эмас, кимдандир эшигансиз. Балки бошқа бир касалликка чалингандарни олиб боришгандир, лекин бу қизни... у юрак бўйича... Мутахассислар ўзимиздаям бор. Сиз Парижда қайнатилган шўрвадан келтириб ичмоқчи бўляпсиз, холос.

— Ҳа... майли... Энди очигини айтинг, у қанча яшайди?

— Кўп эмас... Болангиз борми?

— Бизнингми?.. Ҳали тўйимиз ҳам бўлган эмас, яқинда танишганман, бозор ошхонасида.

Назаримда шифокор енгил тортгандай бўлди.

— Ука, баҳт топилади, — деди худди кечаги хаёлларимни ўқиб олгандай.

— Хотин ўлса ўрнига бошқа хотин топилади, баҳт ўлса-чи? Топилмайди, ака, топилмайди.

— Қўйинг бунақа гапларни, ҳали ёшсиз...

— Чет элга олиб бориб даволатишга ишонгандим, — дедим хўрсишиб.

— Агар шундай бўлганида, пулингиз етармиди? — ишонқирамай сўради шифокор.

Ўрнимдан турдим. Хонадан отилиб чиқиб кетгим, Дилҳаёнинг руҳсорига то ўлгунича тикилиб ўтиргим келарди. Бироқ ўзимни бундай тутиш шифокорнинг «ҳали ёшсиз» деган гапини тасдиқлашдан бошқа нарсага хизмат қилмасди.

— Бойман, ишонмайсиз-а?! Мана, лотереяларимни қабул қилиб олишгани ҳақидаги ҳужжат! Менинг энди уч юз миллионим бор. Бироқ борган сайин баҳтдан узоқлашиб боряпман. Ҳеч ким ёрдам беролмаяпти, сиз ҳам! Агар мен врач бўлганимда...

Шифокор кўзимга синовчан боқиб, ғалати жилмайди. Бирдан тилимни тишладим. У билан бир дақиқа ҳам гаплашгим келмай қолди.

Азамат ҚОРЖОВОВ

— Агар ўрнингизда бўлганимда, ука, — гапни илиб кетди у, — шу қизга уйланардим. Рости!

— Уйланмайман демаяпман-ку. Даволатишни ўйляяпман. Бир ойдан кейин ўлади дейишсаям барibir уйланаман.

Шифокор ўрнидан туриб мени қучоқлади.

— Табриклайман, — деб қўлимни қисди, — ютуқ билан ҳам, тўй билан ҳам!

— Тезроқ жавоб берсангиз...

— Жавоб берамиз, нега жавоб бермас эканмиз. Йўлда янада авайлайсиз, юртга борганда врачга кўрсатасиз. Кейин тўй... Мен рухсат бераман.

Ана шундан сўнг барибир пул сўради:

— Ютуқни олганингизда кириб ўтарсиз. Бу ерга эмас, бир манзилни айтаман. Зўр ўтирамиз. Очиги, баъзи планларимни амалга оширишим учун оз-моз етмаяпти...

— Йўқ, — дедим унга тик қараб, — ютуқни расмийлаштирганим заҳоти бу ерлардан чизиб юбораман, яшин тезлигида.

Шифокор ўпкасига нимадир тиқилгандай бир лаҳза бўзариб қолди. Ҳарҳолда ўзини мажбурлаб бўлсада, кулимсиради.

— Пул бермаган бўлсам айтинг, — дедим хонадан чиқаётиб. — Сўнгги чақаларимни, картошкадан тушган пулларни сарфладим. Сиз айтолосизми, даволамаган бўлсам айт, деб?

— Худонинг қўлида, ука.

— Шунинг учун ҳам! — дедим-да, эшикни ёпдим.

Ўпкаласаям ўзидан ўпкалади, Дилҳаёга рухсат бериб қўйгани учун. Мен эса душманларим кўпаймасидан шошилишим зарур эди. Қишлоғимдаям анча-мунчаси кутяпти, қанчасига чап беришим керак ҳали.

Бозор ошхонасидағи қиз

Дилҳаё бинойидай ўтиарди, мени қўриб синик жилмайди.

— Ҳаммасини эшитдим, — деди у, — дадам келиб кетдилар... Айтадиганимни айтдим... Биласизми, Зифар ака, биз... мен, дадам, аям — худо урган бандалармиз...

— Нега ундей дейсиз?

— Ота бўлиб ота эмас, қайнота бўлиб қайнотамас... Тинчгина тушунтиrsa бўларди-ку. Барибир энди пул бермайсиз, тўғрими?

— Йўқ, бераман. Ҳаётингизни изига туширсангиз бераман, деганим рост.

— Ўзингиз биласиз. Врачлар неча кун ётишимни айтишдими?

— Эрта-индин ишим битса, Самарқандга қайтамиз, врачингиз розилигини айтди. Фақат у ёқда бир оз ётасиз. Балки тўйгача...

Дилҳаёning юзига қизиллик югурди. Бу қизилликда уялишдан кўра саломатлик нақшини қўриб ичимдан севиндим.

Шу куни қишлоқقا сим қоқиш насиб этди. Тижоратчи ҳамқишлоғимиз гўшакни кўтарди.

— Нурим аканинг ўғли Зафарман, Шумротдан телефон қиляпман, — дедим. — Маҳмуд акага айтиб қўясизми, тоғамларга хабар берсин, мен лотереядан ютдим, Шумротга келишлари керак, жуда тез, шошилинч.

— Лотереянгни қўя тур, — ишонмади гапимга, — отангга нима бўлди? Эшитишимизча, Нурим мелисага тушганмиш, чинданми?

— Ҳа, шунаقا бўп қолди.

— Наша биланми?

— Билар экансиз-ку, ака, сўраб нима қиласиз?!
Маҳмуд акага айтиб қўясиз-а? Йлтимос.

— Айтаман. Лекин лотереядан ютдим деганингга

Азамат ҚОРЖОВОВ

мелиса ишонади дейсанми? Мирзаматни ушлаши, пулларим ун савдосидан тушган, деганди, қулоқ солмади. Испот-далил бор экан, нимаям қилоларди.

— Уч юз миллион ютибди, деб айтиб қўйинг, хўпми?

— Уч юз миллион? Қулоққа лағмон илма, ҳозир шунча пулинг борми?

— Сал камроқ.

Тижоратчи ҳамқишлоқ кулди.

— Майли, айтаман, — деди у. — Жонинг соғ бўлсин, ука, ҳе-ҳе-ҳе...

Мен манзилни тушунтирдим. Учинчи куни Дилҳаёй иккимиз касалхона ҳовлисида сайд қилиб юрганимизда, таниш одамларга кўзим тушиб қотиб қолдим. Катта тоғам, Маҳмуд ака, Эшмирза тоғам, орқада атрофга аланглаб поччам ҳам келарди. Булас менинг тирик ватаним эди.

Қучоқлашиб кўришдик. Ҳаммалари афт-ангоримни кўриб фалати бўлиб қолишибди, мунгайганча ҳол-аҳвол сўрашишибди. Сени шу кўйга согланларнинг олдида ожизмиз, деяётгандай туюларди. Мен эса улар тўрт киши бўлиб ташланишганини, тўртовини ҳам майиб қилганимни, шунга яраша мушт ҳам еганимни айтиб, бу аҳамиятсиз воқеа дегандек кўл силтаб қўйдим.

— Бу ерларда «Омад калити» деган лотерея ўйналаркан, ҳар ҳафта, — дея Дилҳаё томонга нигоҳ ташладим. — Жекпотни анча вақтдан бери ҳеч ким ютмаган экан, уч юз миллионга етгач, бизга чиқиб қолди.

— Табриклаймиз, табриклаймиз, — улар тўтиқушдай бир сўзни такрорлаб қўл қисиб қутлашди.

— Равшан ҳам Мирзаматдан кейин қамалди, — деди Маҳмуд ака. — Отангни йўлдан урган шулар. Худо жазосини берсин энди.

— Отанг ҳозир қаерда? — сўради катта тоғам.

- Ироқлида эди.
- У ерда «КПЗ» бор, турма Шумротда, — тушунтириди Маҳмуд ака. — Шу ердаги бошқармага учрашамиз. — Сүнг бирдан картошкаларни эслаб қолди.
- Анавиларни бердими ё борганинг йўқми?
- Бош чайқадим. Шу пайт Дилҳаё қор оқариб кўринаётган ўриндиқ четига ҳорғин чўқди.
- Мен ҳозир... — дея унинг ёнига шошилдим.
- Ичкарига кирасизми? — сўрадим хавотир билан.
- Анча юриб қўйдик, чарчаб қолманг. Балки бугун тушдан сўнг жўнаб кетармиз.

Дилҳаё мендан мамнун эди. Муҳаббат учунми, яқинларининг ёнига қайтариб кетаётганим учунми, билмайман.

Маҳмуд ака устимизга келди. Қиз салом берган эди, қуюқ алик олди ва:

- Ўзимизнинг таниш-ку, — деди менга им қоқиб.
- Унга уйланмоқчиман, — дедим Маҳмуд акани четга тортиб (Дилҳаё ҳаяжонлана бошлаганини кўриб турадим, юрагига оғирлик қилиши ташвиш туғдирган эди).
- Э... ўзинг биласан. Мен учун сенинг баҳтли бўлганинг муҳим, Зафарбой.

Биз яна қучоқлашдик. Шундан кейин барчаси менинг режам бўйича юз берди. Дилҳаёни палатасига олиб кирдим, қариндошлар билан лотерея оғисига бордик, чипталар ҳақиқий эканлиги тасдиқланган, ғолиб мен эканлигимга шак-шубҳа қолмаган эди. Банклар мамлакати Швейцариянинг аллақандай ишбилармони таржимон ёрдамида менга пулдан пулни туғдиришнинг энг замонавий ва ишончли йўлларини тушунтириб берди. Юз минг долларни у айтган жойга ўтказдик.

Лотерея ташкилотчилари бугун хафа кўринарди.

Үзларини кечагидан жиддий тутишаётгани учун шундай туюлгандир менга.

Ютуқ қирқ саккиз миллион беш юз олтмиш минг түрт юз ўн түққиз сүм камайгани маълум бўлганида бир туким ҳам қилт этмади. Хамир учидан патир – нима ҳам дердим. Бошқа вақт икки кило картошка учун тортишиб ўтирадим. Энди эса... қирқ саккиз миллионга ачинмаяпман. Ачинмас ҳам экансан.

Швейцария банкига қўйилган юз минг доллардан ташқари бир юзу түққиз миллиону яна алламбало сўмлар қолганини айтишгач, қўлимга ҳозир қанча бера олишларини сўрадим.

– Нақдми?

– Албатта, нақд, – дедим ва қарз сўраётгандаги ийманиш ҳиссини туйдим.

– Бугуннинг ўзида кассадан түққиз миллион олишингиз мумкин, – деди масъул шахс.

– Етади, қолганини Самарқанддаги банклар орқали оламан.

– Келишдик, дўстим.

Чиқиб кетаётганимизда оқ сочли, тилла тишли, қизил юз киши ўша кундагидек хитоб қилди:

– Студентин!

– Айтдим-ку сизга студент эмасман деб.

– Ўрганган кўнгил, – деди у. – Бир нарса сўрамоқчиман, қўрқманг, пул эмас, мен бадавлат одамман.

– Нима дейсиз?

– Иккита ютуқли чиптанинг ҳам эгаси ўзингиз.

Бу омадми ё...

– Сизлар уни омад деб атайсизлар, мен эса калит дейман. Чунки калитини топганман.

– «Омад калити» деб ўзларингиз ном қўйгансизлар-ку, – деди Эшмирза тоғам лаби-лунжини йифиштиrolмай. – Ҳаммаси чин бўлиб чиқди.

Отам билан учрашолмаслигимиз маълум бўлганидан сўнг Шумротдаги бир бойнинг микроавтобусини Урганчгача савдо қилдик. Урганчдан Самарқандга бир қадам, дедим мен. Поччамнинг кўзи олайиб кетди. Узундан-узоқ йўлда сил бўлаёзганди. Урганчнинг ўзидан икки миллионлик мебел олиб бермоқчиям бўлдим. Бироқ ўзимни босдим. Ҳаддан ташқари катта совға бериш ҳам тарбиясизлик белгиси эди.

Ҳали ҳеч ким чўлдаги шаҳардан бу қадар катта бойлик билан қайтмаган. Балки инсоният тарихининг донолари аллақайси асрдан мендек шоввозни топиб берар, лекин у айнан мендек эмас, мен эса ундеек.

Самарқандга кун ботиш томондан кириб келдик. Машина ҳар светофорда тўхтаганда (шаҳарда метро бўлмагани учун светофордан худо берган) Дилҳаёга тикилардим. Негаки, машина тўхташи билан тоғамлар атрофга кўпроқ диққат қилишар, жиян деб аталмиш янги бойнинг ҳадеб бўлажак келинга тикилишини пайқамай қолардилар. Келин эса йўл бўйи эркаклар орасида ўтиришдан чарчагани сезиларди. Бояқиши миқ этолмайди. Туғилиб ўсган шаҳрига ҳам худди тоғамларга қарагандай тортиниб кўз ташлайди.

Светофорларда тўхтаганимизда болаларнинг қувноқ овозлари ичкарига отилиб киради, пақилдоқлар ёрилади, яна кўплаб қордан ваъда берган булатли осмон шаҳар ичкарисидаги дарахтлару биноларга елка тираб сездирмай ҳордиқ чиқаради.

Светофорда тўхтаганимизда бошқа йўлдан келаётган қимматбаҳо машиналар шитоб-ла ўтиб кетади. Рулдаги киши эркакми, аёлми, менга бир нарсани эслатади: бойлигим ҳеч нима эмас, меникидан пули кўплар сон-мингта. Одамнинг одамдан устунлиги инсонийликда, муҳаббатда, баҳтда. Баҳт ҳеч қачон

Азамат ҚОРЖОВОВ

пулга сотилмаган. Пул билан фақат баҳтнинг сувратини чизиш мумкин. Ҳа, мен чизяпман, ўхшатиб чизяпман, ҳақиқийси-ку, деган ниятдан бир қадам ҳам четга чиққаним йўқ.

Машина олган куним Ироқлига жўнамоқчи бўлдим, аммо тоғамлар рухсат беришмади. Пул берган эдим, отамдан хабар олишга ўзлари кетдилар. Беш кундан сўнг қайтишди. Қамоқдан чиқариб олишнинг ҳеч иложи йўқ эмиш. Камида етти йилга кесилишини эшитиб, дунё кўзимга қоронги кўринди.

— Келгуси ҳафта тўйим, — дедим ерга қараб. — Отам қатнашолмас экан-да... Ҳа, майли, ноилож... Муҳими, соғ-омон бўлса бас.

— Келгуси ҳафта тўй? — қариндошлар бир-бирига қарашибди.

Катта тоғам босар-тусаримни билмай қолганимни эндиғина уқтираётган эди, шартта гапини кесдим:

— Тоға, отам қамоқда, энам касалхонада, мен тентак эса тўй тараддуидаман, шундайми? Шундай! Бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ! Тентак ҳам эмасман!

— Ким куляпти, жиян? — деди кичик тоғам. —Faқат бир оз кут, уйни ремонт қил, энангнинг операцияси ўтсин...

— Йўқ, унгача келин... унгача ўлиши мумкин.

— Нима? Келин ўлиши мумкин? Ўртада бирон иш бўлдими? — аммамнинг кўзлари ўйнаб кетди. — Вой шарманда! Акам бечора келиб-келиб кўчада орттирилган болани неварам деса...

— Гап унда эмас, амма! Қиз пок, виждонли, ҳаёли... У касал! Врачлар ўлади, деган! Шунга...

Гапимни эшитганлар бақрайиб қолишибди. Биз томонларда ўлими яқинлашган қизга уйланиш тугул бирон касалини эшитса тескари бурилиб кетишибди.

Бозор ошхонасидағи қиз

Бирдан бойиб кетганимни эшигтан не-не ота-оналар
куёв қилишмоқчи, қариндошларим не-не қизлар-
нинг рўйхатини тузиб ташлашлари мумкин.

Мен эса билганимдан қолмадим.

* * *

Дунёning қайсиdir нуқтасидағи бозорга бори-
шим ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборди. Мен энди
бошқа одамга айлангандим. Балки ўшанда ошхо-
нада Дилҳаёни учратмаганимда ҳозир эски ўзанидан
оқаётган саёз дарё бўлиб қолаверармидим.

Энг ёмони – бизга барибир баҳт насиб этмади.
Мени тўй куни ҳибс этишди. Бобош ва ўша семиз
хотин қўлга олингач, мени ҳам тортиб кетиш мақ-
садида қорадори савдоси билан шуғулланишимни
айтишибди. Отамни сўраб Олтибой аканинг ижара
уйига борганимда сумкамни Бобошга кўрсатмаган-
дим. Бу унга яхшигина далил бўла олганди.

Тўйим тўйдай ўтмади. Айбсиз эканлигим исбот-
ланиб, ҳафта ўтмай қамоқдан чиққанимда Дилҳаё
ҳувиллаган чимилдиқ ёнидаги тўшакда мени кутар-
ди. Келганимдан кейин уч соат ҳам яшамади.

Жанозада Олтибой акани кўргандек бўлдим, ле-
кин у фирт бегона бир ароқхўр дайдини кўпроқ эс-
латди.

Онам соғайиб кетди. Отамнинг судидан сўнг деди:

– Зафаржон, энди рўзгор сенинг бўйнингга. Мо-
шин билан у ёқдан бу ёққа зинғилламасдан уй қур,
келин туширмасак бўлмайди.

Эртасига бошқа бир мўлтони кампир онамни
йўқлаб келди ва менга ҳам фол очиб қўйди. Бу фол
аввалгиси билан бир хил эди. Қисқача қонли тари-
хим ҳозирча шу. Омон бўлинг!

Адабий-бадиий нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

**БОЗОР
ОШХОНАСИДАГИ
ҚИЗ**

Kissa

Мұхаррир: *O.Қанаев*

Дизайнер: *P.Ташматов*

Мусаҳых: *M.Холиқова*

Саҳифаловчи: *Г.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АI №270

Босишига 11.04.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Virtec Times UZ” гарнитурасида оғсет усулда босилди.
Нашр босма табоги 14,0 Адади 4000 Буюртма №25

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50

*Email: book@ijodpress.uz
www.IjodPress.uz*

Азамат ҚОРЖОВОВ

БОЗОР
ОШХОНДАСИДАГИ
КИЗ

ISBN 978-9943-994-92-8



9 789943 994928

